

Пауло Коэльо



ПОРТОВЕЛЛО ЖОДУГАРИ

ОНА – ТУШУНИШИ ШАРТ ЭМАС,
У СЕВИШИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШИ
КЕРАК, ХОЛОС.



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2017

УЎК: 821.512.133

КБК: 84.4 ингл.

К-54

Коэльо, Пауло

Портобелло жодугари: роман / Пауло Коэльо. Русчадан Шухрат Сатторов таржимаси. –Т.: Янги аср авлоди, 2017. – 256 бет.

ISBN 978-9943-20-293-1

Гарчи муҳаббат фарзанди бўлса-да, у ота-онасидан йироқда катта бўлди. Тўқис оила, асилзодалар муҳити, яхши мактаб... Бир фарзанд учун ҳақиқий ота-она нима қилиши лозим бўлса, лўли қиз – Ширинни боқиб олган оила ҳам унга керагича меҳр билан муносабатда бўлишди. Улғайгач, Шириннинг асли наслига қанчалик таъсир қилди? Умид билан вояга етказган Самира Халилга фарзандининг асранди эканлигини айтиш нима учун керак бўлди? Афина исми Ширин ҳаётига қанчалик дахлдор? Жодугарлик – қаҳрамоннинг ички ҳолатими ёки хоҳиши? Унинг сирли ўлими ортида яна қандай саноатлар яширин?

Мутолаа давомида ўқувчи жуда кўп саволлар қуршовида қолади, жавоблар ортидан яна жавоблар келиб чиқади, ўзини англамоқчи бўлган аёлнинг ҳаёт ва хаёл ҳақидаги ҳақиқатлари китобхон кўз ўнгида бор бўй-бастини кўрсатади...

УЎК: 821.512.133

КБК: 84.4 ингл.

Инглиз тилидан
Шухрат САТТОВОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-20-293-1

© Пауло Коэльо, «Портобелло жодугари». «Янги аср авлоди», 2017 йил.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

Чироқни ёқишдан мақсад, уни эшик ортига бекитиб қўйиш эмас. Равшанлик улашиб, одамлар ҳаётини ёритиш, зулмат қўйнида яшириниб ётган ғаройиботларни фош қилишдир.

У соҳибалик қилувчи энг олий куч бу – муҳаббат. Ҳеч ким Уни бу кучдан маҳрум қила олмайди.

Ҳеч ким Унинг орзуларини уларни вайрон қила оладиган кимсалар қўлига тутқазиб қўя олмайди.

Ёлғиз Унинг ўзи – Афинагина буларга қодир эди. Бошқа ҳеч ким.

Афинанинг ўлимидан узоқ вақт ўтиб, устози мендан Шотландияга қилинажак сафарига ҳамроҳлик қилишимни сўради. Престонпан шаҳарчасига қилинган саёҳат баробарида у билан бир қатор муҳим масалалар тўғрисида мулоҳазаларимизни ўртоқлашдик. Шаҳарда ҳали-ҳамон яшаб келаётган феодал тузум қолдиқларини жамиятдан тамоман супуриб ташлаш мақсадида, маъмурият XVI– XVII асрларда сеҳр-жоду билан шуғулланганларга расмий афвнома юборган экан.

Престоунгреж ва Долфинстоун Барон Суди вакилининг гувоҳлик беришича, улар шарпалар билан мулоқот ўрнатишган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, улар иблисни кўришган ва овозини эшитишган, суҳбат қуришган. Айни вақтда Инквизиция судининг қачонлардир нафрат ва қасос билан аланга олдирган гулханлари, тор ва зах қийноқхоналари ҳақида гапиршдан маъни йўқ. Бироқ, сафаримиз давомида Эдда гап-сўзларида бир неча бор шу масала юзасидаги



норозиликларини ифода қилди. Афвнома юборилган бу кишилар аллақачон шафқатсизларча жазоланган эдилар. Оқлов эса асрларга кечикканди.

– Аини дамда биз XXI асрдамиз. Сон-саноқсиз бегуноҳ инсонларни қириб ташлаган ҳақиқий жиноятчиларнинг насл-насабдилари ҳали-ҳамон ўзларини бегуноҳ деб билишади. Улар жамиятда фидойилардек кўринишга интилишади. Нимани назарда тутаётганимни биялпсанми, Хэрон?

Нима демоқчи эканлигини англаб турибман. Ерга ҳукмронлик қилиш учун замонавий жодугарлик ови бошланаётган эди. Бу гал инсонларни бўйсундириш учун қурол-аслаҳага ҳожат йўқ, уларни жиловлаб туриш учун масхара қилиш ва ҳиссизликнинг ўзи кифоя.

Ўзида илоҳий қобилият борлигини сезган ва буни айтишга журъат қилган истеъдод соҳиби аксарият ҳолларда ишончсизлик билан қарши олинади. Эътиборсиз қолиб кетади. Фикримга ойдинлик киритиш мақсадида, кимлардир турмуш ўртоқлари, фарзандлари ёки ота-оналари улар билан фахрланиш ўрнига, оилаларининг масхара бўлишидан хавфсираб, масаланинг аҳамиятли томонини унутиб қўя қолишларини мисол келтираман.

Афина билан учрашгунимча илоҳий қобилият одамларни лақиллатишнинг бир йўли эканлигига шубҳа қилмас эдим. Трансильванияга бориб, вампирлар ҳақида ҳужжатли фильм тайёрлашдан бош мақсадим ҳам одамларнинг ишонувчанликларини исботлаш эди. Қанчалик кулгили бўлмасин, хурофотга берилган худбин кимсалар ҳануз учрайди. Кўпчилик кўринмас шарпалар макони деб билган Дракула қасри сайёҳларга ҳақиқатга яқинроқ тасаввур бериш мақсадидагина таъмирланган эди. Ҳужжатли фильмда сарой ҳақида ҳам тўхталиб ўтишимизни эшитиб, ҳукумат расмийси ташриф буюрди. У, фильм Би-Би-Си орқали эфирга



узатиладиган бўлса, биз учун алоҳида мукофот ваъда қилди. Ҳукумат вакилининг тасавурида мен қаср ҳақидаги афсонани тарғиб қилаётган эдим. Бу эса одатдагидан каттароқ мукофотга лойиқ. Йўл бошловчилардан бири қасрга келувчилар сони йилдан йилга ортиб бораётганлигини айтди. Сайёҳларга қасрдаги дастурлар сохталиги, Влад Дракула афсонага дахли йўқ тарихий шахслиги, бу ердаги томошалар бу ҳудудга ташриф ҳам буюрмаган ирландиялик бир киши (Брам Стокер)нинг ёввойи тасаввурлари эканлиги таъкидланса-да, одамлар ўзларини алданишдан тўхтата олишмаяпти.

Шунда тушундимки, мен ёзаётган матн ортидаги мақсад ёлғонни фош қилиш бўлса ҳам, одамлар буни яхши тушунсалар ҳам, ҳаракатларим бесамар кетиши мумкин. Сабаби инсон бирор нимага ишонгиси келдими, ўзини бундан тўхтата олмайди. Ҳатто, бунинг ёлғонлигини сезиб турса ҳам. Шунинг учун менга гўё ёлғонга ўзим ҳам шерик бўлаётгандек туйилди. Йўл-бошловчи ҳақ: мен тасвирга олаётган ҳужжатли фильм жамоатчилиқнинг қизиқишини оширади, холос. Сафар ва тадқиқот учун анча-мунча маблағ сарфлаганимга қарамасдан, зудлик билан бу лойиҳанинг баҳридан ўтдим.

Шундай бўлса ҳам, Трансильванияга сафарим ҳаётимнинг унутилмас лаҳзалари бўлиб муҳрланди. Сабаби Афина билан биринчи маротаба шу ерда танишганман. У ўзининг туққан онасини қидириб юрган экан. Сирли, қайсар ва шафқатсиз тақдир хоҳиши билан биз кўримсизгина бир меҳмонхонанинг кўримсизгина залида юзма-юз келдик. Шу ерда ўзини «Эдда» номи билан аташларини хушлаган Дэдре ва Афина ўртасидаги илк суҳбатнинг шоҳиди бўлганман. Мағрур кўнглим ўз дунёимга тааллуқли бўлмаган аёл учун суст кетишни истамаса-да, унга тикилиб қолган эдим. Ғурур ўз маъносини йўқотиб, нигоҳ устун чиққанида,



мен мағлубиятни олқишладим. Бу – севиб қолганимнинг ошкора иқрори эди.

Шу севги қалбимни забт этиб, мен ҳатто борлиқда мавжудлигини билмаган урф-одат, фавқулудда ҳолатлар ва карахтликларга йўл бошлади. Шу муҳаббат туфайли сўқирга айландим. Шубҳаларимдангина шубҳаланмас эдим, холос. Бу ишқ мени фалаж ҳолатига солгани йўқ. Мен тубига етишга қодир бўлмаган океанлар қаърига фарқ бўлдим. Сурбет журналист ҳамкасбларимнинг фисқу фасод тўла фикрларига қарши чиққанимда ҳам, Афина ва унинг ишлари ҳақида ёзганимда ҳам шу муҳаббат лаззатидан қувватландим. Афина вафот этган бўлса-да, барча истакларимни унутишга мажбур бўлсам-да, бу муҳаббат ҳали-ҳамон ҳаёт. Ҳануз ундан куч олиб яшайман. Хаёлан бўлса-да, Афинанинг қўлларини ҳис қилиб дунёни ҳаракатлантиришга қодирман.

Бу боғлар, мана шу дарё ва тоғлар уники эди. У ҳар бир муаммо учун қайғуришга вақт топарди. У ҳозир йўқ. Аммо, мен ҳаммаси қандай бўлса, шундай қолишини хоҳлайман. Асосий диққатимни автомобиль йўллари муаммоси, Британиянинг ташқи сиёсати ва солиқ масалаларига қаратиб, жамиятни Афинанинг хавотирларидан огоҳлантирмоқчиман. Қолаверса, илм ва ирим-сиримлар ўртасидаги зиддиятларга барҳам бериш лозим. Илгариги фикримга қайтиб, ирим-сиримлар ва сеҳргарлик одамларни лақиллатишнинг йўли, буни тушунтириш учун илмда асослар йўқ эканлигини тан олсам, дейман.

Портобеллодаги учрашувлар изидан чиқиб кетганида, биз Афинанинг ўзини тутиши билан боғлиқ бир қанча далилларни айтиб, баҳслашиб кетар эдик. Энди эса ўшанда менга қулоқ тутмаганлиги учун ундан миннатдорман. Севимли инсонимиздан айрилганда таскинга зарурат сезсак, энг яхши далда бунда ҳам бир хосият кўриб, уни яхшиликка йўйишдир.



Уйқуга кетаётиб ҳам, тонгда кўз очганимда ҳам вужудимдаги биргина ишончни дилдан ўтказаман: Афина бу дунёнинг дўзахларидан воз кечиб, у дунёга рихлат қилишни маъқул деб топди. Бўлиб ўтган бир қанча ҳодисалардан сўнг одамлар унга «Портобелло жодугари» лақабини бергач, қалбида эндигина топган хотиржамлигини бошқа ҳеч қачон топа олмаслигига амин бўлиб, шу қарорни қабул қилган. У ҳаёт бўлганида шахсий орзулар ва умумий воқелик ўртасидаги зиддиятлардан кўпроқ азият чеккан бўлар эди. Бор қуввати ва шодлигини одамлар ҳали ишонишга тайёр бўлмаган ҳақиқатларни айтишга сарфларди. Бахтга қарши, булар унга фақатгина азоб келтирган бўлар эди.

Ким билади, балки, у ўзига бўронда кемаси ҳалокатга учраган жабрдийда сўнгги нафасигача орол излаб сузгани каби ўлимни қидиргандир. Тунлари ер ости бекатларида туриб, ўғри-муттаҳамларни кутган бўлса ажаб эмас. Ўлим топиш учун Лондоннинг энг хавфли кўчаларида ёлғиз кезган бўлиши ҳам мумкин. Балки асаби мустаҳкам, хафа бўлишни рад қилган кишиларнинг ғазабини қўзғашга ҳам ботингандир.

Охир-оқибат у излаганини топди. Ўлим тириклар учун сабоқдир. Маълум бир лаҳзалар оралиғидагина ҳаётимиздаги қадрли бўлган ниманидир йўқотамиз ва орзу-мақсадларимиздан воз кечишга тўғри келади. Тўғри, биз яна бир неча кун, ҳафта ёки йиллар яшаймиз, бироқ барибир барчамиз мағлубиятга ҳукм этилганмиз. Жонли танамиздаги юрак ўлим зарбасидан сўнг тин олади. Дунёдаги энг қабиҳ жиноят кимнингдир хотиржамлигини ўғирлаш, шод-хуррамлигини тортиб олишдир. Бу каби жиноятчиларнинг мақсади нима ёки уларни қаердан қидириш керак, бу бизга қоронғи.

Бу номсиз гуноҳкор гуруҳлар нима қилиб қўйганликларидан хабардорми? Бунга шубҳам бор, очиғи.



Сабаби, улар қанчалик такаббур бўлишмасин, калта-фаҳм ва заифдирлар. Улар ўзлари яратган дунёгагина ҳукмронлик қила оладилар.

Улар хурофотга берилган сўқирлардир. Афинанинг дунёсини англашга уларнинг онги батамом ожизлик қилади. Дарвоқе, буни шундай изоҳласак тўғри бўлади. «Афинанинг дунёси!» Мен эса охириги вақтларда бу оламнинг вақтинчалик ижарачиси бўлганлигимга ўзимни ишонтиришга ҳаракат қиляпман. Бошқалар каби бу оламда менинг ҳам ўзимга тегишли данғиллама кошонам бўлган. Мазали таомлардан менинг ҳам нафсим қаноатланарди. Аммо мен бу шоҳона ҳаёт бошқа бир кишига тегишлилигидан, бир куни чироқлар ўчиб, хўжайин уйқуга кетиб, хизматкорлар кулбаларига равона бўлишларидан, ўзим илгариги каби яна кўчада такси кутишга мажбур бўлишимдан хабардор эдим.

Орқага қайтпман. Тўғрироғи, вужудимнинг бир қисми биз кўра оладиган, қўл теккизиб, ҳис қила оладиган ва тушунадиган оламга қайтмоқда. Мен чипталарни тезроқ олишнинг имкони бўлган, мижозлар банк ходимлари билан тортиша оладиган, қўрқинчли фильмлар, об-ҳаво ва «Формула-1» мусобақалари ҳақидаги норозиликлар авж олган дунёга қайтишга ошиқпман.

Бу ҳаётимнинг қолган қисмида умргузаронлик қилишим мумкин бўлган ягона борлиқдир. Турмуш қураман, фарзандларим бўлади, ўтмиш олисдаги хотирага айланиб, ҳаётим сўнггида ўзимдан биргина саволга жавоб излашимга мажбур қилади: қандай қилиб шунчалар сўқир ва доно бўлган эканман?

Яна шуни ҳам биламанки, вужудимнинг яна бир бўлаги тунлари фазода кезади, у ердаги мавжудликлар билан алоқага киришади. Олдимда турган тамаки қутиси ёки бир шиша жим (ароқ тури) қанчалар воқелик бўлса, улар ҳам шундай мавжуд. Менинг қал-



бим Афинанинг қалби билан рақсга тушади. Ухлаётганимда ёнимда у бўлади. Бағридан терлаб уйғонаман ва сув ичиш учун ошхонага чиқаман.

Ортга қайтганимда фаҳмлайманки, арвоқларга қарши курашмоқчи бўлсанг, қуролинг воқелиқдан олинмаслиги шарт. Шунга қарамасдан, бувимнинг маслаҳатларига ҳам амал қилиб, бехайр тушимни кесиб ташлаши учун ёстиғим остига қайчи қўйиб ухлайман. Балки ўша тонг қайчига пушаймонлик билан қарасам ҳам ажаб эмас. Лекин бу дунёда яна қайта яшамоқ учун уни қабул қилишим керак!

АНДРЕА МАККЕЙН, 32 ЁШДА, АКТРИСА

«Ҳар бир инсоннинг маънавий эркинлиги унинг ўзига тегишли. Таъсир ўтказиб, уни бошқаришга ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Вақти-соати келиб, кимдир биров ундан фойдаланганлиги ҳақида жар солса ҳам, аслида алоқаларнинг бошиданоқ жабрдийда бундан хабардор бўлади».

Бу – Афинанинг фикри. Бироқ у ўз қарашларига амал қилмас эди. Афина менинг туйғуларим билан ҳисоблашмасдан, мендан ўзига керагича фойдаланган ва таъсир ўтказган. Гап сеҳр-жоду ҳақида бораётганини инобатга олсак, Афинанинг айби яна ҳам жиддийлашади. Аввало, у менинг устозим. У ғойибадаги кучлар билан алоқа ўрнатиб, сеҳр-жоду билан шуғулланганликда айбланган. Бу оламни фаҳмлашга ожиз онгимизни кўр-кўроналик билан бизга йўл бошлаганларга тошширдик. Биз уларни ўзимиздан донороқ эканликларига шубҳа қилмаган эдик.

Энди эса мен уларнинг билимлари аслида бизникидан ҳам заифроқ эканига кафилман. На Афина, на Эдда ёки шу доирадаги мен кўрган бирор инсонни доно дейиш мумкин. Бошида, Афина менга ўқитиш



орқали ўзи ҳам ўрганиб боришини айтганди. Дарров ишонганим йўқ. Кейинчалик, балки, у ҳақдир деган қарорга келиб, унга эргашдим. Сўнгра тушуниб етдимки, бу унинг найрангларида бири. Шу орқали у ишончимизга кириб олади ва ўз латофати билан сеҳрлаб, таслим қилади. Илоҳий кучни қидирганлар бунинг натижаси ҳақида кўп ҳам қайғурмайдилар. Улар омма орасида ўзларини қудратли ва устун деб ҳис қилишни хоҳлашади. Ҳаммадан ажралиб туришни исташади. Афина эса бошқаларнинг туйғуларини масхара қилишда тамомила ваҳшиёна усулни танлади.

Билишимча, Лизижюкслик Авлиё Терезага нисбатан Афинанинг ҳурмати чексиз эди. Католиклар эътиқоди қизиқишларим доирасидан ташқарида бўлгани боис бунга қизиқиш билдирганим йўқ. Аммо, эшитишимча, Авлиё Тереза батамом сўфийликка берилиб, Худо билан жисмонан қовушган эмиш. Гапларининг бирида Афина ҳам худди шундай тақдирдан умидвор эканлигини таъкидлаган. Бунинг учун эса у, аввало, аёллар монастрига кириб, ўзини бутунлай тоат-ибодатга ёки фақирлар хизматига бағишлаши керак экан. Назаримда, унинг шу орзуси унга ярашарди. Аммо у йўлидан чалғиди. Одамларни рақсга тушириб, уларни ақл бовар қилмас ҳолатга солиш унинг фожиаси бўлди.

Ҳаётимга мазмун бахш этиш мақсадида тентираб юрган кезларим Афина ҳақида эшитдим ва маънавий устозга муҳтожлигимни англадим. Биринчи учрашувдаёқ ҳаётимнинг бўш ва мазмунсизлиги уни заррача бўлса ҳам қизиқтирмаган. Буни ўшандаёқ сезишим керак эди. У яшашни, ҳолдан тойгунча рақсга тушишни, саёҳат қилишни, атрофига одамларни тўплаб, ўз донолиги ва ноёб қирраларини кўз-кўз қилишни хуш кўрарди. Дин ҳақидаги тасаввурлари умумий бўлса-да, атрофдагиларга диний эътиқодлари тўғрисида ортиқча қайғурмаслигини уқтирарди.



Бирор бир сеҳргарлик маросими ёки ичиш баҳона-сида учрашганимизда ундаги кучни ҳис қилар, гўё қўлларим билан бу кучни пайпаслаётганга ўхшар эдим. Дастлаб унга астойдил интилдим, Афина каби бўлишга ҳаракат қилдим.

Кунларнинг бирида қаҳвахонада йигитим, Афина ва мен суҳбатлашиб ўтирганимизда, Афина жинсий алоқага доир маслаҳатлар баён қилинган «Учинчи удум» китоби ҳақида сўз очди. Йигитимни унинг гап-сўзлари маҳлиё қилиб қўйгани ғашимга тегарди. Унингча, устоз сифатида менга ниманидир ўргатаётганлиги уни оқлаётган эди. Менимча эса Афинанинг мақсади мен севган инсонни йўлдан оздириш бўлган.

Ва, ҳақиқатан ҳам, у ўз мақсадига эришди.

Марҳумларнинг ёмон хислатларини эслаш яхши эмас, албатта!

Шунга қарамасдан, Афинанинг ҳаётимда тутган аҳамияти у қадар катта эмас. Назаримда, у ўзининг нафсоний ҳузурига қул бўлган истеъдодини маънавий баркамоллиги ҳамда инсоният учун сарф қилганида яхши тадбир бўлган бўлур эди.

Ўз-ўзини кўз-кўз қилишни заруратига айлантирмаганида, биргаликда бошлаган ишларимиз хосиятли якун тошган бўларди. Ҳар нарсага мулоҳаза билан ёндашганида, биз ишонган ва умидвор бўлган вазифалардан кўнглимиз мамнун бўлармиди? Аммо Афина ўзини назорат қила олмади. У ўзини «ҳақиқатнинг ўйнаши» деб билди ва истаган нарсасига фақатгина ҳийла билан эриша оламан, деб ўйлаб хато қилган эди.

Охир-оқибат нима бўлди? Уни тарк этдим. Аммо ишни охирига етказмай аро йўлда ташлаб кета олмадим – шогирдлигимча қолдим. Баъзан ўзимни жуда ночор ва умидсиз ҳис қилсам-да, охиригача курашиш кераклигини унутганим йўқ.



Афинанинг даҳшатли ўлими мени ҳайратга солмади. Ҳаммаси қандай тугаган бўлса, гўё шундай бўлиши керакдек эди. У ҳар доим хатар билан ўйнашарди. Айтишларича, киришимли, шинаванда кишилар одамови феълдагиларга қараганда ўзларини бахтсизроқ ҳис қилишар экан. Аммо буни ўзлари тан олмасликлари эвазига ҳаётга маълум бир қурбонликлар қилишади. Унинг ҳолатида ҳеч бўлмаса шу тамомила тўғри фикрдир. Бу ҳеч бўлмаганда Афина ҳақидаги тамомила тўғри фикрдир.

Афина ўз гўзаллигига маҳлиё эди ҳамда у ўзининг бу қусури билан севганлардан фойдаланди.

Шу жумладан, мендан ҳам.

ДЕДРЕ ОЪНЕЙЛ, 37 ЁШДА, ШИФОКОР, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШҲУР

Биз умуман танимайдиган эркак бизга қўнғироқ қилиб, қисқагина суҳбатлашиб, барча каби оддий, илтифотсиз гапирса-ю, лекин биз камдан-кам соҳибаси бўлгувчи эътиборга ўхшаган нимадир инъом қилса, ўша куниеқ у билан бир тўшақда ётишдан тортинмаймиз. Ёнида муҳаббат ҳис қилишимиз учун арзимаган эътибор ҳам кифоя. Бу аёллар қадрлайдиган ягона тухфадир. Аёл ўзининг бор-йўғини шунчалар осонлик билан муҳаббатга алишади.

Ўн тўққиз ёшимда Роҳиба Она (аёллар монастири бошлиғи) билан рўй берган биринчи тўқнашувимда кўнглимда уйғонган туйғулар ҳам шу муҳаббат каби покиза эди. Афина ҳам рақсга тушаётиб, илк маротаба транс ҳолатига¹ тушганда ўн тўққиз ёшда бўлган. Биздаги ягона умумийлик биргина шу – бир ёшда илоҳий ишққа қадам қўйганимиздир.

¹ Зўр хурсандчилик, гипноз ёки жазава вақтида асабларнинг жуда қўзғалиб кетиши, миянинг карахт ҳолати.



Бошқа ҳар жиҳатимиз, нуқтаи назаримиз, одамларга бўлган муносабатларимиз батамом фарқлича. Ботиний изланишларида муваффақиятга эришиб, ўзини англашида устози сифатида ҳар доим энг яхши сабоқларимни бердим. Унга нисбатан туйғуларим дўстона эдими ёки йўқ – бу ҳали ҳамон ўзимга ҳам қоронғу. Аммо дўст сифатида, унга у кўтариб чиқмоқчи бўлган ўзгаришларни, ахборотларни англашга дунё ҳали тайёр эмаслигини қайта-қайта уқтирдим. Қалбининг хоҳиш ва эҳтиёжига эргашиб, ўз ҳаракатларига мутлақ эркинлик бергунигача ўтган бир неча кунги бедор тунлар ҳануз ёдимда.

XXI аср одами бўла туриб, XXI асрда яшаётгани ва ўз фикр, ахборотларига воқелиқдан далиллар топиб бера олмаганлиги унинг жиддий муаммоси эди. У ўзининг шиддатли шахсияти ва ҳис-туйғуларини жилловлай олганида, жамиятда яна ҳам кўпроқ аҳамиятга эга бўлган бўлар эди. Қайғу ва умидсизликдан азият чекканлигидан бўлса керак, доимо бошқаларнинг у тўғрисидаги фикрлари билан қизиқарди. Уни ёмон кўришларидан чўчиб келган. Доим, аввало, бу масалаларга ечим топиб, сўнгра ўз орзулари учун яшамоқчилигини қайта-қайта такрорлар, шарт-шароитнинг қониқарсизлигидан арз қилар эди.

Ҳар кимнинг мақсади унга керак бўлган билимларни ўргатадиган комил устоз топишдир. Гарчи илм ўргатмоқлик илоҳийдан юқтирилган бўлса-да, устоз ҳам одам наслидандир. Кўпчилик айнан шуни қабул қила олмайди. Сабоқ ва устозни, ишора билан ишора берувчини, адаштирмаслик лозим. Анъана ва удумлар одамларга эмас, улардаги иллатларга қарши курашишда бизга ёрдам беради. Кимнингдир ҳасадгўйлиги учун уни жазолаш шарт эмас. Ахлоқ билан бу кучни йўқ қилиш керак. Лекин барибир ожизмиз.



Биз Парвардигордан бекаму кўст ҳаётга олиб бо-
радиган йўл сўраймиз. Бироқ йўлдаги белгиларга
эргашмасдан туриб, мақсадга эриша олмаймиз.

Озодлик гаштининг таъмини тотмай, ўз устози-
нинг қарашларига суяниб қолган шогирдга ачиниш
керак, холос. Масъулиятни ўзгаларга юклаб қўй-
ганлар эса доимо ҳаёт қувватидан қуруқ қолишган.
Бизнинг Ер сайёрасидаги давримиз жуда ҳам азиз
ва муқаддас. Унинг ҳар лаҳзасини шукроналик
билан нишонлашимиз лозим. Одамлар кундан-кун
бунинг аҳамиятини унутишмоқда, назаримда. Ҳат-
токи диний байрам кунлари ҳам соҳил бўйига ёки
истироҳат боғларига бориб ҳордиқ чиқариш урфга
кирди. Жамиятда урф-одат тушунчаси аҳамиятини
йўқотмоқда. Илоҳийлик йўқолиб, ҳиссиизлик авжига
чиқяпти. Овқатни меҳр билан тайёрлаш ўрнига, биз
вақтимизни беҳуда сарфлаётганимиздан нолиймиз.
Бор маҳоратимизни бериб, Яратганнинг қувватидан
илҳомланиб ишлаш ўрнига, меҳнатнинг одамзодга
теккан лаънатлигига ишонамиз.

Афина янги бир оламни кўрсатдики, одамлар бун
англашга тайёрми-йўқми, барчамиз шу оламни кўнг-
лимизда асрашимиз зарур.

Биз – аёллар ҳар қачон ҳаётимиздан маъно қидир-
ганимизда, ўзимизни доимо тўртга типик тимсолнинг
бири билан солиштирамиз.

Бокира (бу ерда биологик ҳолат ҳақида гап ке-
таётгани йўқ) ўзини кашф қилишда эркинлигидан
фойдаланади. Барча ўрганганлари қийинчиликларга
қарши ёлғиз, мардонавор курашиш қобилиятининг
маҳсулидир.

Жафокаш азоб-уқубат ва заҳмат билан ўқиб-ўрганиб
ўз йўлини топади.

Авлиё чексиз муҳаббат ва миннатсиз ҳотамтойликда
ҳаётнинг маъносини топади.



Ва ниҳоят, жодугар – умрини батамом нафс ва кайф-сафоларга бахшида қилади.

Одатда аёл дунёсида мана шу тўрт намунадан бири намоеён бўлади. Аммо Афина бир вақтнинг ўзида буларнинг ҳаммаси эди.

Транс ҳолатига тушиб, илоҳийлик ҳис қилганларнинг бари воқеликдан йироқлашиб кетишини шубҳасиз, тасдиқлашимиз мумкин. Шу маънода, унинг феъл-атворини тушунса бўлади. Моддийлик ва илоҳий бир нарса, деган фикр нотўғри. Гарчи ойнадаги чангнинг ҳар бир заррасида илоҳийликни кўрсак-да, бу илоҳийлик уни нам сочиқ билан артиб ташлашдан тўхтата олмайди. Сабаби бу билан илоҳийлик йўқолмайди, балки шишанинг покиза сиртига айланади.

Афина яна ҳам аҳтиёткор бўлиши зарур эди. Шогирдимнинг ҳаёти ва ўлими ҳақида чуқур мулоҳаза юритганимда, ўзим ҳам ҳаётга нисбатан муносабатимни ўзгартирсам бўлар эди, деб ўйлайман.

ЛЕЙЛА ЗАЙНАБ, 64 ЁШДА, РАҚАМШУНОС

Афина! Нақадар пурмаъно исм! Келинг, биргалашиб кўриб чиқамиз. Унинг юқори рақами тўққиз. Ижобий руҳдаги, киришимли ва дилкаш инсон. Омма орасида ажралиб туради. Одамлар уникига билим излаб ҳам, унга ачинганликларидан ҳам, ёки сахийликларидан боришади. У жуда ҳам аҳтиёткор бўлиши зарур. Акс ҳолда, машҳур бўлишга мойиллик унинг бошига етиши ва топганидан кўра, кўпроқ ютқазishi турган гап. Ўз тилига ҳам аҳтиёт бўлиши керак. Чунки бу каби инсонлар одатда буйруқ беришни яхши кўришади.

Унинг паст рақами ўн бир эканлигидан ҳис қилиб турибманки, у ўзини раҳбарлик мавқеига ҳақли деб билади. Ўзи қизиққан тасаввуфий қарашлар билан атрофдагиларга хотиржамлик улашишга ҳаракат қилади.



Унинг туғилган йили, ойи ва куни йиғиндисининг юқори рақами ва паст рақами ўртасида фарқ мавжуд. Бу – Афина доимо ҳасадгўйлар учун мавзу дегани. Хафақонлик, одамовиликка тутқун ҳам бўлиши мумкин. Ҳаддан ташқари шуҳратпарастлик, муросасизлик ва иззатталаблик каби салбий таъсирлардан ўзини тийиши лозим.

Шу сабабли унга ҳиссиётлардан узоқроқ бўлган, мисол учун, компьютерлаштириш ёки инженерлик соҳалари билан шуғулланишни маслаҳат берган бўлар эдим.

Хўш, яна шуни айтиш мумкинки, вой Худойим! У оламдан ўтганми? Мени кечиринг. Нима айб қилган?

Афина нима айб қилган? У ҳамма ишдан оз-оз бажариб кўрди. Агар унинг ҳаётини бир ерга жамлаб, хулоса чиқарадиган бўлсам, айтишим мумкинки, у табиат кучларини тушунган коҳин эди. Тўғрироғи, у бошқалар журъат қилмаган қалтис ишга таваккал қилиб, охир-оқибат ўзи бошқаришга уринган кучларга айланган аёлдир.

Банк ишчиси, супермаркетда касса назоратчиси ёки мол-мулк даллоли ва ҳоказо, қаерда ишламасин, у ботинан, ич-ичидан аввало художўй эди. У билан саккиз йил бирга эдим. Хотираси ва шахсиятини қайта тиклашни бурчим деб билдим.

Бу баёнларни йиғишда энг машаққатли иш қаҳрамонларни ҳақиқий исмлари билан беришга кўндириш бўлди. Кимлардир бу каби ҳодисаларга тааллуқли китоб саҳифаларига муҳрланишни хоҳламаса, бошқалар ўз ҳиссиётларини бекитишга уринишди. Мақсадим, Афинани нотўғри тушунганларга уни очиб бериш, муаллифи номаълум иншоларга ўқувчилар ишонмаслигини уларга айтдим.

Шундагина улар розилик билдиришди. Чунки қанчалик аҳамиятсиз ёки арзимас бўлмасин, улар Афина билан боғлиқ ҳодисаларнинг гувоҳи бўлишган



ва воқеа тафсилотларини далиллар билан энг холис ёзишларига ишонар эдилар. Баёнларни диққат билан кўздан кечириб билдимки, бу ҳаётда ҳеч нарса мутлақ эмас экан. Бу ҳар бир шахснинг идрокига боғлиқ мушоҳада. Ва ким эканлигимизни билишнинг маъқул йўли бошқаларга мурожаат қилиб, биз ҳақимиздаги тасаввурларини билишдир.

Бу – бошқалар биздан нимани кутса, шуни қилишимиз керак дегани эмас. Шунчаки, уларнинг фикри ўзимизни тушунишимизга ёрдам беради.

Унинг афсонасини яратиш ҳамда у ҳақида ёзиш Афинанинг олдидаги қарзим эди.

САМИРА Р. ХАЛИЛ, 57 ЁШДА, УЙ БЕКАСИ, АФИНАНИНГ ОНАСИ

Уни Афина деб чақирманг, илтимос! Унинг ҳақиқий исми Ширин. Бизнинг севимли, жондан азиз, узоқ кутган Ширин Халил. Унга ҳомиладор бўлишимни мен ҳам, эрим ҳам жуда хоҳлаганмиз. Истак ва Тақдир бир-бирига зид келган бўлса-да, ҳаётнинг режалари бизни ўз саҳийлиги билан сийлади.

Барча Ўрта Шарқдаги энг гўзал шаҳар сифатида Бейрутни таъриф қилган бир даврда биз шу ерда яшар эдик. Эрим омадли саноатчи эди. Биз севишиб турмуш қурганмиз. Оиламизнинг европалик дўстлари кўп эди. Ҳар бир аҳамиятли ижтимоий тадбирларга таклифнома олар эдик. Америка Қўшма Штатлари президентининг шахсан ўзи бизникига ташриф буюрган. Бир тасаввур қилиб кўринг-а! Унутилмас уч куннинг икки кунда хавфсизлик хизмати ходимлари уйимнинг ҳар бир нуқтасини текширишди (Улар тиламчи ёки ошиқлар қиёфасига кириб, бу ҳудудда текширишларни бир ой олдин бошлаган бўлишлари ҳам мумкин). Ва қолган бир кун, тўғрироғи, икки соат



байрам қилдик. Дўстларимиз нигоҳидаги ҳасадни ва сайёрамиздаги таниқли одам билан суратга тушиш ҳаяжонини ҳеч қачон унутмайман.

Айтмоқчиманки, ҳамма нарсамиз бор эди. Фақатгина фарзанддан бўлак. Демакки, ҳеч нарсамиз йўқ экан.

Мўъжизалар рўй бериши кафилланган зиёратгоҳларга бориб, ваъдалар бердик, қасамлар ичдик, нимаики бўлса, ҳаммасини қилдик. Шифокор, табибларга учраб, дори-дармону шифобахш эритмалар, сеҳрли дамламалар ичдик. Икки маротаба сунъий уруғлантирилдим. Иккаласида ҳам ҳомилам нобуд бўлди. Иккинчисида чап тухумдонимдан айрилдим. Шундан сўнг бирорта шифокор бу ишга таваккал қилишга ботина олмади.

Шундан сўнг аҳволимиздан хабардор дўстларимиз энг қулай йўл – бола асраб олишни маслаҳат беришди. Улардан бири Руминияда танишлари борлигини, у ерда бу жараён кўп вақт олмаслигини айтди.

Бир ой ўтиб, Руминияга учдик. Оиламиз дўстининг бу давлат раҳбари, номи хотирамдан фаромуш бўлибди, билан шахсий олди-бердиси бор экан. Шу сабабли барча расмиятчиликларни четлаб ўтиб, тўғри Трансильванияга, Сибюда жойлашган болаларни асраб олиш марказига бордик. Бизни қаҳва билан меҳмон қилиб, тамаки ва сув таклиф қилишди. Сўнгра имзоланган, муҳр босилган қоғозларни келтиришди. Биз учун биргина иш – фарзанд танлаш қолди.

Бизни зах ҳиди анқиб турган, жуда ҳам совуқ хомага бошлаб киришди. Гўдакларни бу каби шароитда қолдиришни тасаввуримга сиғдира олмас эдим. Кўнглимдан ўтган биринчи туйғу уларнинг барини асраб олиб, серқуёш ва эркин Ливанга олиб кетиш бўлди. Шубҳасизки, бу хомхаёл эди. Тартиб билан терилган аравачалар оралаб юрдик. Гўдаклар тинмай йиғлашар, асраб олиш тўғрисидаги қароримиздан ваҳимага тушаётган эдилар, гўё.



Чамаси бир соатлар на мен, на эрим бир сўз демадик. Ташқарига чиқиб қаҳва ичдик, тамаки чекиб яна ўша хо-нага кирдик. Бир неча бор шу ҳол такрорланди. Масъул аёлнинг бетоқат бўла бошлаганини сездим. Шу маҳал оналарга хос сезги билан гўдакларга назар солдим.

Бошқа онанинг қорнидан тушган қайси бола менинг жигарбандим бўлиши мумкин эди, деган туйғу билан ажралиб турган бир қизалоқни кўрсатдим.

Масъул аёл қайта ўйлаб кўришимни маслаҳат берди. Қароримни ўзгартиришимни жуда хоҳлаб тургани унинг кўзларидан аён эди. Бироқ мен қароримда собит қолдим.

Шунга қарамасдан, ҳиссиётларимни ҳурмат қилган ҳолда (у бизни Руминия ҳукуматининг юқори лавозимдаги мансабдорлари билан алоқаси бор, деб ўйлар эди) қулоғимга шивирлаб, қарорим яхшиликка олиб келмаслигини, бу гўдак лўлининг қизи эканлигини айтди.

Бу ирсият билан ўтадиган маданият эмаслигини унга тушунтирдим. Нар и борса уч ойлик чақалоқ бизнинг қизимиз бўлиб, бизнинг урф-одатларимиз бўйича улғайиб, вояга етиши мумкин-ку! У биз борадиган черковда ибодат қилиши, биз дам оладиган соҳилларда ҳордиқ чиқариши, француз тилидаги китобларни ўқиб, Бейрутдаги Америка мактабида таҳсил олиши мумкин. Қолаверса, лўлилар маданияти ҳақида ҳеч нима билмас эдим, ҳануз бундан хабардор эмасман. Бор-йўғи билганим – уларнинг кўп саёҳат қилишлари, онда-сонда ювинишлари, ишончсиз кишилар бўлиб, зирак тақишларидир. Афсонага кўра, улар болаларни ўғирлаб, ўз карвонларида олиб юришар экан. Лекин айни дамдаги ҳолат тамоман бунинг акси эди. Улар асраб олишим учун бир бегуноҳ гўдакни менга ташлаб кетишган.

Масъул аёл яна бир бор фикримдан қайтаришга уринди. Мен қоғозларга имзо қўйиб, эримни ҳам шунга ундаётгандим. Бейрутга қайтаётиб, дунё кўзимга



бошқача туйилди, назаримда. Бу ғам-қасрат тўла ҳаётда курашиш учун Худо менга сабаб ато қилди. Энди яшашдан мақсадимизни эслатиб турадиган дилбандимиз бор.

Ширин оқила ва гўзал бўлиб улғайди. Ўз фарзанди ҳақида барча оналар шу фикрда – буни биламан. Аммо Ширин фавқулоддаги бола эди. У беш ёшга кирганида, бир куни акаларимдан бири унинг исмини ўзгартиришни маслаҳат берди. «Келажакда у хорижда ишлашни хоҳлаб қолса, унинг исми келиб чиқишини фош қилиб туради», дея изоҳлашди ҳамда унга Афина деб ном қўйишни таклиф қилдилар. Ва ҳозир, биламанки, Афина нафақат Юнонистоннинг пойтахти, балки юнонларда донишмандлик ва уруш худосининг ҳам номидир.

Акам арабча исм худди бизга бўлганидек, келажакда қизимга ҳам сиёсий чигалликлар олиб келишини сезган ва олисдаги қора булутларни кўра олган эди. Ҳаммамизни ҳайратга солгани, Ширинга бу исмининг оҳанги ёқиб қолди. Ўша кундан бошлаб у ўзини Афина ҳисоблай бошлади ва бошқача бўлишга уни ҳеч ким кўндира олмасди. Буни ўткинчи эркалик деб билиб, лақабни қабул қилдик.

Исм инсон ҳаётига таъсир ўтказиши мумкинми? Вақт ўтиб унинг исми жисмида ҳам намоён бўла бошлади.

Ёшлигиданоқ ундаги динга мойиллик жуда кучли эканлигини фаҳмладим. У бор вақтини черковда диний қўшиқлар куйлаш билан ўтказарди. Бир вақтнинг ўзида бу ҳам Олий мукофот, ҳам қарғиш эди. Диний бўлинишлар авж олаётган дунёда қизимнинг хавфсизлигидан ташвишлана бошладим. Биз қатнай-диган черковда унинг аллақандай кўринмас дўстлари – фаришта ва авлиёлар борлигини болаларга хос беғуборлик билан айтганида, ташвишим янада ортди. Болаларнинг ўзларига хос тасаввурлари бўлиши тур-



ган гап. Муайян ёшдан сўнг буни унутишади. Улар қўғирчоқ ва юмшоқ ўйинчоқларни жонли деб билишгани учун ҳам шундай муносабатда бўлишади. Бир куни Ширинни мактабдан олиб қайтаётиб сездимки, ундаги илоҳийлик яна ҳам чуқурлашиб боряпти. Ўша куни у менга кўзига Биби Марям каби оппоқ кийинган аёл кўринганини айтди.

Табиатан фаришталар борлигини инкор қилмайман. Ҳаттоки уларнинг гўдаклар билан суҳбатлашишига ҳам ишонаман. Аммо гўдакка турли-туман тасвирлар кўринаётган экан, бу – бошқа масала. Оппоқ кийинган аёлни кўрганларнинг ҳаёти охир-оқибат фожиа билан тугаганлиги ҳақида кўп эшитганман. Сабаби кўпчилик улардан мўъжизалар кутишади. Узоқлардан уларни излаб келиб, зиёратгоҳлар ва черковлар барпо этишади. Дин руҳонийлари вазиятни қўлга олишади. Ёш гўдаклар умри монастир ва етимхоналарда якун топади.

Шу сабабли бу ҳодисадан қайғуга ботдим. Ширин қўғирчоқлари учун кийим тикиб, тирноқларини бўяйдиган ва телевизорда болалар дастурларини кўрадиган ёшда эди. Қизимга нимадир бўлаётганини билиб, мутахассисга маслаҳат солдим.

– Толиқиш, – деди у.

Мутахассислиги болалар руҳшуноси бўлган бу педиатр ва шу соҳадаги шифокорларнинг изоҳлашича, кўринмас дўстлар бола орзуларининг тасвиридир. Уларга ёрдам беришнинг хавфсиз йўли – хоҳиш-истакларини билиш ва ҳиссиётларини ифодалашга кўмаклашиш экан.

– Тўғри, лекин оппоқ кийимли аёл тасвири-чи?

Шифокорнинг айтишича, Ширин дунёни кўриш ва англашда бизнинг нуқтаи назаримизни тушунмаган ҳам бўлиши мумкин. Унинг маслаҳатига кўра, Ширинга унинг асраб олинганлигини айтиш учун се-



кин-аста замин тайёрлаб боришимиз лозим. Агар буни кейинчалик ўзи билиб қолса, ҳаммадан шубҳаланади, феъл-атворида ғайриоддийлик рўй беради.

Шундан кейин унга нисбатан муомаламизни ўзгартирдик. Уни қанчалик севишимизни, бошқа мавҳум дунёдан паноҳ излашига ҳожат йўқлигини кўрсатишга ҳаракат қилдик. У кўз олдидаги борлиқ етарлича гўзал эканлигини, ота-онаси уни ҳар қандай хавфдан ҳимоя қила олишини, Бейрутнинг сеvimли ҳамда серқуёш шаҳарлигини билиши лозим эди. Оппоқ кийимли аёлни эслатмаган ҳолда вақтимни кўпроқ қизимга ажрата бошладим. Имкони бўлди дегунча, унга меҳримни изҳор қилардим.

Муайян режаларимиз самара берди. Эрим асосан иш сафарларида бўлгани сабабли, Ширин уни соғинарди. Азбаройи қизини яхши кўрганидан отаси иш режаларига бир оз ўзгартиришлар киритди. Шириннинг якка-ёлғиз суҳбатлари ўрнини ота, она ва қиз ўртасидаги ўзаро қизиқарли ўйинлар эгаллади.

Ҳаммаси рисоладагидек эди. Бир кун тунда у хонамизга қўрқувдан дир-дир титраб кирди. Ўзини кўз ёшидан тўхтата олмай, ёнгинасида дўзахни кўрганлигини айтди.

Уйда ёлғиз эдим. Эрим яна хизмат сафарига кетишга мажбур бўлган эди. Бу Шириндаги руҳий тушқунликнинг оқибати, деб ўйладим. Лекин нега дўзах? Мактабда ёки черковда улар нимани ўрганишпти? Кейинги кун қизимнинг мактабига бориб, ўқитувчиси билан гаплашиб кўришга қарор қилдим.

Қанча овутмай, Ширин йиғлашдан тўхтамади. Уни дераза олдига олиб бориб, тўлин ой ёритиб турган Ўрта Ер денгизини кўрсатдим. Унга бу ерда шайтонлар йўқлигини, устимизда юлдуз ва ой, пастда эса хиёбонларда одамлар сайр қилиб юрганини айтдим. Бироқ унинг йиғиси ва титроғи босилмади.



Ярим соатлар чамаси уни овутишга ҳаракат қилиб ўзимнинг ташвишим ортди. Қаршисида тиз чўкиб ёлвордим. Энди Ширин улғайиб қолган эди. Балки унда илк ҳайз даври бошлангандир, деб ўйлаб, эҳтиёткорлик билан қон кетган-кетмаганлигини сўрадим.

– Жуда ҳам кўп, – деди Ширин.

Момиқ пахта олиб «чўзилгин» дедим. Бу унчалик муҳим эмас эди. Кейинги кун ҳам бунини тушунтирсам бўларди. Лекин унда ҳали бу давр бошланмаган экан. Ширин яна бир оз йиғлаб турди-да, чарчаган бўлса керак, уйқуга кетди.

Тонг қонли бошланди.

Шаҳарда тўрт киши отиб кетилган эди. Бу мен учун гуруҳлар ўртасидаги доимий рўй берадиган одатий тўқнашув, Ширин учун эса ҳеч нима. Сабаби у ўзининг босинқирашини эслай ҳам олмайди, ҳатто.

Ўша кундан бошлаб ҳақиқатан ҳам дўзах яқинроқ кела бошлади. Шаҳар дўзах қиёфасига кирди. У ҳали-ҳануз узоқлашгани йўқ. Тўрт кишининг қотилларига жавоб сифатида ўша куни автобусда 26 фаластинлик ўлдирилди. Йигирма тўрт соатдан сўнг эшитилаётган ўқ овозларидан кўчада юришга юрак бетламас эди. Мактаблар ёпилди. Ширинни ўқитувчиларидан бири шошилинич уйга ташлаб кетди. Аҳвол ёмонлашгандан-ёмонлашди. Эрим хизмат сафарини бекор қилиб, кун бўйи уйда ҳукуматдаги дўстлари билан телефонда хабарлашиб турди. Ҳеч кимдан тайинли гап чиқмади. Ширин ташқаридаги ўқ товушларини ва ичкарида отасининг асабий бақир-чақирларини эшитди. Буларга у ҳеч қандай муносабат билдирмаганидан ажабландим. Бу нотинчликлар барҳам топиб, яна хотиржам кунлар бошланишини тушунтирмоқчи бўлганимда, у ўқиш учун китоб сўрар ёки флейта чалишни баҳона қиларди. Дўзах нишо-



налари намоён бўлаётган бир вақтда, Афина ўзини ўқиш ёки мусиқа тинглаш билан чалғитар эди.

Қарши бўлмасангиз, бунга батафсил тўхталмоқчи эмасман. Биз тортган уқубатлар, ким ҳақу ким ноҳақлиги ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасман. Бир неча ой ўтиб аҳвол шу даражага етдики, атрофдаги бирор бир кўчанинг нариги тарафига ўтиш учун олдин Кипр оролига бориб, сўнгра фақат кема билангина ўша ерга келиш мумкин эди.

Биз ичкарида бир йилга яқин вазиятнинг изга тушиб кетишидан, бу ўткинчи тартибсизликлар бўлиб, тез орада ҳукумат назоратни қўлга олишидан умидвор бўлиб яшадик. Бир куни тонгда Ширин чўнтак плейериди мусиқа тинглаб, рақсга тушаётиб, «Бу ҳали узоқ, жуда узоқ давом этади», деб такрорлай бошлади.

Уни тўхтатмоқчи бўлганимда, отаси қўлимдан тугтиб қолди. Билсам, у аслида плейерда тинглаётган мусиқани шунчаки хиргойи қилаётган экан. Бу ҳақида бошқа ҳеч қачон суҳбатлашмаганмиз. Бу оиламизда тақиқланган мавзу бўлиб қолди.

Кейинги кун эрим кутилмаган қарор қабул қилди. Икки ҳафтадан сўнг биз Лондонга йўл олган қайиққа чиқдик. Кейинроқ билишимизча, Ливанда рўй берган ўша фуқаролик уруши йилларида 44000 киши ҳалок бўлган, 18000 киши жабрланган ҳамда минглаб одамлар уйсиз қолган. Курашлар маълум сабабларга кўра давом этар, мамлакат хорижий давлатларнинг ҳарбийлари томонидан қуршаб олинди. Ҳали-ҳамон у ерда дўзахнинг қонли кунлари ҳукм сурмоқда эди.

«Бу узоқ вақт, жуда узоқ вақт давом этади», деб куйлаганида, бахтга қарши, Ширин ҳақ бўлиб чиқди.



**ЛУКАС ЖЕССЕН ПЕТЕРСОН, 32 ЁШДА,
ИНЖЕНЕР, СОБИҚ ЭРИ**

Афинани илк маротаба учратганимда, у ўзининг асранди қиз эканлигидан аллақачон хабардор эди. Ўшанда эндигина ўн тўққиз ёшда бўлиб, университет қаҳвахонасида бир қиз билан даҳанаки жанг қилаётганди. Ўша қиз Афинанинг муҳожирлигидан беҳабар ҳолда (Афина оқ териси, текис сочи, гоҳ қўм-қўк, гоҳ кулранг кўзи билан инглизлардан фарқ қилмайди), ўрта шарқликлар ҳақида ҳақоратомуз гап айтган.

Бу ўқув чорагининг биринчи куни бўлгани боис, талабалар бир-бирлари ҳақида ҳеч нима билишмас эди. Афина ўрнидан турди, қизнинг ёқасидан чангаллаб, «Ирқчи!» деб бақирди.

Жангни ҳаяжон билан кузатиб турган қизлар нигоҳида қўрқув аломати зоҳир. Улар баҳс нима билан яқун топишини сабрсизлик билан кутишмоқда эди. Улардан бир босқич юқори курс талабаси сифатида баҳснинг оқибати менга аён: иккала қиз ҳам университет раҳбари олдида уялтирилади, расмий шикоятнома тузилиб, олийгоҳдан ҳайдалиши, ирқчилик далил қилиб кўрсатилган тергов сўровномаси тўлдирилиб, иш судга оширилиши ҳам мумкин. Хуллас, иккала томон ҳам ютқазади. – Бас қилинглар! – дедим беихтиёр ўзим ҳам сезмаган ҳолда. Қизларнинг биронтасини ҳам танимасдим. «Халоскор» деган унвонга ҳам даъвоим йўқ. Аҳён-аҳёнда содир бўладиган бу каби тортишувлар кузатиб турган ёшлар учун текин томоша. Мен эса бунга чидаб тура олмас эдим.

– Бас қилинглар! – дедим яна бир бор ҳар иккала хонимчага ҳам қичқириб. Улардан бири дарғазаб нигоҳини менга қадади. Шу маҳал нимадир рўй берди. Унинг қўллари ҳануз ёнидаги рақибасининг ёқасида бўлса ҳам, самимий жилмайди.



– Сиз «илтимос» дейишни унутдингиз, – деди у.

Барча қаҳ-қаҳ отиб кулди.

– Бас қил! – дедим.

У иккинчи қизнинг ёқасини бўшатиб, менга томон юрди. Барча шу томонга юзланди.

– Ажойиб хулқинг бор экан. Чекишдан ҳам топиладими? – сўради у. Унга сигаретамни қутиси билан узатдим. Чекиш учун ташқарига чиқдик. Бир оз ўтиб, у ювош қизга айланди. Ғазабдан асар ҳам қолмаган, у дам об-ҳавони муҳокама қилиб, дам қайси поп гуруҳини ёқтиришимни сўрай бошлади. Суҳбатимиз шунчалар қовушиб кетдики, дарсга чалинган қўнғироқни эшитсам-да, умримда биринчи маротаба қонун-қоидаларга қарши боришга ҳаддим сиғди. Бу ердаги университет ва ошхонани ҳам, даҳанаки жангни ҳам, иссиқ ва совуқни ҳам унутиб суҳбатлашаётган эдим. Фақатгина қаршимда кўзлари кулранг аёлнинг борлигини ҳис қилиб турардим. У энг зерикарли, энг маъносиз нарсалар ҳақида гапираётган бўлса ҳам, ҳаётга бўлган қизиқишимни усталлик билан ушлаб турар эди. Икки соатдан кейин биз бирга тушлик қилаётган эдик. Етти соатдан сўнг қаҳвахонада чўнтагимиз кўтарганича еб-ичаётган эдик. Суҳбатларимиз дақиқа сайин чуқурлашиб борди. Қисқа вақт ичида Афина менга ҳаёти ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берди. У болалиги ва ўспиринлик даврининг ҳар бир нуқтасигача батафсил сўзлади. Кейинчалик, у ҳамма қатори эканлигини тушунсам-да, ўша куни гўё ўзимни ер сайёрасидаги энг аҳамиятли киши сифатида ҳис қилдим.

Унинг оиласи Ливандаги фуқаролик уруши туфайли Лондонга қочиб келган. Отаси Маронит насронийлари (католик черковининг бир бўғини – таржимон изоҳи)дан бўлиб, Ливан ҳукуматида ишлар эди. Шу сабабли фуқаролик уруши уни қайғуга ботирган. Бу мамлакатдан чиқиб кетишни ақлига сиғдира олмас,



кун бўйи телефонда суҳбатлашиб, асабийлашар эди. Барчасига гувоҳ бўлган Афина бундан бу ёғига ўзини катталардек тутар, алғов-далғовларни жиддий қабул қилмагандек кўрсата бошлади.

Рақсга тушиб, ўзини карахт ҳолатга соларди. Мия карахтлигида ҳолатдан чиқишни у мактабда, авлиёларнинг ҳаёти ҳақидаги дарслардан ўрганиб олган эди. Ёлғиз фарзанд қандай қилиб катталарни ўз фикрига ишонтира олади – билмадим-у, Афинанинг айтишича, уларнинг оиласида шу нарса рўй берган. Унинг художўй отаси Афинани «оиланинг халоскори» деб билар эди.

Улар бу ерга қочоқ сифатида келишган, тиламчи эмас. Ливан жамияти бутун дунёга тарқаб тўзғиди. Афинанинг отаси кейинчалик ишини йўлга қўйиб олди ва оила ҳаёти изига тушиб кетди. Афина кўзга кўринган мактабда таҳсил олиб, рақс тўғарагига қатнади. Чунки рақс унинг борлиғи эди. Ўрта мактабни яқунлаб, коллежда муҳандислик курсида таҳсил олди.

Лондонда яшаб юрган кезларида ота-онаси унинг қиммат ресторанларнинг бирига тушликка таклиф қилишади ва уни асраб олинганлигини ётиғи билан тушунтиришади. Афина бу хабардан бир оз ажабланади. Сўнг уларни қучоқлаб, бу ҳеч нимани ўзгартира олмаслигини айтади.

Ўзаро адоват туфайли оила дўстларидан бири Афинани «яхшиликни билмайдиган етим» деб ота-онасининг асранди қизилигини юзига солади. Ғазабланган Афина унга гулдонни улоқтириб, юзини тирнайди. Икки кун тўхтовсиз йиғлайди. У одам эса юзидаги чандиқни тунги йўлтўсарлардан қолган эсдалик, деб гап тарқатади ва кўздан ғойиб бўлади.

Кейинги кун ундан мен билан шаҳар ташқарисига чиқишини илтимос қилдим. У ўзининг бокираллигини, якшанба кунлари черковга боришни қанда қилмас-



лигини, ишқий режаларга тоқати йўқлигини, Ўрта Шарққа тааллуқли янгиликлардан бохабар бўлишни маъқул кўришини айтди.

Қисқасини айтганда, у банд эди. Жуда ҳам банд.

– Одамлар аёлнинг ягона орзуси турмуш қуриш ва фарзанд кўриш, деб ўйлашади. Аслида бундай эмас. Умр жабр-зулмларидан мени ҳимоя қилмоқчи бўлган кишиларни биламан. Туғилганимдан буён шу жанг-гоҳдаман, ҳануз ҳаётман. Ҳеч кимнинг ҳимоясига муҳтож эмасман.

У тўхтади.

– Кўрдингми, қандай маданиятлиман?

– Ҳа, жуда ҳам, бироқ ўзингдан заиф кишига ҳужум қилганингда, ўзинг ҳам ҳимояга муҳтождек кўринасан. Бу тортишувлар университетдаги мартабангга путур етказиши ҳам мумкин.

– Тўғри айтасан. Яхши, буни ўйлаб кўраман.

Биз мунтазам учрашадиган бўлдик. Унга яқинлашганим сайин ўзимни кўпроқ кашф қила бошладим. Чунки у доим мен муҳтож бўлган далдалар билан руҳимни кўтара олар эди. У сеҳр-жоду шайтоннинг макри эканлигини, бундан фақатгина Исо халос қила олишини таъкидлаган. Баъзида айтадиган фикрлари черков қоидаларидан ҳам фарқ қиларди.

– Исонинг атрофида тиламчилар ҳам, фоҳишалар ҳам, солиқ йиғувчилардан тортиб балиқчиларгача бўлган. Узоқ ўйлаб билдимки, ҳар бир қалбда илоҳий нур бор ва у ҳеч қачон ўчмас экан. Ҳаракатсиз қотиб қолганимда бутун коинот мени аллалаётганга ўхшайди. Худо менга йўл кўрсатаётгандек туйилади. Шундай лаҳзалар борки, ҳамма нарса менга тилсимини фош қилади.

Кейин Афина ўз фикрига ойдинлик киритди:

– Лекин бу хато.

Афина доимо икки олам – ҳиссиёти ва эътиқоди орасида яшади. У эътиқоди ўргатганларини ҳурмат қилса, ўз ҳисларини ҳақиқат деб тан олар эди. Бирин-



чи чорак яқунланай деб қолганида, университетдан кетмоқчилигини айтиб қолди.

– Аммо бу ҳақда менга илгари ҳеч нима демагансан! – ҳайратимни яширолмадим.

– Бу ҳақда ҳатто ўзимга ҳам гапиришга қўрқар эдим. Бугун эрталаб сартарошимни кўргани борган эдим. Унинг қизи жамиятшунослик мутахассислиги курсини битириб, эшикма-эшик юриб, охири бир корхонага котиба бўлиб ишга кирибди. Ўша сартарош ҳатто бугун ҳам «Менинг қизим ўқимишли», деб мақтанишдан чарчамайди. Ота-онамнинг кўпчилик дўстлари ва уларнинг фарзандлари ҳам ўқимишли. Лекин бу, улар ўзлари хоҳлаган касбни эгаллади, дегани эмас. Кўпчилик «ўқимишли» деган тамға учунгина университетда таҳсил олади. Охир-оқибат шу тахлит дунё қобилиятли боғбон, новвой, моҳир даллол, ҳайкалтарош ва истеъдодли ёзувчилардан маҳрум бўлади.

Ундан бу кескин қарор хусусида бир муддат ўйлаб кўришини сўраганимда, Роберт Фростнинг фикрини мисол келтирди:

*Тўқайда йўл бўлинди бирдан,
Қисқарогин танлаган эдим,
Ва ҳаммаси ўзгарди тубдан.*

Кейинги кун у дарсга келмади. Яна учрашганимизда ундан нима қилмоқчилигини сўрадим.

– Турмушга чиқиб, фарзандли бўлмоқчиман.

Бу талаб эмас эди. Мен йигирмада, у ўн тўққизда. Оила мажбуриятини бўйинга олишга ҳали жуда эрта, деб ўйладим. Бироқ Афинанинг фикри қатъий эди. Мен эса нозик танлов ўртасида қолган эдим. Қалбимнинг бекасига айланган аёлга эришиш мустақиллик ва келажак ваъда қилган имкониятлардан воз кечишни тақозо қилар эди. Тўғриси айтганда, бир қарорга келиш унчалик қийин бўлмади.



ГИАНКАРЛО ФОНТАНА ОТА, 72 ЁШДА, РУҶОНИЙ

Никоҳ маросимини ўтказишга келганларида, бу ёш жуфтликни кўриб ҳайратлангандим, албатта. Лукас Жессен Петерсон ҳақида оз-моз билар эдим. Келиб чиқиши даниялик бўлган ўрта ҳол оилага тегишли эканлигидан ўша куни хабар топдим. Унинг оиласи бу никоҳга тиш-тирноғи билан қарши эди. Улар нафақат никоҳ, балки черковга ҳам зид иш қилишаётганди.

Ассосиз илмий далилларга суяниб қолган отаси насронийлик дини ўзаги бўлмиш муқаддас Инжилнинг ҳаққонийлигини рад қилди ва уни муаллифлари номаълум 66 та турли қўлёзмаларнинг бирлашмаси, деб атади. Китобнинг биринчи ва охири нусхалари ёзилган давр оралиғи минг йиллар эканлигини айтди. Унинг фикрича, сайёрадаги ҳеч бир жонзот – маймунлардан тортиб тўтиқушларгача, ўз феъл-атвори ни шакллантиришда дин тавсия қилган фарзларга муҳтож эмас экан. Ҳаётда ўзаро уйғунликни сақлаб қолиш учун табиат қонунларига эргашиш кифоя қилар эмиш.

Табиийки, муқаддас Инжилни ўқиганман ва унинг тарихидан бохабарман. Буни ёзган одамлар Илоҳий кучнинг воситачилари, қуроли бўлишган. Ва Парвардигор бизга фарзлардан ҳам кучлироқ риштани иноят қилган. Бу муҳаббатдир. Қуш ёки маймунлар ўз табиий сезгиларига ишонадилар ва ўз имкониятлари чегарасидан ўта олмайдилар. Одамзод масаласига келганда, моҳият бироз мураккаблашади. Чунки Яратганнинг ўзи бизни муҳаббат аталмиш неъмат билан сийлаган.

Сизга Афина ва Лукас билан бўлган биринчи учрашувимни гапириб бериш ўрнига, панд-насиҳатга ўтиб кетганим учун минг маротаба узр, биродари азиз. Лукас ва менинг эътиқодим фарқлича бўлгани сабабли



у билан шунчаки суҳбатлашдим. Унинг оиласи тамомила диндан юз ўгирган экан. Афинанинг муҳожир эканлиги ҳам уларга малол келган. Бу суҳбатдан кейин Афина билан камида икки соат суҳбатлашдим. Афина доим менинг диққатимни тортиб келган. Черковга илк қадам қўйган кунийёқ, унда авлиё бўлиш истаги борлигини фаҳмлаганман. Бейрутда фуқаролик уруши бошланмасидан олдин лизижокслик Авлиё Терезаникига ўхшаш каромат унинг ҳам бошидан ўтганлигини у айтган эди. Қонга тўлган кўчалар тасвири вақт ўтиб ҳақиқатга айланади. Кимдир Афинанинг бу сўзларини болалик ёки балоғат ёшининг таъсири, деб билиши мумкин. Лекин гап шундаки, яратувчанликка мойиллиги бўлган ҳар бир инсон бу каби аломатларни бошидан ўтказди. Бу «илоҳий юқтирилиш»дир. Қандайдир дақиқалар оралиғида умримизнинг маъно касб этганлигини ҳис қиламиз. Гуноҳларимиз кечирилиб, бизни тубдан ўзгартирган куч – муҳаббатнинг қудратини англаймиз.

Шу билан бир вақтда муҳаббатга тамомила таслим бўлишдек, у хоҳ илоҳий, хоҳ мажозий бўлсин, бахтиёрлигимиз ва қарор қабул қилиш қобилиятимизни унга ютқазиб қўйишдан қўрқамиз. Севгини чуқурлашиб кетган тақдирдагина кузатиш мумкин. Ҳақиқатни айтадиган бўлсак, биз ўзимизни Парвардигор иноят қилган йўл билан ҳимоя қилишдан бош тортамиз. Ҳар бир қадамимиз устидан мутлақ назорат ўрнатиб, ўзимиз севган нарсани қўлга киритиш ҳақида ўйлаймиз. Аммо бу севги эмас: уни қўлга киритамиз ва кейин у қўлдан кетади ёки биз унинг қўғирчоғига айланиб қоламиз.

Мустаҳкам қалб эгаларигина бу иллатдан ўзларини ҳимоя қила оладилар. Афина мана шундай қалб соҳибаси эди ва соатлаб чуқур мушоҳадага бериларди. Унинг мусиқага туғма қобилияти бор эди. Айтишлари-



ча, жуда ҳам чиройли рақсга тушар экан. Лекин черков рақс учун мос жой бўлмаганлиги сабабли, у ҳар куни эрталаб дарсга боришдан олдин черковда муқаддас Биби Марям шарафига қўшиқ куйларди.

Уни илк маротаба эшитган куним ҳали ҳам кеча-гидек ёдимда. Ташриф буюрган камсонли кишилар билан тонгги ибодатни яқунлаган эдик. Қишнинг ўша тонгида ибодатга келганлардан йиғилган хайрия пулини ичкарида унутиб қолдирганимни эсладим. Орқага қайтиб кирганимда, шу қадар ёқимли мусиқани эшитдимки, кўзим олдидаги борлиқ батамом ўзгариб, фаришта бармоғи теккани каби дунё поклангандек туйилди. Чеккароқда ўтириб муқаддас Биби Марямдан кўз узмай, унга мадҳ ўқиётган йигирма ёшлар чамасидаги аёлни кўрдим. Хайрия қутисига яқин борганимда, у ташрифимни пайқади ва куйлашдан тўхтади. Бошимни ирғаб, давом этишга ундадим. Ўзим эса черковнинг узун ўриндиқларидан бирига чўкиб, кўзларимни юмдим.

Шу лаҳзаларда илоҳий нафас ерга тушгандек туйилди. Ўша дамда кўнглимдан ўтаётганини бу ёш аёл ҳис қилганидами, бир муддат мусиқага ором бериб, Яратганга шукрона ўқишимга имкон берарди. Сўнг мусиқа яна давом этарди.

Мен аллақандай гайритабиий, унутилмас дақиқаларнинг гувоҳи бўлаётганлигимни ҳис қилар эдим. Буни бошдан ўтказгандагина тушуниш мумкин. Мен фавқулоддаги бу дуоғўй, ёқимли мусиқа ҳамда хайрли тонгда на ўтмиш ва на келажаксиз, шу замонга сингиб кетдим. Мен шу ҳолатда ибодат қилиб лаззатланаётган ва шукрона айтиб, оилам қаршилигига қарамасдан, роҳибликни давом эттирганимдан бахтиёр эдим. Парвардигор ўзигина буюклигини шу мўъжазгина ибодатхонада, шу ёш аёлнинг соҳир овози ва ойдинлик улашаётган хосиятли тонгда намоён қилаётган эди.



Юзим кўз ёшимдан намланганда, бу лаззат мангу бўлиб туйилди. Ёш аёл куйлашдан тўхтади. Орқамга ўгирилсам, у ибодатга келувчи қавмдошларимдан бири экан. Шундан кейин биз яқин биродарларга айландик. Имкони бўлди дегунча, мусиқа орқали ибодат қилишга чоғланар эдик.

Турмуш қуриш тўғрисидаги қарори мени ҳайрон қолдирди. Уни яхши билганим учун бўлажак эрининг оиласи бу никоҳга қандай муносабатда эканини сўрадим.

– Ёмон, жуда ҳам ёмон.

Бу никоҳга уни мажбур қилаётган жиддий сабаб бор-йўқлигини минг истиҳола билан сўрадим.

– Йўқ-йўқ, ҳали ҳам бокираман. Ҳомиладор эмасман.

Ўзининг оиласи бу никоҳга қандай муносабатдалигини сўраганимда, улар бундай қўрқувга тушмаганини, онаси кўз ёши тўкиб, отаси танбеҳ берганини айтди.

– Мен муқаддас Биби Марям учун куйлашга келганимда, бошқаларнинг мен ҳақимдаги фикрлари ҳақида унутамаман ва туйғуларимни ёлғиз у билан баҳам кўраман. Ҳар доим шундай бўлган. Қолаверса, ўзимни эплай оладиган ёшдаман. Илоҳий қувват тўла идишга ўхшайман. Мана шу қувват мендан турмушга чиқиб, фарзанд кўришни сўраяпти. Фарзандимга туққан онам менга ҳеч қачон бермаган ҳимоя ва паноҳ бераман.

– Ерда беғалва кишининг ўзи йўқ, – дедим. Мўъжиза содир бўлиши учун Афинада етарли муддат бор эди.

– Авлиё Тереза касалланиб, азоб тортганида бундан нолимади. Аксинча, буни Яратганнинг қудрати деб билди. У аёллар монастирига киришга қарор қилганида ўн бешда, мендан жуда ҳам ёш бўлган. Унинг ёшидагиларга бу ман қилинган бўлса ҳам, талаб қилади ва бориб шахсан Рим Папасининг ўзи билан гаплашишга қарор қилади. Буни тасаввур қиляпсизми? Рим Папаси билан суҳбатлашиш!.. Охир-оқибат у



ўз мақсадига етди. Худди мана шу қудрат мендан она бўлишимни сўраяпти. Агар кутадиган бўлсам, кейин фарзандим билан ёшимиз ўртасидаги катта фарқ қизиқишларимизнинг турли-туманлигига олиб келади. Натижада мен унга дўст бўла олмайман.

«Бу ҳолатда уни ёлғиз қолдириб бўлмайди», дедим пичирлаб. Афина ўзини эшитмаганга солиб, давом этар эди:

– Худонинг борлиги ва мени эшитиши ҳақида ўйлаганимдагина бахтиёрлик ҳис қиламан. Аммо ҳиссизлик авж олаётган бир вақтда яшаш учун бунинг ўзи кифоя қилмайди. Мен ҳали ўзим ҳис қилмаган туйғуларга даъво қиляпман. Мени севадиган ва мен ҳақимда қайғураётганларни ташвишга солмаслик учун бахтсизлигимни яшираман. Баъзан суиқасд ҳақида ҳам ўйлайман. Уйқуга кетишдан олдин ўзим билан узоқ суҳбатлашаман ва бу бемаъни ҳаётдан қутулиш ҳамда маънисиз хаёлларни ҳайдаш учун ибодат қиламан. Бу ношукрликдан бошқа нарса эмас. Бахтсизлик ва фожиа уруғини Ер юзи бўйлаб сочишдир. Тонгда ҳам ибодатга келганимда, тунда мен билан суҳбат қурган иблисларни мендан узоқлаштиришни сўраб, Яратгандан илтижо қиламан. Мен узоқ вақт рад қилиб келган бурчни бажариш учун фурсат келди. Бу оналик бурчидир. Мен ё шу Бурчни адо этишим, ёки батамом ақлдан озишим керак. Ичимда ҳаёт улғайиб бораётганини ҳис қилмай туриб, ҳеч қачон ташқи ҳаётни қабул қила олмайман.

ЛУКАС ЖЕССЕН ПЕТЕРСОН, АФИНАНИНГ СОБИҚ ЭРИ

Виорел дунёга келганида мен эндигина йигирма иккига кирган эдим. Нафақат кичик босқич талабасига уйланган йигит, балки елкасида залварли ва масъулиятли вазифа юкланган ота ҳам бўлдим. Ота-



онам тўйимизга келишдан бош тортишди. Бирор бир иқтисодий кўмак у ёқда турсин, Виорелни васийликка ҳам олишмади. Тўғрироғи, бу отамнинг қарори эди. Сабаби онам тез-тез қўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўрар, йиғлаб-сиқтар ва нодонлигимни таъкидлар эди. Аммо неварасини ўз қўлларида кўтаришни жуда ҳам исташини қайта-қайта такрорлашдан чарчамасди. Улар бир кун келиб Афинага бўлган севгимни ва уйланиш қароримни тушуниб етиб, аста-секин гиналарни ҳам унутишларидан умид қилдим.

Бироқ бундай бўлмади. Рўзғор тебратиш бир ўзимга қолди. Муҳандислик факультетидаги таҳсилимдан воз кечдим. Отам қўнғироқ қилиб, шу тахлит давом этса, меросдан ҳам маҳрум қилишини айтди. Агар университетга қайтадиган бўлсам, шарт эвазига менга иқтисодий кўмак беришни ваъда қилди. Мен рад қилдим. Ёшлик ҳиссиётлари доимо бизни кескин муносабатга мажбур қилади. Отамга ўз муаммоларимни ўзим ҳал қила олишимни айтдим.

Виорел туғилгунича Афина менга ўзимни яхшироқ тушунишимга кўмаклашди. Мусиқа оҳанглари оғушида ўтган тўшақдаги муносабатлар тамомила мавҳум эди.

Кейинроқ билишимча, мусиқа ҳам инсоният каби қадимий экан. Замонавий археологиянинг тасдиқлашича, фордан форга кўчиб юрган аждодларимиз озиқ-овқат билан биргаликда, албатта, мусиқа асбоблари, асосан, ноғора олиб юришган. Мусиқа – бу фақат далда ва овуниш учун эмас, у инсонни тафаккурга ҳам чорлайди. Одамларга улар эшитадиган мусиқага қараб ҳам баҳо берса бўлади. Афинанинг ҳомиладорлик давридаги тушган рақсини кўриб, болани тинчлантириш учун гитарада куйлашини тинглаб, ҳаётимни ўзгартириш мақсадида, дунёни унинг нигоҳида кузата бошладим. Тортишиб қолишимга ҳам асосан мусиқа



сабабчи бўлса, оғир дамларда ҳам бизга далда бўлган куч, бу мусиқа бўлди.

Лекин бу романтик лаҳзалар билан қорин тўймасди. Бирорта мусиқа асбобини чалишни уддалай олмаслигим туфайли қурилиш фирмасига ҳисобчи бўлиб ишга жойлашдим. Мен жуда ҳам кам миқдордаги соатбай ҳақ олишга рози бўлдим. Эрта тонгдан ишга жўнаб, тунда қайтар эдим. Унгача Виорел ухлаб қолар, рафиқамга дил изҳорлари қилишга ҳолим етмасди. Ҳар куни кечаси ўзимдан «Қачон иқтисодий аҳволимиз яхшиланиб, одамлардек яшаймиз?» деб сўрар эдим. Афинанинг ўқиш ҳақидаги фикрига маълум маънода қўшилсам-да, муайян техник далиллар бунга зид келади. Бу одамлар ҳаётини хавф остига қўймаслик билан боғлиқ. Мен эса ўзим танлаган, қадрли бўлган касбим ва муҳим орзуларимдан воз кечишга мажбур бўлган эдим.

Эр ва хотин ўртасидаги оилавий можаролар бошланди. Афина болага етарлича эътибор бермаётганлигимдан, у ота меҳрига муҳтожлигидан шикоят қилди. Асабларим таранглашиб, бола кўришни у хоҳлаганини, энди бу ғалваларга мени аралаштирмай, ўзи бир ёқлик қилишини сўрадим. Афинани мени тушунмасликда айблаб, бир неча бор уйдан чиқиб кетдим. Иқтисодий кафиллик бўлмай туриб, қайси ақл билан йигирма ёшимда ота бўлишга рози бўлганимга ҳайрон эдим. Тамомила толиқиш ва арзимаган хафагарчиликлар ўртамиздаги муҳаббатни заифлаштирди. Биз бир-биримиздан совидик. Тобора тушкунликка тушиб, ўзим севган аёл қўлида қўғирчоққа айланиб қолдим, деб ўйлай бошладим. У мени моҳирлик билан бошқарар эди гўё. Чигаллашиб бораётган аҳволимдан Афина хабардор эди. Менга мадад бўлиш ўрнига, бор диққатини Виорел ва мусиқага бағишлаган эди. Иш ягона овунчоғим бўлиб қолди.



Аҳволимдан ота-онамни хабардор қилган тақдиримда ҳам, улар Афинанинг менга турмушга чиқишдан мақсади фарзанд эканлиги қабилдаги гап-сўзларни қилишлари тайин эди.

Афина тақвога яна ҳам муккасидан кетди. Ўғлимизни Виорел деб римликларга хос исм билан чўқинтирилишини талаб қилиб туриб олди. Баъзи бир муҳожирларни ҳисобга олмаганда, Англияда бу исмни учратиш маҳол. У ўзи ҳам эслай олмайдиган ўтмиши – Сибюдаги етимлар уйи билан аллақандай мавҳум боғлиқликлардан қийналарди.

Бола туфайли Афинадан айрилиб қолаётганлигимни сездим. Оилавий келишмовчиликлар жиддий тус олди. Бу низолар болага салбий таъсир ўтказишини баҳона қилиб, Афина бир неча маротаба уйдан кетмоқчилигини айтди. У яна шундай деб пўписа қилганида, бу уйни тарк этиши керак бўлган ягона киши ўзимман, деб ўйладим ва шундай ҳам қилдим.

Мендан қизиқиши сўнган аёлим, эрта дунёга келган болам ва ўзим талаган ҳаётга лаънатлар ўқиб, Лондон бўйлаб мақсадсиз санғишга одатландим. Ўша тунда «Туб» станцияси яқинидаги қаҳвахонага кириб, тўрт шиша вискини бўшатдим. Қаҳвахона ўн бирда ёпилгач, туни билан очиқ турадиган дўкондан етарлича виски олиб, майдондаги скамейкага ўтирдим ва ичишни давом эттирдим. Ёнимдан ўтаётиб, бир тўда ёшлар мендан шишаларни улар билан баҳам кўришимни сўрашди. Албатта, рад этдим. Дўшпослаётганларида бахтимга полиция келиб қолди. Ҳаммамизни маҳкамага олиб келишди.

Қоғозлар тўлдирилгач, мени қўйиб юборишди. Бу шунчаки бир англашилмовчилик, йигитларнинг айби йўқлигини айтдим. Жабрдийда сифатида судма-суд юриш ниятим йўқ эди. Ҳали ҳам сархушлигим сабаб маҳкамадан чиқаётиб, қоқилиб инспекторнинг столига



йиқилдим. Инспекторга ҳурматсизлик кўрсатганим учун ҳибсга олиш ўрнига мени кўчага улоқтиришди.

Кўчада эса менга ҳужум қилган йигитлардан бири шикоят қилмаганим учун миннатдорчилик билдирди. Лой ва қонга булғанган кийим-бошимни алмаштиришим учун уйига таклиф қилди.

– Менга чиндан ҳам яхшилик қилмоқчи бўлсанг, бир иш қил, – дедим унга, – мени тинглагин, илтимос.

Чиндан ҳам, мени тинглайдиган одамга муҳтож эдим.

Бир соат лом-мим демасдан дардимни тинглади. Мен аслида ўзимга – ҳаёти чалкаш, эҳтимол, истиқ-боли нурли, аммо ҳозир гадодан фарқи бўлмаган, ичкилик, чарчоқ ва умидсизликдан ҳолдан тойган йигитга ҳасратимни тўкиб солаётган эдим. Буларнинг ҳаммасига мендан ҳаттоки эътиборини ҳам қизғанаётган аёл сабабчи.

Ҳикоям якунида ақлим тиниқлашиб, ўзим домига илинган хато тўғрисида аниқроқ хулосага келдим. Мен бу ҳаётни «муҳаббат ҳамиша ғолиб» нақлига ишониб танлаган эдим. Лекин бу хато экан.

Баъзан севги биз севган кишини биздан тортиб олиб, ўзимизни жарга итаради, вазиятни янада чиғаллаштириб, масхара қилади.

Ўша дамда ўзимга оғзида кумуш қошиғи билан туғилган бола эмаслигимни, мен ҳам эркак эканлигимни, қаршимдаги қийинчиликлар ҳар бир инсоннинг пешонасида бўлиши мумкинлигини айтдим. Уйга қайтганимда Афина қўлларида Виорел билан ухлаётган экан. Ювингач, қонга беланган кийимларни ахлат идишига ташлаб келиш учун кўчага чиқдим. Ўрнимга чўзилганимда анча ҳушёр эдим.

Кейинги кун Афинага ажрашмоқчилигимни айтдим. У сабабини сўради.

– Чунки мен сени ва Виорелни севаман. Орзуларимдан воз кечганим учун сизларни айблашни ис-



тамайман. Агар озгина сабр қилганимизда, ҳаммаси бошқача бўлиши мумкин эди. Аммо сен фақат ўзинг ва ўз режаларинг ҳақида ўйладинг. У ерда мен учун умуман жой йўқ экан.

Афина худди шундай дарғазаб бўлишимни кутган бўлса керак, ҳеч нима демади.

Қалбим эса унинг мендан қолишимни сўрашидан умидвор эди. Сукут ризоликни ифодалади. У фақат Виорел бу суҳбатни эшитиб қолишидан ташвишланди. Шунда тушуниб етдимки, у мени ҳеч қачон севмаган. Мен фақатгина ўн тўққиз ёшида фарзанд кўришдек аҳмоқона орзусини амалга оширишда унга қурол ва зифасини ўтаганман, холос.

Афинага уйни ва мебелларни олиши мумкинлигини айтганимда, эшитгиси ҳам келмади. У бир оз ота-онасиникида яшаб, сўнгра иш топиб, бошқа уйга кўчмоқчи экан. Мендан агар иложи бўлса, Виорел учун иқтисодий кўмак бериб туришимни сўради. Шу заҳотиёқ розилигимни айтдим.

Ўрнимдан қўзғалдим. Уни сўнгги маротаба узоқ ўпиб, шу уйда қолиши мумкинлигини таъкидладим. Афина қарорини ўзгартирмади.

Арзонроқ меҳмонхонада яшаб, туңлари унинг қўнғироғини кутдим. Қўнғироқ қилиб, ортга қайтишимни, янгидан ҳаёт бошлашимизни сўрашига умид қилдим. Ажрашгач, дунёда аёлим ва боламдан яқинроқ ҳеч кимим йўқлигини англадим. Керак бўлса, улар билан яна олдингидек яшашга ҳам тайёр эдим.

Роппа-роса бир ҳафтадан сўнг Афинанинг овозини эшитдим. У уйдаги бор-будини олиб кетганини ва қайтиш нияти йўқлигини айтди. Икки ҳафтадан кейин билсам, у Вассет кўчасидаги уйларнинг бирида ижарада яшаётган экан. Бир неча ойлардан кейин биз никоҳимизни бекор қилувчи қоғозларга имзо чекдик.



Ҳақиқий оилам мендан бутун умрга воз кечди ва ўзим туғилган оилам мени очиқ юз билан қарши олди.

Афина билан ажрашгач, бу ҳаётимдаги энг бемаъни қарор эканлигини ҳис қилдим. Ўспиринлик даврида муҳаббат ҳақида ҳиссиётли, романтик кўплаб ҳикоялар ўқийдиган ҳар бир одам борки, Ромео ва Жульетта қиссасини яна такрорлагиси келади. Вақт мени даволаб, дарддан фориг этганида билсам, ҳаёт мени бутун умр сева оладиган аёл билан мукофотлаган экан. Тақдир тақозоси билан ёшлик ортга қайтиб, Афина билан университетда бошқатдан учрашиб қолганимизда, мен бу хатони ҳеч иккиланмай қайта такрорлаган бўлардим.

Бироқ вақт барча жароҳатларга малҳам қўяди. У менга бегона бўлган бир сабоқни ўргатди: ҳаётда яна, қайта-қайта севиш мумкин экан. Қайта уйландим ва бу аёлим билан жуда бахтлиман. У сиз яшаш тасаввуримга сиғмайди. Бу мен ўтмишимдан воз кечдим, дегани эмас. Дарвоқе, иккала ҳаётимни солиштиришда жуда ҳам аҳтиёткорман. Йўлнинг узунлиги ёки бионинг бўйини ўлчаган каби севгининг ўлчамини аниқ айта олмайсан.

Афина билан муносабатларимиздан муҳим ёдгор бор. Бу унинг олий истаги – фарзандимиз Виорелдир. Иккинчи хотинимдан ҳам фарзандим бор. Бугун оталикнинг гаштини, ҳаётнинг паст-баландини ўн икки йил илгаригига қараганда яхшироқ биламан.

Виорел билан дам олиш кунини бирга ўтказиш учун уни олиб келгани борганимда, Афинадан ажралишга нимага хотиржамлик билан рози бўлганини сўрадим.

– Сабаби бутун умр хотиржамлик билан азобланишга ўргандим, – жавоб берди у.

Шундан сўнг у қўлларини мен томон чўзиб, бағримга кирди. Шу кун тўкмоқчи бўлган кўз ёши қуригунча тўйиб-тўйиб йиғлади.



ГИАНКАРЛО ФОНТАНА ОТА, РУҶОНИЙ

Уни Якшанба ибодатига келганида кўрдим. Домгидек қўлларида Виорелни кўтариб олган эди. Лукас билан ораларида келишмовчилик борлигидан хабардор эдим. Ўша ҳафтагача бу менга ҳар бир оилада учрайдиган англашилмовчилик бўлиб туйилди. Жуфтликнинг ҳар иккаласидан ҳам эзгулик нурлари таралгани сабаб, эртами-кечми улар бир-бирларини тушуниб кетишларига умид боғлар эдим.

Черковда сўнгги маротаба гитарада Бокира Мария шарафига қуйлаганига ҳам бир йил бўлиб қолибди. У ўзини бутунлай ўғли – мен чўқинтирган Виорел тарбиясига бағишлаган эди. Айтиш жоизки, бу номдаги бирор бир авлиёни хотирлай олмайман. Афина ибодат учун черковга мунтазам қатнар, ибодатдан кейин ҳамма тарқаб кетгунича мен билан суҳбат қурар эди. Унинг ягона дўсти эканлигимни айтарди. Илоҳий ишқ мавзуси бора-бора Афинанинг бутун башариятга оид муаммоларнинг мулоҳазаларига айланди.

У ҳаммадан ҳам кўра Лукасни севар эди. У ҳаётда бирга яшаш учун Афина танлаган эркак, ўғлининг отасидир. Бор-йўғидан воз кечиб, азбаройи севги учун оила қуришга юраги дов берган фидойи. Оила бошига қийинчиликлар тушганида, Афина Лукасга бу бир ўткинчи давр эканлигини, Виорелни эрка-инжиқ қилиб вояга етказиш нияти йўқлигини тушунтиришга ҳаракат қилган. Сўнгра ҳаммаси Лукас хоҳлаганидек бўлишига рози бўлган. Лукас ҳали-ҳамон ўзини рад қилинган деб билар, Афина эса ўзини бир вақтнинг ўзида ҳам эрига, ҳам фарзандига бағишлашга ожизлик қилган. У ўғлини танлади ва ҳеч қачон бу танловидан афсусланганини эшитмаганман.

Бу каби ҳодисага биринчи маротаба гувоҳ бўлишим эмас. Руҳиятшуносликка доир бор-йўқ билимларимни



жамлаб, хулоса ясайдиган бўлсам, бундай вазиятларда эркаклар ўзларини рад қилинган, деб ўйлашади. Ибодатга келганлар билан суҳбатлашиш давомида бу каби юзлаб ҳодисаларни эшитганман. Афина бир куни бола туғилгач, юзага келадиган муаммолар ҳақида ўйламасдан туриб турмуш қургани, эҳтимол, катта хато бўлганини таъкидлади. У ўзини кўчага улоқтирилган, деб ҳис қилаётган эди. Бироқ пушаймонлик учун ҳам жуда кеч.

Афина мендан Лукас билан гаплашиб кўришимни сўради. Лукас черковга қатнамасди. Балки якшанбани ўғли билан ўтказишни маъқул кўрар. Агар Лукас черковга келадиган бўлса, у билан гаплашиб кўришга ваъда бердим. Афина ундан черковга келишини сўраш учун фурсат кутиб юрганида, ўша мудҳиш воқеа юз берди. Лукас Афина ва Виорелни ташлаб кетди.

Афинага сабр-тоқатли бўлиши кераклигини маслаҳат бердим. Аммо у жуда қаттиқ сиқилар эди. Уни иккинчи маротаба ташлаб кетишди. Туққан онасига бўлган нафрати ўз-ўзидан Лукасга кўчди. Шунга қарамасдан, кейинчалик билсам, улар яна яқин дўстларга айланишибди. Афина учун оила ришталарини узиш ҳеч ким қилиши мумкин бўлмаган оғир гуноҳ эди.

У якшанба кунлари черковга келишни канда қилмади. Ибодат тугаши билан уйига жўнарди. Ибодат давомида ўғли йиғлаб, одамларнинг диққатини бўларди. Унинг Афинадан бўлак ғамхўрлик қиладиган ҳеч кими йўқ эди. Суҳбатларимизнинг бирида банкда ишлаётганини айтиб, ундан хавотир олмаслигимни айтди. Виорелнинг отаси (у эрини исми билан атамас эди) ўғлининг эҳтиёжлари учун иқтисодий кўмак қилишга розилик берганини ҳам қистириб ўтди.

Ва ниҳоят, ўша – Парвардигор лаънатлаган Якшанба етиб келди. Бир неча тунларни ибодат билан бедор ўтказиб, фаришталардан тўғри ва энг оқилона йўлни



топишда мадад сўрадим. Улардан нажот чиқмагач, бош руҳонийга маслаҳат солдим. У эса эътиқоднинг қатъий тартиблар билан белгиланганлиги дин тириклигининг асосий мезони эканлигини айтди. Агар истиснолар қилинадиган бўлса, биз орқага – ўрта асрларга қайтишга мажбур бўлишимизни тушунтирди. Рўй бериши мумкин бўлган фалокатдан деярли бохабар эдим. Афинага қўнғироқ қилиш зарурлиги ҳақида ўйладим. Аммо унинг янги ижарасидаги телефон рақамини билмасдим.

Муқаддас нонни ҳавода жамоа устидан айлантираётганимда, қўлим титраётганини ҳис қилдим. Минг йиллар давомида ҳаворийлар орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган сўзларни такрорладим. Шунда менинг ўйларим Муқаддас Марям каби қўлида боласини тутиб турган, муҳаббат туфайли ёлғизликка ҳукм этилган, муқаддас нондан татиш учун қаторда туриб, менга тобора яқинлашиб келаётган ёш аёлга кўчди.

Назаримда, ибодатга келганларнинг аксарияти нима содир бўлаётганини фаҳмлаган эдилар. Улар менинг ҳаракатимни кузатиб туришар, қароримга қизиқишарди. Ўзимни иблисга шерик даҳрийлар орасидагидек ҳис қилдим. Улар менга ҳам яхши, ҳам ёмон ниятдаги кишилар бўлиб туйилдилар.

Афина қаршимда туриб, Исонинг муқаддас вужудини олиш учун одатдаги ҳаракатни қилди: кўзларини юмди ва оғзини очди.

Исонинг «вужуди» менинг қўлларимда муаллақ қолди.

У кўзларини очди. Нигоҳлари мендан нималар рўй бераётганини тушунтириб беришимни сўраётганди.

– Кейинроқ гаплашамиз, – дедим шивирлаб.

Лекин у ўрнидан қўзғалмади.

– Орқангдаги навбат кутиб турганларга йўл бер. Сен билан кейин гаплашамиз.



– Нималар бўлаяпти, ўзи? – сўради Афина. Унинг саволини навбат кутиб турганларнинг барчаси эшитди.

– Кейинроқ гаплашамиз.

– Нимага менга муқаддас нондан бермоқчи эмасиз? Ҳамманинг олдида мени масхара қилаётганингизни наҳотки тушунмаяпсиз?

– Черков турмушдан ажрашганларга муқаддас нондан беришни тақиқлаган. Сен эса бу ҳафтада ниқоҳингни расман бекор қилдинг. Кейинроқ гаплашамиз, – дедим яна.

У ўрnidан қўзғалмагач, навбатда турган кейинги кишига имо қилиб, олдимга чорладим. Бутун жамоага муқаддас нон ва вино тарқатиб бўлиб, меҳробга юзланганимда, менга таниш овознинг қаҳрли ва дарғазаб товушини эшитдим.

Бу Муқаддас Биби Марямга эътиқодини қўшиқ қилиб куйлаган, авлиёлар ҳаётини ўрганиб, умрига мазмун киритган, оилавий муаммоларини кўзидан ёши оқиб гапирган овознинг айнан ўзи эди. Бу таҳқир ва жароҳат сабабли юраги нафратга тўлиб-тошган тирик жоннинг нидоси эди.

– Бу ерга ва Исони танимасдан туриб, унинг ваъзаларини баҳайбат, совуқ тош биноларга айлантирганларга лаънатлар бўлсин. «Олдимга машаққат ва оғир юк билан кел, сени бу дарддан халос этаман», деган Парвардигор. Бугун дард мени адо қилаётган бир пайтда мен келдим. Лекин мени унинг олдидан бадарға қилишмоқда. Билсам, черков у даъватни ўзгартирибди: «Бизнинг йўриғимизда юрсанг, бизга қўшил ва дардли банданинг ўзини осишига йўл бер!»

Уни тинчлантиришга ҳаракат қилаётган аёлнинг овозини ҳам эшитдим. Аммо уни эшитишни хоҳлар эдим. Эшитишга муҳтож эдим. Бошимни қуйи солиб, у томонга юзландим. Қўлимдан бошқа ҳеч нима келмади.



– Қасам ичиб айтаманки, черковга бошқа қадам босмайман. Мен ёш турмушга чиқиб, иқтисодий муаммолар сабабли оиламдан айрилдим. Ночор она ва бегуноҳ фарзандга эшик беркитганларга Яратганинг қаҳри ёғилсин. Дўстга муҳтож бўлган Исодан юз ўгирган халойиқ каби, сиз ҳам айни дамда муқаддас оилани жамоа сафидан чиқариб ташлаяпсиз!

Кўзидаги ёш ва қўлидаги гўдаги билан у черковни тарк этди. Тўпланганларга сўнгги дуони ўқиб бериб, ризохонага кирдим. Аммо ўша Якшанбада бирор бир тайинли суҳбат бўлмади. Ўша Якшанбада билдимки, мен расм-русумларни ҳурмат қилсам-да, уларнинг аҳамияти ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман. Чуқур фалсафий мулоҳаза талаб қилувчи икки ўт орасида қолган эдим.

Кундан-кун кексайиб, мадорсизланиб бораяпман. Парвардигор истаган вақтида омонатини олиши мумкин. Бутун умр ўз эътиқодимга содиқлигимча қоламан ва кимларнингдир йўл қўйган хатоларидан қатъи назар, диннинг доимо ҳақлигига ишонаман. Балки, ўн йиллар ёки асрлар ўтар, аммо кун келиб, ҳақиқат қарор топади. Бутун умримни тоат-ибодатга бахшида этдим. Бир лаҳзасига бўлсин-да, пушаймонлик ҳис қилмайман. Ўша Якшанба кунидагидек, хунук ҳодисалар содир бўлса ҳам, эътиқодимдан эмас, ундан ўз манфаати учун фойдаланган кимсалардан шубҳаланаман.

Кейинроқ Афина ҳақида эшитдим. Ундаги черковдан юз ўгириш фикри ўша куни, черковда пайдо бўлдимми ёхуд бу кайфият унинг руҳиятида унгача уйғонган эдими – аниқ бир нима дейишим қийин. Афина ва Лукас каби ажрашиб, черковнинг «муқаддас нони»дан маҳрум бўлган кўпчилик ҳақида ўйладим. Улар чормихга тортилган Исонинг Ватикан қоидаларига нумувофиқ сўзларини хаёлан тинглайдилар. Камдан-кам



ҳолатдагина бундай кишилар черковни тарк этишади. Илоҳийлашиб, Исонинг вужуди ва қонига айланган нон ва вино улар учун таъқиқланганини билишса ҳам, ўз одатларидан воз кечмаган ҳолда якшанба ибодатига қатнашни канда қилишмайди.

Афина черковни тарк этиб, Исони топганига шубҳам йўқ. Буни тасаввур қилишнинг завқи бор. Ўзини унинг қучоғига отиб, солиқ ва расмиятчиликка дахлдор, тақводорликка тааллуқли бўлмаган ажрашув қоғозларисидаги имзолар учун биродарлари нега ундан юз ўгиришганини изоҳлаб беришини сўрайди.

Балки, Исо Афинага қуйидагича жавоб қайтарган бўлар эди:

«Сиқилмагин, болажоним. Қачонлардир мени ҳам қувғин қилишган. Мени ҳам узоқ вақт ўтиб, охир-оқи-бат тушуннишган».

ПАВЕЛ ПОДБИЕЛСКИЙ, 57 ЁШДА, ИЖАРА УЙНИНГ ЭГАСИ

Афина билан ягона ўхшаш томонимиз – болалигимизда уруш туфайли қочоқ сифатида Англияга келишимиздир. Менинг оилам деярли эллик йил илгари Польшадан қочоқ сифатида келган. Баъзи бир моддий ўзгаришларни ҳисобга олмаганда, урф-одатларимиздан воз кечмаганмиз. Муҳожирлар мусофир юртда бир-бирларига ғамхўрлик қилишни бурч деб билишади.

Урф-одатларку давом этади, лекин ортга қайтиш хоҳиши секин-аста сўниб боради. Бу хоҳиш ўзимизни алдаш учун ўйлаб топилган ширин орзуга ўхшаб қолади-ю, амалда ҳеч қачон татбиқ этилмайди. Мен ҳеч қачон Честочовага қайтмаганимдек, Афина ва унинг оиласи ҳам Бейрутга қайтишмайди.

Одатда мен бола-чақасиз ижарачиларнигина ҳушлайман. Илгари болали ижарачилар олганим туфай-



ли, иккита муаммо келиб чиққан: биринчиси – кунни билан уларнинг шовқини оромимни бузса, иккинчиси – мен қиладиган тунги шовқин уларга ёқмаган. Ҳар иккала шовқин – йиғининг ҳам, мусиқанинг ҳам илдизлари илоҳийдир. Шундай бўлса ҳам, улар тамоман бошқа-бошқа дунёга тегишли ва бир жойда тўқнаш келиши мумкин эмас. Афина ёш болали бўлса ҳам, унга Биссет кўчасидаги уйда яшашга рухсат беришимнинг сабаби, юқорида таъкидлаганим – ягона ўхшашлигимиз билан боғлиқ.

Уни юз бериши мумкин бўлган муаммодан огоҳлантирдим. У эса ўғлидан ташвишланмаслигимни сўради. Ўғли кунни билан бувисиникида бўлар, Афина ишлайдиган банк уйдан унчалик узоқ эмас эди.

Огоҳлантиришимга қарамасдан ёки буни жиддий қабул қилмасдан, саккиз кун ўтиб, эшик қўнғироғи чалинди. Бу қўлида боласини кўтариб олган Афина экан.

– Ўғлим ухлай олмаяпти. Шу мусиқанинг овозини ҳеч бўлмаса бугунча ўчира оласизми?

Хонадагиларнинг барчаси унга тикилиб қолишди.

– Нималар бўляпти?

Рақсга тушишдан тўхтаган бир гуруҳ одамларни кўриб, она-боланинг ҳайрати ошди. Бола йиғлашдан тўхтади.

Мусиқани тўхтатиб, уни ичкарига таклиф қилдим. Одатим бўйича мусиқани яна бошидан қўйдим. Афина хонанинг бир бурчагида ўтириб, ноғора ва брас (жездан ясалган мусиқа асбоби)нинг шовқинига қарамай ухлаб қолган ўғлини қўлида тебратарди. У тадбир сўнгигача ўтирди ва ҳамма қатори кетди. Ўзим ўйлаганимдек, тонгда ишга кетаётиб яна кирди.

– Менга кечаги тадбир – одамлар кўзини юмганча рақсга тушишини тушунтиришнинг ҳожати йўқ. Сабаби ўзим ҳам дам олишнинг бу усулидан фойдаланаман. Бу дақиқалар ҳаётимдаги энг осойишта ва



лаззатбахш дамлар бўлади. Она бўлгунимча ҳам эрим ва дўстларим билан клубларга борар эдим. У ерда ҳам одамларнинг кўзларини юмиб, рақсга тушишганини кўрганман. Кимлардир бошқаларнинг эътиборини тортишга ҳаракат қилишса, қолганлар рақсга тушаётганларида аллақандай куч бошқарувига бўйсунушади. Рақсга тушганимда, доимо ўзимдан қудратлироқ куч билан алоқага киришаман. Дарвоқе, кеча тундаги музиқанинг номини айта оласизми?

– Якшанба кунги режанг қанақа?

– Деярли ҳеч нарса. Виорел билан Регент боғига бориш, тоза ҳавода сайр қилиш. Ҳозирча ўғлим ҳақида қайғуришим зарур. Ўзим учун кейинчалик ҳам яшашга улгураман.

– Қарши бўлмасанг, сизларга ҳамроҳлик қилишим мумкин.

Афина биздаги рақсга тушиш анъанасига бу сайрдан икки кун олдин гувоҳ бўлган эди. Йиғлаётган ўғли тезда ухлаб қолди. Ўзи эса рақсни бир сўз демай кузатди. Лекин аниқ биламанки, ўша лаҳзада унинг қалби рақсга тушаётганди.

Якшанба куни тушликдан сўнг боғда айланиб юрганимизда, ундан кўриб ва эшитиб турган ҳар бир нарсага эътибор беришини сўрадим: шабада туфайли дарахт япроқлари титраяпти, сув тўлқинланарди. Қушлар сайрар, итлар эса тинмай ҳурарди. Болалар орқа-олдинга югуришиб, катталар учун бегона бўлган мантиқ асосида ўйнардилар.

– Ҳамма нарса муайян бир мақомга кўра ҳаракатланади. Муайян мақомга кўра ҳаракатланган ҳар нарса ўзидан товуш чиқаради. Бу қонуният дунёнинг ҳеч бир ерида ўзгармайди. Совуқ туфайли форма-ғор кўчиб юрган аждодларимиз ҳам бундан хабардор бўлишган. Жисмлар ҳаракатланади ва товуш чиқаради. Балки, бошида одамзод бундан қўрқувга тушган бўлиши мум-



кин, аммо бир оз фурсат ўтиб бу қўрқув ўрнини ҳурмат эгаллайди. Одамзод аллақандай кўринмас қудратли товуш орқали у билан алоқага киришаётганини тушуниб етади. Бу алоқани мустаҳкамлаш учун инсонлар ўзларининг атрофларидаги ҳаракат ва товушларга тақлид қила бошлашади. Худди шу тарзда рақс ва мусиқа яралади. Бир неча кун илгари ўзинг ҳам рақсга тушаётганинда, ўзингдан қудратлироқ куч билан алоқа ўрната олишингни айтган эдинг.

– Ҳа, рақсга тушаётганимда озод аёлга, тўғрироғи, борлиқ бўйлаб саёҳат қилувчи, ҳозирни мушоҳада қилиб, келажакни кўра олувчи, тамомила қувватга айланувчи эркин руҳга айланаман. Худога мусиқа ва рақс орқали ибодат қилганимда, менда авлиёлик аломатлари кўринган эди. Лекин энди мен учун бу эътиқод бутун умрга беркитилган.

– Қайси эътиқодни назарда тутяпсан?

У ўғлини тебранма курсига қулайроқ ётқизиб қўйди. Саволимга жавоб бермоқчи эмас, демак, айтиши зарур бўлган нимадир бор. Ундан яна сўрадим.

Ҳаёт бошига солган барча кулфатларни ичига ютиб, сукут билан курашгани каби, черковда рўй берган ҳодисани ҳам ҳеч бир ҳиссиётсиз, хотиржам гапириб берди. Ягона дўсти, роҳиб унга муқаддас нон беришдан бош тортгач, ўқиган лаънатларини ҳам айтди. Шундай қилиб, у бутун умрга католик черковини тарк этади.

– Авлиё – бутун ҳаётини иззат-иқромда ўтказувчи зот, – унга тушунтирдим. – Биз эса ўзимизнинг оддий ҳаётимизнинг ҳам хосияти борлигини англаб, ўзимизни бунга ишонтиришимиз керак. Кейин катта-кичик йўқотишларимиз учун ўзимизнинг устимиздан куламиз, ҳар қадамнинг моҳияти борлигидан хабардор ҳолда қўрқувсиз қадам ташлашга ўрганамиз. Вертексдан таралаётган нурлар бизга йўл бошлашларига рухсат берамиз.



– Вертекс деганда нимани назарда тутяпсиз? Адашмасам, математикада бу учбурчакнинг энг юқори бурчаги.

– Ҳаётда ҳам энг олий нуқта бўлади. Ҳамма каби хато қилса ҳам, юрагидан таралаётган нурни кўра оладиган одамларнинг бош ютуғи ҳам айнан шу олий нуқта билан боғлиқ. Биз айнан шу нарсани қидириямиз. Ҳар биримизда Вертекс мавжуд. Агар ундан ёруғликни топиб қабул қиладиган бўлсак, Вертексни забт эта оламиз.

Афинага у кўрган рақснинг номи «Вертексни топиш» эканини (ўша тундаги одамлар орасида 19 ёшдан 65 ёшгача бўлган кишилар бор эди), барча ёшдагиларга мўлжалланганлигини тушунтирдим. У буни қаердан топганимни сўради. Унга Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Польша бўйлаб ёйилиб бораётган коммунистик тузумдан қочиб, зудлик билан Англияга келганимизни айтдим. Санъат асарлари ва қадимий қўлёзма китоблар дунёнинг бу қисмида анчайин қадрли бўлгани боис, бизга улардан олиб келиш тавсия қилинганлигини гапириб бердим.

Сурат ва ҳайкаллар тезда сотилди. Аммо китобларчанг босганича, жавонда қолиб кетди. Онам поляк тилида ўқиб, ёзишимни жуда-жуда хоҳлагани сабаб, бу китоблар илмий фаолиятимнинг бир қисмига айланди. Бир куни Томас Молтаснинг XIX асрга оид нашрлари орасидан жазо лагерларида оламдан ўтган бобомнинг қайдларини топиб олдим. Буни васият ёки оташин севги изҳори деб тахмин қилдим. Бобомнинг бир рус қизини севганидан хабарим бор эди. Хатни қизиқиб ўқий бошладим.

Хатда коммунистик инқилоб даврида бобомнинг Сибирга қилган сафари тафсилотлари ёзилган экан. У Диедов (бу қишлоқни харитадан топиш амри маҳол. Сабаби унинг номи ўзгарган ёки Сталиннинг мажбу-



рий миграциясидан кейин йўқолиб кетган) деган олис бир қишлоқда актрисани севиб қолади. Бобомнинг ёзишича, у аёл ўзига хос рақс орқали барча касалликларга шифо тошган мазҳаб аъзоси экан. Чунки ўзига хос бу рақс Олий нуқтадан таралаётган нур ва раққоса ўртасида алоқа ўрнатади.

Қишлоқ аҳолисининг бошқа жойга кўчирилиши муносабати билан одамлар бу удумнинг унутилиб кетишидан ташвишга туша бошлайдилар. Ўша актриса аёл ва унинг дўстлари бобомни бу рақс ҳақида барча ўрганганларини ёзишга ундашади. Бобом удумни ёзиб қолдирган бўлса-да, аҳамиятли деб ҳисобламаган. Бу қайдлар, то мен топиб олгунимча, китоб варақлари орасида ётган.

– Лекин рақс ёзиб қолдириш ёки қонун-қоидаларга муҳтож ҳаракат эмас, – гапимни бўлди Афина.

– Тўғри айтасан. Хатда ёзилишича, борлиқни тамоман унутиб рақсга тушиш, агар раққосни альпинистга қиёслаш жоиз бўлса, илоҳий чўққига кўтарилиш билан баробар. Ҳолдан тойгунча рақсга тушиб, зўр-базўр нафас олаётганда вужудинг янги бир лаззатни ҳис қилади. Замон ва макон тушунчаси хиралашиб, тан Олий нуқта – Вертексга кўтарилади. Хатда ўзига хос бу удумнинг муайян қоидалари ҳам таъкидланади. Бу рақс учун ногоранинг овози маъқул кўрилади. Ҳар куни рақсга тушиш лозим. Шунини билиш керакки, маълум бир вақтда кўзларинг ўз-ўзидан юмилиб, сен ўзингни ич-ичингдан пайдо бўлган ёруғлик қаршида кўрасан. Шу ёруғлик сендаги саволларга жавоб беради ва ичингдаги яширин кучни юзага чиқаради.

– Бу удум сизда ўзини оқладими? – сўради Афина.

Жавоб бериш ўрнига унга бизга қўшилишини маслаҳат бердим. Кейинги кун у одатдаги пайтда сеансни бошлашга тайёр эди. Уни дўстларимга юқоридаги қаватда яшовчи қўшним сифатида таништирдим.



Ундан ҳеч ким ҳеч нима сўрамади. Вақти бўлгач, му-
сиқани қўйдим ва биз рақсга туша бошладик.

У қўлидаги ўғли билан рақсга тушди. Ўғли ухлаб
қолгач, уни диванга қўйиб, рақсни давом эттирди.
Кўзларимни юмиб, транс ҳолатига тушишдан олдин
уни кузата туриб, мени тушунганлигини ҳис қилдим.

Якшанбадан ташқари ҳар куни Афина гўдаги билан
бирга шу ерда ҳозир эди. Ҳол-аҳвол сўраб, Рус ўлка-
сидан дўстим олиб келган мусиқага ҳолдан тойгунча
ўйнар эдик. Бир ой ўтиб, Афина мендан бу мусиқанинг
нусхасини илтимос қилди.

– Ишга кетишдан олдин ҳам бу мусиқага рақсга
тушсам, деган эдим.

Уни фикридан қайтаришга уриндим.

– Назаримда, одамни транс ҳолатига солиб, Вер-
тексга олиб чиқадиган куч бу – одамлар жамоа бўлиб
рақсга тушаётган муҳитдир. Ҳозир сен сўраб турган
нарса фақатгина ишдан ҳайдалишингга сабабчи
бўлади. Тонгда рақсга тушиш куни билан ишлашга
тўсқинлик қилиши тайин.

– Жамоавий муҳит деган фикрингизга қўшиламан.
Сизникига ҳам қатнайдиган тўртала жуфтлик ва аё-
лингиз ижобий туйғуларини мен билан баҳам кўра-
ётганларининг асосий сабаби ҳам жамоавийлиқдир.
Қолаверса, муҳаббат улар учун бегона эмас. Лекин
мен ёлғизман. Тўғрироғи, ўғлим билан бир жамоамиз.
Бироқ у ҳали ўз муҳаббатини биз тушунадиган тилда
изҳор қилишга ожиз. Демак, мен ўз ёлғизлигимни
қабул қилишим шарт. Акс ҳолда, ҳеч қачон Вертексга
кўтарила олмайман. Бунга қарши курашишдан кўра
уни қабул қилсам, ниманидир ўзгартира оламан,
назаримда. Ёлғизликдан қутулишнинг энг осон йўли
уни унутишдир.

– Сафимизга муҳаббатни топиш учун қўшилган-
мисан?



– Менимча, бу арзигулик сабаб бўларди-ю, аммо жавобим – «йўқ». Мақсадим – ҳаётимга маъно кириштиш. Ўғлим Виорел айни вақтда менинг ягона умидим. Ўзим ҳам тушунмайдиган орзулар билан унинг ҳаётини барбод қилиб қўйишдан ташвишдаман. Бир куни рақсга тушаётиб, шифо топганимни ҳис қилдим. Гап жисмоний касалликдан фориг бўлиш ҳақида кетаётган бўлса, бу – бир мўъжиза. Бироқ менинг бесаранжомлигим илоҳий дард туфайли эди ва тўсатдан у йўқолди.

Уни яхши тушуниб турган эдим.

– Бу мусиқага рақс тушишни менга ҳеч ким ўргатмаган бўлса-да, нима қилиш кераклигини яхши биламан.

– Буни кимдандир ўрганишга ҳожат йўқ. Боғда сайр қилаётиб, нимани кўрганимизни эслайсанми? Табиат ўз мақомини яратади ва ҳар сонияда мутаносибликни тутиб туради.

– Менга севишни ҳеч ким ўргатмаган. Аммо мен Худони, эримни ва ўғлимни севаман. Лекин ҳали-ҳамон нимадир кам, нимадир етишмаяпти. Рақсга тушиб ҳолдан тойсам ҳам, тўхтаганимда ўзимни энгил ҳис қиламан, қалбим шодликдан тўлқинланади. Мана шу экстаз то сўнгги нафасимгача мен билан бирга бўлиб, заруратим бўлган – эркак севгисини топишимга ёрдам берса, дейман. Рақсга тушаётганда ўша эркакнинг юзи эмас, қалби намоён бўлади. Унинг яқинимда эканлигини ҳис қиламан. Тонгда рақсга тушиб, атрофимдаги ҳар бир ҳаракатга диққатли бўлишим мумкин.

– Экстаз нимани англатишини биласанми? Бу қадимги юнон тилида «ҳолатдан ташқарида туриш» деган маънони билдиради. Куни билан бу ҳолатда бўлиш инсондан қувват ва мустаҳкам қалбни талаб қилади.

– Нима бўлганда ҳам, буни синаб кўрмоқчиман.

Гапириш фойдасиз эканини сезиб, унга мусиқадан нусха кўчириб бердим. Кейинги кундан бошлаб, ҳар куни тонгда шу мусиқа шовқинидан уйғонадиган



бўлдим. Ярим соатлик бу рақсдан кейинги унинг банкдаги ишлари қандай кетаётгани билан қизиқдим. Даҳлизда тўқнаш келганимизда, уни қаҳва ичишга таклиф қилдим. У мусиқадан кўплаб нусха кўчириб, ҳамкасбларига ҳам берганини, улар ҳам Олий нуқта – Вертексни излашаётганини айтди.

– Мен нотўғри иш қилганим йўқ, шундайми? Ахир бу «сир» эмас эди-ку, тўғрими?

Афина ҳақ эди. Аксинча, деярли унутилаётган удумни қайта оммалаштиришда, у менга ёрдам бераётган эди.

Ўша қишлоқлик аёлнинг берган гувоҳлигига суяниб, бобомнинг ёзишича, Диедовга келган бир роҳиб турмуш-тарзимининг ярми ажодлар, ярми авлодлар ҳиссаси эканлигини айтган. Демак, удумнинг ҳам бир хосияти бор экан. Ўша руҳоний «Ўзингни озод қилибгина, дунёни озод қила оласан», деган ҳам экан.

– Сибирдаги ўша қишлоқ аҳолиси ҳали-ҳамон бахтиёр ҳаёт кечираётган бўлишса ажаб эмас. Уларнинг анъаналари яна оммалашаяпти. Бу учун бобонгиздан миннатдор бўлишимиз керак. Бир нарса сўрамоқчиман: ўша хатни ўқигандан кейин буни амалда синаб кўришга сизни нима мажбур қилди? Мисол учун, ўша варақларда спорт ҳақида нимадир ўқиганингизда, футбол ўйинчиси бўлишга ҳаракат қилишингиз мумкин эдими?

– Сабаби, ўша вақтда касалманд эдим. Бўғим яллиғланишининг камдан-кам учрайдиган оғир шаклига йўлиққандим. Тиббий ташхис ўттиз беш ёшгача ногиронлар аравачасига ўтиришим мумкинлигини кўрсатди. Мен учун жуда кам фурсат қолгани туфайли ўзимни бир умр ўтириб қолганимда қила олмайдиган ишга бағишлашим керак эди. Бобом ўз қайдларида Диедов аҳолиси транс ҳолатига киришнинг шифобахш хусусияти борлигига ишонилларини ёзган экан.



– Назаримда, улар ҳақ, – деди Афина.

Ҳеч нима демадим. Балки тиббий ташхис нотўғридир. Балки муҳожир оиладан бўлганим боис, умрим ярмидан оққанида текинтомоқ бўлмаслигим учун қилинган холис ният ё бўлмасам ички исён дарддан устун келгандир. Балки католик дини қарашларига зид ўлароқ, рақс, ҳақиқатан ҳам, шифобахшдир.

Бобомнинг ёзганларини топиб олиб, ўқиганимда ўспирин эдим. Диедовликлар қайси мусиқага рақсга тушишганидан беҳабарман. Қора матога ёпиниб, воқеликни фаромуш қилиб, руҳим Диедов қишлоғида сайр қилар, ўзим эса одамлардан, бобомдан ва у севиб қолган актрисадан рақсга тушишни ўргатишларини сўрардим. Рақснинг икир-чикирларигача билишга иштиёқманд бўлдим. Чунки кўп ўтмай, бутун умрга фалаж бўлишим аён бўлган эди. Қанчалик кўп рақсга тушсам, қалбимдаги ёруғлик шунчалик чароғонлашди. Билишга бўлган хоҳишим ортгани сайин, мусиқа ҳақидаги тасаввурларим ойдинлашиб борди. Бир неча йиллар ўтиб, Сибирга борган дўстимдан тасмага туширилган миллий мусиқалардан олиб келишини сўрадим. Ҳайратланганим, у келтирган мусиқалардан бири мен тасаввур қилган оҳангга ҳамоҳанг экан.

Бу ҳақда Афинага ҳеч нима айтмасликка қарор қилдим. У рақс ва мусиқадан жуда тез таъсирланди. Демак, унга беқарорлик хусусияти ҳам бегона эмас, деб ўйладим.

– Қилаётган ишларинг тўғридир, эҳтимол, – дедим.

Унинг Ўрта Шарққа қилган саёҳатидан олдин қисқагина суҳбатлашдик. У излаётгани – севгини топган бўлса керак, жуда ҳам бахтиёр эди.

– Ҳамкасбларим гуруҳ тузиб, ўзларига «Вертекс зиёратчилари» деб ном қўйиб олишган. Бобонгиздан мингдан минг миннатдормиз.

– Аввало, сенга раҳмат. Чунки биринчи бўлиб сен бу удумни бошқалар билан баҳам кўриш ҳақида



ўйладинг. Мен доимо одамлар бу удумни бемаъни деб топишларидан қўрқар эдим. Сен туфайли шу йиллар орасида қилган ишимни бошқаларга фойдаси текканидан бошим кўкка етди. Бу учун сендан миннатдорман.

– Нимани ўрганганимни биласизми? Гарчи, экстаз ўзингдан ташқарида тура олиш қобилияти бўлса-да, рақс бу – тана билан алоқани узмаган ҳолда коинотга кўтарилиб, янги моҳиятни англашнинг бир усули экан. Рақсга тушаётганингда илоҳий ва мажозий дунёлар бирлашади. Менимча, анъанавий раққослар маълум бир йўналишда ҳаракатланишади. Улар ер билан алоқани йўқотмай, Олий нуқтага кўтарилишади.

Хотирам панд бермаса, мана шулар Афинанинг менга айтган сўнги сўзлари эди. Биз роҳатланиб рақсга тушганимизда, ақл чекинади ва тана тизгинини юрак қўлга олади. Фақат шундай лаҳзалардагина Вертекс ўзини намоён қилади. Бунга ишонсак, албатта!

**ПИТЕР ШЕРНЕГ, 47 ЁШДА, ҲОЛЛАНД ПАРК,
ЛОНДОНДАГИ БАНК (НОМИ СИР ТУТИЛАДИ)
ИШ БОШҚАРУВЧИСИ**

Афинанинг оиласи бизнинг доимий мижозларимиздан бўлгани боис, уни ишга олганман. Қолаверса, қизиқишларимиз ўртасидаги фарқ ҳам унчалик сезиларли эмас. Аммо у доимо нимадандир бетоқат эди. Шу сабабли тезда ишдан бўшаш тўғрисидаги аризасига умид боғлаб, унга зерикарли лавозим тайин қилдим. Бу эса унинг отасига қўлимдан келган ягона ёрдамим бўларди.

Кўп йиллик касбий тажрибам менга одамларнинг ақлий салоҳиятини таҳлил қила олиш сирларини ўргатди. Ўзим қатнаган менежмент курсида кимнингдир устидан ғалаба қозонишнинг энг осон йўли уни қўпол-



ликка мажбур қилишдир, деб ўргатилган. Мана шунда ишдан бўшатиш учун асосли сабаб топилади.

Таҷрибаларимни яна бир бор Афинада синаб кўришга қарор қилдим. Унинг маоши сарфлаётган куч-қуввати олдида арзимас чақа. Саҳарлаб уйғониб ўғлини онасиникига ташлаб қўйиш, куни билан зерикарли ишда ишлаб, қайтишда ўғлини олиш, бозор-ўчар қилиб, уйқудан олдин болага вақт ажратиш ва яна кейинги кун бошида жамоат транспортида уч соат юриш... Кун келиб, у булардан чарчашига ишонар эдим. У тобора асабийлашиб, жиззаки бўлиб бораётган ва менинг назарияларим ўзини оқлаётган эди. Ўз раҳбарлик санъатимдан фахрлана бошладим. У ўзи яшаётган уйдаги аҳволдан, уйнинг хўжайини мусиқани ҳаддан ташқари баланд овозда эшитишидан шикоят қила бошлади.

Шунда нимадир ўзгарди. Бошида фақат Афинада, кейин бутун бўлимда ўзгариш юз берди.

Ишчи жамоани оркестр деб олсак, яхши менежер, бу – ҳар бир санъаткорнинг ҳолидан хабардор шахсдир. Унга ким мусиқадан чиқиб кетяпти, ким бутун вужуди билан қуйлаяпти, ким шунчаки жўр бўляпти – ҳаммаси аён. Афина ўзининг асбобини тамоман эътиборсиз чалмоқда. У ўз бахтиёрлиги ҳақида ҳамкасбларига умуман сўзламаслигини, унинг бўш вақти фақат ўғлигагина аталган эканини билиш қийин эмас. Тўсатдан у куч-қувватга тўлиб, хушчақчақ бўлиб қолди. Ўзини тинглаганларга ёшариш дорисини кашф қилганини айтди.

«Ёшариш!» Бу сеҳрли сўз, албатта. Йигирма бир ёшли қиздан бу гапларни эшитишнинг ўзи қулгили. Шунга қарамасдан, баъзи бировлар бунга ишониб, ундан бу формула сирини сўрашибди ҳам.

Унинг ўзига ишончи ортиб борди. Шу сабабли ҳам иш суръати ўзгармасдан қолмади. Ҳатто, унга «хайр-



ли тонг» ёки «хайрли тун» тиламаган ҳамкасблари эндиликда тушликка таклиф қила бошлашди. Бу тушлиқдан улар хушчақчақ қайтишар эди. Бўлимнинг фойдали иш коэффициентида улкан ижобий ўзгаришлар кузатилди.

«Афина севиб қолган бўлса керак», деб ўйладим. Чунки севган киши нафақат ўзи ўзгаради, балки ўзи яшайдиган муҳитга ҳам таъсир ўтказади.

Бу ҳақда сўраганимда, у тахминим тўғрилигини тасдиқлади. У илгари мижозлар билан тушликка сира чиқмаганини, бу сафар таклифни рад қила олмаганлигини айтди. Банкдаги қонун-қоида ҳаммага аён: мижоз билан шахсий «олди-берди» қилиш ман қилинади. Уни ишдан бўшатиш учун бу айни муддао деб ўйладим. Яхшироқ ўйлаб кўрсам, у бўлимдаги ишчиларнинг ишончини қозониб улгурган экан. Кўпчилик ишдан кейин у билан суҳбатлашишга иштиёқманд. Кимлардир Афинанинг уйида меҳмонда бўлишган.

Вазият жуда қалтис эди. Аниқ бир иш тажрибасига эга бўлмаган, тортинчоқлик ва исён кайфияти ўртасидаги ходим тамоман ўзгариб, ишчилар ўртасидаги етакчиликни қўлга олганди. Уни жазолайдиган бўлсам, қолганлар мени ичи қораликда айблаб, ҳурмат қилмай қўйишлари турган гап. Агар Афина қоладиган бўлса, бир неча ой орасида гуруҳ назоратини қўлдан чиқаришимга шубҳам йўқ эди.

Бир оз сабр қилишга тўғри келди. Банкда иш жараёни тезлашиб, муҳитдаги «қувват» (бу сўзни кўргани кўзим йўқ! Электр токини ҳисобга олмаганда, у аслида ҳеч нимани англатмайди) ошди. Дарвоқе, ходимлар кайфиятидан мижозларимиз бағоят хурсанд бўлиб, бошқаларга ҳам бизнинг хизматларни тавсия қила бошлашди. Кўтаринки кайфият ва хушчақчақлик сабаб бўлса керак, банкда ходимларнинг иш ҳажми икки баробар ошди. Янги ходимларга зарурат қолмади.



Бир куни «юқори»дагилардан хат олдим. Улар Барселонада бўладиган гуруҳ йиғилишига бориб, у ердигиларга бўлимда қўлланилаётган менежмент усулларидан ўргатишимни сўрашибди. Уларнинг айтишича, банкка ҳеч қандай чиқимларсиз даромад келтираётган эканман. Бу ҳолатдан ҳайратга тушаётган жамоатчилик уни ўрганишга қизиқиш билдираётган экан.

Лекин қанақа усул, қанақа маҳорат?

Бир муддат ўйлаб, иложини топгандек бўлдим. Афинага хизмат кўрсатиш даражасини кўтаргани туфайли миннатдорчилик билдирдим. Нотўғри хаёлга бормаслиги учун эҳтиёткорлик билан давом этдим.

– Севган йигитинг қандай? Билишимча, севикли бўлиш яна ҳам кўпроқ меҳр-муҳаббат беришни талаб қилади. У нима иш қилади?

– У «Скотланд Ярд»да ишлайди.

Бу ҳақда бошқа сўрамасликни маъқул кўрдим. Вақтим оз эди. Суҳбат кайфиятини бир маромда ушлаб туришга ҳаракат қилдим.

– Шу кунларда сенда сезиларли ўзгаришни пайқаб қолдим. Қолаверса, бу ўзгариш...

– Банкдаги ўзгаришни ҳам сездингизми?

Бундай савол беришга қандай журъат қилди? Бир томондан, унга керагидан ортиқ эътибор бериб, ўзига ишончини оширишим мумкин. Иккинчи томондан, очиқчасига гаплашмасам саволларимга жавоб ололмайман.

– Албатта, сездим. Ва бунинг учун сени рағбатлантиришни ўйлаяпман.

– Саёҳатга чиқсам дейман. Лондондан ташқарига чиқиб, янги ўлкаларни кўрмоқчиман.

Саёҳат? Бўлимдаги барча ишлар силлиқ кетаётган бир вақтда у кетмоқчими?

– Агар менга кенгроқ имконият берсангиз, банкка кўпроқ ёрдамим тегиши мумкин.



Ҳа, унинг таклифи ундан қутулишнинг осонгина йўли. «Саёҳат» – бу унинг устидан қийинчиликсиз галаба қозониб, бўлимдаги раҳбарлик фаолиятимни беғалва давом эттириш имконияти демақдир. Аммо олдин унинг сирини билиб олишим лозим. Марказдагилар бўлимдаги ўсишни сезишди ва изоҳ сўрашмоқда. Мен бу нуфузни ушлаб туришим ёки олдингидан ҳам ёмонроқ ҳолга солиб қўйишим мумкин. Бунинг учун ҳаммаси бошланган нуқта – Афинани яхшироқ ўрганишим лозим. Баъзида ҳамкасбларим касбий фаолиятда нега юксалиш учун ҳаракат қилмасликларини тушунгандекман. Агар улар муваффақиятга эриша олмасалар, «уқувсизлик» деган ном оладилар. Мабодо ютуқларга эриша бошлашса, муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиб, доимо юрак ҳовучлаб яшашга маҳкум бўлишади. Бу каби ҳолатлар юрак хуружига олиб келиши тиббиётда аниқланган.

Кейинги қадамни жуда эҳтиёткорлик билан босдим. Тилсимнинг моҳиятини аниқламай туриб, унинг соҳибасига очиқча ҳужум қилиш ярамайди. Яхшиси, муғомбирлик билан унинг илтифотига эришиш керак.

– Илтимосингни таклиф сифатида марказдагилар диққатига ҳавола қиламан. Улар Барселонадаги учрашувга менинг ҳам боришимни ҳам сўрашмоқда. Сени чақиришимнинг боиси шу. Тўғри айтасан, банкда ўзгариш юз бермоқда. Холисона айтганда, сенинг ёрдамнинг билан ходимлар муваффақиятга эришмоқдалар.

– Бунга ўз ҳаракатлари билан эришяптилар, десак холисроқ бўлур эди.

– Тўғри, аммо сендан илҳомланган ҳолда, шундай эмасми?

– Менимча, сиз аллақачон ҳаммасидан хабардорсиз.

– Менежмент тўғрисида мен билмаган бирор бир китоб ўқияпсан, шекилли?

– Мен умуман китоб ўқимайман. Илтимосимни амалга оширишга ваъда берасиз, шундайми?



«Скотланд Ярд»да ишлайдиган йигити ҳақида ўйладим. Балки, Афинага бошқалар уддалай олмайдиган натижаларга эришиш йўл-йўриқларини ўша ўргатаётгандир? Агар ваъда берсам-у, эплай олмасам, бу Лондон полицияси билан муаммолар келтириб чиқариши мумкин.

– Мен сизни бир сирдан воқиф қиламан, ҳатто ваъда бермасангиз ҳам. Аммо айтганларимга амал қилмасангиз, ижобий натижага кафолат бера олмайман.

– «Ёшариш техникаси»ни назарда тутаяпсанми?

– Худди шундай.

– Амалда синаш учун назариянинг ўзи етарли бўлса керак?

– Бу фикрга қўшилиш қийин. Буни менга ўргатган киши бу ҳақда қоғозга туширилган қисқа қайдлардан билиб олган.

У гарданимга тушиши мумкин бўлган илтимос ва ваъдаларни унутиб, «ёшариш формуласи» ҳақида гапирётганидан хурсанд эдим. Тан олишим керакки, формулага шахсан ўзимнинг ҳам қизиқишим ортаётганди. Чунки мен ҳам ўз салоҳиятимни ошириш усулини излаб юрардим. Қўлимдан келган ҳамма иш қилишимни айтганимдан сўнг, Афина узун ва чуқур мушоҳада талаб қилувчи Вертекс (балки, Эксисдир, ҳозир аниқ эсимда йўқ)ни топиш учун тушиладиган рақс тўғрисидаги ҳикоясини бошлади. Тинглаш баробарида мен унинг ақл бовар қилмас фикрларини илмий атамалар билан асослашга ҳаракат қилдим. Бир соат камлик қилди. Ундан эртага ҳам вақт ажратишини сўрадим. Директорлар кенгашига тақдим этилувчи бу ҳисобот эртагаёқ тайёр бўлиши зарур эди.

– Усулларни мен ишлатаётган сўзлар билан тасвирлашдан ташвишланманг. Кенгашдагиларга маъқул келиб, улар бу ноанъанавий усулга қизиқиб қолишларига ишонаман.



Афина хато ўйлаётган эди. Англияда одатда янгиликдан кўра анъаналар ҳақида доимо баландроқ ва дадилроқ гапирилган. Аммо ишимга буни халал берадиган жойи бўлмагач, нега таваккал қилмаслигим керак? Унинг айтганлари қанчалик кулгили бўлмасин, уларни бир тизимга жамлаб, умумий хулоса чиқаришим керак, холос.

Барселонадаги тақдимотдан олдин, тонгда ўзимга-ўзим масаланинг аҳамияти юқори натижаларга эришиш моҳиятини очиб бериш эканлигини қайта-қайта такрорладим. Нутқим таъсирли чиқиши учун махсус китобларни кўздан кечириб, янгиликни одамларга тақдим этишда барчани бирдай тўлқинлантирувчи фикрлардан фойдаланиш керак, деган хулосага келдим. Бу ҳашаматли меҳмонхона залига йиғилган кенгаш аъзоларига айтган илк сўзларим Авлиё Павелнинг қуйидаги фикри бўлди: «Худо донишмандлардан энг муҳим нарсаларни яширади. Чунки улар барибир оддийликни тушунмайдилар».

– Донишмандлар энг мукамал муаммоларни ҳал қилавериш, – давом этдим, – оддийларига ақли ўтмаслашиб қолган. Шу сабабли ҳам Худо улардан энг муҳим моҳиятни яширади.

Икки кун бўлимимиз иш фаолиятига тааллуқли чизма ва далилларни ўрганган аудиториядаги тингловчилар бу гапдан кейин жимликка чўкишди. «Ишдан ҳайдалдим, шекилли», деб ўйладим. Лекин бўш келмадим. Биринчидан, мен сўзлаётганларимни тўла тушунган ва мақтовдан умидвор эдим. Иккинчидан, Афинанинг фикрларини тушириб қолдирмаслигим шарт. Кенгаш учун бу қанчалик ақл бовар қилмас усул бўлса ҳам, бироқ ҳақиқат эди.

– Мен шуни таъкидламоқчиманки, бугунги кунда ходимларни ишга бўлган қизиқишини орттириш учун машғулотларнинг ўзи етарли эмас. Ҳар биримизнинг



ичимизда ўзимизга номаълум бўлган яна бир яширин қиёфамиз бор. Шунини кашф қила олсак, шунда мўъжизалар яратишга қодир бўламиз.

Ҳар биримизнинг ишлашдан мақсадимиз турлича. Кимдир фарзандлари учун, яна кимдир рўзғор ташвишида ёки оилавий даромадни кўпайтириш деганларидек. Бир нарса барчамизга аёнки, иш жараёнида чарчаш, зерикиш каби ҳолатларнинг кузатилиши табиий. Муваффақиятларимизнинг сири шундаки, биз ўзимиз билан курашиб, шу ҳорғинлик ҳолатини янги бир қувватга айлантираемиз.

Мисол учун, гўзаллик қидириш манфаат билан боғлиқ жараён эмас. Биз эса ҳали-ҳамон дунёдаги энг муҳим омил сифатида гўзалликни қидираемиз. Қушлар сайрашни емиш топиш ёки йиртқичлардан ҳимояланиш учун ўрганмайди. Дарвин назариясига кўра, улар ўз жуфтини маҳлиё қилиш ва ўз турларини асраб қолиш учун сайрашар экан.

Шу ерга келганимда, женевалик вакил сўзимни бўлиб, фикрларимга аниқлик киритишимни сўради. Бахтимга кенгаш директори давом этишим мумкинлигига ишора кўрсатди.

– Одамзоднинг босқичма-босқич – эволюцион ривожланганлиги тўғрисида асар ёзган Дарвин (Чарльз Дарвин 1859 йил «Тур ва хилларнинг келиб чиқиши» китобини нашр қилади ва биринчи бўлиб инсонни одамсимон маймундан келиб чиққан, деган фикрни айтган)га яна қайтадиган бўлсак, инсоният ривожланишининг бош омили жуфт танлаш ва оила қуришнинг анъанага айланганлиги экан. Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳиссиётларнинг турғунлашуви ҳамда меҳр-муҳаббатнинг пайдо бўлиши бизни Олий мавжудот бўлиб шаклланишимизга замин яратди. Хўш, айтингчи, одамзоднинг босқичма-босқич ривожини ҳамда банк бўлимида фойдали иш коэффициентини



ти ошиши ўртасида қандай фарқ бор? Ҳеч қандай! Иккаласи ҳам биргина яшаш учун кураш қонуниятига бўйсунди.

Шу ўринда таъкидлашим лозимки, бу фикрни ишчиларимдан бири Ширин Халил билан ривожлантирганмиз.

Ширин! Унга кўпроқ шу исм ярашади. Идорамизга янгича бир жўшқинлик, ҳис-туйғу олиб кирди. Ҳа, ҳис-туйғу! Нуқул қарз ёки ҳисоб-китобга доир атама-ларни тинглаб ўрганган қулоқларимиз учун бу ғала-тироқ эшитилаётган бўлса керак. Мижозлар билан самарали ҳамкорлик қилиш мақсадида ходимларим мусиқадан фойдаланишяпти.

Яна бир вакил сўзимни бўлиб, бу эски усул эканлигини, супермаркетлар мижозларни харидга ундаш мақсадида бир замонлар най оҳангидан фойдаланишганини айтди.

– Мен мусиқадан ишхонада фойдаланяпмиз, демадим. Одатда одамлар иш кунини турлича бошлайдилар. Ширин ёки Афинанинг таклифи билан ходимларимиз кундалик ҳаётни тамоман бошқа усулда – рақсга тутишдан бошлашади. Очиғи, иш бошқарувчи сифатида бу усул одамнинг қайси тизимига таъсир қилишини тушунмайман. Мен жараёнга эмас, натижага масъулман. Шахсан ўзим бу усулни ҳали ўзимда синаб кўрганим йўқ. Аммо тушундимки, рақс одамга қилаётган ишини яхшироқ англашда ёрдамлашади.

Туғилганимиздан бошлаб «Вақт бу – пул» фикрининг қулига айланиб қоламиз. Пулнинг-ку нималигини биламиз, аммо «вақт» деган сўзни қандай ифодалаймиз? Бир кун 24 соат ва бир қанча лаҳзалардан иборат. Мана шу ҳар лаҳзаларда биз ҳаракатдамизми ёки ҳаётнинг шунчаки томошабинимизми – буни билишимиз зарур. Агар биз секинлашсак, ҳамма нарса узоқ давом этадигандек туйилади. Тўғри, бўшаган



идишларни ювиш ҳисоб варақасидаги қарзларни йиғиш ва муҳлатини текшириш каби зерикарли бўлиши мумкин, лекин нимага шу лаҳзаларни тирик-лигимиздан хурсанд бўлиб, ёқимли туйғуларни ҳис қилишга сарфламаслигимиз керак?

Кенгаш директори менга ҳаяжон билан тикилиб турарди. Ҳар бир икир-чикиригача асослар билан гапиришимни хоҳлаётганига ишочим комил эди. Тингловчилар тоқатсизланишарди.

– Нима демоқчилигингизни яхши тушуниб турибман. Айтмоқчисизки, ходимларингиз рақсдан куч олиб, иш соатларини завқ-шавқ билан ўтказишади. Яхши натижалар бераётган бу ғайриоддий усулни қўллаб-қувватлаб, ходимларга қайишаётганлигингиз учун мақтовга муносибсиз. Вақт ҳақидаги қарашларингизга қўшиламан. Марҳамат, тақдимотга хулоса ясаш учун ихтиёрингизда беш дақиқа вақтингиз бор. Бошқа бўлимларда ҳам татбиқ қилишимиз учун усулнинг бешта асосий жиҳатини ифодалашга беш дақиқа етарли бўлса керак?

Бу усулнинг ходимларга фойдаси ҳақида гапираётганида, у ҳақ эди. Бироқ буни тўла англамай туриб, кўр-кўрона татбиқ этиш, аксинча салбий таъсир ҳам ўтказиши мумкин. Шу сабабли Ширин билан бирга-ликда ёзган хулосаларимиздан фойдаландим.

– Ўзимизнинг шахсий кузатишларимизга асосланиб, Ширин Халил ва мен бу борадаги муайян фикр-мулоҳазаларни ривожлантирдик. Қизиқувчилар билан бажонидил муҳокама қилишга тайёрман. Шулардан энг муҳимларини келтириб ўтаман.

А) Ҳар бир инсоннинг ич-ичида ўзига номаълум, яширин қобилияти бўлади. Биз бугун умр бундан беҳабар қолишимиз мумкин. Агар шу яширин истеъдодни топа олсак, у бизнинг қудратимизга айланади. Унинг имконияти ва иқтисодий аҳамиятини англамай туриб,



унга жиддий эътибор қаратмаймиз. Ишонаманки, ҳеч бўлмаганда назариядан нима демоқчилигимни тушуниб оласиз.

Б) Менинг ходимларим Осиёнинг чўлли ҳудудларидан келтирилган мусиқага рақсга тушиш орқали ўзларининг ички қобилиятларидан унумли фойдаланишни ўргандилар. Мусиқа яратилган макон аҳамиятсиз. Энг муҳими, тана ҳаракатлари орқали «қалбинг хоҳиши»ни ифодалашдир. «Қалб» сўзи бир оз тушунарсиз бўлгани сабабли, биз буни «ички ҳиссиёт» билан алмаштирамиз. Агар буни ҳам ҳазм қилиш қийин бўлса, унда илмиyroқ жаранглайдиган «бирламчи туйғу» атамасини ишлатамиз. Аммо бу юқоридагиларга қараганда тор маънони қамраб олади.

С) Ишга боришдан олдин мен ўз ходимларимга бадантарбия ёки аэробика билан шуғулланиш ўрнига, ҳар куни тонгда камида бир соат рақсга тушишни маслаҳат бердим. Бу жисмоний ва руҳий тетикликка олиб келади. Ишчиларда яратувчанлик ва ижодкорлик кайфияти уйғонади ва улар бор қувватларини ишга соладилар.

Д) Мижоз ва ходим битта оламда яшашади: воқелик мияга узатилаётган узлуксиз тасвирлардан бошқа нарса эмас. Кўриб турганимиз – моддиятнинг миядаги тебранма ҳаракатидир. Биз атрофни бошқалар билан тенг ўлчамда кўрсак ҳам, ҳаракат қилиб, буни кенгайтиришимиз ҳам мумкин. Бунда «бирламчи туйғу»нинг аҳамияти катта. Одатда онг унда тасвирланаётган шаклга эмас, ички рағбатга кўпроқ суянади. Туйғу эса юқумли касалликка ўхшайди. Биз хафақонлик ёки руҳий тушқунлик ўрнига мижозларимизга шодлик юқтира олиш ва шу орқали иш сифатини ошириш имкониятига эгамиз.

Қимматли қоғозлар фондининг Канада бўлими бошқарувчиси бу изоҳимни жуда ҳам мужмал деб баҳолади.



Андак журъатим сўнди. Кимнидир ишонтиришимга кўзим етмади. Шунга қарамасдан, унинг гапини эшитмаганга олдим ва бор маҳоратимни ишга солиб, нутқимга амалий хулоса ясадим.

– Бу усулнинг фойдали жиҳатларини чуқур ўрганиб, татбиқ қилиш учун банк маъмурияти маблағ ажратиши ҳамда изланиш олиб бориши зарур. Шу таҳлит, биз сезиларли даражада фойда кўрамиз.

Бу менга анчагина мулоҳазали ва кўнгилдагидек якун бўлиб туйилди. Менга ажратилган вақтдан қолган икки дақиқадан фойдаланмасликни афзал кўрдим. Семинардан сўнг Кенгаш директори мени ҳамманинг гувоҳлигида кечки таомга таклиф қилди. Гўёки у менинг айтганларимга қизиқиш билдираётганини бошқаларга намоён қилар эди. Мен ҳеч қачон бундай имкониятга эга бўлмаганман. Меҳнат унумдорлиги, ҳисоблаш дастурлари, биржа бозоридаги англашилмовчиликлар хусусида гапираётганимда, у мени тўхтатди. Афинадан ўрганганларимга қизиқиш билдирди.

Ва ниҳоят, бахтимга у суҳбат мавзусини шахсий масалаларга бурди.

– Вақт тўғрисида гапирганингизда, нима демоқчилигингизни тушундим. Янги йилда байрам кайфиятидан лаззатланиб юрганимда, боққа чиқиб, ҳордиқ чиқаришга қарор қилдим. Почта қутисидан газетани олдим. Аммо бунда фақатгина журналистлар ўзлари лозим топган, ўқувчилар билиши шарт деб ҳисоблаган хабарларнигина беришган экан. Бирор бир муҳим янгиликни топиш амри маҳол.

Ишхонадагилардан бирортасига кўнғироқ қилишни ўйладим. Бироқ барча ходимлар оилалари билан байрам гаштини суришмоқда ва менинг бу ишим ногўғри бўлган бўлур эди. Оилам билан тушлик қилгач, озгина мизғиб олдим. Уйғонганимда соат миллари кундузги



иккини кўрсатиб турарди. Олдимда яна уч кунлик дам олиш кутаётган эди. Оилам билан бўлишни қанчалик хуш кўрмай, ўзимни кераксиздек ҳис қила бошладим.

Кейинги кун бекорлигимдан фойдаланиб, ошқозонимни текширтиришга бордим. Натижа ошқозоним рисоладагидек эканлигини тасдиқлади. Тиш шифоко-рига борганимда, у ҳам ҳаммаси жойидалигини айтди. Уйга келиб, оилам билан бирга тушлик қилдим. Бир оз мизғиб, яна кундузги иккиларда уйғондим. Диққатимни нимага қаратишни билмасдим.

Ўзимни ноқулай ҳис қила бошладим. Наҳотки қўлимдан ҳеч нима келмаса, деб ўйладим. Унчалик катта ғайрат талаб қилмайдиган бирор иш ўйлаб топишим керак. Орзулар режага айланади. Режа амалга оширилади. Ҳаёт ўзи аслида алмашинувдан иборат. Аммо бу маъносизликни қандай баҳолаш мумкин? Шунда миямга ярқ этган фикр келди. Шаҳар чеккасидаги уйга бориб, стол устида унутиб қолдирилган Янги йил табрикномасини олиш ва узатиш. Масофа бир милга етмас эди. Шу сабабли яёв бормоқчи бўлдим.

Тўсатдан иккиланиб қолдим. Нимага ўша табрикномани айнан бугун жўнатишим керак? Наҳотки ҳеч нима қилмасдан, шу ерда туриш шунчалик қийин бўлса, деб ўйладим. Идрокимни бир қанча ўй-хаёллар чулғаб олди: юз бермаган ҳодисалар учун ташвишга тушаётган дўстларим, ҳаётининг ҳар лаҳзасини менга аҳмоқона бўлиб туйилган топшириқлар билан совураётган танишларим, ҳиссиз ва бир чақага қиммат суҳбатлар ҳамда бирор-бир аҳамиятга эга бўлмаган узундан-узоқ асабий телефон қўнғироқлари ҳақида ўйлай бошладим. Иш фаолиятларини мустаҳкамлаш мақсадида, ташаббус билан чиқадиган қўл остимдаги директорларни яхши биламан. Иш кунида компанияга фойдаси тегмай, ўзларини кераксиз деб ҳис қилиб, ҳадик билан ишлаб юрган ходимларни ҳам биламан.



Хотиним ўғлимнинг оиласи бузулганидан қийналади. Ўғлим эса неварам мактабда қониқарсиз баҳо олаётгани учун ташвишда. Неварам эса бизни хавотирга қўйганидан хавотирда. Ваҳоланки, барчамиз баҳонинг аҳамиятсизлигини биламиз.

Хуллас, ўша куни курсидан қўзғалмасликка ўзимни зўрға кўндирдим. Аста-секин бетоқатлик йўқолиб, мушоҳада юрита бошладим. Қалбимга, балки, ички ҳиссиётимга ёки сиз айтгандек «бирламчи туйғу»га қулоқ тута бошладим. Қандай аташингизни билмадим-у, бу овоз менга анчадан буён гапирар, жуда бандлигим боис уни эшита олмаган эдим.

Ўшанда мени ич-ичимдан келаётган овоз билан суҳбатга чорлаган куч рақс бўлмаса ҳам, у шовқин ва ҳаракатдан иборат эди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу ернинг ўзида, ўтирган ҳолатимда мени ташвишга солаётган муаммолар ҳақида кўп нарсани ўргандим, ечимини топдим. Худони кўрмаган бўлсам-да, оқилона йўл менга аён бўлди.

Ҳисоб варақасини узата туриб, кенгаш раиси менга ходимларимдан бирини Дубайга, банкнинг янги бўлимига, синов учун юборишимни сўради. Ўз ишининг пухтаси сифатида, у бу соҳада билишим керак бўлган барча билимларни ўзлаширганимни сезган эди. Ҳамма гап бу муваффақиятни ушлаб қолишда. Ходимларим бошқа жойда ҳам ўз салоҳиятларини кўрсата олишларига ишонаман. Кенгаш раиси буни билмаса ҳам, у берган ваъдамни уддалашимда менга кўмаклашаётган эди.

Лондонга келишим билан бу таклифни Афинага айтдим. У шу заҳотиёқ рози бўлди ва араб тилида равон гапира олишини билдирди. Бундан хабарим бор эди. Буни ишга унчалик алоқаси йўқ. Сабаби, банк Араблар билан эмас, асосан хорижликлар билан ҳамкорлик қилади. Унга ёрдами учун миннатдорчилик



билдирдим. У эса Барселонада ўтган конференция тафсилотларига қизиқмади. Сафар жомадонини қачонга тайёрлаши кераклигини сўради, холос.

Унинг «Скотланд Ярд»даги йигити ҳақида айтган гаплари ростми ёки хомхаёл, буниси ҳамон менга қоронғу. Агар бу ҳақиқат бўлганида, Афинанинг қотили аллақачон топилган бўлар эди. Жиноят ҳақида ёзган рўзномаларнинг фикрларига умуман ишонмайман. Мен иқтисодий инженерликни яхши тушунаман. Рақс ходимларимга яхши ишлашлари учун ёрдам бераётганини тан оламан. Лекин дунёдаги энг тажрибали полиция хизмати тобора жиддий зиддиятлар келтириб чиқараётган жиноятчиларни нега қўлга олишга ожизлик қилаётганини тушуна олмайман.

НАБИЛ АЛЛАҲИ, ЁШИ МАЪЛУМ ЭМАС, БАДАВИЙ

Афинанинг уйида менинг суратим осифлигини эшитиб, беҳад қувондим. Лекин унга бу қадар шарафга арзийдиган ҳеч нима ўргатганим йўқ. У бу ерга – саҳрога қўлида уч ёшли ўғли билан келган эди. Сумкасидан магнитофон олиб, чодирнинг қаршисида ўтирди. Маҳаллий овқатларни татиб кўришни хушлайдиган хорижликларга одатда менинг манзилимни беришар эди. Хўранда фараз қилиб, унга тушликка ҳали эрта эканлигини айтдим.

– Бошқа иш билан келдим олдингизга, – деди у. – Сизнинг жиянингиз Ҳамид мен ишлайдиган банкнинг мижози. Унинг айтишича, сиз жуда ҳам донишманд киши экансиз.

– Ҳамид ўзи нодон бўлгач, мени донишманд деб ҳисоблайди-да. Лекин у маслаҳатларимга ҳеч қачон қулоқ тутмаган. Пайғамбаримиз Муҳаммад, Аллоҳ ундан рози бўлсин, донишманд киши бўлган, қизим.



Ўзинг билмаган жойларга машинада ёки йўлбошчисиз бориш ярамайди, – унинг машинасига ишора қилдим.

Жавоб бериш ўрнига у магнитофонини ёқиб, мусиқа қўйди. Кейинги кўрганим фақатгина қумтепаликларда рақс тушаётган аёл ва хуррамлик билан уни кузатаётган ўғли эди. Бутун саҳро шу куй оҳангига тўлиб-тошди. Мусиқа тўхтагач, аёл менинг фикримни билишга қизиқди.

Унга рақс менга маъқул бўлганини айтдим. Бизнинг диний мазҳаблардан бирида ҳам Аллоҳга, Унга беҳисоб шукрлар бўлсин, яқинлаштирувчи рақс мавжудлигини айтдим.

– Тушунарли, – деди ўзини Афина деб таништирган аёл. – Мен ҳам болалигимданоқ Худога яқинроқ бўлишга интилганман. Бироқ ҳаёт доимо мени Ундан узоқроқ итаришга уринган. Мусиқа мен учун Унга яқинлашишнинг бир йўлидир. Лекин бу етарли эмас. Рақсга тушганимда, ҳар сафар кўз олдимда ёруғлик пайдо бўлади ва шу ёруғлик мени янада яқинроқ боришимга ундайди. Буни бир ўзим уддалай олмайман. Шунинг учун менга сабоқ берадиган устозга эҳтиёж сезмоқдаман.

– Албатта, бунга эришасан, – дедим унга. – Чунки раҳмдил Парвардигор ҳар доим сен билан ёнма-ён. Рисоладагидек ҳаёт кечирсанг, шунинг ўзи кифоя қилади.

Аёл таажжубланиб қаради. Унга вақтим бир оз тиғизлиги, келадиган уч-тўртта хорижлик сайёҳларга тушлик тайёрлашим кераклигини айтдим. У эса қанча керак бўлса, шунча кутишини таъкидлади.

– Бола-чи? – сўрадим.

– Ундан ташвишланманг, – жавоб берди Афина.

Одатий пишириқларни тайёрлаш баробарида онаболани диққат билан кузатдик. Улар худди тенгдошлардек ўйнашар, саҳрода чошиб, қумтепаликлардан



думалаб, бир-бирларига қум сочишар эди. Йўлбошчи уч нафар немис сайёҳини бошлаб келди. Улар овқатланиб бўлиб, пиво сўрашди. Эътиқодим спиртли ичимлик ичишни ва тарқатишни таъқиқлашини уларга тушунтирдим. Афинани даврамизга чорлаб, тушликка таклиф қилдим. Аёлнинг кутилмаган ташрифиди сайёҳлардан бирини тамоман хушчақчақ қилиб қўйди. У ер сотиб олиш ҳақида бош қотираётганини, яқиндагина сотиб олинган ер-ҳудудининг келажагига умид боғлаётганини айтди.

– Қойил, бошлабсиз. Мен ҳам у ҳудуднинг келажагига ишонаман, – деди Афина.

– Шаҳардаги ресторанлардан бирига тушлик уюштирсак бўларкан. Биз янги имкониятлар ҳақида...

– Йўқ, – деди Афина ва сайёҳга ташриф қоғозини қайтариб берди. – Агар хоҳласангиз, бизнинг банк билан ҳамкорлик қилишингиз мумкин.

Сайёҳлар кетгач, биз чодир ташқарисига чиқдик. Бола онасининг тиззаларида ухлаб қолди. Ҳаммамиз учун жун ёпинчиқ олиб чиқдим. Юлдуз тўла осмонга анча вақт тикилиб турдик. Ниҳоят, ўртадаги жимликни Афина бузди.

– Нега Ҳамид сизни донишманд деб билади?

– Балки, унга нисбатан қаноатли, сабрли бўлганим учундир. Қачонлардир Ҳамидга санъатимни ўргатишга ҳаракат қилган эдим. У эса кўпроқ пул топишга қизиқди. Балки, айни кунларда ўзини мендан кўра доно деб билса, ажаб эмас. Унинг уйи ва шахсий кемаси бор. Мен эса ҳали-ҳамон ўша чодирда, сайёҳларга овқат тайёрлаб кун кўраман. Ўз ҳаётимдан қониқишимни у тушунмайди.

– У бунга яхши тушунади ва сизни ҳурмат билан тилга олади. Дарвоқе, «санъатим» деганда нимани назарда тутдингиз?



– Менинг санъатим ҳам рақсдан унчалик фарқ қилмайди. Тафовут шундаки, бунда менинг танам эмас, ҳарфлар рақсга тушишади.

Афина менга ҳаяжон билан тикилди.

– Мени Аллоҳга, Унга беҳисоб шукрлар бўлсин, яқинроқ олиб борувчи куч – ҳуснихатдир. Ҳар бир сўзнинг тўла-тўкис маъносини топиш – Яратганни қидириш билан баробардир. Сўзнинг маъносини қоғозда тасвирлаш, бор қувватимизни унга жамлашни тақозо қилади. Ёзилган муқаддас битиклар хаттотнинг қалби бўлиб, бутун дунёга тарқалади. Нафақат муқаддас битик, балки ундаги ҳарфларнинг ҳар бир чизиғи ихлосмандларга бу «қалб» эгаси ҳақида хабар беради.

– Билганларингизни менга ўргата оласизми?

– Сенга ўхшаган куч-қувватга тўла бирор кишида буни ўрганиш учун етарли сабр-тоқат бор, деб ўйламайман. Қолаверса, босма дастгоҳларда ўйламай-нетмай чоп этиш урф бўлган сенинг муҳитингда бу санъатга эҳтиёж йўқ.

– Уриниб кўрсам, деган эдим.

Мен бетоқат деб билган бу аёл олти ойдан ошиқроқ ҳар жума куни меникига келишни одат қилди. Ҳаттоки ўғли ҳам чодир чеккасидан қоғоз ва мўйқалам олиб, борлиқда зоҳир нимаики англаган бўлса, шуни акс эттирувчи тасвирларни чизишга ўзини бағишлар эди.

Афина хато қилиб ўчирар, қайта-қайта чизарди. У излаётган эди.

– Бундан бошқа фойдалироқ иш билан машғул бўлиш ҳақида ҳеч ўйлаб кўрмадингми? – деб сўрадим бир куни ундан.

– Йўқ, асло! Мен шунга муҳтожман. Ўзимни топишим ҳамда қалбимни тинчлантиришим керак. Вертексдан таралаётган нур менга давом эттиришим кераклигини уқтирди.



Мен ундан Вертекс нималигини сўрамадим, бунга қизиқмадим ҳам.

Биринчи ва, балки, энг машаққатли дарс, бу – Сабр эди.

Ёзиш, бу – фақатгина фикрни эмас, балки ҳар бир сўзнинг маъносини ҳам ифодалашдир. Биз биргаликда араб шоири томонидан ёзилган шеърларни қоғозга туширишга киришдик. Чунки ўзга бир эътиқод билан вояга етган киши Қуръони Каримни ҳис қилиши қийин, деб ўйладим. Мен сўзни эмас, унинг ҳар бир ҳарфини талаффуз қилдим. Унинг диққати бирданига сўзга эмас, аввало ҳарфга қаратилмоғи лозим эди. Шундагина ўзининг нима қилаётганини тушуниб етади.

– Қачонлардир бир киши менга, мусиқа Парвардигор томонидан яратилган, тезкор ҳаракат эса одамларга ўзаро мулоқот ўрнатишлари учун керак, деган фикрни айтган эди, – деди Афина ва давом этди: – Йиллар ўтиб, бунинг ҳақиқат эканини англадим. Ҳозир эса дунёдаги энг қийин иш – секинликни ўрганяпман. Нега сабр-тоқат шунчалик муҳим?

– Чунки у бизни диққатимизни бир ерга йиғишга ўргатади.

– Лекин мен рақсга тушаётганимда ўз қалбимга бўйсунаман. У ўзимдан қудратлироқ куч, жоиз бўлса, Худо билан мулоқот ўрнатади. Рақс менга ҳаётимни тубдан ўзгартиришим учун ёрдам беради. Жумладан, ишимни ҳам. Балки, қалб муҳимроқдир?

– Бу ҳам тўғри. Аммо қалбинг ақлинг билан ҳам алоқани узмаса, сендаги имконият янада кенгайди.

Биз ишимизни давом эттирдик. Қайсидир маънода мен унинг руҳиятини ҳали ўзи эшитишга тайёр бўлмаган гап учун ҳозирлаётган эдим. Унга сўздан олдин идрок пайдо бўлишини, идрокни эса илоҳий нурдан олишимизни тушунтирдим. Ер юзидаги ҳамма нарса моҳият касб этади. Ҳатто энг кичик зарра ҳам биздан идрокни талаб қилади.



– Вужудимга қалбимдаги ҳар бир туйғуни акс эттиришни ўргатганман. – деди Афина.

– Энди эса вужудингдаги ҳар бир туйғуни акс эттиришни бармоқларингга ўргатишинг лозим. Бу вужудингдаги кучни бир жойга жамлайди.

– Ўқитувчимисиз?

– Ўқитувчи ким? Аслида ўқитувчи – бу ўргатувчи эмас, у илҳомлантириш орқали толибнинг ички қобилиятларини юзага чиқарувчи шахс, холос.

Ҳуснихат шахсиятни фош қилади. Афинага айтаётганларимни у аллақачон бошдан ўтказганини пайқадим. Севилиш нималигидан ҳам хабардор экан. Бу нафақат фарзанд, эҳтимол, эркак севгиси ҳам бўлиши мумкин. Унда аллақандай сирли қобилиятларни ҳам кўрдим. Билмадим, балки, бу унинг фожиаси эди. Булар тўғрисида унга индамадим.

Афинага ҳуснихат асослари билан бирга фалсафадан ҳам сабоқ бердим.

– Сен чизиқ тортаётган мўйқалам оддий бир асбоб. Унда ҳис йўқ. У тутиб турган қўл эгасининг хоҳиш-иродасига бўйсунди. Бу худди ҳаётдагидек: кўпчилик инсонлар ўзларига номаълум «кўринмас қўллар»га бўйсуниб яшайдилар. Қўлингга бўйсуниб турган мўйқалам тортаётган чизиқларда ўз истакларингни муҳрла.

– Нима демоқчилигингизни тушундим. Юксак дид билан ишлаш ҳам жуда муҳим. Сиз менга муайян бир ҳолатда туришни ва мен фойдаланаётган ашёларни севишни ва шундан кейингина иш бошлашни ўргатинг, – деди Афина.

Одатда агар у ўзи фойдаланаётган мўйқаламни ҳурмат қилса, бора-бора тушунадики, сўзни қоғозда ифодалаш учун хотиржамлик ва назокат жуда муҳим.

– Дид, бу – оддийгина юзаки нарса эмас. У сабаб одамзод ҳаёт ва меҳнатни қадрлайди. Қайсидир ҳолат



сенга ўнгай бўлиб туйилса, бу билан уни сохта ёки қалбаки деб бўлмайдди. Бу аниқ ва мутлақо тўғри. Чунки бу унинг машаққатли эканидан далолат. Ушбу ҳолат қоғоз ва мўйқалам сен бажараётган ишдан фахрланаётганининг ифодасидир. Оппоқ ва силлиқ қоғоздаги маъносизлик йўқолиб, кўз ўнгингда турли-туман шакллар бўй чўзади. Ёзув бекаму кўст чиқишида нафислик ҳам жуда аҳамиятли. Нафислик, аввало, меёр дегани. Ҳаётда бўлгани сингари, агар уйдан ортиқча буюмларни улоқтирсак, оддийликни ҳис қиламиз ва идрокимиз тиниқлашади. Санъат асари қанчалик оддий бўлса, шунчалик аниқ ва тушунарлидир. Аксинча, ҳаддан ташқари гўзаллик чигалликни келтириб чиқаради.

Афина баъзида шаҳардаги ишлари ҳақида сўз очар эди. Ишидан кўнгли тўлишини, тез орада обрў-эътиборли амирлардан бири билан ҳамкорлик қилишини айтди. Банкнинг иш бошқарувчиси амирнинг дўсти экан. Амир дўстини кўргани борганида, Афина билан учрашиб қолади ва ер олди-сотдисига оид масалада ҳамкорлик таклиф қилади.

Саҳронинг қоқ ўртасида ёки бандаргоҳдан узоқда бўлган ҳудуддан ким ҳам ер оларди? Бу ҳақида индамай қўя қолдим. Сукут сақлаб турганимдан хурсанд эдим.

Бир сафар у ўзи севган эркак ҳақида сездириб қўйган. Одатда чодирга келадиган кўпчилик сайёҳларнинг аёлларга суяги йўқ. Афина бундай эркакларга эътибор бермас эди. Аммо бир куни сайёҳлардан бири Афинага унинг йигитини танишини айтди. Афинанинг юзи оқариб, зудлик билан ўғлига қаради. Бахтига Виорел буни эшитмади.

– Уни қаердан танийсан? – сўради Афина.

– Ҳазиллашдим, – деди сайёҳ. – Турмушга чиққан-мисан, йўқми – шуни билмоқчи эдим.



Афина ҳеч нима демади. Суҳбатдан менга шуниси аён бўлдики, унинг ҳаётидаги эркак ўғлининг отаси эмас эди.

Бир куни у чодирга одатдагидан эртарақ келди. Ишдан бўшаганини, энди фақатгина кўчмас мулк савдоси билан шуғулланиши, ҳуснихатга кўпроқ вақти бўлиши ҳақида гапирди. Унга ишларим қалашиб ётганини айтдим.

– Мен бир вақтнинг ўзида икки ҳолатга кира оламан: ҳаракатлана туриб осудаликни, шодланиб туриб, хотиржамликни унутмайман.

У машинадан магнитофонни олди. Ўша кундан эътиборан, дарс бошлашдан олдин рақсга тушишни одат қилди. Рақсга тушиб, қоғоз қаршисига ўтирганида, мўйқалам тутган қўллари одатдагидан кўра равон ҳаракатланарди.

– Икки хил ҳарф мавжуд, – дедим Афинага. – Биринчиси – жуда аниқ ишланган, аммо «қалб» етишмайдиган ҳарф. Бунда хаттот қанчалик маҳоратли бўлмасин, ҳуснихатни фақатгина ҳунар деб билади. У янгилик яратишга ожизлик қилади ва бора-бора бу ишни зерикарли деб топади.

Иккинчиси – ҳам аниқ, ҳам қалб билан битилган ҳарф. Бунда ҳарф хаттотнинг мақсади билан уйғунлашиб кетади. Шунда байтда тасвирланган фожиа хаттот тортган чизиқларда йўл-йўлакай рўй берган курашга айланади. Нафислик намоён бўлади.

– Чизганларингни нима қилмоқчисан? – араб тилида аниқ ва равон сўради ўғли. У ўртамиздаги суҳбатни тушунмаса ҳам, онасининг чизмаларига ҳисса қўшишга иштиёқманд эди.

– Уларни сотаман.

– Мен ҳам ўзимникиларни сотсам бўладими?

– Албатта. Бир куни сен шу орқали давлат орттирасан ва онанга ёрдамлашасан. – Менинг изоҳим унга ёқди ва рангли капалак чизишни давом эттирди.



– Тўғри ҳолатда туришни, қалбингни хотиржам қилишни, мақсадингни аниқлаб, ҳар бир ҳарфга нисбатан ҳурматда бўлишни биласан. Шу йўсинда давом эт. Шуғулланиш баробарида, булар ўз-ўзидан бизнинг бир бўлагимизга айланади. Бунинг учун кўпроқ машқ қилиш лозим.

Пўлатга ишлов бераётган темирчини ҳеч кузатганмисан? Билмаган киши темирчи болгани бир маромда, бир хил зарбда ураяпти, деб ўйлаши турган гап. Ҳуснихат билан шуғулланган киши эса темирчи кўтариб-тушираётган болганинг зарби ҳар сафар ҳар хил эканлигини билади. Қўл бир хил ҳаракатни такрорлайди. Бироқ темирга маълум масофа қолганида қўл, қалб ва ақл биргаликда болға зарбини белгилайди. Вақти келиб, сен ҳам қилаётган ишингни унутасан ва ўзинг ҳарфга, сиёҳ, қоғоз ва сўзга айланасан.

Деярли бир йил ўтиб, ўша вақт етиб келди. Унгача Афина бутун Дубайда маълум ва машҳур эди. У мижозларига менинг чодиримда меҳмон бўлишни тавсия қиларди. Мен улардан унинг ишлари яхши кетаётганлигини билиб олар эдим. У саҳронинг тақир бўлагини ҳам сота бошлаганди. Бир куни амирнинг шахсан ўзи чодиримга келди. Унга йўлбошчиларнинг энг буюги йўл бошлаб келди. Шошиб қолганимни кўриб, амир мени тинчлантирди ва Афинага кўрсатаётган илтифотим учун раҳмат айтди.

– У жуда ҳам яхши инсон. Унга компания улушидан бериб, шерикчилик таклиф қилмоқчиман. Қолган ишчиларимни хаттотликни ўрганишлари учун шу ерга юборсам дейман. Айниқса ҳозир, Афина бир ойлик таътилга чиқишга тайёргарлик кўраётган бир пайтда.

– Бу тадбирнинг ишни яхшилашга аҳамияти йўқ, деб ўйлайман. Ҳуснихат Аллоҳга, Унга беҳисоб шукрлар бўлсин, яқинроқ бўлишнинг бир йўлидир. Бу бизга холислик ва сабр-тоқатни, ҳурмат ва назокатни ўргатади.



– Буларни рақс орқали ҳам ўрганса бўлади, – деди яқинроқда турган Афина.

– Ё бўлмасам ер олди-сотдиси билан ҳам, – қўшимча қилдим.

Амир кетганида, Виорел чодир чеккасида мудраб ўтирарди. Керакли барча анжом ва ашёларни Афинанинг олдига қўйдим ва бирор нима ёзишини сўрадим. У сўзнинг ярмини ёзганида мўйқаламни қўлидан олдим. Унга анчадан буён айтмоқчи бўлган гапларимни етказишнинг айна фурсати келган эди. Бир оз саҳрода юришни таклиф қилдим.

– Нимани ўрганишинг лозим бўлса, барчасини эгалладинг, – дедим. – Сендаги хаттоглик санъати тобора ўзига хослик ҳамда табиийлик касб этмоқда. Энди у шунчаки такрорийлик эмас, балки шахсий ижодий намунадир. Сен ҳам барча буюк санъаткорлар билган бир ҳақиқатни билишинг зарур: қонун-қоидаларни унутиш учун уларни пухта ўзлаштиришинг ва ҳурмат қилишинг шарт.

Сен энди ўрганишга ёрдам берган бўёқ, қоғоз, мўйқаламга муҳтож эмассан. Энди энг муҳими – сенинг услубингдир. Бир вақтлар рақсдан сабоқ берган устозинг мусиқани эшитмай, тасаввур қилиш орқали ҳам рақсга туша олишини айтган эдинг.

– Ҳа, тўғри, – тасдиқлади Афина.

– Барча сўзлар бирлашиб, жипслашса ҳам маъно йўқолади. Ҳеч бўлмаганда, маънони англашда оз бўлса ҳам қийинчилик юзага келади. Демак, сўзлар орасидаги масофа – бўшлиқ ҳам жуда аҳамиятли.

У бош ирғаб фикримни тасдиқлади.

– Гарчи сўз ёки ҳарф битишда «устасифаранг» бўлсанг-да, масофа олишда чалғиб қоласан. Диққатингни жамлаганингда, қўлинг жуда ҳам равон ҳаракатланади, бироқ бир сўздан иккинчисига ўтганингда у ўз мувозанатини йўқотади.



– Буни қаердан биласиз?
– Тўғри топдимми?
– Тўппа-тўғри. Кейинги сўзга диққатимни қарата-ётиб, қандайдир сониялар орасида ҳолатдан чиқиб қоламан. Ўзим хоҳламаган ўйлар хаёлимга келади.

– Бунинг нима эканлигини аниқ биласан, шундайми?
Афина буни билса ҳам, чодирга етиб келгунча ҳеч нима демади. Ўғлини ердан олди. Ўзини тутишга ҳаракат қилса-да, кўзлари жиққа ёш эди.

– Амирнинг айтишича, таътилга чиқаётган экансан.
У машинанинг эшигини очди ва моторни ёқди. Моторнинг овози бир муддат саҳро сукунатига барҳам берди.

– Нимани назарда тутганингизни сездим. Ёзаётганимда ҳам, рақсга тушаётганимда ҳам борлиқни яратган Қўл менга йўл кўрсатади. Ўғлим Виорелга қараганимда, у менинг муҳаббатимнинг меваси эканлигини ўйлайман. Гарчи отасини бир йилдан буён кўрмаган бўлсам ҳам. Лекин мен...

У сукут сақлади. Бу жимлик сўзлар ўртасидаги оралиқдек туйилди.

– Лекин мен ҳануз ўша Қўлни топиш илинжидаман. Буни аҳамиятли деб ўйлайсизми?

– Унчалик эмас, – дедим. – Бироқ сенинг вазиятингдан келиб чиқсак, ўша Қўлни тутмасдан туриб, хаттотлиқда юксала олмайсан.

– Мени севиш ҳақида ташвишланмаётган Кучни хавотир билан қидиришнинг нима зарурати бор экан – тушунмайман.

Машинанинг эшигини ёпди. Жилмайди ва жўнаб кетди. Унинг сўнгги сўзлари кейинги режаларига зид эканлигидан бохабар эдим.



САМИРА ХАЛИЛ, АФИНАНИНГ ОНАСИ

Тўсатдан унинг учун ҳамма нарса: касбий муваффақияти ҳам, муҳаббати ва ўғлининг тарбияси ҳам иккинчи даражали масалага айланиб қолди. Ширин менга туққан онасини топиш учун кетмоқчилигини айтганида, қўрқувдан даҳшатга тушдим.

Ўша марказ аллақачон ёпилиб кетган, ҳужжатлар йўқ қилинган, деб ўзимга таскин бера бошладим. Марказдаги бирор бир масъул киши билан тортишса, улар қўлларида ҳеч нима келмаслигини айтар, балки. Яқиндагина ағдарилган Руминия ҳукумати мамлакат иттифоқига киришга рухсат бермас ёки уни туққан аёл аллақачон ғойиб бўлган. Булар бор-йўғи лаҳзалик тасалли, холос. Менинг қизим олдида қўйган ҳар қандай вазифани уйдлар, тўсиқлардан ўта олар эди.

Шу вақтгача бу мавзу ҳақида сўз очиш оиламизда таъқиқланган эди. Бейрутдаги руҳшуноснинг маслаҳати билан ақлини танигач, Ширинга асранди қиз эканлигини айтган эдик. Лекин, ўшанда бунга қизиқиш билдирмаганди. Ўшанда Бейрут унинг ҳам, бизнинг ҳам ягона маконимиз бўлган.

Яқин бир дўстимнинг асранди ўғли ўн олти ёшида ўз жонига қасд қилди. Сабаби оилада қиз фарзанднинг туғилиши эди. Шунинг учун биз Ширинни асраб олгач, бошқа фарзандли бўлишга ҳаракат қилмадик. Уни шодлигимиз ва қайғумиз, муҳаббатимиз ва умидларимизнинг яккаю ёлғиз сабабчиси эканлигига ишонтириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик. Эй Худойим, бу яхшилиқни билмайдиган қанақа фарзанд, деб нолидим.

Қизимнинг феъли менга маълум бўлгани учун, у билан тортишиш фойдасиз эканлигини яхши билардим. Эрим ва мен бир ҳафта ухламадик. Ширин ҳадеб Руминиянинг қаерида туғилганини сўраб, бизга



тинчлик бермади. Нима бўлаётганини тушунгандек, Виорел ҳам йиғлаб, вазиятни янада чигаллаштирарди.

Яна руҳшуносга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Ҳаётда ҳамма нарсаи бўлган аёл доимо норози кай-фиятда юришининг сабаби ҳақида сўрадим.

– Барчамиз келиб чиқишимиз билан қизиқамиз. Фалсафий жиҳатдан бу одамзоднинг ўз-ўзига берадиган бирламчи саволидир. Қизингиз масаласига келсак, унинг бу хоҳиши тамоман асосли. Наҳотки бу сиз учун қизиқ бўлмаса? – деди руҳшунос.

– Йўқ, аксинча, ташлаб кетган ва уни рад этган аёлни қидириб топиш – хавфли таваккал, назаримда.

– Шундай бўлса ҳам, қарши бўлиш ўрнига унга ёрдамлашишга ҳаракат қилинг. Булар сизни кўпам ташвишга солмаётганини кўриб, эҳтимол, унинг ўзи бу истакдан воз кечади. Бир йил яқинларидан узоқда яшаш унда меҳрга муҳтожлик ҳиссини уйғотган бўлиши ҳам мумкин. Шу эркаликлар орқали у ўз-ўзига уни севишларини исботламоқчи. У севилишни хоҳлайди.

Шириннинг ўзи руҳшуносга учраганида яхши бўларди. Зора, шунда ўз ҳаракатларини тушуниб етса, деб ўйладим.

– Сиз ўзингизни шундай тутингки, – давом этди руҳшунос, – ўзингизга бўлган ишонч ва хавотирга тушаётганингизни Ширин сезмасин. Агар у шунда ҳам фикридан қайтмаса, унга зарур маълумотларни беринг. Билишимча, унинг тарбиясида анча қийналгансиз. Балки, онасини топгач, у ҳам кучли иродали инсонга айланар.

Руҳшуносдан фарзанди бор-йўқлигини сўрадим. У боласи йўқлигини айтди. Шундагина, бу масалада ундан тайинли гап чиқишига шубҳа қилдим.

Ўша кун кечаси телевизор томоша қилаётганимизда, Ширин яна мавзун қўзғади.

– Нима кўряпсизлар? – сўради у.



– Янгиликларни.

– Нима ҳақида?

– Ливанда нимадир бўлаётгани тўғрисида, – жавоб берди отаси.

У гапни айлантириб, нимага шама қилаётганини сезиб қолдим. Бироқ кеч бўлган эди. У отасига ташла-ниб қолди.

– Кўрдингизми, ўз туғилган жойингизнинг тақ-дири сиз учун жуда муҳим. Англияга келиб, дўстлар орттирдингиз. Сизни бу ерда қадрлаб, ҳатто қўриқлаб юришади. Сиз эса ҳали-ҳануз Ливан газеталарини ўқишдан тўхтамайсиз. Телевизорда Бейрут ҳақида нимадир гапиришса, Англияни бутунлай унутасиз. Ўтмишдаги тинчликдан умидворсиз, у ерда уруш ҳеч қачон тугамаслигини тан олгингиз келмайди. Айтмоқ-чиманки, агар сиз ўз илдизингиз билан алоқани узсан-гиз, яшашдан маъно қолмайди. Илдизидан ажралган ўсимлик қуришга маҳкум. Менинг нималарни ҳис қи-лаётганимни тушуниш сиз учун наҳотки қийин бўлса?

– Сен бизнинг қизимизсан.

– Ва мен бундан фахрланаман. Ҳар доим сизнинг қизингиз бўлиб қоламан. Илтимос, менинг севгимга ва миннатдорчилигимга шубҳа қилманг. Сиздан туғил-ган жойимга боришим, мени туққан аёлдан нега мени ташлаб кетганини сўрашим учун имкон сўраяпман, холос. Балки, унинг кўзларига тикилганимда ҳеч нима айта олмасман. Агар шу ишни қилмасам, ҳеч бўлмаганда уриниб ҳам кўрмасам, бутун умр ўзимни қўрқоқликда айблайман ва бўш ҳаётимдаги бўш ора-лиқларни англолмайман.

– Бўш оралиқлар?

– Дубайдалигимда ҳуснихат санъатини ўргандим. Мен хоҳлаган вақтимда рақсга туша оламан, бироқ мусиқа тўхтамлар пайдо бўлгандагина яралади. Бўш оралиқлар вужудга келгандагина, сўзлар маъно касб



этади. Нима биландир банд бўлсамгина ўзимни хотиржам ҳис қиламан. Тўхташим билан нимадир етишмаётгандек туйилади. Сиз доим менга табиатан беором-лигимни айтиб келгансиз. Лекин ўз хоҳишим билан шундай эмасман. Мен ҳам шу ерда хотиржам ўтириб, телевизор кўрсам дейман. Аммо иложи йўқ. Миям бир дақиқага бўлсин тўхтамайди. Баъзан ўзимни ақлдан озаётгандек ҳис қиламан. Доимо рақсга тушиб, ёзишга ва ер савдоси билан шуғулланиб, Виорелнинг тарбияси билан банд бўлишга муҳтожман. Буни табиий деб ўйлайсизми, дадажон, онажон?

– Шунчаки мижозинг шунақадир, балки, – деди эрим.

Доимгидек Виорелнинг йиғиси билан суҳбат шу ерда яқун топди. Фарзандлар ҳеч қачон ота-онасининг қадрига етмайдигандек бўлиб туйилди менга. Кейинги кун тонгда, нонушта маҳали Шириннинг отаси кечаги мавзуга қайтди.

– Сен иш билан Ўрта Шарққа кетганингда мен уйга – Бейрутга бориб келиш имконини қилдим. Ўзимиз яшаган кўчага бордим. Уйдан асар ҳам қолмаган, албатта. Муттасил ҳужумларга қарамасдан, қурилишлар бўлаётган экан. Кўриб жуда қувондим. «Ҳаммасини бошдан бошланг» шиори энди мен учун кеч бўлган эди. Куним қандай ўтаётган бўлса, шундай қолгани яхши, деб ўйладим. Чунки ортиқ янги саргузаштга тоқатим йўқ.

Ишдан кейин кўнгилхушлик қиладиган улфатларимни қидириб кўрдим. Кўпчилиги мамлакатни тарк этибди. Қолганлари эса юрак ҳовучлаб яшашдан чарчашганини айтишди. У ерда ўзимни бегонадек ҳис қилдим. Алам қиладигани шуки, кунларнинг бирида руҳим танамни тарк этади ва ўзим туғилиб ўсган заминга равона бўлади. Шунга қарамасдан, ортга қайта олмайман. Балки, шу сабабли ҳам у ерга



боргим келгандир. Бир жиҳатдан, Бейрутдаги ҳаётим менга ҳозир яшаётган жойни яхшироқ тушунишимга ёрдам бераяпти. Лондондаги ҳар бир дақиқани қадрлашга ўргатмоқда.

– Буларни нега гапиряпсиз, ота?

– Кеча тўғри айтдинг: ўша бўш оралиқларни тушуниш кўп нарсани ойдинлаштиради. Сенинг йўқлигингни Виорелга билдирмасликка ҳаракат қиламиз.

Шундай деб эрим ётоқхонага кириб кетди ва бир оздан сўнг сариқ рангли боғлам билан чиқди. Бу Ширинни фарзандликка олганимиз тўғрисидаги ҳужжатлар эди. Уни Ширинга тутқазиб, қизининг пешонасидан ўпди ва ишга кетадиган вақти бўлганлигини айтиб хайрлашди.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА ЖУРНАЛИСТ

1990 йил тонгларининг бирида меҳмонхонанинг олтинчи қават деразасидан кўрганим фақатгина ҳукуматнинг бош биноси эди. Мегаломаньяк¹ диктатор байроқ ҳилпираб турган шу томдан вертолётда учиб кетган ва бир неча соатлардан сўнг ўзи йигирма икки йил зулм ўтказган одамлар қўлида ўлим топган эди.

Вашингтон билан тенглаша оладиган пойтахт қуриш мақсадида, Чехашевский Бухарестдаги барча биноларни бузишга буйруқ берган эди. Аслида эса пойтахт уруш ва табиий офатдан ҳам кўра даҳшатлироқ бузғунчиликларни бошдан кечираётган эди.

Бу ерга келган куним ёлланган таржимон билан бир оз яёв юришга ҳаракат қилдим. Кўчаларда фақатгина зўравонлик, тартибсизликни кўриш мумкин. Бу ерда на ўтмиш, на келажак ва на ҳозир бор эди. Одамлар мамлакатда ва дунёда нималар рўй бераётганидан хабарсиз, ғафлатда яшаётгандилар.

¹ Ўз қудратига ҳаддан ташқари ишониб оқибатида келиб чиқадиган руҳий касаллик (таржимон изоҳи).



Ўн йиллар ўтиб, мамлакатга келганимда, бу ерда рисоладагидек ҳаётнинг гувоҳи бўлдим. Шунда билдимки, одамзод ҳар қандай қийинчиликни енга олади. Бунга яққол мисол қилиб, руминияликларни кўрсатиш мумкин.

Лекин 1990 йилнинг ўша қайғули, ўша фалокат босган тонгида файзсиз меҳмонхонанинг олтинчи қаватида ёлланган таржимоннинг машина масаласини ижобий ҳал қилишига умид боғлаб ўтирар эдим. «БиБиСи» учун ишлаётган ҳужжатли фильмимга якуний хулосалар тўплашим зарур эди. Таржимон кечикаётганлиги сабабли, турли шубҳа-гумонларга бордим. Ишни чала ташлаб, Лондонга қуруқ қўл билан қайта олмас эдим. Унинг устига тарихчилар билан шартномага, матнга ва гувоҳлар билан суҳбатларга мўмайгина маблағ сарфлаганман. «БиБиСи» раҳбарияти бу лойиҳани имзолашдан олдин, менга Дракула қасрига бориб, вазиятни ўз кўзим билан кузатишимни таъкидлаганди. Сафарга кутилмагандан кўпроқ маблағ сарфланди.

Севган қизимга қўнғироқ қилдим. Боғланишим учун бир соат кутишим кераклигини айтишди. Таржимон ҳар лаҳзада келиб қолиши мумкин. Вақт фанимат. Таваккал қилмасликка қарор қилдим.

Шу яқин орада инглиз газеталари сотиладиган жойни суриштирдим. Афсуски, топишнинг имкони бўлмади. Миямни шубҳа-гумонлардан соқит қилиш мақсадида, атрофдаги одамларга иложи борича эҳтиёткорлик билан назар ташладим. Афтидан, улар бир йил илгари рўй берган оммавий қўзғолонларни, Тимишиорадаги фуқаролар қирғинини, одамлар ва хавфсизлик хизмати ўртасидаги отишмаларни унутишган кўринади. Уч нафар америкаликка, ғалати кийинган, балки мода тўғрисидаги журнални ўқиётган бўлса керак, аёлга, мен тушунмайдиган тилда баланд овозда



сухбатлашаётган, доира шаклидаги стол атрофида ўтирган эркакларга аҳамият бердим. Кириш эшигига бориб, таржимоннинг келган-келмаганини аниқлашга шайланиб турганимда, ичкарига бир аёлнинг кириб келаётганини кўрдим. Бу аёл ҳали йигирма ёшга кириб улгурмаган бўлса керак, деб ўйладим. У бўш столлардан бирига ўтирди ва нонуштага буюртма берди. Инглиз тилида гапирганини ҳам пайқадим. Бошқа эркаклар бу ташрифдан беҳабар эдилар. Фақатгина ғалати кийинган аёл журнал ўқишдан тўхтаб, унга разм солди.

Ташвишланаётганим учунми ёки руҳимни чўктираётган бефайз жой туфайлими, аввалига унинг олдига боришга ўзимда журъат топа олмадим. Бир муддат ўтиб, ички куч мени ўша ёққа бошлади.

– Кечирасиз, – дедим минг бир истиҳола билан, – бундай ҳаракат менга бегона. Мен доимо нонуштани куннинг ўзига хос тамаддиси деб ҳисоблайман. Шу сабабли ёлғиз нонушта қилишни маъқуллайман. Аммо бугун...

У менга қараб жилмайди. Исмини айтиб, хижолатли вазиятдан чиқишимга ёрдамлашди. У фоҳиша ҳам бўлиши мумкин эди. У инглиз тилида равон гапирар ва дид билан кийинганди. Унга савол бермасликка қарор қилдим. Ва ўзим ҳақимда батафсил ҳикоя қила бошладим. Қўшни столдаги аёл журнални қўйиб, бизнинг суҳбатимизга қулоқ солаётганини пайқадим.

– Мен Лондондаги «БиБиСи»да мустақил продюсерман. Айна вақтда Трансильванияга етиб олиш ташвиши билан юрибман...

Унинг кўзидаги ўзгаришни пайқадим.

– Вампирлар афсонаси тўғрисида ҳужжатли фильм тайёрляяпман. Шунинг учун у ерга боришим керак.

Бир оз кутдим. Одатда одамлар бу мавзунини эшитишгач, қизиқишларини яширолмас эдилар. Аммо у бунга парво ҳам қилмади.



– Автобусда кетишинг мумкин, – деди у. – Аммо излаётганингни топишингга шубхам бор. Дракула ҳақида билмоқчи бўлсанг, кўпроқ китоб ўқишинг керак. Унинг муаллифи, ҳатто Руминияда бўлмаган ҳам.

– Сен-чи, сен ўзинг Трансильванияни биласанми? – сўрадим.

– Билмайман.

Бу нотўғри жавобдек туйилди. Гарчи у инглиз лаҳжасида гапирётган бўлса ҳам, сўзларни бузиб талаффуз қилар, бу инглиз тили унинг она тили эмаслигидан дарак бериб турар эди.

– Лекин мен ҳам ўша ерга кетяпман, – давом этди у. – Автобусда, албатта.

Кийимларига қараганда, у саргузашт илинжидаги жаҳонгашта сайёҳга ўхшамайди. Балки, у ростдан ҳам фоҳишадир, деган фикрга қайтдим. Эҳтимол, шу орқали менга яқинлашишга ҳаракат қилаётгандир.

– Текинга боришни хоҳларсан?

– Раҳмат, аллақачон чипта олганман. – деди у.

Унинг рад жавобини шунчаки нозланиш, деб фикр қилиб таклифимни такрорладим. У ёлғиз саёҳат қилишни ёқтиришини айтиб, рад қилди. Ундан қаерлик эканини сўрадим. Узоқ жимликдан сўнг жавоб берди.

– Айтдим-ку, трансильванияликман деб, – деди.

– Сен умуман бундай деганинг йўқ. Агар шундай бўлса, балки, менга фильм учун керакли бўлган манзилгоҳларимни топишимда ёрдамлашарсан?

Шайтон васвасаси ақлдан оздираётгани сабаб чегарани бир оз бузишга тўғри келди. Унинг фоҳиша бўлиши мумкинлиги ҳақидаги тахминим тинчлик бермаётганди. Унинг мен билан кетишини жуда-жуда хоҳлаётган эдим. Аммо у таклифимни мулойимлик билан рад қилди. Бизни тинглаётган аёл суҳбатимизга аралашди. У бу ёш аёлни ҳимоя қилмоқчидек бўлиб кўринди менга. Тақдирга тан бериб кетишга қарор қилдим.



Бир оздан кейин таржимон нафаси бўғзига тиқил-гудек бўлиб кириб келди. У қўлидан келган ҳамма нарсани қилиб, ишни уддалаганини, аммо бир оз қимматга тушганини айтди. Буни ўзим ҳам кутган эдим. Хонага кириб, сафар учун тайёрлаб қўйилган жомадонни олдим. Яроқсиз ҳолга келиб қолган рус машинасида йўлга чиқдик. Кичкина камерам, маъданли сув солинган икки идиш, бир оз егулик ва ташвишларим билан бирга мени совуққонлик билан рад қилган ўша аёлнинг миямдаги тасвири ҳам менга ҳамроҳ эди.

Дракула қасрида маҳаллий кишилар ва олимлар билан ҳамкорликда фильм олиш жараёнида менга аста-секин аён бўлдики, Британия телевидениеси учун фильм тайёрлаш ҳақида бошқа қайғурмаётган эканман. Фақатгина Бухарестдаги меҳмонхонада учратган кеккайган ёш аёлни учратиш илинжида эдим. Айни кунларда шу атрофда бўлган, ўзига бино қўйган бу хонимчани кўришга иштиёқманд эдим. Исмини ҳисобга олмаганда, у ҳақида ҳеч нарса билмас эдим. Бироқ афсоналардаги вампир каби у вужудимдаги қувватни симираётган эди гўё.

Менинг ва мен бирга яшаган уларнинг дунёсида бу ҳол масхараомуз, бемаъни ҳамда ақлга сиғмас ҳолат эди.

ДЭДРЕ ОЪНЭЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШҲУР

– Бу ерга нима мақсадда келгансан, бу менга қоронғу. Бироқ нима бўлишидан қатъи назар, охиригача боришинг керак.

У менга қўрқув билан тикилди.

– Кимсиз? – деб сўради.

Унга ўзим ўқиётган журнал ҳақида гап очдим. Бир оздан сўнг унинг ёнидаги эркак ўрнидан қўзғалди ва



суҳбатни тарк этди. Энди унга кимлигимни айтишим мумкин.

– Агар касбим билан қизиқаётган бўлсанг, бир неча йил илгари шифокорлик қилганман. Менимча, бу сен эшитишни хоҳлаган жавоб эмас.

Бир оз сукут сақладим.

– Сенинг кейинги ақлли саволларинг бу ерда – жабр-зулм тобора авж олаётган мамлакатда нима билан шуғулланишимдан сени бохабар қилса ажаб эмас.

– Ундай бўлса, очиқчасига сўрайман: сиз бу ерда нима қиляпсиз?

Унга устозимнинг маросимига келганимни, у бу ҳурматга лойиқ эканлигини айтдим. У, балки, анави шилқим гап очган вампирларга қизиқиш билдирмаслиги мумкин, бироқ «устоз» сўзи диққатини тортиши аниқ. Ичган қасамим ёлғон гапиришимга йўл бермаганлиги туфайли, унга ярим ёлғон, ярим рост жавоб қайтардим.

– Ёзувчи Микеа Элиаде яшаган уйни излаб юрибман. Эҳтимол, у ҳақда умуман эшитмагандирсан, лекин у афсоналар ҳақида ёзган таниқли ёзувчи. Умрининг асосий қисми Францияда ўтган.

Бу ёш аёл гапларимга бефарқ эканлигини кўрсатиш учун соатига назар солди. Шунга қарамасдан, мен сўзимда давом этдим:

– Мен вампирлар ҳақида гапираётганим йўқ. Сен билан битта эътиқодда бўлган одамлар тўғрисида сўзляяпман.

У қаҳва ҳўплаш мақсадида кўтарган чашкани столга қўйиб, менга ҳушёрлик билан назар солди.

– Ҳукумат пойлоқчисимисиз? Ёки ота-онам мени кузатишингиз учун ёллашганми? – сўради у.

Суҳбатни давом эттиришга иккиланиб қолдим. Унинг муносабати ҳаддан ташқари тажовузкор эди. Аммо унинг аҳволини, изтиробларини тушунардим.



У менга ўзимнинг ёшлигимни эслатди: мен ҳам жисмонан, ҳам қалбан жароҳатдан азобланиб, кишиларни даволар ва маънавий дунёда ўз эътиқодларини топишларига ёрдамлашар эдим. Унга «Азизим, бу жароҳатлар сенга ёрдам беради», деб уни юпатиб, сўнг туриб кетмоқчи бўлдим.

Шундай қилганимда, Афина ўз эътиқодидан воз кечмаган ва ҳали тирик бўлиб, ўзи севган эркак билан бахтли ҳаёт кечираётган бўлар эди. У ўғлини вояга етказиб, уйлантирган ва қўйни бир этак болаларга тўлиб-тошган бўларди. Омадли ва бахтли бўлиш учун барча зарурий хислатлар унда мужассам эди. У ўз жароҳатидан манфаати йўлида фойдаланаётгани сабабли ҳам қийналарди. Вақт ўтган сайин у хатти-ҳаракатлари ва изтироблари устидан назорат қила олмай қолди.

Хўш, ўшанда қандай куч мени суҳбатни давом эттиришга мажбур қилган? Жавоб жуда оддий: қизиқувчанлик. Нурафшонлик таралиб турган аёл бу совуқ меҳмонхонада нима қилиб юрганини тушунмас эдим.

Яна давом этдим:

– Микеа Элиаде турли номдаги китоблар муаллифи. Жумладан, «Сеҳргарлик», «Жодугарлик», «Маданий эврилиш». Ёки «Илоҳийлик ва даҳрийлик». Менинг устозим (сўзлар оғзимдан бепарволик билан сирғалиб чиқа бошлади. У ҳам сўзларимга у қадар эътибор бермаётган эди) ўз ишини қадрлайдиган, севадиган инсон бўлган. Бу сенга ҳам хос хусусият эканлигини сезиб турибман.

У яна соатига қаради.

– Мен Сибюга кетяпман, – деди. – Автобус бир соатдан кейин йўлга тушади. Онамни қидирипман. Сиз билишни хоҳлаган нарса шу, менимча. Мен Ўрта Шарқда кўчмас мулк даллолиман. Деярли тўрт ёшга кирай деб қолган ўғлим бор. Эрим билан ажрашган-



ман. Ота-онам Лондонда туришади. Улар мени асраб олган ота-онам, албатта. Чунки туққан онам гўдаклигимда ташлаб кетган.

– Ҳа, мен шуларни билишга қизиққан эдим.

– Биргина ёзувчининг ҳаётини тадқиқ қилиш учун шунча жойга келдингизми? Сиз яшайдиган жойда бирорта ҳам кутубхона йўқми? – сўради у мендан.

– Гап шундаки, Элиаде Руминияда университетни тамомлагунча яшаган, холос. У ҳақида янада аниқроқ ва кўпроқ билишим учун Париж, Лондон ёки у вафот этган Чикагога боришим кеак. Мен қилаётган ишни тадқиқот дейиш нотўғри. Унинг қадами теккан тупроқни кўрсам, мен ва мен ҳурмат қиладиган одамларнинг ҳаётини ўзгартирган асарларни ёзишда нимадан илҳомланганини билсам дейман.

– У тиббиёт тўғрисида ҳам ёзганми?

Бу саволига жавоб бермасликни лозим топдим. Унга шифокорлигимни айтган эдим. Шунинг учун касбимни устозимга алоқадор деб тушунди.

Ўрнидан қўзғалди. У мени тушунаётгандек туйилди. Кўзларидаги нур янада равшан тортди. Менда бу ҳолат ўзимга ўхшаш ким биландир суҳбатлашсам содир бўлади.

– Мени автобус бекатигача кузатиб қўя оласизми? – сўради у.

Мен учадиган самолётнинг парвози тунда. Олдимда зерикарли ва поёнсиз кун чўзилиб ётар эди. Ниҳоят, бир оз суҳбатлашиш учун шерик топилганидан хурсанд бўлдим.

У юқорига чиқди. Кўлида жомадони ва бошида бир қанча саволлар билан қайтди. Меҳмонхонадан чиқиши билан мени саволга тутди.

– Балки, биз бошқа ҳеч қачон кўришмасмиз. Бироқ бизнинг қандайдир умумий жиҳатимиз борлигини сезиб турибман. Ҳамонки бу суҳбат биз учун биринчи



ва сўнгги имконият экан, саволларимга очиқчасига жавоб беришингизни хоҳлар эдим.

Бош силкиб розилигимни билдирдим.

– Ўқиган китобларингизга суяниб, рақс тушиш орқали одамлар ҳолатдан чиқиб, кўз олдиларида нурни кўришларига, бу нур уларга ўзлари ҳақида жамики ҳақиқатни айтишига ишонасизми?

Жуда ҳам яхши савол.

– Албатта, ишонаман. Бу фақатгина рақс орқали рўй бермайди. Биз бор диққатимизни қаратган, чин дилдан хоҳлаб қилинган ҳар қандай ҳаракат руҳдан танани ажрата олади ва инсонни, сен айтгандек, транс ҳолатига туширади. Йога билан шуғулланиб ҳам ёки ибодатга берилиб ҳам бу вазиятга тушса бўлади.

– Ёки ҳуснихат санъати орқали ҳам, – қўшимча қилди у.

– Бу ҳақида ўйлаб кўрмаган эканман. Лекин бўлиши мумкин. Бунда қалб танадан озод бўлади ва идрокнинг ҳолатига кўра жаннат ёки дўзахга кўтарилади. Иккала вазиятда ҳам қалб ўзи эҳтиёж сезган нарсани ўрганеди: бунёдкорлик ёки бузғунчилик. Лекин мен якка тартибдаги эътиқодларга ортиқ қизиқмай қўйдим. Мени эшитяпсанми?

– Йўқ, – деди у.

У йўлнинг ўртасида тўхтади. Йўл четигаги, қаровсиз қолган каби тасаввур уйғотувчи қизалоққа тикилиб қолдим. Ўша томонга қараб юрди.

– Бундай қила кўрма, – дедим унга, – кўчанинг нариги бетига қара, шафқатсизларча қараб турган онасини кўрасан. У қизчани пул ишлаш мақсадида шу ерга олиб чиқиб қўйган.

– Ахир, уни эътиборсиз қолдира олмайман, – деди ва чўнтагидан чақа олди. Унинг қўлидан тутдим.

– Яхшиси, бирор егулик олсак-чи? Бу унга кўпроқ фойдалироқ, – дедим.



Қизалоқни ошхонага сэндвич учун таклиф қилганимда, у жилмайди ва миннатдорчилик билдирди. Кўчанинг нариги тарафидаги аёл менга қанчалик нафрат билан тикилаётган бўлса, ёнимдаги ёшгина жувоннинг менга нисбатан ҳурмати ошиб бораётганини сездим.

– Унга нима дедингиз? – деб сўради.

– Бу аҳамиятсиз. Бир оз олдин сен нимани ҳис қилганингни айтайми? Сен ҳозиргина одатда рақс орқали тушадиган ўша ҳолатни ҳис қилдинг. Миянга хотиржамлик ўрнашиб, бир муддатга бўлсин-да, ўзингдан қониқдинг.

– Нотўғри ўйлаяпсиз, – деди у тан олмасдан.

– Эҳтимол, воқеликни бир неча лаҳзаларга унутиб, кўчадаги тиланчи қиз ўрнида ўзингни, ташландиқ қизни кўргандирсан? Ўша лаҳзада миянг фаолиятдан тўхтади ва руҳинг танангдан ажраб, ўтмишингдаги иблисларни учратиш учун дўзахга кўтарилди. Транс ҳолатида бўлганинг сабабли, кўчанинг у бошидаги аёлни пайқамading. Тартибсиз ва хира сархушлик сени яхшилиқ қилишга ундади. Аслида бу бемаънилик бўлиши ҳам мумкин эди. Сен худди...

– Мен худди ҳарфлар орасидаги бўш оралиқ эдим. Бу мусиқада бир нота тугаб, орқасидан бошқаси келгунича, ўртада юзага келадиган тўхтамларга ўхшайди.

– Тўшпа-тўғри. Аммо бу каби ҳолатдан чиқиш усули жуда ҳам қалтис. Сабаби бу – қўрқув таъсирида юзага келган транс. Бу танани фалаж ҳам қилиб қўйиши мумкин. Қалб бўлмаса, вужуд ҳаракатлана олмайди.

У жомадонини ерга қўйди. Қаршимда туриб менга дадил қаради.

– Кимсиз ўзи? Нега менга буларни гапиряпсиз? – сўради мендан.

– Шифокор сифатида Дэдре Оънэйл номи билан машҳурман. Сени кўрганимдан бошим кўкка етди. Ўзингни таништирарсан?



– Афина. Гувоҳномамда Ширин Халил номи билан рўйхатдан ўтказилганман.

– Ким сенга Афина деб ном қўйган?

– Бу муҳим эмас. Лекин мен сиздан исмингизни эмас, кимлигингизни, менга нега бу гапларни айтаётганингизни сўрадим. Нега мен ҳам сиз билан суҳбатлашишим керак, деб ўйланиб қолдим. Меҳмонхона ошхонасида биздан бошқа аёл йўқлиги туфайлими? Бунақа деб ўйламайман. Ҳаётимни ўзгартириши мумкин бўлган нарсаларни гапиряпсиз.

Афина жомадонини кўтарди ва бекат томон юришда давом этди.

– Менинг яна бошқа исмим ҳам бор – Эдда. Бу исм менга тасодифан насиб қилмаган. Бу учрашувимиз ҳам тасодиф эмас, – дедим унга.

Автобус бекатининг қаршимиздаги дарвозасидан ҳар хил кишилар: формали аскарлар, деҳқонлар, ҳалиям ўзини 1950 йилларда ҳис қилса керак, эскича урфда кийинган аёллар кириб-чиқиб юришибди.

– Агар бу тасодиф бўлмаса, нима унда?

У чиқадиган автобуснинг жўнашига бир ярим соатча вақт бор экан. Унга ҳаммасини тушунтиришим учун вақт етарли эди.

– Бу Парвардигорнинг хоҳишидан бўлак нарса эмас. Баъзи бир танланган руҳлар ўзларидан ёрқин нур таратишади. Улар ҳам ўзларига ўхшаган, нур ёғилиб турган руҳларга томон интилишади. Сен, Ширинми ёки Афинами, шундай руҳдаги одамлардан бирисан. Сен бу қувватдан ўз мақсадинг йўлида фойдаланишинг учун жуда кўп ҳаракат қилишинг лозим. Сен кўринмас олам билан алоқа ўрнатишга уриниб, жодугарлик эътиқодига эргашмоқдасан. Бу охир-оқибат шахсий ҳаётингни вайрон қилади. Ҳаммининг ҳожатини чиқарасан, қувватингни сарфлайсан, эвазига ҳеч нарса олмайсан. Илоҳий Ёруғлик билан алоқа



одамзод бошидан ўтказиши мумкин бўлган энг буюк ҳақиқатдир. Менинг анъанамга мувофиқ бу алоқага ёлғиз эришиш мумкин эмас. Биз асрлар давомида қувғинга учраб, кўп нарсадан сабоқ олдик.

– Автобус қўзғалгунича қаҳва ичишга нима дейсиз?

Мен буни истамадим. Менинг гапларимни англашга унинг идроки ожизлик қилаётгани аниқ. Ақлий чигалликларнинг олдини олиш мақсадида, гапимни шу ерда тугатиб қўя қолдим.

– Ҳаётимда баъзи кишилар муҳим аҳамиятга эга, – давом этди у. – Мисол учун, мен турадиган уйнинг эгаси ёки Дубай яқинидаги саҳрода кун кечирувчи хат-тот. Ким билади, балки, сизнинг айтаётганларингизни улар билан суҳбатлашим лозимдир. Бу фикрларни улар билан ўртоқлашсам, зора, улар ўргатган сабоқлари учун мендан рози бўлишар.

Қойил, аллақачон устоз кўришга ҳам улгурибди. Унинг руҳияти пишиб етилган. Фақатгина машғулотларни давом эттириш керак. Акс ҳолда эришган барча ютуқларидан маҳрум бўлади. Аммо унинг менга йўлиқиши хосиятли бўлдим?

Нима қилишимни аниқлашим учун Худодан менга йўл кўрсатишини сўрадим. Мақсадимга етмадим. Бошимга қарор қабул қилиш масъулияти тушганида, У ҳам ёрдам беришни истамади.

Афинага ташриф қоғозимни бердим, ўзиникини ҳам сўрадим. У менга қидирсам харитадан ҳам топилмайдиган Дубайдаги манзилини берди.

Кайфиятни бир оз кўтариш ва унинг зеҳнини синаш мақсадида, англиялик уч кишининг Бухарестдаги меҳмонхонада тўқнаш келиши тасодиф эмасмикан, деб сўрадим.

– Тушундим, – деди Афина. – Ташриф қоғозидан кўриб турибманки, сиз шотландияликсиз. Мен гаплашган ҳалиги киши эса Англияда ишлар экан. У ҳақида бошқа ҳеч нарса билмайман.



У чуқур нафас олиб, «Мен эса... Мен руминияликман», деди.

Ундан кийимларимни йиғиш учун меҳмонхонага пошилишим кераклигини айтдим. Узр сўраб хайрлашдим.

Агар тақдиримизда яна дуч келиш ёзилган бўлса, мени қаердан топишни билади. Энг муҳими, тақдирга ҳаётимизга аралашishi, биз учун энг мақбул қарорлар чиқаришига йўл беришдир.

ВОШО «БУШАЛО», 65 ЁШДА, РЕСТОРАН ХЎЖАЙИНИ

Бу ерга келадиган европаликлар ўзларини жуда ҳам доно деб ўйлашади. Ўзларини энг яхши муомалага муносиб кўришади. Берган ҳар қандай саволларига биздан жавоб олишга ҳақи бор деб билишади. Бизни «кўчманчи» ёки «Рома» деган юзаки номлар билан атаб, ўтмишда йўл қўйган хатоларини хаспўшлашга уринишади.

Биз бутун дунё кўз ўнгида лаънатланган халқ эканлигимиз тўғрисида миш-миш тарқатгунларича, бизни «лўли» деб аташса бўлади-ку. Лекин бундай қила олишмайди. Улар бизни аёл ва иблиснинг тақиқланган қовушувидан бунёд бўлганимиз тўғрисидаги бўҳтонни юзимизга солишади. Исо чормихга тортилганда, унинг баданига урилган михларни ҳам бизникилардан бири ясаган эмиш. Бизнинг карвонларимиз ўтаётганида оналар ҳушёрроқ бўлишлари лозим. Чунки биз гўдакларни ўғирлаб, уларни таққирлар эмишмиз.

Шу миш-мишлар сабабли ҳам тарихда тез-тез қирғинлар содир бўлган. Ўрта асрларда бизни жодугарлар сифатида қатл қилишган. Немис судларида бизнинг гувоҳлигимиз асрлар давомида қабул қилин-



маган. Мен нацизм Европага тарқалиб улгурмасидан олдин туғилганман. Полшадаги сургун лагерларида руминияликларни таҳқирлаб, кийимларига қора учбурчак шаклини тикиб қўйишганида, отамнинг норозилик чиқишлари қилганини яхши эслай оламан. Ўшанда беш юз минг лўли қул сифатида фойдаланилди. Уларнинг беш мингтасигина бошларига тушган кўргуликлар ҳақида сўзлаб бериш учун тирик қолган эди.

Ҳеч кимнинг, тамоман бирор кишининг бу тўғрисида эшитгиси келмайди. Роппа-роса ўтган йилгача бизнинг маданиятимиз, динимиз ва тилимиз дунёнинг Худо лаънатлаган, кўпчилик қочқинлар қочиб келган бу бўлагида тақиқланган эди. Агар шаҳар аҳолисидан лўлилар тўғрисида сўрасангиз, улар осонлик билан бизни ўғрига чиқариб қўйишади. Ҳаёт қанчалик оғир бўлмасин, биз жаҳонгашталикдан воз кечиб, ирқчилик ҳануз давом этаётган заминда қўним топдик. Бизнинг фарзандларимиз синфхонасининг орқа томонидаги стол-стулларга ўтиришга мажбур. Улар ҳақоратланмаган бирор ҳафта йўқ.

Одамлар бизни аниқ жавоб бермасдан, келиб чиқимизни яширишда айблашади. Нега бундай қилишимиз керак? Лўлини ҳамма танийди ва ҳамма бизнинг қарғишимиздан қандай ҳимояланишни билади.

Кеккайган, доно ва ёш аёл олдимга келиб, табасум ҳадея этди. У ҳам бизнинг маданиятдан эканини айтиб, бизнинг ирққа мансубликка даъво қилди. Зудлик билан ҳушёр тортидим. Уни хавфсизлик хизмати юборган бўлса ажаб эмас, деб ўйладим. Бу махфий полиция Карпатилар доҳийси – аҳмоқ диктатор учун ишлайди. Айтишларича, у суд ҳукмига кўра отилган экан. Шахсан мен бунга ишонмайман. Ўғли саҳнадан маълум муддатга ғойиб бўлган бўлиши мумкин, бироқ бу ерларда унинг қудрати ҳамон соя ташлаб турибди.



Бу ёш жувон анча ўжар чиқди. У жилмаяр ва она-сининг лўли эканлигини, уни топиш зарурлигини айтиб, мени чалғитишга уринарди. Онасининг тўлиқ исмидан бохабар экан. Хавфсизлик хизматининг ёрдамисиз шундай муҳим маълумотни қандай қилиб аниқлаши мумкин?

Ҳукумат кишиси билан тортишмаган яхши. Мен унга рисоладагидек ҳаёт кечираётган оддий лўли эканлигимни айтдим. У мени эшитмади. У фақатгина онасини топиши кераклигини такрорлар эди. Унинг онасини яхши танир эдим. Йигирма йил илгари у аёл боласини етимхонага топширганидан ҳам хабарим бор эди. Ундан сўнг боланинг тақдири тўғрисида бошқа ҳеч нарса эшитмаганман. Буни ҳаммага ошкор қилиш яхши иш эмас. Ҳар ҳолда шу борлиқни Яратган куч шуни иноят қилади. Аммо қаршимдаги аёл Лилиананинг қизилигига ким кафолат беради? Онасини излашдан олдин ҳеч бўлмаганда, бизнинг маданиятимизни ҳурмат қилишни, агар бугун унинг никоҳ маросими бўлмаса, эғнидаги қизил матони киймаслиги кераклигини билганда бўлар эди. Эркакларнинг ҳирсини уйғотмасдан, узунроқ юбка кийиб юрса, одамни ҳурмат қилишни билса, бу бошқа гап.

Сайёҳлар учун замон эмас, макон муҳимроқ дейишади. Кимдир бизни Ҳиндистондан келган деса, яна биров Мисрдан тарқалганимизни башорат қилади. Шуниси аниқки, ўтмишдан бизга ягона мерос, қарғиш – қувғинликни ҳануз ўзимиз билан бирга судраб юрибмиз.

Ёш аёл мулойим бўлишга ва маданиятимиздан хабардор эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилапти. Барча махсус тайёргарликлардан кейин бу табиий ҳол, албатта!

– Шаҳарда менга сизни Ром Баро қавмининг сардори деб таништиришди. Бу ерга келишимдан олдин бизнинг тарихимиз ҳақида...



– Илтимос, «бизнинг» эмас, – унинг гапини бўлдим.
– Бу менинг, хотинимнинг, бола-чақам ва қавмимнинг тарихи. Сен европаликсан. Сен ҳеч қачон мендек беш ёшлигингда кўчада тошбўрон қилинмагансан, билдингми?

– Менимча, ҳозир вазият анча яхши.

– Вазият ҳар доим яхши бўлган. Фақат тўсатдан ёмонлашиб қолади, – тушунтириб қўйдим унга.

У жилмайиб туриб виски буюрди. Ҳеч бир лўли аёли бундай қила олмайди.

Агар у бу ерга шунчаки кўнгилхушлик учун ёки дўстларини қидириб келганида, унга жон деб бошқа мижозлардек илиқ муомала қилган бўлар эдим. Мен дўст бўлиш, эътиборли ва мулоҳазали бўлишнинг ҳадисини олганман. Чунки касбим шуни талаб қилади. Агар мижозларим мендан лўлилар тўғрисида сўрашса, уларга далилларга бой қизиқарли ҳодисалар, турфа хил маданиятимиз ҳақида гапириб бераман. Улар биз ҳақимизда яқиндан билишгач, таъсирланиб чиқиб кетишади.

Лекин бу ёш аёл шунчаки оддий бир сайёҳ эмас. Айтишича, у бизнинг уруғ-аймоққа тегишли экан.

У ҳукуматдан олган ҳужжатни яна кўрсатди. Билишимча, ўлдириш, ўғирлаш ва алдаш ҳукуматнинг қўлидан келади. Аммо кимгадир сохта ҳужжат тутқазиб қўйишга у таваккал қила олмайди. Бу аёл, ҳақиқатан ҳам, Лилиананинг қизи бўлиши мумкин. Ҳужжатда унинг тўлиқ исми ва манзили аниқ ёзиб қўйилган. Телевизорда кўрсатилишича, Карпатилар Доҳийси – халқимизнинг силласи қуриган бир вақтда, хорижга озиқ-овқат чиқариб, ўзи тилла қошиқ ва санқиларда овқат еган ўша – халқнинг золим отаси ва унинг лаънати хотини хавфсизлик хизматини назоратда ушлаб туриш мақсадида, етимхоналардан ўғил чақалоқларни саралаб олишган ва улардан ҳукуматга хизмат



қиладиган «ёлланма қотиллар» тайёрлашга буйруқ беришган. Агар Лилиананинг боласи ўғил бўлган бўлса, шу буйруқ туфайли у изсиз йўқолган. Мабодо қиз бола бўлган бўлса, қаршимдаги аёл ўша чақалоқ бўлиши мумкин.

Хужжатларга яна диққат билан қарагач, онаси ҳақида унга айтиш ёки айтмасликка иккиланиб қолдим. Лилиана бу аёлни кўришга ва унинг кўзларига тикилишга ҳақли. Чунки гадже – чет эллиқдан бола орттириб, расм-русумларимизга қарши боргани учун, у етарлича жабр-зулм тортган эди. Эҳтимол, уни дўзах азобидан қутқаришнинг вақти-соати етиб келгандир. Балки, у омон қолган қизининг орқасидан бойиб ҳам кетса ажаб эмас.

Эҳтимол, бу ёш аёл онаси тўғрисидаги ахборот учун ҳақ тўлашга ҳам тайёрдир. Ёки нозик замонда кун кечириётган қавмга ёрдами тегиб қолар.

Ҳамма Карпатилар доҳийсини ўлган деб ўйлайди. Унинг дафн маросимини ҳам кўрсатишди. Лекин у эртага қайтиб келиши ва бу хизматкорларнинг содиқлигини текшириш учун ўтказилган бир синов бўлиб чиқиши ҳам мумкин.

Қўп ўтмай, созандалар мусиқани бошлаб юборишадди. Мақсадга ўтганим яхши, деб ўйладим.

– Бу аёлни қаердан топишинг мумкинлигини биламан. Сени уникига бошлаб боришим мумкин, – дедим унга дўстона оҳангда. – Фақат маълумот учун бир оз чиқимдор бўлишингга тўғри келади.

– Бу ёғидан ташвишланманг, – деди у. Сўрамоқчи бўлганимдан ҳам кўпроқ пул узатди.

– Бу ҳатто таксига ҳам етмайди.

– Манзилга борсак, яна шунча тўлайман.

– Сени Лилиананикига эртага олиб бораман, – дедим ундан пулни олиб.

У бетоқат бўла бошлади. Нима қилиши кераклигини унутиб қўйган, қўллари титраётган эди. У яна виски



буюрди. Шунда қаҳвахонага бир эркак кириб келди. Ёш аёлни кўриши билан кўзлари ёнди ва тўғри унинг олдига юрди. Эски дўстлардек муносабатда бўлишга ҳаракат қилишса ҳам, улар кеча танишганини пайқаш қийин эмас. Унинг кўзлари ҳирсга тўла эди. Аёл бундан хабардор ва унга хоҳлаганини ваъда қиларди. Эркак икки шиша вино буюргач, улар ўтиришди. Қиз онаси тўғрисида батамом унутгандек кўринди менга.

Аmmo пулнинг қолган ярмидан умидвор эдим. Уларга ичкилик қуйиб бераётиб, аёлга эрталаб ўнда у турган меҳмонхонада бўлишимни айтдим.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

Биринчи шиша винони ичиши биланоқ, Афина яхши кўрган йигити «Скотланд Ярд»да ишлашини айтди. Бу ёлғон бўлиши керак, албатта. Кўзимдан мақсадимни фаҳмлаган бўлса, бу ҳийла ўртамиздаги масофани тутиб туришнинг яхши йўли эди.

Мен ҳам бўш келмадим. Унга севган қизим борлигини айтдим. Қисқа суҳбатимиз давомида вампирлар тўғрисида қилаётган тадқиқотимга қизиқиш билдирмади. Шаҳар таассуротлари, йўлларнинг аҳволи каби умумий мавзулардан гап кетди. Ўн дақиқалар ўтиб, муסיқа бошланди. У ўрнидан турди.

Кўзларини юмди. Кимлигини, қаердалигини, нега бу ерга келганини унутгандек туйилди. Енгил ҳаракати ва ишваларида ўтмиши жамланди. Бугуни фош бўлиб, келажаги башорат қилинди. Унинг ҳаракатида шаҳвонийлик ва маъсумалик, ҳирсга чанқоқлик ва бокиралик, ҳам Худога, ҳам борлиққа ибодат қоришиб кетгандек эди.

Одамлар овқат ейишни бас қилиб, нималар бўлаётганига қизиқардилар. У муסיқага эргашмай қўйди. Созандалар унинг ҳаракатига мос куйни қидиришар



эди. Сибю шаҳридаги ғарибгина бинода жойлашган бу ресторан диний маросим учун ибодатчилар тўпланган Миср мандирларини эслатарди.

Созандалар торли ва пуфлама мусиқа асбобларини йиғиштириб, фақатгина ногорани чалишар, Афина яланг оёқлари билан полни тепар, чаккаларидан тер оқиб ўйнар эди. Сийнабанди елкаларидан сирғалиб тушаётганини у ҳис қилмасди. Бир аёл туриб, шарфини Афинанинг кўкраги ва елкаси оша айлантириб боғлади. Афина биз билган ҳамда бизга номаълум дунё оралиғида эди.

Ресторандагилар уни олқишлаб, қарсак чалишар, бундан яна ҳам руҳланган Афина назоқат билан хиром қилаётган эди. Биз Парвардигордан сўрамоқчи бўлган барча лаззат унга nasib қилаётганди.

У тўсатдан рақсга тушишдан тўхтади. Ногорачилар ҳам бир муддат бас қилишди. Унинг кўзлари юмуқ, яноқларидан кўз ёшлари юмаларди. У қўлларини юқорига чўзди ва фарёд билан:

– Ўлганимда мени тик ҳолимда кўминглар. Чунки бутун ҳаётим тиззаларим устида ўтди, – деб фарёд солди.

Ҳеч ким ҳеч нарса демади. У кўзларини очди. Узоқ уйқудан уйғонгандек эди. Ҳеч нима бўлмагандек қайтиб келиб ўрнига ўтирди. Яна мусиқа бошланди. Одамлар яна жуфт-жуфт бўлиб ўйнашда давом этишди. Аммо ресторан муҳити бир оз ўзгарди. Кўпчилик ҳисоб-китоб қилиб чиқиб кета бошлади. Афина ўзига келгач, ундан «Ҳаммаси жойидами?» деб сўрадим.

– Қўрқаяпман. Ўзим боришни хоҳламаган жойга олиб борадиган йўлни топдим.

– Хоҳласанг, ҳамроҳ бўлишим мумкин.

У бош ирғаб «йўқ» ишорасини қилди.

Кейинги ўтган кунлар ичида ҳужжатли фильм учун тадқиқотимни яқунлаб, машина ушлаб, таржимонни



Бухарестга кузатиб қўйдим. Ўзим эса Афинани учратиш ниятида Сибюда қолдим. Бутун умрим давомида ақлимга қулоқ тутганман. Севгини оддийгина кашфиётдан ҳам осонроқ қилиш мумкин бўлган тажриба деб ҳисобласам-да, шу дафъа, Афинани қайта учратмасам ҳаётимдаги энг ширин лаҳзаларни йўқотган бўламан, деб ўйладим. Ниҳояси йўқдек туйилган вақтга қарши курашдим. Бухарестга кетадиган автобусларнинг жўнаш вақтини билиш мақсадида, бир неча маротаба бекатга бориб келдим. БиБиСи раҳбариятига ва севган қизимга қўнғироқ қилдим.

Уларга менга керакли бўлган маълумотларни тўплай олмаганимни, энг камида яна бир ҳафта муддат беришларини сўрадим. Уларга руминияликлар билан тил топиш қийинлигини, гўзал Трансильванияни жирканч Дракула қасри билан тенглаштиришса, хафа бўлишларини тушунтирдим. Ниҳоят, раҳбарият ҳам, яхши кўрган қизим ҳам кўнди. Компания менга керагидан кўпроқ муддат берди.

Биз Афина билан битта меҳмонхонада турар эдик. Бир куни мени даҳлизда учратиб қолди. Ажаб эмаски, у ҳам биринчи учрашувдаги тортишувни элаган бўлса. У мени шаҳар айланишга таклиф қилди. Ўз нафсимни тийиб туришга ҳаракат қилдим. Эҳтимол, унинг ҳаётида аҳамият касб эта бошлагандирман, деган хаёлга бордим.

Кейинроқ билишимча, унинг рақс сўнгидаги айтган гапи лўли халқининг қадимий нақлларида бири экан.



ЛИЛИАНА, ТИКУВЧИ, ЁШИ ВА ФАМИЛИЯСИ МАЪЛУМ ЭМАС

Биз лўлилар учун замон эмас, макон кўпроқ аҳамиятли. Қолаверса, ҳаммаси кечагидек ёдимда.

Қавмдаги мен бўйсунмаган ягона одат бу ўз жуфтими ўзим танлаганим бўлди. Гадже¹ билан ётган бўлишимга қарамасдан, тўлғоқ тутганида қавмдаги доялар мени ёлғиз қолдиришмади. Гўдакнинг киндигини кесиб, бир неча маротаба тугиб, қўлимга тутқазишди. Расм-русумга кўра, туғилган гўдак отаси кийимидан олинган матога ўралиши лозим. Менда эса софинганимда димоғимга боссам, унинг ҳиди келиб турадиган, ундан эсдалик бўлиб қолган шарф бор эди. Мана, энди бўлса, шу қадрдон исни ҳам бир умрга йўқотяпман.

Гўдакни шарфга ўраб, Ердан қувват олиши учун пастга қўйдим. Ҳеч нимани ҳис қилмай, ўйламай у билан шу ерда қолдим. Гўдакнинг тақдирига аллақачон Ҳукм чиқарилган эди.

Доялар менга гўдакка исм танлашимни ва буни ҳеч кимга айтмаслигимни таъкидлашди. Бу исм бир маротаба – гўдак чўқинтирилаётганидагина айтилди, холос. Менга муқаддас мой ва туғилганидан бошлаб икки ҳафта бўйнига осиб қўйишим учун тумор беришди. Кимдир менга кўп ҳам ташвишланмаслигимни, гарчи ҳозир ҳамма мени айблаётган бўлса ҳам, кейинчалик бунга аҳамият бермасликларини таъкидлади. Яна менга шом ва азонда ташқарига чиқмаслигим кераклигини уқтиришди. Сабаби цинварилар (*ёвуз руҳлар – таржимон изоҳи*) ҳужум қилиб, бошқарувни ўз қўлларига олиши ва ҳаётимизни оғулаши мумкин экан.

Бир ҳафта ўтгач, қуёш чиқар-чиқмас Сибюга йўл олдим. Бирор-бир меҳрибон кишининг қўлига тушишини тилаб, гўдакни болалар уйининг кириш дарвозаси

¹ Ажнабий ёхуд қавмдан бўлмаган киши (таржимон изоҳи).



олдида қолдираётганимда, бир ҳамшира мени кўриб қолди. Қўлимдан маҳкам тутиб, ичкарига тортди. Иложи борича, мени ҳар қадамда ҳақоратлашга ҳаракат қиларди. Ҳар қадамда қоровул бор. Шундагина дунёга фарзанд келтириш масъулиятидан осонлик билан қочиб қутула олмаслигимни англаб етдим.

– Ўз болангдан шу тахлит, тошбағирларча воз кечиш! Албатта, лўлидан яна нимани ҳам кутиш мумкин?!

Улар мени баъзи бир ҳужжатларни тўлдиришга мажбур қилишди. Мен эса ёзишни билмас эдим. «Албатта, лўлидан яна нимани ҳам кутиш мумкин? Манзилингни аниқ далиллар билан айт. Агар алдашга уринсанг, суягинг қамоқда чирийдиди!» деб бақирди масъул. Азбаройи қўрққанымдан уларга ҳақиқатни айтдим. Боламга сўнги маротаба қараб, «Исмсиз бу гўдакка ҳаётда муҳаббат, чексиз муҳаббат насиб қилсин», деб тилак билдирдим.

Ўрмон оралаб юрган бир соатга яқин вақт мобайнида ҳомиладорлик тунларимни эсладим. Мен боламни ҳам, уни ичимга солган эркакни ҳам севардим ва кўнглимда уларга нисбатан нафрат туйғусини ҳам ҳис қилар эдим.

Ҳамма аёллардек мен ҳам мени севадиган, фарзандлар ҳады қилиб, оиласига эътибор кўрсата оладиган мафтункор шахзодани кутган эдим. Гарчи у менга булардан ҳеч бирини бера олмаган бўлса ҳам, мен бошқа аёллар каби севги оташидан лаззатландим. У менга ҳаётимнинг энг ширин, унутилмас лаҳзаларини ҳады этиш баробарида қизимга отасизлик тамғасини босиб кетди. Мен ўз жигарбандимга ўзим кўрган азобларни ва қавмнинг лаънатини раво кўра олмадим. Унга ҳомиладорлик вақтимда қавмга келтирган иснодимдан уялиб, фарёд солдим. Олдинги ҳаётга қайтиш фикридан чалғиш мақсадида, ўз танамни жароҳатладим.



Уни кимдир асраб олишига ишониб, вояга етганида уни кўриш умиди билан яшадим.

Уни қолдириб, ўрмон оралаб кетаётганимда, ўзимни кўз ёшидан тия олмадим. Ерга ўтириб, дарахтнинг танасини қучоқладим. Кўз ёшим ва жароҳатимдан томган қон дарахтга тегиши билан мен аллақандай хотиржамлик ҳис қилдим. Қандайдир овоз менга қайғурмаслигимни, кўз ёшим ва қоним гўдакнинг эътиқодини поклаши ва тортаётган азобларимни камайтиришини айтди. Ҳали-ҳануз ўша воқеаларни эслаб қийналганимда, ўша овоз ёдимга тушади ва мени тинчлантиради.

Шу сабабли бўлса керак, у қавмдошим Ром Баро билан кириб келганида, унчалик ажабланмадим. Ўша овоз қизимнинг бир куни мени излаб келишини айтган эди. Мана, ҳозир у шу ерда, қаршимда ўтирибди. У жуда ҳам лобар экан. Отасига тортибди. Унинг нимани ҳис қилаётганини билиш қийин. Балки, ташлаб кетганим учун мендан нафратланар. Нега бундай қилганимни тушунтироқчи эмасман. Буни ҳеч ким, ҳеч қачон тушунолмайди.

На кулдик, на йиғладик. Шунчаки бир-биримизга тикилиб қолдик. Қалбимнинг туб-тубларидан муҳаббат тўлқини тошиб кела бошлади. Нималарни ҳис қилаётганим унинг учун қизиқми-йўқми, билолмадим.

– Бирор нима еб олганимда бўларди. Оч қолгандирсан? – деб сўрадим.

Сезги. Сезги ҳамма нарсадан устун. У розилик билдирди. Мен яшайдиган ягона хонага кирдик. Менинг ошхонам ҳам, ётоғим ҳам, тикиш қиладиган иш жойим ҳам ёлғиз шу хона. У хонага назар ташлаб, ҳайрон қолди. Ўзимни сезмаганликка олдим. Сабзавотлардан тайёрланган қайнатма шўрва ва икки бўлак қайнатилган гўшт келтирдим. Қаҳва тайёрлаб, шакар солмоқчи бўлганимда, у илк марта гапирди.



– Менга шакарсиз бўлаверсин. Мен сизни инглиз тилини билмайсиз, деб ўйлабман.

Инглиз тилини унинг отасидан ўрганганимни айтмоқчи эдим, аммо тилимни тийдим. Биз жимгина овқатландик. Вақт ўтиши билан ҳамма нарса менга табиийдек туйила бошлади. Мен бу ерда ўз қизим билан биргаман; у жаҳонни кўриш учун кетган эди, энди бўлса яна биргамиз; у турли-туман эътиқодларни кўриб, ўрганиб яна уйга қайтди. Бунинг шунчаки хомхаёллигини билар эдим. Лекин бутун умр ҳаётнинг совуқ муносабатини индамай қаршилаган аёл бир неча лаҳза ширин хаёл қилишга ҳақлидир, деб ўйладим.

– Бу аёл ким? – сўради у девордаги суратни кўрсатиб.

– Авлиё Сара, лўлилар ҳомийси. Доимо унинг Франциядаги черковига боришни орзу қиламан. Мамлакатдан ҳеч қачон чиқа олмаслигимни билсам ҳам. Ҳеч қачон фуқаролик гувоҳномаси ёки рухсатнома ололмаслигимни билсам ҳам, барибир...

Унга буларга эришган тақдиримда ҳам, у ерга бориш учун маблағим йўқлигини айтмоқчи бўлдим. Бироқ у мени пулга шама қиляпти, деб ўйлашидан қўрқдим.

– Булардан ташқари, ишим ҳам тиқилиб ётибди.

Орага яна жимлик чўкди. У шўрвани ичиб бўлгач, сигарета тутатиб олди. Кўзларида ҳеч қандай туйғунинг ифодаси йўқ.

– Мени қачондир кўраман, деб ўйлармидингиз?

– Буни билардим. Кеча Ром Баронинг хотини сен ҳақингда айтди. Кучли шамол турди. Озгина дам олақол.

– Ҳеч нарса эшитмаяпман. Шамол ҳали ўша-ўша. Яхшиси, гапирганим маъқул.

– Менга ишон, доим сен ҳақингда ўйладим. Умрининг қолган қисмини сен билан ўтказмоқчиман.

– Бу гапни гапирманг.



– Жуда ҳам толиққансан, – дедим унинг гапини эшитмаганликка олиб. Ҳавонинг авзойи бузилиб, бўрон тобора яқинлашиб келмоқда. Бошқалари каби бу ҳам вайронагарчиликларга сабаб бўлади. Шу билан бирга, далаларни намлаб, ёмғирда жаннатнинг исини келтиради. Бошқалари каби бу бўрон ҳам тинади. У жуда ҳам кучли бўрон, демак, тезда тинади.

Об-ҳаво билан боғлиқ билимлардан хабардорлигим учун Худога шукр қилдим.

Денгизнинг муқаддас маъбудалари мени тинглаб тургандек, кўп ўтмай томга ёмғирнинг илк томчилари томчилай бошлади. Қаршимдаги ёш аёл сигаретасини чекиб тугатгач, уни қўлидан тутиб каравотга ётқиздим. У кўзларини юмди. Қанча ухлаганини билмайман. Ҳеч нима ҳақида ўйламасдан, унга қараб қолдим. Қачонлардир ўрмонда эшитилган овоз қулоқларим остида жаранглай бошлади. У менга ҳаммаси жойидалигини, бир вақтлар бизни айирган тақдир йўллари аслида бизга хайрихоҳлигини айтди. Мен уни ким асраб олиб, вояга етказганини, мана шундай мустақил аёл қилиб тарбиялаганини билмайман. Қизимга яхши ҳаёт туҳфа қилган ўша оила учун ибодатга чўкдим. Умидсизлик, тушкунлик ва ҳасад қалбимни чулғай бошлагани учун Авлиё Сара қаршисидаги ибодатимни ярмида тугатдим. Уни орқага қайтариш шартмиди? Йўқотилган ва қайтариб бўлмайдиган шунча имконлар ётибди, ахир!

Лекин қизим – муҳаббатимнинг моддий тимсоли. Мен ҳеч нарса билмас эдим ва ҳозир ҳаммаси аён бўла бошлади: ўз жонимга қасд қилиш, ҳомилани олдириб ташлаш, дунёнинг шу бўлагидан бош олиб кетиш; дарахт танасига томган кўз ёшим ва қонни эсладим. Табиатдан келган ва ҳануз менга ҳамроҳ ўша таскин ҳануз мен билан бирга. Қавмдошларимдан саноқлиларигина бу ҳодисага шубҳа билан қарайди. Ўрмонда саргардон



юрган кезларимда учраган Халоскорим ҳам бора-бора бунни тушунди. Аммо у энди бу дунёда йўқ эди.

У доимо «Олов беқарор, шамол уни ўчириб ташлайди, чақмоқ эса аланга олдиради. Қуёшдек равшанлик таратиш жуда ҳам мушкул, аммо бу курашиш учун арзирли мақсад», деб айтар эди.

У мени қабул қилган ва қавмни улар билан яна бирга яшашимга кўндирган ягона киши эди. У ўз ахлоқи билан менга кўчага улоқтирилмаганлигимни исботлаган халоскорим. Афсуски, қизимни учратиш унга насиб қилмади. Барча каби ўз онаси бағрида меҳр олиб улғайишга ҳақли бўлган қизим ухлаб ётганида, кўз ёши тўқдим. Уни асраб олганлар ким ўзи, у қаерда яшади, университетда ўқидими, кимнидир севдими, унинг мақсади нима – шу каби минглаб саволлар миямда чарх ура бошлади. Лекин мен дунё кезиб, уни қидира олмадим. Савол сўрашга ҳақим йўқ. Мен фақат жавоб беришга маҳжумман.

У кўзларини очди. Йиллар давомида юрагимга яшириб келган туйғуларимни фош қилгим, сочларидан силагим келди. Аммо бу унга қандай таъсир қилишини билмас эдим. Ўзимни тийганим яхши, деб ўйладим.

– Сен бу ерга мен нима учун...

– Йўқ, мен, она нега ўз фарзандидан воз кечади, деган саволга жавоб излаб келганим йўқ. Бундай қилиш учун ҳеч кимда арзирли сабаб йўқ.

Унинг сўзлари юрагимга оғир ботса-да, нима деб жавоб қайтаришни билмас эдим.

– Мен кимман? Томиримда кимнинг қони оқмоқда? Кеча сизни топишим мумкин бўлган манзилни эшитиб даҳшатга тушдим. Сиз ҳам бошқа лўлилардек келажакни кўра олсангиз керак, деб ўйладим.

– Йўқ, бу хато. Бу – гаджеларни лақиллатиб, пулини шилишнинг бир йўли. Бунни ўз қавмдошларимизга ишлатмаймиз. Сен эса...



– Мен эса қавмнинг аъзосиман. Шундай бўлса ҳам, мени шу дунёга келтирган аёл олис-олисларга жўна-тиб юборди.

– Ҳа, – дедим нафасим тиқилиб.

– Мана, сизни ҳам кўрдим. Энди Лондонга қайтсам бўлади. Таътилим ҳам охирига етиб қолди.

– Отанг ҳақида билишни истамайсанми?

– Йўқ, бу мен учун аҳамиятсиз.

Тўсатдан унга ёрдам беришим мумкиндек туйилди. Бегона овоз мени гапиришга мажбур қилди.

«Сенинг томирингда ва юрагимда оқиб турган қонни англашга ҳаракат қил», деди бу овоз.

Ич-ичимдан чиқаётган овоз Халоскоримники эди. У яна кўзларини юмди ва ўн икки соатча ҳушсиз ётди. Кейинги кун уни шаҳар ташқарисидаги музейга олиб бордим. Унинг учун завқ билан нонушта тайёрладим. У анча тетик эди. Лўлилар маданияти ҳақида кўп саволлар берди. Ўзи ҳақида гапирди. Билсам, аллақачон буви бўлган эканман! У эри ва асраб олган ота-онаси ҳақида ҳеч нима гапирмади. У бу ердан анча узоқда бўлган мамлакатда ер савдоси билан шуғулланишини, яқинда ишга қайтишини айтди.

Унга иблисларни ўзидан узоқлаштирувчи тумор ясашни ўргатмоқчи бўлдим. Лекин қизиқиш билдирмади. Ўт-гиёҳлар билан даволаш ҳақида сўзлаганимда, мендан гиёҳларни танлай олишни ўргатишимни сўради. Англияга қайтиши биланоқ, ўргатганларимни унутишини билсам ҳам, сайр қилаётган боғда унга бор билимимни ўргатишга ҳаракат қилдим.

– Ер бизга эмас, биз ерга тегишлимиз. Биз доимо ҳаракатдамиз. Атрофимиздаги ҳамма нарса: ўт-ўланлар, сув ва тоғ-тошлар бизники. Табиатнинг қонуни, яъни кучлиларгина омон қолади – бизнинг қонунимиз. Биз зарур бўлгандагина ўз кучимизни намоён қиламиз. Биз Худо борлиқни яратганига ишонмаймиз.



Биз учун борлиқ, бу – Худо. Биз унда, у эса бизнинг ичимиздадир.

Бир муддат тўхтаб, яна давом қилдим. Бу Халоскоримга миннатдорчилигимни ифодалашнинг йўлидир.

– Назаримда, биз уни «Она» деб аташимиз керак. У ўз боласини болалар уйига берадиган худбин аёл эмас, балки бутун одамзоднинг онаси. У бизни жамики хатарлардан ҳимоялайди. Кундалик юмушларни севиб, завқ билан қилаётганимизда, У ёнимизда бўлади.

Афина, энди унинг исмини биламан, боғдаги уйлاردан бирига қараб, «Бу нима, черковми?» деб сўради.

У билан ўтган вақт оралиғида бир оз дадиллашган эдим. Агар хоҳласа, суҳбат мавзусини ўзгартиришимиз мумкинлигини айтдим. Бир оз ўйланиб туриб, жавоб берди:

– Йўқ, мен айтмоқчи бўлганларингизни эшитмоқчиман. Қолаверса, келишимдан олдин кўп ўргандим ва ҳозир эшитаётганларимнинг лўлилар урф-одатига тааллуқли жойи йўқ.

– Буларни менга Халоскорим ўргатган. У лўлилар билмайдиган нарсалардан хабардор эди. Мени яна қавмга қайтарган ҳам ўша. Унинг айтишича, мен – оналикни рад қилган аёл, аста-секин Онанинг қудратидан бохабар бўламан.

Унга кичкина бутани кўрсатдим.

– Агар ўғлинг иситмаласа, уни худди шунақа дарахт билан ёнма-ён қўй ва дарахтнинг баргли танасини унинг яқинида силкит. Дарахтда дардни олиш хусусияти бор. Чуқур қайғуга ботсанг ҳам шундай қил.

– Халоскорингиз ҳақида кўпроқ гапириб беринг, – сўради Афина.

– Унинг айтишича, дастлаб Онанинг бағрида Яралиш танҳо бўлган ва кейин ўзига ҳамроҳ яратган. Улар ўртасидаги муҳаббатдан учинчи киши яралган. Ўшандан кейин улар минг, миллион маротаба кўпай-



ишган. Сен черков ҳақида сўрадинг. Унинг қачон қурилганини билмайман, қизиқмайман ҳам. Менинг ибодатгоҳим боғ, осмон, кўл ва булоқлардир. Менинг яқинларим қондошларим эмас, фикрдошларимдир. Менинг расм-русумим шундай кишилар орасида бўлиш ва атрофимдаги борлиқни куйлаб, шукрона келтиришдир. Уйга қачон қайтмоқчисан?

– Балки, эртага. Сизга малол келишини хоҳламайман.

Қалбимда яна бир жароҳат из қолдирди. Ҳеч нима деёлмадим.

– Йўқ, илтимос, қанча хоҳласанг, шунча қолгин. Сўраганимнинг боиси, ташрифингни бошқалар билан ҳам нишонламоқчиман. Агар рози бўлсанг, буни шу бугун тунда қиламиз.

У индамади. Буни розилик ифодаси деб қабул қилдим. Уйга қайтдик. Бор маҳоратимни ишга солиб, уни меҳмон қилдим. У кийимларини олиб келиш учун Сибюдаги меҳмонхонага бориб келиши зарурлигини айтди.

У келгунича, ҳамма нарсани тахт қилиб қўйдим. Шаҳарнинг жанубида жойлашган тепаликка чиқдик; гулхан атрофида ўтириб суҳбатлашдик; турли мусиқа асбобларини чалиб, қўшиқ куйладик; қизиқарли ҳикоялар айтиб, рақсга тушдик.

Ром Баро уни ажойиб раққоса деб таърифлаган эди. Кўп йиллардан кейин ҳақиқий шодликни энди ҳис қилаётгандим. Сабаби қизимга анъаналаримизни кўрсатиб, изоҳлаб бераётгандим ва иккаламиз ҳам ҳаётлигимизни, юз кўришганимизни, Буюк Онанинг муҳаббатини нишонлаб, шукрона ўқидик.

У бугун меҳмонхонага қайтиши кераклигини айтди.

– Бу сўнгги учрашувимиз эмаслигига умид қиламан. Афина эртага ҳам келишини айтиб хайрлашди.

Бир ҳафта давомида қизим ва мен Борлиқ тўғрисидаги қарашларимизни муҳокама қилдик. Бир куни у



дўсти билан келди. Бу одам на унинг севган йигити, на ўглининг отаси эди. Афинадан чамаси ўн ёшлар катта бўлган бу одам, мендан бизнинг қавмдагилар кимга сиғинишларини сўради.

– Нимагадир ибодат қилиш – уни бу оламдан ташқарига чиқариб ташлаш ва ундан узоқлашиш дегани. Биз ҳеч нарсага ва ҳеч кимга сиғинмаймиз. Биз оддийгина Яралиш орқали бирлашамиз.

– Лекин сиз ибодат қиласизми?

– Шахсан ўзим Авлиё Сарага ибодат қилсам ҳам, ўйлашимча, биз ҳамма нарсадан бунёд бўлганмиз. Шу сабабли ибодатдан кўра, нишонлашни кўпроқ афзал кўрамыз.

Афина мен билан фахрланаётганини сездим. Аммо айтаётганларим Халоскоримнинг сўзлари эди.

– Биз борлиқни ёлғиз ўзимиз ҳам нишонлашимиз мумкин.

– Борлиқни ёлғиз ўзимиз ҳам нишонлай олсак, нега унда одамлар буни жамоа билан биргаликда қилишни маъқул кўришади? – сўради у одам.

– Чунки бошқалар, бу – мен, мен эса, бу – бошқалар, дегани.

Шунда Афина менга юзланди. Унинг қалбини жароҳатлаганимни сездим. Аслида бизни айирган ҳам шу тушунча эди. Мен учун қавмим ҳамма нарса бўлган.

– Эртага кетяпман, – деди у.

– Кетишингдан олдин келгин ва ўз онанг билан хайрлаш, – дедим.

Шу кунлар ичида илк маротаба ўзимни унинг онаси бўлишга ҳақлиман, деб ҳисобладим. Овозим титрамади. Нима бўлганда ҳам, қаршимда турган бу аёлнинг қони менинг қоним эканини, у менинг қорнимда шакл топганини билар эдим. Шу лаҳзада ўзимни катталар ўргатгани каби, дунё фақатгина ғийбат ёки лаънатдан иборат эмаслигини тушунган ёш қизчадек тутаётган



эдим. Ҳаёт хатоларимизни кечириб, гуноҳларимизни ювадиган муҳаббатга тўла экан.

Афина мени бағрига узоқ босиб турди-да, сўнг рў-молимни ечди. Мен беваман. Шу боис лўли урф-ода-тига кўра рўмол ўраб юришим шарт. Сабаби бокира эмасман. Акс ҳолда, эртадан нима ҳам кутиш мумкин? Қавмнинг расм-русумидан бош тортиш – ундан бадарға қилиниш дегани. Мен – ҳаммаман ва ҳамма, бу – мен ва менинг ёлғизлигимдир.

Кейинги кун Афина бир даста гул билан келди. Хонамни тартибга келтирди. Тикиш-бичиш туфайли кўзим жуда чарчаганлиги, кўзойнак тақишим кераклигини уқтирди. Қавмдан муаммоларимни ўртоқлашадиган дўстларим бор-йўқлигини сўради. Унга Халоскорим ягона дўстим бўлганлигини, яқиндагина қафо қилганлигини айтдим.

– Бир куни унинг йўлини мушук тўсди. Бизнинг иримга кўра, бу ўлимдан дарак. Бундан барчамиз ташвишга тушдик. Бу лаънатни даф қиладиган удумни Халоскорим рад этди. У бу дунёни тарк қилишнинг вақти-соати келганини, қайта туғилгунча, онанинг қўлларида бир оз ором олиши ва ўзи билган борлиқдаги бошқа дунёларга саёҳат қилиши зарурлигини айтди. Унинг дафн маросими ўрмон яқинида ўтди. Маросим оддийгина бўлиб, бутун дунёдан унинг издошлари келишди.

– Улар орасида 30-35 ёшлар атрофидаги, қора сочли аёл ҳам бор эдими? – сўради Афина.

– Аниқ эслай олмайман. Эҳтимол, лекин нимага буни сўраяпсан?

– Бухарестдаги меҳмонхонада бир аёлни учратдим. У дўстининг дафн маросимидан қайтаётган экан. Аллақандай устози ҳақида гапиргандай бўлди.

Афина мендан лўли маданияти ҳақида гапириб беришимни сўради. У аллақачон кўп нарсани билиб



олган эди. Удумларимиздан ташқари, тарихимиздан ҳам оз-моз бохабарман. Афинадан тақдир тақозоси билан Францияга йўли тушганда, Сентес Мэрис Де-ла-мер қишлоқчасидаги Авлиё Сара черковига боришни ва мен учун авлиёнинг сурати туширилган шоҳирўмол харид қилишини илтимос қилдим.

– Бу ерга келишимнинг сабаби – ҳаётимда нимадир камлик қила бошлагани. Бўшлиқ бордек туйилди. Сизни кўрсам, гўё бу бўшлиқ тўладигандек, ҳаммаси жой-жойига тушадигандек. Бироқ хато ўйлаган эканман. Энди билсам, севилганимни ҳам тушунишга муҳтож бўлганман.

– Сен мен учун доимо севикли бўлгансан, – дедим.

Орага узоқ жимлик чўкди. Ниҳоят, кетишидан олдин ундан сўрамоқчи бўлган ўтинчимни айтиш учун ўзимда куч топа олдим.

– Сенга бир илтимосим бор.

– Нима хоҳласангиз сўрашингиз мумкин.

– Мен сендан кечиришингни сўрамоқчиман.

Афина лабини тишлаб, бир нуқтага тикилиб қолди.

– Бир умр тиним нималигини билмадим. Меҳнат билан овундим, ўғлимга ғамхўрлик қилдим, ҳуснихат санъатини ўргандим, савдо-сотиқ курсларида ўқидим, китоб мутолаасини ҳеч қачон канда қилмадим. Лекин буларнинг ҳаммаси маъносизликдан қочишнинг бир йўли эди, холос. Умр бўйи ушоқдай меҳрга, муҳаббатга зор яшадим. Ота-онам мен учун қўлларидан келган ишни қилишди. Мен эса уларнинг ҳафсаласини пир қилишдан нарига ўта олмадим. Бу ерда эса табиат ва Буюк Она ҳақиға ўтказган шукроналар давомида ўзимдаги бўш оралиқлар тўлайётганлигини ҳис қиляпман. Ноғора чалаётган одамни ҳеч кўрганмисиз? Қўли ноғорага зарб билан тегади ва ҳавога кўтарилади ва яна тушади. Мана шу кўтарилиш ва тушиш орасидаги қисқа сонияларда тўхтам вужудга келади. Мендаги бўшлиқлар шу



тўхтамларга айланмоқда. Менимча, энди хотиржам орқага қайтсам бўлади. Бу мен тинч ҳаёт кечираман, дегани эмас. Чунки ҳаётим ўзига хос мақомга эга. Барча лўлилар Буюк Онага ишонишадими?

– Агар буни улардан сўрамоқчи бўлсанг, бирортаси ҳам «ҳа» деб жавоб бермаслиги мумкин. Улар ўзлари бўлган ва бир муддат яшаган ўлкаларнинг урф-одатларини, турмуш тарзини ўзлаштириб олишган. Авлиё Сарага ибодат қилиш ва умримиз мобайнида ҳеч бўлмаганда бир маротаба Сентес Мэрис Де-ла-мер қишлоқчасидаги унинг қабрини зиёрат қилиш барча лўлиларни бирлаштириб турадиган ягона диний удумдир. Турли қавмлар уни турлича аташади. Мисол учун, Кали Сара, Блек Сара ёки Лордесда у «Лўлилар Бокираси» номи билан машҳур.

– Мен кетишим керак, – деди Афина. – Мен билан келган ҳалиги дўстим ҳам бирга кетяпти.

– У яхши одамга ўхшайди.

– Сиз худди оналардек гапиряпсиз.

– Мен сенинг онангман-да.

– Ва мен сизнинг қизингизман.

У мени қаттиқ қучоқлади. Бу сафар ўзини кўз ёшидан тия олмади. Иккала кафтим билан унинг бошидан тутиб, бағримга босдим. Мен буни бутун умр орзу қилганман. Ҳатто тақдир, эҳтимол, қўрқоқлигим бизни ажратаётганида ҳам. Ундан ўзини эҳтиёт қилишини сўрадим. У бўлса кўп нарса ўрганганини айтди.

– Гарчи лўлилар бугун ўлкаларни кезишдан воз кечган бўлсалар ҳам, томирингда ҳали-ҳануз жаҳонгашта ота-боболаринг қони оқмоқда. Юрагинг Буюк Она инъом қилган эътиқод билан уриб турибди. Демак, ҳали кўп нарса ўргансанг бўлади. Фақат бошқалар билан ёнма-ён бўл, улар билан бирга ўрган ва изла. Акс ҳолда, хато қилиб қўйганингда ҳеч ким сенга тўғри йўлни кўрсата олмайди.



У мени қучоғидан бўшатмай ҳамон йиғлар, қолишга рухсат беришимни сўрар эди. Халоскоримдан йиғлаб юбормаслигим учун ўзимга ирода сўрадим. Афина энг яхши ҳаётга лойиқ ва у олға бориши лозим, деб ўйладим. Бу ерда, Трансильванияда, у менинг севгимдан бўлак ҳеч нарса топа олмайди. Тўғри, бутун борлиқни англаш учун муҳаббатнинг ўзи етарли, аммо ундан келажагини барбод қилиб, мен билан қолишини сўрай олмас эдим.

Пешонамдан ўпиб, хайрлашмай чиқиб кетди. Эҳтимол, у бир кун қайтиб келишини билгандир. Ўша йили Рождествода у менга табрикнома билан бирга бир йилга етадиган пул ҳам жўнатди. Мен банкдаги пулларни олмаганим учун, қавмдагилар мени аҳмоққа чиқаришди.

У пул жўнатмай қўйганига олти ой бўлди. Менимча, ўзи айтганидек, мен ўзимдаги «бўш оралиқ»ни тўлдириш учун тикиш билан банд бўлишим лозим.

Бошқа ҳеч қачон келмаслигини билсам ҳам, уни яна кўрсам дейман. Эҳтимол, Афина ҳозир улкан ютуқларга эришган, севганига турмушга чиққандир. Фарзандлари кўп бўлса керак. Бу дегани менинг қоним Ерда ҳали узоқ яшайди. Мен қилган хатолар эса кечирилади.

САМИРА ХАЛИЛ, УЙ БЕКАСИ

Ширин уйга ўзида йўқ хурсанд ҳолда қайтди. Бахтиёрлигидан овозини баралла қўйиб гапирар, Виорелни бағридан туширмас эди. Ҳаммаси мен ўйлагандан ҳам кўра яхши эканлигини сездим. Ниҳоят, илтижоларимни Парвардигор эшитибди, деб ўйладим. Ўзи ҳақида билган бўлса, тушкун кайфиятдан қутулиб, бошқалардек ҳаёт кечиришидан умидвор бўлдим.

– Сизни яхши кўраман, Онажон!



Унга томон қўлларимни узатдим ва бағримга босдим. Тан олишим керакки, усиз ўтган шу кунлар ичида юрак ҳовучлаб яшадим. У Виорелни олиб келиш учун кимнидир жўнатадиган, кейин улар ҳеч қачон қайтиб келишмайдигандек туйилди.

Овқатланиб, душ қабул қилгач, бизга туққан онаси билан ўтган учрашув ҳамда Трансильвания ҳақида гапириб берди. Мен Трансильванияни оз-моз эслай оламан. Ундан Дубайга қачон кетмоқчилигини сўрадим.

– Кейинги ҳафта. Лекин олдин Шотландияга, бир инсон билан учрашгани боришим керак, – деди.

Ҳойнаҳой эркак киши бўлса керак, деб ўйлаб жилмайдим.

– У аёл киши, – деди Афина жилмайдимни сезиб. Бу менинг вазифам деб ўйлайман. Ҳаёт ва табиат учун шукрона айтиб, буни нишонлаётганимизда, мен ўзим учун ҳатто мавжудлигидан беҳабар нарсаларни кашф қилдим. Уларни фақат рақс орқалигина билиш мумкин, деб хато ўйлаган эканман. Мен ўша аёлнинг юзини...

Мен қўрқиб кетдим. Ширинга унинг вазифаси ўғлини вояга етказиш, яхши ишлаш ва кўпроқ пул топиш, турмушга чиқиш ҳамда Яратганга имон келтириш эканлигини таъкидладим.

Бироқ у мени эштимасди.

– Бу кечқурун содир бўлди, – давом этди у. – Биз гулхан атрофида суҳбатлашиб, мусиқа тинглаб ўтирар эдик. Трансильванияда фақат бир маротаба – ресторандагина рақсга тушдим. Бошқа бунга эҳтиёж сезмадим. Бор қувватимни гўёки бошқа нарса учун асраётгандек эдим. Тўсатдан атрофимдаги борлиқ менга тирикдек ва тебранаётгандек туйилди. Гўё борлиқ ва мен қовушиб, бирлашган эдик. Шунда гулхан алангасида аёл чеҳрасининг тасвири пайдо бўлди. Унинг нигоҳи меҳр-шафқатга тўла бўлиб,



менга қараб жилмайди. Қувонганимдан ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Шириннинг бу гапларидан мени титроқ босди. Бу лўлиларнинг сеҳр-жодуси эканлигига шубҳа қилмадим. Шунда оппоқ кийимдаги аёлни кўрганини айтган қизалоқ – Шириннинг болалиги эсимга тушди.

– Бунақа нарсалар билан ўзингни чалғитма. Булар иблиснинг найранглари. Нега бошқалар каби ҳаёт кечиришни инкор қиласан?

Туққан онасини топиш учун қилган сафари унга яхши таъсир қилибди, деб ўйлаб, шошқалоқлик қилиб қўйган эканман. Аммо кайфиятидаги тажовускорлик анча пасайибди.

– Бошқалар каби ҳаёт кечириш нима дегани? – деди Ширин. – Уч авлодга етадиган пули бўлса ҳам, отам ишга муккасидан кетган. У жуда ҳам ҳалол одам. Топадиган пули меҳнатига арзийди. Аммо у ҳам иши кўплигидан шикоят қилади. Нега? Нима учун?

– Унинг ҳаёти жуда ҳам шарафли ва машаққатли, – жавоб бердим.

– Отам ишдан қайтганида, аввало, мендан уйга вазифаларим ҳақида сўраб билар, иши қанчалик муҳимлигини англатиш учун бир қанча мисоллар кўрсатиб ўтар эди. Сўнгра телевизорни ёқиб, Ливандаги сиёсий вазият тўғрисида гапириш, хобхонасига киришдан илгари китоб ўқиб бериш унинг кундалик одати бўлган. Сиз ҳам менга шунчалик эътиборли бўлгансиз. Мен мактабдаги энг яхши кийинган қиз эдим. Мени байрамларга олиб борганингиз ҳамон ёдимда. Уйимиз ҳамиша тоза ва тартибли бўлган. Мени бутун умр меҳр ва муҳаббат билан камолга етказгансиз. Мен ўсиб улғайдим, энди мустақилман. Сиз эса кексайиб боряпсиз. Энди нима қилмоқчисизлар?

– Қолган ҳаётимизни дунё кезиш билан ўтказмоқчимиз, – жавоб қайтардим.



– Бироқ нега буни ҳозироқ, соғлиғингиз жойида бўлган вақтда қилмайсизлар? – сиқувга олди Ширин.

Илгари ҳам ўзимдан бу саволга жавоб қидирган эдим. Ҳар сафар эримни, унинг ишсиз яшай олмаслигини ўйлаб қоламан. У пул учун эмас, азбаройи ишини яхши кўрганлиги, ишига содиқлиги учун ишлайди. Таътилга чиққанида ҳам, бирор баҳона билан идорага сирпаниб қолади. Уни театр, кинога боришга ундайман. Буни рад қилмайди. Аммо ҳар доим булар унинг учун зерикарли эканлигини ҳис қиламан. Унинг ягона қизиқиши иши ва дўстлари эди.

Ширинга биринчи маротаба қизимга эмас, яқин ўртоғимга гапираётгандек дилимни очаётган эдим. Сўзларимни эҳтиёткорлик билан танлаб, у тушунадиган қилиб гапирдим.

– Отанг, сен айтгандек, «бўш оралиқлар»ни тўлдиришга ҳаракат қиляптими? – сўрадим Шириндан.

– Унинг нафақага чиқишига унчалик кўзим етмаса ҳам, шу кун келганида у чуқур тушқунликка тушиб қолади. Мен бунга аминман. Бу азобдан қандай қутулиш ҳақида ўйлайди. Ҳамкасблари уни эришган муваффақиятлари билан табриклаб, кўкларга кўтарсалар ҳам, кейинчалик унга вақт ажратишлари қийин бўлиб қолади. Сабаби ҳаёт ўтиб кетмоқда, улгуриш учун эса тўхтамасликка мажбурмиз. Отам яна ўзини қувилган ҳисоблайди. Аммо бу сафар қаердан паноҳ излашини билмайди.

– Бирор яхшироқ таклифинг борми?

– Фақатгина бир нарса – ўзгариш! Мен ўзимда ҳам бу ҳол такрорланишини хоҳламайман. Мен жуда ҳам беоромман. Илтимос, буни нотўғри тушунманг. Бунинг учун отам ва сизни айблашга ҳақим йўқ. Мен ўзгаришим керак. Зудлик билан!



ДЭДРЕ ОЪНЕЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШХУР

Ўғли зудлик билан қоронғи хонани тарк этди.

Афина зулматда ёлғиз қолди.

Тун қадим-қадимдан, собиқ устозим, Она унинг қалбига нурафшонлик ёғдирсин, Оламни ўз юрти каби кезганида ҳам, инсоният лўлилар каби саргардон юрган кезларида ҳам, тун қўрқинч ва ёвузлик салтанати бўлган.

Чироқни ўчиргунимча нима қилишни билмай, ҳайрон қараб турди. Чироқни ўчирганимда у ўғли ҳақида сўради. Унга ҳеч ҳам қайғурмаслигини, ҳаммасини ўзимга қўйиб беришини айтдим. Телевизорли хонага бориб, Виорелга мультфильм намойиш этиладиган телеканални қўйиб бердим. Мультфильм уни бир зумда ўзига ром қилиб олди. Муаммо ҳал бўлди. Мен ўтмишдаги аҳвол ҳақида ўйладим. Мисол учун, ўша вақтларда ҳам аёллар Афина адо этмоқчи бўлган удумни бажариш учун болаларини ҳам олиб юрган бўлишлари мумкин. У даврларда эса телевизор бўлмаган. Шу вазиятда устозлар нима қилишган экан?

Бахтга қарши бу ҳақда қайғурмасам ҳам бўлади.

Афинани янги бир ҳолатдан воқиф қилмоқчиман. Бу худди телевизор қаршисидаги боланинг турли воқеликларга гувоҳ бўлишига ўхшайди. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам оддий, ҳам мураккабдек туйилади. Бу инсондан фақатгина нимагадир муносабатини ўзгартиришни талаб қилади. Шу сабабли оддий.

Мен бундан бу ёғига бахт изламоқчи эмасман. Мен энди мустақилман. Энди ҳаётни бошқаларнинг эмас, ўзимнинг кўзим билан кўраман. Мен тирикликнинг моҳиятини қидирмоқчиман.

Бу ҳолатнинг мураккаблиги шундаки, барча таъқиб қилишга арзийдиган ягона ютуқ бу – бахт, деб ўргатил-



ган бир пайтда, мен буни инкор қиляпман. Бошқалар тан олмайдиган эътиқодга таваккал қилишимнинг боиси нима? Бу билан нимага эришаман?

Уларнинг айтишича, бунинг сабаби муҳаббат. Аммо муҳаббат ҳеч қачон Бахт келтирмаган ва бундан кейин ҳам келтирмайди. Аксинча, бу ташвиш ва ғам-андуҳнинг уяси. Бу ҳар лаҳзасида ўзимизни тўғри қилдимми, йўқми деб саволга тутадиган бедор ва беором тун.

Севги ҳам шодлик, ҳам уқубатдан иборат бўлади.

Яна айтишларича, бу эътиқод бизни осойишталикка олиб бориши мумкин экан. Агар биз Буюк Онага назар ташласак, у доимо беқарор ва ҳеч қачон хотиржам бўлган эмас. Қиш билан ёз бир-бирига рақиб, қуёш ва ойнинг учрашуви маҳол.

Йўлбарс одамни қувлайди, одам итдан қўрқади. Ит мушукни ғажийди, мушук сичқонни пойлайди. Одам сичқонни кўрса таъби хира бўлади.

Пул бахт келтиради. Бу вазиятда юқори даражали ҳаёт кечириш учун етарли давлати бўлган киши ўз ишидан воз кечишга қодир. Аммо улар бор давлатларини йўқотишдан қўрқишлари сабабли, бундай қила олишмайди.

Пул пулни чақиради. Бу ҳақиқат. Ҳукмронлик бахтсизлик келтириши мумкин. Бироқ пул ҳам керакли бахтни бера олмайди.

Мен бутун умр бахтни изладим. Энди эса излаётганим, бу – лаззатдир. Мен роҳатланишни истайман, бахтни эмас! Унинг тузоғига бошқа илинмоқчи ҳам эмасман.

Одамлар орасида бўлсам, уларни энг муҳим саволлар билан шатакка оламан. Шунда кўпчилик ўзи тан олгиси келмаган ҳақиқатни сездириб қўяди.

«Сиз бахтлимисиз?» – сўрайман улардан. «Албатта, бахтлиман!» – жавоб қайтаришади. «Яна ҳам бахтлироқ бўлишни хоҳласангиз керак?» «Албатта!» дейи-



шади улар. Сўнгра уларга «Демак, сиз ҳали бахтли эмассиз», деб айтсам, улар дарров суҳбат мавзусини ўзгартиришни истаб қолишади.

Афинанинг ёнига боришим керак. У хонада ёлғиз қолди. Зим-зиё хона. У қадам товушларимни эшитди. Гугурт чақилиб, қандил ёқилди.

– Биз Борлиқ эҳтиёжи билан ўралганмиз. Бу бахт дегани эмас. Бу эҳтиёж. Ва, у ҳеч қачон қонган эмас. Чунки...

– Ўғлим қани? – сўради у.

– Ажойиб ўғлинг бор. Ундан ташвишланма. Телевизор кўряпти. Ҳозир фақатгина индамай, қандилдан кўз узмаслигингни хоҳлайман. Ишонсанг бўлди.

– Нимага ишонишим керак?

Ундан жимгина кузатишини сўрадим.

– Бу оддийгина, ишонч, бу – ҳеч нимадан шубҳа қилмаслик дегани. Сен тириксан. Қандил эса борлигингдаги ягона борлик, маъно. Бунга ишон. Эътиқод барча ютуқларга йўл бошлайди, деган фикрдан воз кеч. Ҳақиқат шундаки, биз ҳар бир босган қадам билан ортга қайтамиз. Мен қайтдим, деб ҳар тонгда ўзингга такрорла. Шу орқали сен кунингдаги ҳар лаҳза билан алоқада бўласан.

Бир оз жим турдим. У айтганларимни англаб етиши лозим.

– Қандил алангаси сенинг борлигингни ёритмоқда. Ундан ўзингнинг кимлигингни сўра? – таъкидладим унга. Кейин яна давом этдим: – Жавобинг менга аён. «Менинг ўғлим бор. Дубайда ишлайман. Мен фалончи-писмадончи» ва ҳоказо. Бу менинг ҳам бошимдан ўтган. Энди эса қандилдан ким эмаслигингни сўра.

Яна бир оз кутгач, давом этдим:

– Эҳтимол, мен роҳат нималигини билмаган, ўғли ва эрига чин эътибор бера олмаган аёл каби гапиргандирман. Шунақами? Энди гапиришинг мумкин.



– Ҳа, шунақа.

Яхши. Ҳозирча ҳаммаси яхши. Сен ҳам мен каби ҳаётингдан қониқмаган аёлсан. Сендаги ҳақиқат бошқаларникига тўғри келмайди. Ўғлинг ҳам шу эътиқодни танлашидан қўрқасан, шундайми?

– Ҳа.

– Шунга қарамасдан, сен бундан ўзингни тўхтата олмайсан. Сен курашасан, бироқ шубҳаларингни назорат қила олмайсан. Қандилга диққат билан разм сол. Айни дамда қандил – сенинг борлигинг. Хонани ёритади ва эътиборингни жалб қилади. Ўпкангни тўлдириб, чуқур-чуқур нафас ол. Бунга беш мартаба такрорла.

У айтганимдек қилди.

– Бу машқ қалбингни тинчлантирган бўлса керак. Ҳозир эса мен айтган ишонччи эсла. Ўзингдаги қобилиятларга ишон. Айни вақтда қайтишинг лозим бўлган жойдасан. Нонушта маҳалида менга рақс орқали банкдаги ҳамкасбларингнинг ишга муносабатларини ўзгартирганингни айтдинг. Бу нотўғри. Аслида сен рақс орқали улардаги ҳақиқатни ўзгартиргансан. Гарчи мен Олий нуқта тўғрисидаги фикрларингни олдин эшитмаган бўлсам ҳам, бунга қизиқиб қолдим. Рақсга тушиш сенга ёқади ва сен ўзинг қилаётган ишинг тўғрилигига ишонасан, шундайми?

Афина қандилдан кўз узмаган ҳолда, бунга тасдиқлади. Мен сўзимда давом этдим:

– Эътиқод, бу – эҳтиёж дегани эмас. Бу – истакдир. Эҳтиёж биздан қониқишни талаб қилади. У қониқмоғи лозим. Истак эса, бу – таъсирдир. У таъсир қилади, холос. Худди банкдаги ўзгаришдек, истак атрофимиздаги борлиқни ўзгартиради. Лекин бу учун ҳам эҳтиёжга муҳтожсан. Диққатингни шу алангада жамла, илтимос. Ўғлинг хонадан чиқиб кетди. Сабаби у қоронғиликдан қўрқади. Биз эса зулматда ҳамма нарсани,



асосан, ўз руҳимизни намоён қила оламиз. Болалар ҳам, катталар ҳам бунга ишонишади. Секинлик билан қўлларингни юқорига кўтар.

У мен айтгандек қилди. Меникидан ҳам жозибалироқ кўкраклари ҳасадимни келтирди.

– Энди эса секин пастга туширгин. Кўзларингни юм-да, чуқур-чуқур нафас ол. Чироқни ёқмоқчиман. Тўғри топдинг – удум ниҳоясига етди. Нариги хонага чиқайлик.

Афина қийналиб ўрнидан турди Мен таъкидлаган ҳолатда турганлиги сабабли оёқлари увишиб қолган эди.

Виорел ухлаб қолган экан. Телевизорни ўчирдим ва биз ошхонага кирдик.

– Булардан мақсад нима? – сўради Афина.

– Сени кундалик ҳақиқатларингдан озод қилдим. Бунини бошқача усулда қилганимда ҳам бўлар эди. Аммо мен қоронғилик ва қандилни афзал кўрдим. Сен эса қўлимдан нима келишини билмоқчисан, тўғрими?

Афина менга бу ерга келгунича ўғли билан поездда беш соат юрганини, сумкаларини йиғиб, Дубайга кетиш ўрнига, Шотландияга келганини айтди.

– Бу удумни ўз уйимда қилганимда ҳам бўлар эди-ку! – деди у.

– Албатта, бунини уйингда ҳам қилишинг мумкин. Лекин сен, аввало, ёлғиз эмаслигингни ва сендан бошқалар ҳам удумга ишонишини билишинг лозим эди. Шундагина сен бунга ишонишинг мумкин.

– Ишонч нимага?

– Эътиқодингнинг тўғрилигига ва ўзинг босган қадамларинг орқали ортга қайтаётганингга.

– Қанақа эътиқод? Мен Руминияга бориб, онамни топсам, мендаги беҳаловатлик барҳам топса керак, деб ўйлаган эдим. Афсус, хато ўйлаган эканман. Сиз яна қанақа эътиқод ҳақида гапиряпсиз?



– Ҳозир бир нима дейишим қийин. Қачондир сен ўзинг кимгадир сабоқ бера бошласанг, буни англайсан. Дубайга қайтгач, ўзингга шогирд қидир.

– Унга рақсга тушиш ёки ҳуснихат санъатини ўргат, демоқчимисиз?

– Булардан аллақачон хабардорсан. Сен унга Она сен орқали фош қилишни хоҳлаган, ўзинг билмаган нарсаларни ўргатишинг лозим.

У менга сўзсиз тикилиб қолди.

– Рост гапиряпман, – дедим Афинага. – Нега сендан қўлларингни кўтариб, чуқур нафас олишингни сўрадим? Сабаби сен мени ўзингдан ақллироқ деб билишинг лозим. Бироқ аслида бундай эмас. Шу йўл билангина мен сени ўз қобиғингдан ташқарига олиб чиқдим. Мен сендан Онага ибодат қилишни сўрадим. Нимадир қилишда фақатгина атрофимиздаги воқеликка суяниб қолмасдан, ноанъанавийликни ҳам қўллашимиз зарур. Ўз шогирдинг учун янги удумлар яратишга киришган кунингдан бошлаб, ўз йўлбошчингга ҳам эга бўласан. Менинг гапларимга кирсанг, ҳаммаси изга тушади. Акс ҳолда, ҳозирги ҳаётинг охир-оқибат «қониқмаслик» балоси сени домига тортиб, ҳалок қилади.

Мен таксига буюртма бердим. Биз бир оз мавсумий кийимлар ҳамда эркаклар хусусида гурунглашдик. Кейин Афина кетди. У айтганларимга қулоқ тутишига ишонар эдим. Чунки у даъватни рад қилмайдиган одамлар тоифасидан.

– Одамларга бошқача бўлишни ўргат. Шуни ўзи кифоя! – бақирдим машина орқасидан. Лаззат дегани шу. Унинг учун севиқли инсони, фарзанди ва иши ўзини бахтли ҳисоблаши учун етарли ҳам бўлиши мумкин эди. Аммо Афинага, худди мен каби ҳаётда ёлғиз, шунинг ўзи камлик қилади.

**ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ**

Севиб қолганимни тан олгим келмасди, албатта!
Чунки бахтли ва бахтсиз кунларимда мен билан бирга
бўладиган қизни аллақачон топган эдим.

Сибюдаги тортишувлар, воқеалар Трансильвания-
га саёҳатимнинг мазмунига айланди. Мусофирликда
юрган кезларим бу каби ҳодисаларнинг рўй бериши
янгилик эмас. Бу ҳол илгари ҳам такрорланган. Уму-
ман, ҳар ким ўзи яшайдиган муҳитдан узоқлашиб,
одатий ҳаётни тарк этганида, саргузашталаб бўлиб
қолиши табиий.

Англияга қайтганимдан сўнг қилган биринчи ишим
«Би-Би-Си» раҳбариятига Дракула қасри ҳақидаги
ҳужжатли фильм ишлашнинг бемаънилигини айтиш
бўлди. Қаёқдаги аҳмоқ бир ирландиялик тасаввурига
ҳаддан ташқари эрк бериб, ўзи кўрмаган, сайёрамиз-
даги энг севимли, гўзал гўшалардан бири бўлган
Трансильванияни ўз китобида сеҳр-жоду ва ёвуз
руҳлар макони қилиб тасвирлаганини тушунтирдим.
Табиийки, раҳбариятнинг таъби хира бўлди. Лекин
мен учун бу аҳамиятсиз. Мен телевидениени тарк
этдим. Жаҳондаги нуфузли рўзнамалардан бирида
фаолият бошладим.

Айни шу паллада Афинани яна кўргим кела бош-
лаганини сездим.

Унга қўнғироқ қилдим. У Дубайга жўнаб кетишидан
олдин мен билан учрашишга рози бўлди. Мени Лондон
бўйлаб айлантиришга ваъда берди.

Ўша куни дуч келган биринчи автобусга чиқдик.
Унинг қаерга кетаётгани биз учун аҳамиятсиз эди.
Бир йўловчини мўлжаллаб, у қаерга тушса, ўша бе-
катда тушишга қарор қилдик. У Темплда тушди. Биз
ҳам. Олдимизни тўсган тиламчига ҳеч нима бергимиз
келмади. У орқамиздан минғирлаб, одамлар билан
гаплашиш учун шундан бошқа йўли йўқлигини айтди.



Биз телефон будкасини абжағини чиқаришга ҳаракат қилаётган одамни учратдик. Полиция чақирмоқчи бўлганимда, Афина мени тўхтатди.

– Эҳтимол, бу одамнинг ҳаёти севги туйғули ҳозиргина вайрон бўлган ва у ҳис-туйғуларидан қочишга ҳаракат қилаётгандир? Ким билади, балки уни эшитадиган одам йўқдир. Ё бўлмасам, шу ерда телефонда суҳбатлашаётганларни кўриб, уларни севгилиси билан гаплашаётган хаёл қилиб, хўрлиги келгандир, – мулоҳазаларини ўртоқлашди у.

У менга кўзимни юмиб, кийган кийимларимизни тўғри айтиб беришимни сўради.

Бахтга қарши, деярли барча далилларда хато қилдим.

У мендан иш столим устидаги нарсаларнинг нималигини сўради. Унга у ерда газеталар қалашиб ётганини, уларни ўқишга эринишимни айтдим.

– Бир парча қоғозда ҳам ҳаёт, ҳам туйғулар мавжудлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисан? Сен эса шуларни аҳамиятсиз қолдирмоқдасан, – деди Афина.

Унга ишга борганимда, аввало, уларни бирма-бир кўздан кечиришга ваъда бердим.

Қаршимиздан чиққан хорижлик йигит-қиз қўлидаги харитани Афинага кўрсатиб, қайсидир майдонга қандай бориш мумкинлигини сўради. Афина уларга тушунтирди. Аммо жуда ҳам ноаниқ.

– Уларга тамоман нотўғри йўлни тавсия қилдинг.

– Ҳечқиси йўқ. Улар адашишади ва бу улар учун энг яхши саёҳат бўлади. Адашиш баъзида бизни ўзимиз билмаган қизиқарли жойларга бошлаб боради. Ҳаётингни қайтадан, янгича тасаввурлар билан бошлаб кўр. Мисол учун, тепамиздаги осмонни таърифлаш учун шу вақтгача минглаб асосли изоҳлар айтилган. Бу изоҳларни бир зумга унутгин. Шунда ана шу миллионлаб юлдузлар фаришталарга, болаларга ёки нимани хоҳласанг, шунга айланади.



У бир оз ўйга толди.

– Бундан сенга ҳеч қандай зиён етмайди. Ақлинг ҳам кемтиклашиб қолмайди. Бу бир ўйин ёки тасаввур. Бироқ ҳаётга бўлган муносабатингни ижобий томонга ўзгартиради.

Кейинги кун ишга бориб, столим устидаги қоғозларни шахсан ўзим ёзган хатлар сингари диққат билан ўқиб чиқдим. Кун ўртасида муҳаррир ўринбосарига учраб, лўлилар эътиқоди ҳақида мақола ёзишни маслаҳат солдим. У буни ажойиб фикр деб баҳолади ва мен мусулмонлар Маккани муқаддас деб билганлари каби, лўлилар ҳам илоҳий санаган Сентис Мэрис Де-ла-мер қишлоқчасига борадиган бўлдим.

Қанчалик ақл бовар қилмас бўлса ҳам, Афина мен билан бирга боришга умуман қизиқиш билдирмади. У менга йигити, ўртамизда масофа ушлаб туриш мақсадида ўзи ўйлаб топган ўша полициячи, ундан хафа бўлиши мумкинлигини айтди.

– Ахир, онангга уйдаги Авлиё Саранинг сурати учун янги рўмол олиб келишга ваъда бергансан-ку!

– Тўғри, ваъда берганман. Қачонки, ўша ерлик аҳоли ҳақиқий эътиқодларини тушуниб етсаларгина, мен у ерга бораман. Шундагина ваъдамнинг устидан чиққан бўламан.

Келаётган якшанбада у Дубайга кетмоқчи эди. Аммо ўғли билан Шотландияга, биз Бухарестда учратган аёлни кига кетди. Тўғриси, мен ҳеч қандай аёлни эслай олмадим. Балки бу ҳам полицияда ишлайдиган йигити ҳақидаги гапдек хомхаёлдир.

Бунинг ҳақиқатми ёки йўқлигини билишга ҳаракат қилдим. У менга бошқа одам билан бўлишини маъқул кўришини айтган тақдирда ҳам, мен Афинадан ранжий олмас эдим.

Сентис Мэрис Де-ла-мерга саёҳатим муваффақиятли мақолага сабаб бўлди. Келиб чиқиши руминиялик



бўлган Сара исмли лўли аёли денгиз қирғоғидаги қишлоқлардан бирида истиқомат қилган. Ёшлигида унинг қишлоғига келган Исонинг аммаси ва бошқа қочоқларга ёрдам берган. Кейинчалик ўзи ҳам насронийликни қабул қилган.

Бу ерда ҳар йили бир маротаба нишонланадиган маросим жараёнида уларнинг хоклари солинган қути черков тўғрисидаги қабрдан олиниб, бутун Европадан келган лўлиларга кўрсатилади.

Ошпоқ матога ўрантирилган авлиё Саранинг сиймосини гуллар билан безатилган тор қўчалар орқали денгизга олиб боришади. Миллий кийимдаги тўртта эркак лўли авлиёнинг сиймосини гул билан безатилган махсус қути билан сувга киришади. Қачонлардир қочоқларга ёрдам берган Саранинг сиймоси удум орқали халқ кўз ўнгида яна бир бор гавдалантирилади. Шундан сўнг мусиқа ва рақс, ўйин-кулги авжига чиқади.

Авлиё Сарани Ватикан тан олмаса ҳам, лўлилар уни ўзларининг раҳнамолари деб билишади. Тарихчи Антоне Локадур мақолани қизиқарли далиллар билан ёритишимда кўмаклашди. Газетанинг «Саёҳат» рукни учун ёзилган икки саҳифали мақолани Афинага жўнатдим. У менга ҳеч бир шарҳсиз, дўстона жавоб йўллаб, бу мақолани юборганим учун раҳмат айтибди.

Ҳеч бўлмаса, шу баҳонада Афинанинг Дубайдаги манзилени билиб олганимдан хурсанд эдим.

**АНТОНЕ ЛОКАДУР, ТАРИХЧИ,
ФРАНЦИЯ (ISP)**

Авлиё Сарага қоралардан бўлган кўплаб илоҳий аёллардан бири бўлган, деб баҳо берсак тўғри бўлади. Бизгача етиб келган удумларга қараганда, Са-ра-ла-ка-ли олам тилсимларидан хабардор бўлган. Борлиқ илоҳаси, одамлар уни Буюк Она дейишади, Сарага ўзини намоён қилган экан. Мен бунга ишонаман. Мажусийлик динига тобора қизиқувчилар сони ортиб бораётгани мени ҳайрон қолдиргани йўқ. Нега? Чунки эркак тимсолидаги Худо ибодат қилишнинг қонун-қоидаларига мажбурловчи усулини иноят қилган бир пайтда, аёл тимсолидаги Худо – Буюк Она бу одатий тақиқ ва чекловчилардан, тартиб-интизомдан воз кечиб, муҳаббатнинг муҳим эканлигини ёқлаб чиқади.

Бу воқеа тамомила янгилик эди. Дин қонун-қоидалар билан чирмаб ташланган жойда илоҳийлик билан маънавий алоқани қидирган кишилар унга қарши бош кўтардилар. Ҳодисанинг сабаби ўрта асрлар католик черковининг солиқларни ҳаддан зиёд ошириши бўлди. Бунга қарши чиққан ҳодисага «жодугарлик» деб ном берилди. Инқилобий хусусиятга эга бу норозилик куч билан бостирилган бўлса ҳам, ўзидан из қолдирди. Унинг анъаналари асрлар устидан ғалаба қозониб келмоқда эди.

Мажусийлик урф-одатларида илоҳий китобларга бўлган ҳурматдан кўра, табиат учун ибодат қилиш муҳимроқлиги айтилади. Оламда яратгувчи намоён, Яратгувчида эса олам намоён. Дунё, бу – Буюк Она-нинг ифодасидир. Яратгувчи ва яралмиш ўртасидаги фарқни инкор қилувчи буддизм, таоизм каби кўплаб фалсафий оқимлар мавжуд. Одамлар олам тилсимларини англашдан чарчашди ва унинг бир бўлаги бўлишга қарор қилишди. Буддизм ҳамда таоизмда аёл



сиймосидаги худо йўқ, бироқ марказий қараш бир хил, яъни, ҳамма нарса ягона.

Буюк Онага қилинадиган ибодатда айтилишича, гуноҳ бу ахлоқдан четлашиш бўлиб, охир-оқибат мавжудликка барҳам беради. Табиатнинг бўлаги бўлгани учун, жинсий алоқа ва анъаналарга эркинлик берилади ҳамда иблис кирдикорлари деб тушунилмайди.

Ўзининг ўрнини далиллаш мақсадида, эркаклар орасида илоҳий изланиш давом этаётган бир пайтда, эътиқод эркак ҳеч бир диний уюшмасиз ҳам кун кечира олишини кўрсатмоқда. Агар Худо Буюк Она бўладиган бўлса, биз аёл қалбини қондириш учун биргалашиб, кўзда тutilган удумларни адо этмоғимиз лозим. Бу анъаналар рақс, олов, сув, ҳаво, қўшиқ билан бирга, гул ва гўзалликни ҳам ўз ичига олади.

Буюк Она тарафдорлари охирги бир неча йилларда кучайиб кетмоқда. Илоҳийлик ва Моддият қўшилиб, бирлашган вақтда дунё тарихида аҳамиятли воқеаларга гувоҳ бўлишимиз мумкин. Шу билан биргаликда, ўз эътиқодчиларини йўқотаётган диний уюшмалар бунга жуда кучли қаршилик кўрсатишади. Фундаментализм кучаяди. Тарихчи сифатида ибодат қилиш эркинлиги ва итоат қилиш, дунёни бошқарувчи Худо ва дунёнинг таркиби бўлган худолар, пайдо бўлган янги анъанага эргашувчи ҳамда ўрганганидан бошқасини тан олмайдиган кишилар ўртасидаги зиддиятларни таққослашдан ва таҳлил қилишдан мамнунман.

Ижобийликни маъқул кўрганим учун ҳам умид қиламанки, илоҳий оламда инсоният ўзининг яна бир соф эътиқодини топди. Бироқ, ишоралар ижобий эмас. Ўтмишда бўлгани каби Буюк Она мазҳаби яна бир бор янги мутаассиблар қурбонига айланади.

**АНДРЕА МАККЕЙН, 32 ЁШДА, АКТРИСА**

Таажжуб билан бошланиб, адоват билан якун топган бу ҳодисани холисона баён қилиш жуда қийин. Аммо Афина билан бўлган биринчи учрашувимни қандай бўлса, шундай тасвирлашга ҳаракат қиламан. Бу унинг Виктория кўчасидаги уйида бўлган эди.

У ўшанда яқиндагина Дубайдан мўмайгина пул билан келган бўлиб, ягона хоҳиши ўзи билган сеҳр-жоду тилсимини бошқаларга ҳам ўргатиш, тарғиб қилиш эди. Унинг Ўрта Шарққа бу галги сафари тўрт ой давом этган ва у қўл остидаги ерни иккита супермаркет қуришни мўлжаллаган компанияга сотиб, ўғли ҳамда ўзининг яшашига уч йил мобайнида етадиган даромадга эга бўлган эди. Мана шу уч йилни ҳаётининг энг аҳамиятли лаҳзаларига айлантириш ва билганларини бошқаларга ўргатиш учун Лондонга қайтган.

У мени совуққонлик билан қарши олди.

– Нима керак сизга? – сўради мендан.

– Мен театрда ишлайман, – тушунтира бошладим. – Биз қўймоқчи бўлган янги саҳна асарида мен аёл маъбуда сиймосини гавдалантиришим лозим. Бир журналист дўстимиз сиз Болқон тоғларида, лўлилар орасида яшаганингизни айтди. У ерда кўрган-билганларингизни билишим маъбуда сиймосини саҳнага муваффақиятли олиб чиқишимга замин яратади, деб ўйладим.

– Айтмоқчисанки, бу ерга театрдаги саҳна асари туфайлигина, Буюк Она ҳақида ўргангани келгансан, шундайми?

– Сиз у тўғрисида нега ўргангансиз? – сўрадим.

Афина бир оз жим турди. Менга бошдан-оёқ разм солди ва жилмайди.

– Тўғри айтасан, кимки ўрганишни истаса, уни ўқиш лозим. Сабаб эса аҳамиятсиз. Муаллим сифатида бу менинг биринчи дарсим бўлади.



– Кечирасиз, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Ҳеч нима, – деди Афина.

– Театрнинг пайдо бўлиши илоҳий асосларга эга, – тушунтира бошладим Афинага. – Қадимги Юнонистонда вино ва қайта туғилиш ҳомийси маъбуд Дионис шарафига бағишлаб айтилган мадҳлар театр санъатининг илк намуналаридир. Одамлар қадим-қадимдан мадҳлар ўқиш, қурбонликлар қилиш орқали илоҳий кучлар билан алоқага кириша олишларига ишонганлар.

– Раҳмат. Иккинчи дарсга ўтсангиз бўлаверади, – деди Афина.

– Сизга тушунмадим, мен бу ерга ўқитишгамас, ўрганиш учун келганман.

Бу гапимдан у ғазабланди шекилли. Эҳтимол, киноялари билан устимдан кулмоқчи бўлаётгандир.

– Менинг Халоскорим.

– Сизнинг халоскорингиз? – таажжубимни яна яшира олмадим.

– Бошқа сафар тушунтираман. Халоскорим менга нимани ўрганишга эҳтиёж сезсам, шуни ўргана олишимни айтган. Фақат бунинг учун кимдир туртки бўлиши лозим. Дубайдан қайтганимдан буён биринчи бўлиб сен менда ўрганишга истак уйғотдинг. Халоскоримнинг айтганлари рост бўлиб чиқмоқда.

Афинага саҳна асаридаги ижроим жонли чиқиши учун Қадимги Юнонистон ҳақида тасаввурга эга одамлар орасидан устоз қидириб чарчаганлигимни айтдим. Шунга қарамасдан, ҳамон изланаётганлигимни таъкидладим. Баъзи учратганларим адашганликларини, ўзларининг нима хоҳлаётганликларидан беҳабарликларини гапириб бердим.

– Масалан, – қизиқди Афина.

– Мисол учун, жинсий алоқани оладиган бўлсак. Мен борган баъзи бир жойларда у тамоман маън қи-



линган. Улар бундан ҳазар қилишади. Яна бошқа жойлар эса бу масалага нафақат тўла эркинлик беришган, балки айшу ишратни ҳам қўллаб-қувватлашади.

Афина мендан фикрларимга ойдинлик киритишимни сўради. У мени синамоқдами ёки нимага эришганимни билмоқчими, ҳайрон эдим. Унинг ўзи гап бошлади.

– Рақсга тушаётганингда ўзингда қандайдир эҳтиёж пайдо бўлганини ҳис қиласанми? Гўёки вужудингда мустаҳкам қувват жамлангандек бўлади. Инсон сифатида мавжудлигининг унутиб, янги бир юксакликка кўтариласан.

Нима дейишни ҳам билмас эдим. Тунги клубларда ёки дўстларимникида уюштирилган кечаларда рақсга тушганимда ўзимда шаҳвоний эҳтиёжни ҳис қилишим рост. Бошида ҳирс билан рақсга тушиб, эркаклар кўзидаги хоҳишдан лаззатланаман. Аммо бора-бора бу хоҳиш ўрнини бошқа нарса эгаллайди. Мен ўзим билан суҳбатлаша бошлайман. Бу вақтда кимнинг қўнгли менга суэт кетаётганлиги билан умуман қизиқмай қўяман. Аммо бу гапларни Афинага гапиргим келмади.

Афина фикрини давом эттирди:

– Модомики, театр илоҳий жой экан, демак, рақс ҳам шундай. Бундан ташқари, рақс ўз жуфтига яқинроқ бўлишининг яна бир йўли. Бу гўёки дунёнинг бошқа бир бўлагида рўй берган ҳодиса бизни қўрқув ва хато мулоҳазалардан халос этганидек. Рақсга тушганингда ўз-ўзингдан бағоят мамнун бўласан.

Уни диққат билан тинглай бошладим.

– Кейин секин-аста асл ҳолатимиз – ўзига ҳаддан ташқари бино қўйган қиёфамизга қайтамиз. Гўёки шу орқали аҳамиятимиз ошадигандек туйилади бизга.

Бу айти мен ҳис қилган туйғуларнинг ёрқин ифодаси эди.

– Йигитинг борми?



Унинг бу саволи Гая удумини ўрганиш мақсадида, махсус марказга борганимда рўй берган қизиқ бир воқеани ёдимга солди. Ўшанда у ердаги «устоз» мендан унинг қаршисида туриб, муҳаббатни ҳис қилишимни сўраб, ансамни қотирган эди. Ҳам таҳқиरोмуз, ҳам ваҳимали! Бу каби одамлар қандай қилиб жирканч ниятларини илоҳийлик орқали амалга оширишга журъат этишади?

– Йигитинг борми? – деб сўради Афина.

– Ҳа, – жавоб қайтардим.

У бошқа ҳеч нарса демади. Кўрсаткич бармоғини пастки лабига тираб туриб, сукут сақлашимга ишора қилди.

Биринчи марта кўриб турган одамнинг олдида миқ этмасдан ўтириш мушкул иш эканлигини фаҳмладим. Бу ғалати, албатта! Аксинча, йўл, об-ҳаво ё бўлмасам шаҳардаги энг яхши ресторанлар ҳақида суҳбатлашиш меъёрий ҳолат. Биз унинг ёп-ёруғ меҳмонхонасида, диванда ўтирар эдик. Хонанинг бирор ерида китоб йўқ, деворларга ҳам бирорта санъат асари осилмаган. Уни менга Ўрта Шарққа саёҳат қилганини айтишгани учун уйда дунёнинг ўша бўлагига хос санъат намуналарини кўришга умид қилган эдим. Лекин хато ўйлаган эканман, устига-устак мана бу жимлик ҳам ортиқча.

Унинг кулранг кўзлари менга тикилиб қолди. Нигоҳимиз тўқнашмаслиги учун диққатимни бўлмай, ўзим қараб турган нуқтага тикилиб туравердим. Эҳтимол, бу сезгидир. Мен унга шу орқали ҳеч нимадан чўчимаётганимни кўрсатмоқчи бўлдим. Жимлик ва ёруғ хона, ташқаридан эшитилаётган шовқин ҳаммаси менга ғайритабиий туйила бошлади. Бу ерда яна қанча ҳеч нима демасдан ўтирмоқчимиз, ўзи?

Кўнглимда кечаётган ўй-хаёлларни таҳлил қила бошладим. Бу ерга қўйилажак пьеса учун маълумот тўплаш мақсадидами ёки ҳақиқатан ҳам билим, донолик ва ҳукмронлик излаб келдимми, деб ўзимдан



сўрардим. Мен ўз қўлларимни мени бу ерга бошлаб келган, ҳалиги нима эди-я, ҳа, жодугарликка узата олмайман.

Ўсмирликда қилган орзуларим ушалаётгандек эди. Ким ҳам дўстларини қўрқувга солиб, ҳурматга эришиш мақсадида ҳақиқий жодугарни учратиб, ундан жоду сирларини ўрганишни хоҳламайди дейсиз? Ҳиссиз асрларда жабр-зулм чеккан қайси аёл ўз шахсиятини тиклаш учун жодугарликдан фойдаланмас экан? Мен мустақил аёлман ва кучли рақобат бораётган театр оламида зафар қозониш учун ҳар қандай тадбирни қўлладим, бироқ бахтиёрлик нималигидан ҳали-ҳануз беҳабарман. Негаки доимо қизиқувчанлигим орқасидан югурдим.

Ёнимдаги бу аёл – Афина тенгдошим бўлса керак. Балки, менинг ёшим каттароқдир. Унинг ҳам йигити бўлса керак.

Афина менга яқинроқ сурилди. Орамиздаги ма-софа бир қулочдан ҳам камроқ эди. Мен қўрқа бошладим. Наҳотки у ахлоқсиз аёл бўлса, деган савол ваҳимага солди.

Буни сездирмасликка ҳаракат қилиб, эшикнинг қайси томондалигини мўлжаллай бошладим. Керак бўлган пайтда қочишим мумкин. Бу ерга – ўзим билмаган аёлникига келишга, вақтни беҳуда совуришга ҳеч ким мени мажбурламаган эди. У нима хоҳлайди, ўзи?

Эҳтимол, унга шу сукунат керақдир. Юрагимнинг дукурлашини аниқ-тиниқ эшита бошладим. Мен ёлғиз ва ночор эдим. Гапиришни ва мени ваҳимага солаётган ақлимни йиғиштиришни истаётгандим. Бу йўл билан у мени қандай қилиб билиб олиши мумкин? Ахир, инсонни фош қиладиган омил, бу – унинг гап-сўзи-ку!

У менинг ҳаётим билан қизиқмади ҳам. Йигитим бор-йўқлигини сўради, холос. Унга театр ҳақида кенгроқ тушунча бермоқчи бўлдим. Афсуски, иложи бўл-



мади. Унинг Трансильвания – вампирлар юртидаги лўли аждодлари ҳақида ўйлаб мени совуқ тер босди.

Шубҳа ва гумонларимдан қутулишни, бу дарс учун унинг қанча ҳақ олиши ҳақида ўйлай бошладим. Қўрқиб кетдим. Келишдан олдин буни билиб олишим керак экан. Агар унга айтган пулини тўламайдиган бўлсам, афсун ўқиб, бутун умрга ҳаётимни вайрон қилишидан чўчидим.

Бу ерга тошдай қотиб туриш учун келмаганимни айтмоқчи ҳам бўлдим. Тўғри-да, агар руҳшуносга борсам, унга гапиришим керак бўлади. Черковга борсанг, панд-насиҳат тинглашга мажбурсан. Сеҳр-жоду сирларини ўргатадиган устоз ҳеч бўлмаганда сеҳрли сўзларни қўллашни тушунтиради ва ишлата олишим учун турли-туман амаллар бўйича сабоқ беради. Лекин бу жимликнинг маъноси нима? Бу нега мени шу даражада ноқулай аҳволга солмоқда?

Беш, балки, ўн дақиқалик қилт этмай туришдан сўнг Афина жилмайиб туриб:

– Бошқача бўлишга ҳаракат қил. Шунинг ўзи кифоя, – деди.

– Шу холосми? Жим туриш, бу – бошқача бўлиш деганими? Айни шу дамда бутун Лондондан кимгадир ёрилгиси келиб турган минглаб одамларни топиш мумкин. Бироқ, сиз менга жимлик одамни ўзгартиради, деб ўргатмоқдамисиз?

– Сен ҳозир бутун борлиқ ҳақида гапиряпсан ва ўзингнинг ҳақ, менинг эса ноҳақ эканлигимга ишонасан. Чунки ўтган шу арзимас бир неча дақиқада ўзинг билан суҳбатлаша олдинг. Жим туришнинг аҳамияти – шу.

– Бу жуда ёқимсиз. Бу орқали ниманидир ўрганиш мумкин эмас, дедим.

Назаримда, Афина менинг фикримга бефарқ эди.

– Қайси театрда ишлайсан? – сўради у.



Ниҳоят у менинг ҳаётим билан қизиқаётган эди. Энди ўзимни енгил, одамдай ҳис қила бошладим. Касбим ва ҳамма нарсам борлигини ўйладим. Уни тайёрланаётган янги саҳна асарининг томошасига таклиф қилдим. Ўзимнинг унга нисбатан қобилиятлироқ эканимни кўрсатиб қўйиш орқали ундан қасос олиш имконияти туфилганидан хурсанд эдим. Ўша жим лаҳзалардан камситиш ва таҳқир иси келди.

У ўғлини ҳам олиб бора олишини айтди. Афинага ушбу пьеса фақат катталар учун мўлжалланганлигини тушунтирдим.

– Яхши, уни онамга қолдириб кетишим мумкин. Театрга тушмаганимга ҳам асрлар бўлди-ёв!

У муолажа учун ҳақ сўрамади.

Ҳамкасбларимга унинг сеҳр-жодуси ва ўртамизда бўлиб ўтган тортишувни гапириб бердим. Улар илк маротаба учратган одамани суқунатга ташлайдиган бу аёлни кўришга иштиёқманд бўлдилар.

Афина айтилган куни театрға келди. У пьесани кўриб бўлгач, мен билан кўришиш учун кийиниш хонасига келди. Афина саҳна асари тўғрисида ҳеч нарса гапирмади. Ҳамкасбларим мендан уни ўзимиз томошалардан сўнг доим борадиган қаҳвахонага таклиф қилишимни сўрашди. У қаҳвахонада жим туриш ўрнига биринчи учрашувимизда эътиборсиз қолган саволларга жавоб бера бошлади.

– Ҳеч ким, ҳаттоки Буюк Она ҳам икки вужуд ўртасидаги ҳиссиз қовушувни истамайди. Уларни, аввало, муҳаббат ришталари боғлаб турмоғи зарур. Шу нарсани англамаган кимсалар ҳақида гапирган эдинг, тўғрими? Шундай экан, эҳтиёт бўл.

Дўстларим у нима ҳақида гапираётганини билмай ҳайрон эдилар. Тушунишгач, уни саволлар билан шаттакка ола бошлашди. Бир нарса мени шубҳаланишга мажбур қилди. Унинг жавоблари илмий ва жуда ҳам



ғализ эди. Худди у ўзи гашираётган нарсаларни шунчаки ёдлаб олганга ўхшарди. Афина одамларнинг ҳирсини қўзғаш йўллари ҳақида гапириб, мавзуни юнон афсоналарига боғлади. Биринчи учрашувимизда Юнонистон театр ватани эканини айтганим Афинага қўл келаётгандек туйилди. У бутун ҳафтани шу мавзудаги китоблар мутолаасига бағишлаган бўлса ажабланмасдим.

– Эркакларнинг минг йиллик ҳукмронлик давридан сўнг биз яна Буюк Она мазҳабига қайтыпмиз. Юнонлар уни Гая деб аташган. Афсоналарнинг тасдиқлашича, у борлиқдан ташқаридаги кенгликда дунёга келган. Борлиққа эса у Эрос – муҳаббат маъбуди билан биргаликда тушган. Кейин у денгиз ва осмонга ҳомиладор бўлган ва уларни дунёга келтирган.

– Уларнинг отаси ким бўлган? – сўради дўстларимдан бири.

– Ҳеч ким. Партеногенесис – оталанмасдан кўпайиш деган атама мавжуд. Бу жараён аёлдан эркак уруғини талаб қилмайди ва ҳомиладорлик эркак уруғисиз амалга ошади. Афсоналарда бу жараён «Бокира ҳомиладорлик» ёки «доғ тегмаган ҳомиладорлик» дейилади.

Барча маъбудлар ва одамлар аслида Гаянинг авлодларидир. Борлиқдаги шаҳарларда мавжуд сиёсий қудрат Зевс, Арес, Апполон каби эркак сиймосидаги маъбудлар кучи билан мустаҳкамланган бир вақтда, одамлар Гаяни унутишди. Ваҳоланки, ҳеч ким унчалик фусункор ва моҳир эмас.

Сўнгра Афина бизнинг касбимиз ва ҳаётимиз ҳақида сўради. Директор ундан дарс беришини илтимос қилди.

– Нима ҳақида? – ҳайрон қолди Афина.

– Ниманики билсангиз.

– Ростини айтсам, театрнинг келиб чиқиши ҳақида шу ҳафта ўқиб чиқдим. Эдданинг айтишича, ўрга-



нишга муҳтожлигим туфайли ҳамма нарсани ўрганар эканман.

Менинг тахминим тўғри чиққан эди!

– Лекин, – давом этди Афина, – ҳаёт менга ўргатган баъзи бир сабоқларни сиз билан жон-жон деб ўртоқлашган бўлар эдим.

Ҳамма рози бўлди. Эдданинг кимлиги билан ҳеч ким қизиқмади.

ДЭДРЕ ОЪНЭЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШҲУР

Афинага бу каби арзимаган саволлар учунгина бу ерга келиши шарт эмаслигини айтдим. Модомики ўша гуруҳ ундан устозлик қилишни сўрабдими, бу имкониётдан нега воз кечиш керак?

– Мен доимо нима қилган бўлсам, шуни қилгин. Энг иложсиз қолганингда ҳам ўзинг ҳақингда яхши фикрда бўл. Салбий фикрларни унутиб, Буюк Онага қалбингдан жой бер. Ўзингни рақс, сукунат ёки оддийлик ҳамда ўғлинг тарбияси, овқат тайёрлаш ёки уйни сарамжон тутиш каби қундалик юмушлар ихтиёрига топшир. Агар диққатингни ҳозирга қаратсанг, ҳамма нарса ибодат қилаётганига гувоҳ бўласан.

Ҳеч кимни бирор нимага ишонтиришга ҳаракат қилма. Билмаганингни сўрагин ёки топиб ўргангин. Нимагадир киришсанг, оқаятган дарё бўлгин-у, сокинликни унутма. Биринчи учрашувимизда айтганим каби, ишонган ҳолда ҳамма нарсани уддасидан чиқ.

Бошида бир оз адашасан ва иккиланасан. Кейин бошқалар сени қаллоб деб ўйлаётганидан шубҳаланасан. Бу – хато. Доим ёдингда тутгинки, сенда уларга зарур билим бор. Сайёрамиздаги жамики онг табиатан жуда ҳам қўрқоқ. Улар касалликлар, ҳужумлар ва ўлим қаршида ожиздирлар. Уларга бунинг



хатолигини кўрсат ва йўқотган хотиржамликларини топишда ёрдамлаш.

Дадил бўлишга ҳаракат қил.

Куннинг ҳар дақиқасида камол топишинг учун асос бўладиган фикрлар орқали ўзингни янгилаб бор. Адашган ҳис қилсанг, ўзингнинг устингдан кул. Муаммоларини дунёдаги энг муҳим масала деб билган, шубҳа ва қайғудан азобланган бу аёл устидан қаҳ-қаҳ отиб кул. Буюк Она сенга ўзини намоён қилган бўлса-да, ҳали-ҳамон сен эркак сиймосидаги худонинг қонун-қоидаларига ишониб юрганингдан уялгин. Кўпчилигимизнинг энг қатта камчилигимиз қонун-қоидалардан келиб чиқиб эътиқод қилишимиздадир.

Диққатингни жамла.

Диққатингни қаратган нарсанг ҳақида ҳеч нима топа олмасанг, тўғри нафас олишингга эътибор бер. Она бизга инъом қилган ҳаёт дарёси бурнимиз тагидан оқмоқда. Юрагингнинг уришига қулоқ тут. Сенга бўйин эгмаган хаёлларга эргаш, эҳтиёжингни назорат қил ва фойдали иш билан машғул бўл. Ҳар куни бир неча дақиқа ҳеч нима қилмасдан, бу вазиятдан чиқиб кетмагунингча ўтир.

Афина айтаётганларимни ҳазм қилиши учун бир оз жим турдим.

– Ювиниб ибодатга кириш. Шукр қилки, ошхонангда ювилишга муҳтож идиш-товоқлар бор. Бу дегани бу ерда таом бўлган. Яъники сен бир ёки ундан ортиқ кишини тўйғаздинг, уларга дастурхон ёздинг. Ваҳоланки, дунёдаги миллионлаб киши ювиш учун идиш-товоққа, овқат қилиб, дастурхон ёзиш учун одамга зор.

Идиш-товоқни ювмоқчи эмасман. Бу ишни эркак қилсин, деган гапни айтадиган аёллар ҳам бор. Модомики эркак киши шуни хоҳлар экан, бемалол қилиши мумкин, аммо бу ишнинг жинс билан боғлиқлик



жойи йўқ. Оддийгина ишни қилиш билан ҳеч нима ўзгармаса ҳам, агар эртага шу мавзуда мақола чоп этадиган бўлсам, мени айирмачиликда айблашлари аниқ. Бемаънилик! Менинг сийнабанд кийишим менга идиш-товоқ ювиш ёки ювмаслик ҳуқуқини бермайди. Мен аёл бўлганим учун кимдир менга доимо эшик очиб, йўл бериши ҳам муҳим эмас. Шахсан мен бу илтифотни таҳқир деб биламан. Ахлоқ-одоб меъёрларига кўра, эркак аёлни ожиза билиб, уни ўзининг ёрдамига муҳтож деб билади. Таҳқир деб қабул қилишимнинг сабаби – эркаклар шу лаҳзаларда бизга худога мурожаат қилгандай муносабатда бўлишади. Биз ҳам улар каби оддий эканлигимизни унутиб қўйишади. Аслида аёл ҳам, эркак ҳам илоҳий қудратнинг ифодасидирлар.

Ўзинг ўрганаётганларингни бошқаларга ҳам ўргатишингни кўрсам эди. Бу кутилмаган янгилик – ҳаётнинг бош мақсадидир. Сен аввало, ўзингнинг тингловчинга айлан. Шунда нақадар кучли эканлигинга гувоҳ бўласан. Банкдаги фаолиятингни эслагин: ўшанда қўл-оёқ, бутун вужудингдан таралаётган қувват сирини ўзинг ҳам тўлиқ тушуниб етмагансан.

Бу рақс туфайли дейишинг мумкин.

Рақс шунчаки бир маросим. Маросим эса, бу зерикарли ёки ваҳимали бўлган ниманидир маълум бир меъёр ва мақомдаги ҳаракатга айлантиришдир. Шу сабабли ҳам ҳатто идиш юваётганингда ҳам бошқача бўлишга ҳаракат қил дейман. Сен учун қийин ёки зерикарли тўйилган ишни завқли ҳаракатга айлантиришинг мумкинлигини тушунишинг керак.

Гуллар, қушлар, дарахтлар ва ўрмонзорларни кўз олдинга келтир. Ҳозир қандилга тикилиб турганинг каби, диққатингни ҳадеб танҳо нарсаларга қаратма. Энди жуфт ёки кўп нарсаларга эътибор қил. Шунда ҳали ҳам ўз фикрингни топмаганингни сезасан.



Мисол билан тушунтираман: тасаввур қил, бир гала қуш учиб кетяпти. Нечта қуш бор деб ўйлайсан? Ўнга, ўн икки ёки беш? Сенда тахмин бор, холос. Аниқ сонини айта олмайсан. Хўш, қиёсий тахминни сенинг идрокиннга ким етказди? Бу ўша қушларнинг, дарахтларнинг, тошларнинг, гулларнинг аниқ сонини биладиганнинг иши. Шу куч сониянинг қайсидир бўлакларида сени имтиҳон қилди ва сенга қудратини намоён қилди.

Ўзингни ким деб билсанг, сен, аввало, ўшасан.

Сен ўзини севимли, ҳар нарсага қодир деб ўйлайдиган, ижобий фикрлаш орқали ҳамма нарсага эришмоқчи бўлганларга ўхшашга ҳаракат қилма. Чунки сен аллақачон бундан хабардорсан. Ўзингга ўйлаганингдан ҳам кўра яхшироқ эканлигингни исботлашга ҳаракат қилма. Ундан кўра, ташвиш ва гумонларинг устидан кул. Қайғуларингга ҳажв билан нигоҳ ташлаб кўр. Бошида қийин бўлса ҳам, секин-аста мақсадингга эриша бошлайсан.

Энди ортингга қайтиб, сени ҳамма нарсани билишингга ишонадиган ўша одамлар билан учраш. Ўзингни уларнинг ҳақлигига ишонтир. Биз ҳамма нарсадан бохабармиз. Бу фақатгина ишониш ёки ишонмаслигимизга боғлиқ.

Ишонч – энг катта куч.

Бухарестдаги биринчи учрашувимизда айтганимдек, одамлар жамоаси жуда ҳам муҳим. Улар бизни жараёнга киришишга мажбур қилади. Ёлғиз бўлганигда қилган хатоинг учун ўз устингдан куласан ва ўзингни койийсан ҳам. Агар атрофингда одамлар бўлса-чи? Унда ҳам куласан, ҳам зудлик билан ҳаракатга тушасан. Гуруҳ бизни шунга даъват қилади, ўзимизни яхшироқ тинглашимизга ёрдам беради. Бир киши бошқа бир кишига осонлик билан таъсир қила олгани туфайли жамоавийликдан ажраладиган қувват яна ҳам мустаҳкам ва кўп нарсага қодир.



Нотўғри кишиларни жамлаш натижасида жамоавийлик бизнинг ҳаётимизни вайрон қилиши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Сен жуда ҳам бахтлисан. Бу жамоа сендан уларга нимадир ўргатишингни сўраяпти ва бу сени ҳақиқий устоз қилиб камолга етказди.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

Актёрлар жамоаси билан учрашишдан олдин Афина меникига келди. Авлиё Сара тўғрисидаги мақолани чоп этганимдан сўнг ўзимни унинг дунёсини тушунишимга ишонтирдим. Аммо бу тамоман нотўғри эди. Мен унинг эътиборини қозонишни хоҳлар эдим, холос. Мен унинг турмушимизни фаровон қиладиган куч борлиги тўғрисидаги фикримга қўшилишини истагандим. Бунинг сабаби мени қийнаётганини тан олгим келмайдиган, аммо ҳаётимни билинар-билинемас дўзахга айлантираётган муҳаббат эди.

Афина билан бирга, унинг йўналишида ҳаракат қилаётган бўлсам ҳам, ўз ҳаётимдан мамнун эдим ва уни ўзгартиришга ҳаракат қилмасдим.

– Қўрқяпман, – деди у эшикдан кириши билан. – Аммо ҳаракат қилишим ва уларга мендан сўрашаётганини беришим шарт. Буни қила олишимга ишонишим керак!

– Ҳаётда етарли тажрибага эгаман. Лўлилардан ўргандим. Чўлда дарвешлардан сабоқ...

– Тўғри, аммо бу етарли дегани эмас. Асл билим машаққатлар билан топилади ёки машаққатли умр билимга айланади.

Афинага овқатланиш ҳамда кўнгили ёзиб, рақсга тушиши учун кўчага чиқиб дам олиб келишни таклиф қилдим. У овқатланишга кўнди, лекин рақсни рад этди.



– Менга тўғриси айт, – деди Афини уйимни кўздан кечириб, – ўрганиш, бу – нарсаларни жавонга жойлаштириш деганими ёки яроқсиз ва эскиларидан воз кечиб, янгисини қабул қилиш деганими?

У жавонга ишора қилди. Жавонда мен пул харжлаб, вақт сарфлаб йиққан китобларим бор эди. Улар менинг қиёфам, билимим ва ҳақиқий устозларим эди.

– Китобларингни сони мингга яқин бўлса керак? Кўпини варақлаб кўришга вақтинг ҳам бўлмагандир. Уларга ишонмаганинг учун жавонга жойлаштириб қўйгансан. Тўғрими?

– Менми? Мен ишонмас эканманми? – норозилик билдирдим.

– Ҳа, сен ишонмайсан, вассалом. Китобга ишонадиган одам бориб уни ўқиб кўришга ҳаракат қилади. Худди Андреа мендан сўраганда, мен театр ҳақида изланиб ўрганганимдек. Ўқиб-ўрганганингдан кейин Буюк Она сени кенгроқ ва чуқурроқ билимлар билан таништиради ва сен орқали буларни бошқаларга ўртади. Сен булардан хабардор бўлганингда ҳаётингдаги бўш оралиқлар тўлаётганга ўхшайди. Тушуниб етасанки, китоб фақатгина тасаввур уйғотади. Бўш оралиқлар тўлишини ҳис қилишинг баробарида сен ўзингнинг яширин қобилиятларинг борлигига ишониб борасан.

– Бу китобларни ўқишни хоҳлайдиган, аммо сотиб олгани пули бўлмаган қанчалаб одамлар бор. Сен эса ташриф буюрадиган дўстларингни қойил қолдириш учунгина буларни асрайсан. Ёки ҳалигача ҳам улардан ҳеч нима ўргана олмадим, яна қайта кўриб чиқмоқчиман, деб ўйлайсанми?

– Бу кутубхонанинг менга кераги йўқ, деб ўйлайсанми? – сўрадим ундан.

– Назаримда, буларни чиройли қилиб токчага тергандан кўра, ўқишинг керак. Буларни олиб, кўчада



учраганларга тарқатиш анча фойдали иш бўлиб туйиляпти менга.

– Буларнинг ҳаммаси машинага сиғмайди, – гўлдирадим. – Биз ресторанда овқатланишга кеч қоламиз. Қолаверса, сен бу ерга муаммонгни айтиш учун келгансан. Менга нима қилишим кераклигини ўргатиш учун эмас. Китобларимсиз ўзимни ялонғоч ҳис қиламан. Уларсиз мен ҳеч кимман, гўё.

– Тарбиясиз деганинда тўғрироқ эди. Демак, сенинг маданиятинг юрагингда эмас, мана шу жавонларингда экан-да.

Сабр-косам тўлди. Телефон гўшагини олиб, ресторани рақамини тердим. Ўн беш дақиқада ўша ерда бўлишимизни айтиб, столга буюртма бердим. Афина ўзини бу ерга бошлаб келган ташвишлари ҳақида гапирди. У ёнида ишончли эркакка муҳтожлигига ишора қиларди.

Мен у учун ҳамма ишга, ҳаттоки ўзим яшаётган аёлдан воз кечишга ҳам тайёр эдим. Аммо китобларимни бериб юбориш унчалик осон эмас.

Таксида кета туриб, театр жамоасига муҳокама учун тақдим этилажак бирор бир мавзу танлаш ҳақида гап кетди. Афина муҳаббат тўғрисида тушунтира бошладди. Мен ҳеч қачон бу мавзунини муҳокама учун арзирли деб ҳисобламаганман. Бу Маркс, Жунг, Британия Лейбористлар партияси ёки рўзнома идорасидаги муаммолардан ҳам кўра чигалроқ эди, назаримда.

– Ташвишларнинг ҳеч ҳам кераги йўқ, – дедим, негадир унинг қўлларидан тутгим келиб. – Рақс, ҳусниҳат ва ўзинг билган мавзулар ҳақида гапир. Ҳаммаси яхши бўлади.

– Булардан аллақачон хабардорман. Уларга ўзим билмаган мавзуларим ҳақида гапиришим керак. Шундагина идрокимда қоронғи бўлган билимлар менга аён бўлди. Аммо мен қўрқяпман.



– Сен билан бирга боришим мумкин, агар рози бўлсанг.

Афина шу заҳотиёқ таклифимни қабул қилди. Биз ресторанга етиб келиб, вино буюртирдик. Мен ўзим ҳам яхши билмайдиган аёлни севиб қолганимни тан олишим ва ўша аёлга ҳиссиётларимни ошкор этишга куч тўплашим учун ичаётган эдим. У эса ўзи билмаган нарса ҳақида гапиришдан чўчиётгани учун ичаётган эди. Иккинчи шиша винодан сўнг сархуш бўлганини пайқадим. Қўлларида тутмоқчи бўлганимда, Афина буни рад этди.

– Мен қўрқоқ бўлишим мумкин эмас, – деди у.

– Албатта! – дедим унга.

– Мен ҳам тез-тез нимадандир қўрқаман ва шу қўрқувга тик боқиб, уни аниқлайман.

Ўзим ҳам сархуш эдим. Стаканларни тўлдириб яна вино қўйдим. Официант келиб, нима овқат буюришимизни сўраганда, кейинроқ келишини илтимос қилдим.

Миямга келган мавзу ҳақида гапира бошладим. Афина мулойимлик билан менга тикилиб турган бўлса ҳам, хаёли арвоқларга тўла номаълум борлиқда эканини билиш қийин эмас эди.

Бир оздан кейин у менга шотландиялик устози ва унинг айтганларини гапириб берди. Ундан ўзи билмаган нарсани гапиришдан нима маъни чиқишини сўрадим.

– Севишни сенга кимдир ўргатганми? – жавоб қайтарди у.

Назаримда, у менинг хаёлимдаги фикрларимни ўқиётгандек эди.

– Ва ҳозир сен, – давом этди Афина, – ўзингдан ташқари яна кимдир сева оласан. Хўш, буни қаердан ўргандинг? Ҳеч қаердан! Шунчаки, бунга ишонасан, холос. Ишонганинг учун севасан.



– Афина... – дедим ва ўзим ҳали хотиржам ўйлаб кўрмаган фикримни айтишга ўйланиб қолдим. – Балки, бирор овқат буюрармиз.

Менинг дунёни алғов-далғов қилаётган туйғуларимни ифодалашга ҳали ҳам тайёр эмаслигимни тушундим. Мен официантни чақиртириб, биринчисига, асосий овқатга, дисертга ва яна бир шиша винога буюртма бердим. Қанча узоқ ўтирсак, мен учун шунча яхши эди.

– Ҳаракатларинг беўхшов. Ёки китобларинг учун мендан хафамисан? Нимани лозим топсанг, шуни қил. Сенинг борлигингни ўзгартириш ниятим йўқ. Ҳаққим бўлмаган ишга бурнимни суққанимни биламан.

Бир неча сониялар илгари мен айнан шу – «борлиқни ўзгартириш» ҳақида ўйлаб турган эдим.

– Афина, сен менга нуқул... Йўқ, мен Сибюда, лўли муסיқасига рақсга тушганингда рўй берган воқеа ҳақида гапирмоқчиман.

– Ресторандаги рақсни айтяпсан, шундайми?

– Ҳа, ўша ресторанда. Бугун биз жой эгаллаб ётган китоблар ҳақида жуда кўп гапирдик. Эҳтимол, ҳаққирсан. Аммо ҳозир мен сени ўша кунги рақсинг ҳақида гапирмоқчиман. Ўша рақсингни кўрганимдан буён кўнглим нотинч.

– Нима демоқчилигингни тушунмаяпман.

– Бу табиий! Муҳаббат ҳақида гапираяпман. У ўзини фош қилмасдан, мен уни вайрон қилмоқчиман. Буни қабул қилишингни хоҳлар эдим. Бу муҳаббатга тўла эгалик қилишга ҳаққим йўқ. Сен ҳам унинг ягона соҳибаси эмассан. Ҳаётимда яна бошқа аёл бор. Шундай бўлса ҳам, уни қабул қил. Халил Гибран деган араб, сен билган юрт шоири, шундай деган экан: «Сўраганда берган яхши, аммо сўрамасидан бериш ундан ҳам яхши». Буларни ҳозир, шу тунда айтишим лозим.



Чуқур нафас олдим. Вино менга ўзимни дадилроқ ҳис қилишимга ёрдам берди.

У стаканини бўшатди. Мен ҳам шундай қилдим. Официант овқат кўтариб келди. Таом ва унинг таркиби, фойдали хусусиятлари ҳамда тайёрлаш усули тўғрисида маълумот берди. Афина билан бир-биримиздан кўз узмай ўтирдик. Унинг бу одатини менга Андреа ҳам айтган эди. Биринчи марта учрашганларида Афина унга шунақа қараб турган экан. Бечора қиз буни Афинанинг бошқаларни қўрқитиш усулларида бири эканлигига шубҳа қилмайди.

Орага ваҳимали жимлик чўкди. Унинг ўрнидан туриб, Скотланд Ярдда ишлайдиган йигити ҳақида гапиришини ёки ҳозир бунақа нарсаларга вақт ажрата олмаслигини айтишини хаёлан кўз олдимда гавдалантирдим.

– Беришдан бош тортишга арзийдиган бирор нима борми? Кун келиб, бор-будимизни бериб кетамиз. Сенинг қизғонганинг эса увол бўлади.

Мастлиги сабаб у эҳтиёткорлик билан паст овозда гапираётганди. Шундай бўлса ҳам, унинг овози атрофимиздаги жамики ҳаракатни тўхтатиб қўйгандек бўлди.

– Мардлик, ишонч ёки хайр-эҳсондан ҳам кўра, тақдирлашга лойиқ буюк ишлар бормикан? Оз бўлса ҳам, ўз бисотингда боридан бергин. Ўзингда боридан берганинггина ҳисобдир.

Афина буларни жиддий ҳолатда айтди. Мен ўзимни мисоли Сфинкс билан суҳбатлашаётгандек ҳис қилдим.

– Бу гаплар ҳам ўша, сен фикрини мисол келтирган шоирга тегишли. Мен буни мактабда ўрганганман. Аммо бу гаплар чоп қилинган китобга муҳтож эмасман. Булар менинг қалбимга муҳрланган.

У яна озгина вино ҳўплади. Мен ҳам. Ўзимдан Афина севгимни қабул қилган-қилмаганлигини сўрашга



ботинолмай турсам-да, ўзимни аввалгидан енгилроқ ҳис қилаётгандим.

– Балки, ҳақдирсан. Бир кун келиб, мен китобларимни жамоат кутубхонасига топшираман. Ўзим ўқийдиганларимнигина олиб қоламан.

– Ҳозир шу ҳақида гапирмоқчимисан?

– Йўқ, суҳбатни қандай давом эттиришни билма-япман.

– Ундай бўлса овқатланамиз. Шу энг тўғри қарор бўлса керак.

Бу қарор менга унчалик ҳам маъқул келмади. Бошқачароқ гап эшитишни истаётган эдим. Аммо буни сўрашга журъатим етмади. Шу боис, китоблар, кутубхоналарнинг аҳволи ва шоирлар тўғрисида вайсадим. Шунча овқат буюрганимдан афсусландим. Суҳбатни қандай давом эттиришни билмай, қочишга ҳаракат қилдим.

Хайрлашаётганимизда у мендан театрға, унинг биринчи дарсига боришимга ишонч ҳосил қилиши учун ваъда беришимни сўради. Унга ваъда бердим. Ўзимча, унинг бу илтимосини ишора деб қабул қилдим. Мен унга керак эдим. Уни Трансильваниядаги рақсини кўрганимда беихтиёр унинг бирон-бир илтифотидан умидвор бўлиб юардим. Бунинг сабабини мана энди, шу тундаги учрашувдагина тушундим. Афинанинг ибораси билан айтганда, бунга ишондим.

АНДРЕА МАККЕЙН, 32 ЁШДА, АКТРИСА

Ҳаммасига мен айбдорман, албатта! Афина ўша тонгда театрға мен сабабли келди. Барчамизни саҳнага тўплаб, нафас олиш ва танамиздаги ҳар бир ҳужайрани ҳис қилиш йўллари каби машқларни ўргата бошлади.

– Танангизни бўш қўйинг...

Бу каби машқларни илгари минг маротабалаб қилган бўлсак ҳам, биздан-да кўпроқ нарсани биладиган



маъбуда қаршисидалигимизга ишониб, у нима деса, шуни қилдик.

– Энди юз қисмингизни бўш қўйиб, чуқур-чуқур нафас олинг.

Ҳаммамиз бунинг охири нима билан тугашига қизиқаётган эдик. У ростдан ҳам бизга бирон-бир янги нарса ўргатаётганига ишонадимиз-йўқми – билмасдик. Тўғриси, ундан маъруза ёки суҳбатга ўхшаган дарс кутгандик. Нима бўлганда ҳам, мен ўзимни назорат қилиб туришим шарт. Худди шу нарса бизни чалғитди. Биз машғулот тугади деб хаёл қилиб, руҳан чалғидик. У бизга полга чалқанча ётган ҳолда бирор мавзуда мулоҳаза юритишимиз учун ўн беш дақиқа вақт берди. Бу дақиқаларнинг ўтиши жуда ҳам чўзилгандек туйилди.

Сўнгра у яна давом этди:

– Мендан шубҳаланаётган бўлишингиз табиий. Ҳозир мен сиздан бир нарсани – уч рақамини айтганимча бошқача бўлишингизни сўрамоқчиман. Бошқа одам ёки ҳайвон эмас, драма тўғарақларида ўрганганларингизни унутинг. Мен сиздан актёрлик қилиб, қобилиятингизни кўрсатишингизни сўрамадим. Бир неча лаҳзага ҳамма нарсани, ҳатто ким эканлигингизни ҳам унутиб, ўзингиз билмаган, билишни хоҳлаган нарсага айланинг.

Барчамиз кўзимиз юмиқ ҳолда чалқанча ётганимиз туфайли бир-биримизнинг ҳаракатимиздан беҳабар эдик. Афтидан, Афина нима қилмоқчи эканлигини ўзи ҳам билмасди.

– Мен тўрт-бешта сўзни такрорлайман. Сиз шу сўзларни кўз олдингизга келтиришга ҳаракат қилинг. Сиз аллақачон ҳаммага маълум бўлган фикрларга ҳозирча қарам бўлиб қолгансиз. Агар мен «тақдир» десам, табиийки кўз олдингизда ўтган ҳаётингиз ва келажагингиз гавдаланади. Ёки «қизил» десам, сиз аллақандай руҳий таҳлиллар билан боғлиқ мулоҳаза-



ларга берилиб кетасиз. Ваҳоланки, мен сиздан буни сўрамадим. Сиздан бошқача бўлишни сўраяпман.

Афина нима хоҳлаётганини тушунтириб бера олмайпти. Ҳамма унга бўйсуняпти. Аслида улар Афинанинг ҳурматини жойига қўйишяпти. Аминманки, машғулот тугаши билан улар Афина билан бошқа учрашишни исташмайди. Уни қидириб борганим учун мени лақамага чиқаришларига шубҳа қилмайман.

– Биринчи сўз – «илоҳий».

Бу зерикарли машғулотда сиқилиб ўлмаслик учун бу ўйинга қўшилишга қарор қилдим. Мен онамни, севган йигитимни, келажакдаги фарзандларимни ва ажойиб касбимни тасаввур қилдим.

– Илоҳий сўзини ифодаловчи бирор ҳаракат ёки ишора қилинг.

Икки қулочимни бағримга босдим. Гўёки севган инсонларимни қучоқлаётган эдим. Кейинроқ билишимча, кўпчилик қўллари билан хоч ясашган экан. Бир аёл оёқларини ишга солиб, юрак шаклини ифодаламоқчи бўлибди.

– Ўзингизни бўш қўйинг. Кўзингизни юмиб, ҳамма нарсани унутинг. Танқид қилмоқчи эмасман, бироқ гўёки сиз ниманики илоҳий деб эшитган бўлсангиз, шуни кўрсатишга уриняпсиз. Менга бу керак эмас. Кейинги сўзни айтганимда, уни борлиқдан эмас, коинотдан, ўзингизга номаълум кенгликлардан қидиринг. Мавҳум фикрлаш билангина мен йўл бошлаётган дунёга кира оласиз.

Унинг охирги ибораси диққатга сазовордир. Театрдаги муҳит ўзгаргандек туйилди. Энди бу овоз бизни қаерга чорлаётганидан бохабар эди. У энди маърузачи эмас, устоз бўлди.

– Ер! – деди у.

Тўсатдан у нимани назарда тутганини тушундим. Бу тасаввурни идроким эмас, тупроқ билан алоқага киришган вужудим уйғотди. Мен Ерга айландим.



– Ерни ифодаловчи ишора қилинг.

Мен қимир этмай ётдим. Мен шу саҳнанинг тупроғига айлангандим.

– Жуда соз, – деди у. – Ҳеч ким қимир этмади. Барчангиз биринчи маротаба бир хил ҳиссиётни бошдан кечирдингиз. Нималарнидир ифодалаш ўрнига, ягона фикрга айландингиз.

У чамаси беш дақиқалар сукутга чўмди. Жимлик бизни яна чалғитди. Биз яна у ҳақида шубҳаларга бора бошладик.

– Мен сўзни айтмоқчиман. Тайёрланинг.

Афина тўхтади.

– Марказ, – деди у.

Мен бор қувватимни беихтиёр қизиб бораётган киндигимга йиғилганини ҳис қилдим. Даҳшатга тушдим. Шу вақтда кимдир ўша еримга тегинса, ўладигандек эдим.

– «Марказ»ни ифодаловчи ишорани қилинг! – унинг сўzlари буйруқдек жаранглади. Мен ўзимни ҳимоялаш мақсадида, қўлларимни зудлик билан қорнимга босдим.

– Жуда соз, жуда яхши. Ҳозирча етар. Туришингиз мумкин.

Кўзимни очиб, саҳнанинг тепамдаги узоқ ва зерикарли чироқларини кўрдим. Юзимдаги терни артиб, ўрнимдан турдим. Ҳамкасбларимнинг ҳаяжонини сездим.

– Бу маъруза эдими? – сўради директор.

– Агар хоҳласангиз шундай деб қабул қилишингиз мумкин, – деди Афина.

– Яхши. Келганингиз учун раҳмат. Энди қарши бўлмасангиз, кейинги пьесамизга тайёргарлик кўроқчимиз.

– Лекин мен ҳали тугатганим йўқ, – деди Афина.

– Балки, келгуси сафар давом эттирармиз, – деди директор.



Директорнинг ўзини тутиши бошқаларни ҳайрон қолдираётган эди. Бир қанча гумонлардан сўнг бу ажабтовур машғулот бизга ёқиб бораётганди. Ҳеч қандай олов ҳам ёқилгани йўқ. Ёки бир-биримизнинг қўлларимиздан тутиб, бирор бир илоҳий удумни ҳам адо этмадик. Бу оддийгина, бироқ ақл бовар қилмас ўйин эди. Барчамиз унинг қандай тугаши билан қизиқдик.

Директорнинг гапи Афинада бирон бир туйғуни зоҳир қилмади. У сумкасини олиш учун пастга тушиб кета бошлаганда, партернинг орқасидан кимнингдир овози эшитилди.

– Ажойибу ғаройиб!

Уни қўллаб-қувватлаш мақсадида Херон келган экан. У ўзи ишлайдиган газетадаги театр ва санъат танқидчилари билан яхши таниш бўлгани боис, директор ундан ҳайиқарди.

– Сиз мавжудликдан воз кечиб, фикрларга айландингиз. Сизнинг жуда ҳам бандлигингиз ачинарли. Майли, сиқилма, Афина, танишларим кўп. Тезда бир гуруҳ тўплаб, маърузангнинг якунини кўраман.

Мен ҳамон бутун танам – бошимдан киндигимгача қилган бу роҳатли саёҳатни ўйлардим. Бу аёл ким, ўзи? Бошқа ҳамкасбларим-чи, улар ҳам шу нарсани ҳис қилишдимикан?

– Бир дақиқа, – деди директор барчанинг юзидаги ҳаяжон ва қизиқишни сезиб, – менимча, биз бугунги тайёргарликни бир оз кечиктирсак ҳеч нима қилмайди.

– Йўқ-йўқ. Бундай қилмаслигингиз лозим. Қолаверса, мен ҳам газета идорасига қайтиб, бу аёл ҳақида бирор нарса ёзишим керак. Сиз ҳар доимги ишингизни қилаверинг. Мен ажойиб бир мавзу топганга ўхшайман. Мени маъзур тутасизлар.

Афина бу икки эркак ўртасидаги баҳсда ўзини ютқазди ёки ютди деб ҳис қилгани бизга қоронғи эди. У ҳаракатларида буни ифодаламасди. Саҳнадан тушиб,



сумкасини олди-да, Херон билан бирга кетди. Биз директорга юзланиб, нега бундай қилганини сўрадик.

– Минг бор узр, Андреа! Қайтага ўша бардаги жинсий алоқа тўғрисидаги суҳбатимиз минг чандон афзал эди. Бу бемаъни ҳаракатларнинг ниҳоясини унинг ўзи ҳам билмайди!

– Лекин, – эътироз билдирди кекса бир актёр, – мен файритабий кучни сездим. У «марказ» деганида, биринчи қувватим киндигимга тўпланди. Буни илгари ҳеч ҳам ҳис қилмаган эдим.

– Ростданми? Шунини ҳис қилганингиз аниқми? – сўради бир актриса ва ўзи ҳам шу нарсани ҳис қилганлигини айтди.

– Бу аёл жодугарликдан хабардор, – деди директор бу мавзуга чек қўйиш мақсадида. – Қани, ишга қайтдик.

Биз яна китоблардаги меъёрни бузмайдиган узундан-узоқ машғулотларга шўнғидик. Аста-секин Афинанинг ташрифи унутила бошланди. Биз эса яна асл, илгариги «Театр бу минг йиллар илгари Юнонистонда пайдо бўлган» дейдиган ҳолатимизга қайта бошладик.

Мен уни яна кўргим кела бошлади. Айниқса, директорнинг у ҳақдаги сўнгги мулоҳазаси мени у томон боришга мажбур қилди.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

Афинага сездирмасдан мен ҳам у актёрлардан сўраётган ҳаракатларни бажараётган эдим. Саҳнада нималар рўй бераётганини кўриб туриш мақсади-да, кўзларимни юммадим. У «марказ»ни ифодаловчи ҳаракатни сўраганида, қўлларимни бехосдан киндигим устига қўйдим. Таажжубланганим, саҳнадагиларнинг ҳаммаси, директордан бўлак, худди шу ҳолатни ифодалашди. Нималар бўляпти, ўзи?



Ўша куни тушликдан сўнг бу воқеа ҳақида мақола ёзишга киришдим. Кайфиятимни бир оз кўтариш мақсадида, ҳамкасбларимдан «марказ» сўзини ўз ҳаракатларида ифодалашларини сўрадим. Кўпчилик бу сўзни сиёсий партиялар билан боғлаб, ҳажвия қилган бўлишди. Яна кимдир глобусдан Ернинг марказига ишора қилди. Яна кимдир қўлини юраги устига қўйди. Бироқ ҳеч ким «марказ»ни киндик билан боғламади. Бу тўғрисида қизиқарли маълумотга эга одамлар билангина суҳбатлаша олишимни фаҳмладим.

Уйга келсам, Андреа ювиниб чиққан, столга кечлик тортиб, мени кутаётган экан. Мени кўриши биланоқ, қимматбаҳо винодан очди ва икки стакан тўлдириб қуйиб менга узатди.

– Шундай қилиб, кечаги кечки овқат кўнгилдагидек ўтдими? – сўради.

Эркак киши қачонгача ёлғон билан яшаши мумкин? Ҳаётимдаги мазмун йўқолиб, мувозанатни йўқотганимда, доимо ёнимда турган, қийинчиликларда менга суянчиқ бўлган қаршимдаги бу аёлни йўқотишни хоҳламайман. Лекин сўқирга айланган кўнглим бу чигал дунёда ўзимга ҳам бўйсунмасди. Андреани севсам ҳам, яна бошқа бир аёлсиз бахтим кемтиклашиб қолишидан чўчиётган эдим.

Муҳаббатдан азият чеккан шоирнинг айтган мисраларини ҳисобга олмаганда, кеча ресторанда айтарли ҳеч нима бўлган эмас. Андреага бўлиб ўтган суҳбатни қисқача қилиб гапириб бердим.

– Афина жуда ҳам мураккаб инсон.

Андреа бу изоҳимга кулди.

– Балки, шу сабабли эркаклар уни кўрганларида ўзларини ҳимоя қилолмай қолишса керак? – деди у.

Мавзунини ўзгартирган маъқул. Мен доимо аёлда эркак кўнглини ўқий оладиган табиий қобилият борлигига ишонаман. Уларнинг ҳаммаси жодугар аслида.



– Бугун саҳнада нималар бўлаётганини кўриб турган эдим. Сизлар машқларни бажараётганларингда кўзларим очиқ эди.

– Сенинг кўзларинг доимо очиқ. Билишимча, бу журналистларга хос хусусият. Ҳаммамиз бир хил нарсани ифодалаганимиз ҳақида айтмоқчисан, тўғрими? Биз тайёргарликдан сўнг бу ҳақида гаплашдик.

– Бир тарихчи менга Юнонистондаги келажак башорат қилинувчи ибодатхона (*Делфидаги Аполло ибодатхонаси – муаллиф изоҳи*) ҳақида гапириб берди. Айтишларича, у ерда «киндик» деб аталувчи мрамор тош бўлган экан. Асрлар ўтиб, етиб келган ривоятларнинг гувоҳлик беришича, юнонлар Делфини сайёрамизнинг маркази деб билишган. Шу мавзунини чуқурроқ ўрганиш учун бугун рўзнома архивига кирган эдим. Маълум бўлишича, Иорданияда жойлашган Петрдаги яна бир конуссимон киндик нафақат сайёрамизнинг, балки бутун коинот марказининг рамзи бўлган экан. Иккала киндик ҳам дунёдаги қувват айланиш йўлининг сирли хариталарига ўхшайди. Қуддус ҳам Ернинг киндиги ҳисобланади. Тинч океанидаги бир орол ва яна бир жойнинг номи нима эди-я? Хотирамдан фаромуш бўлибди.

– Худди рақс каби, шунақами? – киноя билан сўради Андреа.

– Нима?

– Ҳеч нима?

– Нима демоқчилигингни тушуниб турибман. Қорин рақси ҳақида айтмоқчисан, тўғрими? Мен бу мавзуга қайтмоқчимасман. Сабаби шуки, Трансильванияда Афинанинг рақсини кўрганимни сенга айтганман. Унинг эгнида кийими бор эди, албатта! – асабийлаша бошладим.

– Ҳамма ҳаракат унинг киндигида бошланди ва бутун танасига тарқалди, шундайми? – Андреа менга савол назари билан қаради.



У ҳақ эди.

Мавзунӣ яна ўзгартирган маъқул. Театр ва журналистика ҳақидаги зерикарли суҳбатлардан сўнг озгина ичиб, ёмғирли бу тунни ётоқда муҳаббат гаштини суриб ўтказиш керак. Айни вақтда Андреанинг нозик баданидаги сезгилари киндиги атрофида йиғилаётгани аниқ. Илгари ҳам унинг бу ҳолатига гувоҳ бўлганман, бироқ жиддийроқ ўйлаб кўрмаган эканман.

АНТОНЭ ЛОКАДУР, ТАРИХЧИ

Хэроннинг Францияга қўнғироқларининг кети узилмади. У мендан киндик ҳақида нимаики маълумот йиға олсам, зудлик билан унга узатишимни сўради. Бу мен учун чидаса бўладиган даражадаги мавзу. Аммо инглизнинг нуқтаи назари французникидан тамомила фарқ қилиши аниқ. Шу боис ортиқча савол бериш ўрнига, илмнинг киндик тўғрисидаги фикрларини билишга қизиқдим.

Бир муддат изланишдан сўнг фаҳмладимки, мавзу доирасида етарлича тарихий билимлар етишмас экан. Бу ишни давом эттиришдан маъни йўқлигини ўйлаётганимда, эътиборимни бошқа бир масала тортди. Ажабланарли томони шундаки, барча қадимий маданиятлар бу мавзудан бохабар бўлишгандек туйилди менга. Ҳаттоки илоҳий саналган жойларни шу сўз билан таърифлаганлар. Буни илгари пайқамаганим туфайли, киндик мавзусига қизиқишим орта бошлади. Бир қанча тарихий далиллар тошганимдан кейин, уларни тўлдирувчи асосларни инсоннинг хулқ-атвори ва эътиқодидан қидириб кўришга уриндим.

Киндикни ҳаётнинг маркази деб билишнинг сабаби, биз йўлдош – ҳаёт риштаси орқали онамиздан озиқланамиз. Мавзунинг мавҳум аҳамиятини англаш учун юқоридаги изоҳни миямдан чиқариб ташладим. Руҳ-



шунос ҳам бу назарияни қўллаб-қувватламади. Унинг гап сўзларига қараганда, одамнинг бош мақсади йўлдошни кесиш бўлган. Ва шу дақиқадан бошлаб, мия ҳамда юрак ҳаётнинг асосий рамзларига айланган.

Нимагадир қизиқиб қолсак, атрофимиздаги барча нарса шунга ўхшаб кўринади (тасаввуф бу ҳолатни «белги» ёки «аломат», скептиклар¹ «тасодиф», руҳшунослар эса «диққатни жалб қилиш» дейишади. Тарихчилар қандай изоҳ ишлатишлари кераклигини ўйлаб кўришим керак).

Балоғат ёшидаги қизим бир куни киндигига ҳалқа тақиб келди.

– Нега бундай қилдинг? – сўрадим ундан.

– Чунки бу мен учун ёқимлилигини ҳис қилдим.

Ҳамма нарсанинг моҳиятига асосли сабаб қидиратганлар, жумладан, тарихчилар учун ҳам энг тўғри изоҳ – шу. Қизимнинг хонасига кирганимда, сеvimли поп юлдузининг деворга илинган суратига кўзим тушди. Суратдаги юлдуз ярим яланғоч, қорин қисми очик бўлиб, доира шакли берилган эди. Бир қараганда, қорин Ер шари ва киндик унинг маркази тасаввурини уйғотади.

Хэронга қўнғироқ қилиб, нега бу мавзу уни қизиқтириб қўйганини сўрадим. У театрда рўй берган файриоддий воқеани, одамлар битта сўзни бир пайтнинг ўзида бир хил изоҳлаганликларини айтди. Қизимдан бу тўғрида бошқа маълумот олишнинг иложи йўқлиги сабаб, мутахассисларга мурожаат қилишга қарор қилдим.

Деярли ҳеч ким бу мавзу тўғрисида ҳеч нима демади.

Замонавий терапияда инқилоб яшашга ҳаракат қилаётган Франчоис Шепкани (олим ўз исми ва миллатини сир тутишимни илтимос қилган) учратмагунимча тайинли бир маълумот топа олмаётган эдим. Унинг

¹ Скептик – ҳамма нарсага шубҳа билан қарайдиганлар.



мулоҳазаларига кўра, ёшариш орқали танадаги жароҳатларни ҳам даволаш фикри хато экан.

У фарзанд ва ота-она ўртасидаги муносабатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Ота-она фарзанди ўспиринлигида уни барча хатарлардан ҳимоя қилишини, аммо кўпчилик фарзандлар муваффақиятсизликларига ўз ота-оналарини айбдор қилиб кўрсатишларини айтди.

У уруш даврида француз руҳшунослари билан ишлаган ва улар билан киндик мавзусида ҳам суҳбатлашган экан. Ундан бу мавзу ҳақида сўраганимда, хайрихоҳлик билдирса ҳам, тезда жавоб бермасди. Унинг айтишича, машҳур руҳият таҳлилчиси, швед тадқиқотчиси Кара Густов Жунгнинг фикрига кўра, бутун инсоният ягона булоқдан сув ичар эмиш. Бу булоқнинг номи «Олам Қалби» экан. Гарчи ҳар биримиз ўзимизча мустақил бўлишга интилсак ҳам, барчамиздаги хотиранинг маълум қисми бир хил экан. Барчамиз бекаму кўст гўзалликни, рақсни, илоҳийлик ва мусиқани излаймиз.

Жамият эса бу баркамолликни ҳақиқий ҳаётда кўришга тиришади. Мисол учун, айни дамда гўзал аёл деганда одамлар кўз ўнгида озгин аёл гавдаланади. Ваҳоланки, минг йиллар илгариги маъбудалар тўлачадан келган, дўмбоқ қиёфада тасвирланган. Шунингдек, бахт тушунчаси ҳам ўзгарган. Бахтли бўлишинг учун сен маълум бир қонун-қоидаларга амал қилишинг шарт. Акс ҳолда, ўзингни бахтли деб ҳисоблай олмайсан.

Шахснинг намоён бўлиш жараёнини Жунг тўрт босқичга бўлади:

Биринчиси, Қиёфа – кишининг ҳамма қиёфасини намоён қилувчи ҳаракат. Бу ниқоб ҳаётдаги асл башарамизни жамоат олдида бекитиб туради ва биз ўзимиз хоҳлаган қиёфа билан ҳаракатланамиз. Биз дунёнинг тақдири бизни қўлимиздалигига, рисола-



дагидек ота-оналар эканимизга, фарзандларимиз бизнинг тушунмасликларига, хўжайинларимизнинг адолатсиз эканликларига ишонамиз. Одамзоднинг яшашдан мақсади меҳнат эмас, доимо саёҳат ва кўнгилхушлик деб биламиз. Кўпчилик одамлар бу каби қарашларнинг нотўғрилигини тушуниб етишади. Бироқ ҳаётларини ўзгартиришни хоҳламаганликлари учун буни унутишди. Камдан-кам одам ўз хатосини англаб етади ва Сояни қидиришдан тўхтади.

Соя – қандай бўлишимиз ва ўзимизни қандай тутишимизни бизга ўргатиб турадиган салбий томонимиз. Қиёфадан озод бўлишга тиришганимизда ичимиз ёришганини ҳис қиламиз. Ички оламимиздаги қўрқоқлик, қаллоблик ва фисқу фасоднинг гувоҳи бўламиз. Баъзи бировлар буни кўрса ҳам, «Бир оз хатоларим бор экан. Ҳечқиси йўқ. Олдинга ҳаракат қилишим керак», деб ўйлайди.

Соя даф бўлгач, биз Руҳ билан алоқага киришамиз.

«Руҳ» деганда, Жунг бу сўзнинг диний маъносини назарда тутмайди. У барча билимлар манбаи – Олам Руҳига қайтиш ҳақида гапиради. Сезгилар янада жонланиб, туйғулар улғаяди, мантиқдан кўра, белгилар талқини муҳимроқ аҳамият касб этади ва воқеликни идрок қилиш осонлашади. Ўзимиз одатланмаган нарсаларга қарши курашамиз ҳамда ўзимизга хос бўлмаган йўсинда ҳаракатланамиз.

Агар қувватнинг ушбу давомли оқимини маълум бир йўналишга солсак, уни ҳам мустаҳкам марказ атрофига жам қила олишимиз бизга аён бўлади. Жунг бу босқични эгаллаган эркакларни «Кекса Донишманд», аёлларни эса «Буюк Она» деб атади.

Бу ҳолатнинг намоён бўлишига йўл қўйиш мудҳишлик келтириб чиқариши мумкин. Умуман айтганда, бу босқичга кўтарилган киши руҳлар устидан ҳукмронлик қилади. Унда авлиёлик ва пайғамбарликка



мойиллик бўлади. Кекса Донишманд ёки Буюк Она қувватига эришиш учун олдин пишиб етилиш зарур.

Жунг ўзидаги кекса донишманд билан алоқага киришганида, унга Филимон деган руҳ йўлбошчилик қилаётганини айтиб хато қилган.

– Кейин-чи? – сўрадим мен Шепканинг гапларига қизиқиш билдираётганимни яширолмай.

Киндик рамзига тўхталдик. Нафақат одамлар, балки давлатлар ҳам ривожланиш жараёнида юқоридаги тўрт босқични бошдан ўтказишади. Айни пайтдаги – ғарб тараққиёти Қиёфа босқичида. Яъни биз турли-туман ғояларга асосланиб ҳаракатланмоқдамиз. Ўзгаришларни қўллаб-қувватлаш давомида биз Соя билан алоқага киришамиз. Шунда оммавий намоишлар бошланиб, жамоа қувватидан ҳам салбий, ҳам ижобий мақсадда фойдаланилади. Жамият Қиёфа ҳамда Соядан воз кечиб, катта сакраш қилади. Яъни Руҳ билан мулоқот ўрнатади. Янги қадриятлар пайдо бўла бошлайди.

Мен буни сездим.

– Аёл тимсолидаги Худони йўқловчи мазҳаб тарафдорларининг кўпайиши, – дедим унга.

– Жуда ҳам аниқ мисол, – деди Шепка фикримни тасдиқлаб. – Шу жараён охирида янги қадриятлар оммалашадиган бўлса, тарихий рамзларга бўлган қизиқиш ортади. Биз рамзларни чуқур мулоҳаза қилиб, аждодлар тўплаган билимдан бохабар бўлишимиз мумкин. Қайта туғилиш рамзи бўлган киндик мана шулардан биридир. Ҳинду эътиқодига кўра, яралиш ва вайронагарчилик маъбуди Вишнунинг киндигида ҳам уни бошқариб турган илоҳ тасвирланади. Йога фалсафасида киндик инсондаги «чакрос» – илоҳий қисм ҳисобланади. Қадимий қабилалар ўзлари иншоот қураётган жой дунёнинг киндиги, яъни маркази эканлигига ишонишган. Жанубий Америкадаги транс ҳо-



латига тушувчи аҳолининг эътирофича, одамзоднинг асл тузилиши ўзидан нур таратувчи тухум шаклида бўлиб, бир-бири билан киндикдан таралувчи нур ёрдамида мулоқот қилади.

Барча маълумотларни тўплаб, келишилган муддатдан илгари Англияга, Хэронга, жўнатдим. Унга одамлар жамоасини бир хил ҳаракатга бошлаган ўша аёлда жуда улкан қувват мавжудлигини, бу унга илоҳийдан теккан бўлса ажаб эмаслигини айтдим. Хэронга бу аёлни яқинроқдан ўрганишни маслаҳат бердим.

Бу мавзу тўғрисида илгари ҳеч ҳам ўйлаб кўрмаганим боис, уни унутишга ҳаракат қилдим. Қизим охириги вақтларда ғалатиноқ бўлиб қолганимдан, фақат ўзимни ўйлаётганимдан шикоят қилди. Қисқасини айтганда, худбинга айланиб қолганман.

ДЭДРЕ ОЪНЭЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШХУР

– Бу мен учун оғир бир мусибат бўлди. Мени одамларни ўқита олишимга нега ишонтирдинг? Нега мени бошқалар олдида шарманда қилдинг? Сенинг ҳаттоки борлигингни ҳам унутишим керак. Менга рақс тушишни ўргатишганда, бунини уддаладим. Хуснихатни ўрганиб, хаттотлик қила олдим. Ўзимга ортиқча баҳо бериб, имкониятларим чегарасини буздим ва танамда ёвузлик ҳис қилдим. Мени поездга олиб чиқиб, бу ерга бошлаб келган куч ҳам шу. Шунинг ўзидан ҳам сендан қанчалар нафратланишимни билиб олсанг бўлади.

У ўзини йиғлашдан тўхтата олмади. Аксига олиб, у ягона овунчи – фарзандини ҳам ота-онасига қолдириб келган кўринади. У бу ерга келиб, ўзини тутиб туролмаслигини билгани учун ҳам шундай қилган. Ундан ичкарига киришини сўрадим. Эшигим олдида туриб, кимлигим ҳақида жар солиш фойдасиз. Атрофдагилар



аллақачон мени эркак ва аёлларни тўплаб, Иблис билан алоқа қилувчи, уйда фоҳишабозлик билан шуғулланувчи аёл деб билишади.

Афина турган жойидан қимирламади.

– Бу сенинг хатоинг туфайли бўлди. Сен мени шармандаи шармисор қилдинг! – бақирди у.

Кимнингдир деразаси очилди. Яна кимдир ташқарида нималар бўлаётгани билан қизиқди. Одамлар дунёни ўзгартирмоқчи бўлган киши ҳаракатидан доим ҳам хурсанд бўлишавермайди. Афинанинг олдига бориб, у мендан кутаётган ҳаракатни қилдим: қўлларим билан елкасидан маҳкам қучиб, бағримга босдим.

У бошини елкамга қўйди, лекин ўзини кўз ёшидан тўхтата олмади. Зиналардан чиқишга ёрдамлашиб, уни уйга олиб кирдим. Халоскорим менга ўргатган усулда чой тайёрладим. Илгарилари бу кўрсатмага мувофиқ чойни ёлғиз ўзим дамлаб ичар эдим. Афина уни бир кўтаришдаёқ ичди. Унинг бу ҳаракати менга бўлган ишончи ҳали ҳам бутунлигини кўрсатарди.

– Мен нима учун шунақаман? – сўради у.

Спиртли ичимликнинг таъсири кучсизланиб бораётганини сездим.

– Мени севадиган эркаклар бор. Менга ўхшашга ҳаракат қилаётган ўғлим бор. Гарчи асранди қиз бўлсам ҳам, ота-онам мен учун жонини ҳам беришга тайёр. Туққан онамни излашим давомида ўтмишимдаги бўшлиқларнинг тўлганини ҳис қилдим. Кейинги уч йилга ётиб ейишимга етадиган маблағим бор. Бироқ мен ҳали ҳам ҳаётимдан мамнун эмасман.

Худо менга мен енгилга қодир бўлган фожиаларни раво кўргани учун ҳам ўзимни хомуш ва гуноҳкор ҳис қиламан. У мени мўъжизавий ютуқлар билан ҳам мукофотлаган. Мен эса шодлик нималигидан хабарсизман. Мен ҳар доим яна ҳам кўпроғини хоҳлайман.



Охирги хоҳишим театрға бориб, уларни ўқитиш эди. Бу шунча ғалабаларимдан кейинги мағлубиятим бўлди.

– Бирор бир хато қилдим деб ўйлайсанми? – сўрадим Афинадан.

– Нега буни сўраяпсиз? – ажабланиб тикилди у менга.

Ҳеч нима демасдан унинг жавобини кутдим.

– Йўқ, – деди Афина, – хато қилмадим. Мен у ерга журналист дўстим билан бордим. Нима қилишим зарурлигини умуман билмасдим. Шунда ҳаммаси менга ўз-ўзидан аён бўла бошлади. Буюк Она менга йўл бошлаётганини ҳамда овозимда ишонч кайфиятини намоён қилаётганини сездим.

– Унда нега шикоят қилаяпсан?

– Сабаби ҳеч ким мени тушунмади.

– Сенга шу муҳимми? Поездда Шотландияга келиб, ҳамманинг кўз ўнгида мени шарманда қилишинг ҳам шунчалар аҳамиятлими? Шунга арзийди деб ўйлайсанми?

– Албатта, бу жуда ҳам муҳим. Бирор иш қилсам ва унинг тўғрилигига амин бўлсам, нега мени заррача бўлсин муҳаббатларига лойиқ кўришмайди?

Муаммо мана шу ерда эди. Унинг қўлларида ушлаб, бир неча ҳафта илгари ўзи қандилга қараб, тикилиб қолган хонага олиб кирдим. Чой аллақачон таъсирини кўрсатганини сезсам ҳам, ундан тинчланишини сўрадим. Ўзимнинг хонамдан доира шаклидаги кўзгуни олиб чиқиб, Афинанинг қаршисига қўйдим.

– Сенда ҳамма нарса бор. Сен ўз чегарангдаги ҳар бир қарич ер учун курашдинг. Ҳозир кўз ёшларингга яхшилаб қара. Кўзгудаги аксингга қара, ғам-ғуссанинг қиёфасига айланган. Кўзгудаги аёлга разм сол. Лекин унинг устидан кулма, айни дамда уни тушунишга ҳаракат қил.

Йўл-йўриқларимни англаши учун унга бир оз вақт бердим. Ўзим кутганимдек у транс ҳолатига тушгач, давом этдим:



– Ҳаётнинг сири нима? Биз буни Парвардигорнинг марҳамати деб биламиз. Ҳар ким ўзида борига қаноат қилишга тиришади. Сен ва мендан ташқари яна бир тоифа кишилар борки, бу йўлда нималаридандир воз кечишга мажбур бўлишади.

Бизнинг тасаввурларимиз атрофимиздаги борлиққа нисбатан анча кенгроқ. Биз ўз чегарамиз меъеридан ошиб ўтишга одатланганмиз. Қачонлардир ўтмишда буни жодугарлик деб аташган. Бугун эса жамиятдаги тош-тарози ўзгарди. Акс ҳолда, бизни аллақачон гулханда ёқишган бўлишарди. Улар аёлларни куйдиришни бас қилишганидан кейин олимлар аҳволимизни изоҳлайдиган илмий атама – «Аёл тутқаноғи»ни кашф қилишди. Бизни куйдириш тўхтатилган бўлса ҳам, бир қатор муаммолар пайдо бўлди. Асосан, иш жойида. Сен кўп ҳам қайғурма. Улар охир-оқибат буни донишмандлик деб тан олишади. Кўзгуга боқ. Кимни кўряпсан?

– Бир аёлни, – деди Афина.

– У аёлнинг орқасида-чи? – сўрадим.

У иккиланиб қолди. Яна сўрадим.

– Мендан ҳам ақллироқ, ҳаққонийроқ яна бир аёл. У менинг жисмимда яшаган, менга маълум бўлмаган руҳ бўлса керак.

– Тўғри топдинг. Ҳозир мен сендан Алкимёдаги муҳим бир рамзийликни тасаввур қилишингни сўрамоқчиман. Ўз думини ютиб, доира ясаган илонни кўз олдинга келтира олдингми?

У бош ирғаб «ҳа»ни билдирди.

– Бизга ўхшаган одамлар учун ҳаёт худди шундай. Биз мунтазам равишда ўзимизни азоблаймиз ва яна малҳам босиб даволаймиз. Бу бир андоза. Ютқазилдан то эришгунча, ажрашилдан то янги муҳаббатни топгунингча, банкда ишлашдан тортиб чўлда мол-мулк сотганингда ҳам ҳаётнинг шу андоза қолипидан чиқиб кета олмайди. Ўғлинг эса бутун умр воқелик ва сенинг



ўртангдаги боғланиш риштаси бўлиб қолади. Буни ҳурмат қилишинг керак.

Ўпкаси тўлиб, у яна йиғлай бошлади. Аммо бу сафаргиси бошқача кўз ёши эди.

– Ҳозир кўзгудаги қиёфани илгари оловда ҳам кўргансан. Бу билан фахрланмоғинг керак. Одамларнинг фикри билан ўзингни таққослама, чунки яқин йилларда ёки ўн йиллик, балки яқин асрларда уларнинг қарашлари ўзгаради. Улар келажак учун яшаётган бир пайтда, сен ҳозир учун яшашга интил.

Сен нима истайсан, ўзи? Сен учун сева олишнинг ўзи кифоя қилмайди. Хўш, унда нимани хоҳлайсан? Сен ўз ҳаётлигингни исботлашни, ҳар бир дақиқа иложи борича ҳаракатда бўлишни, жадал яшашни хоҳлайсан. Бу бир вақтнинг ўзида ҳам тузоқ, ҳам бахтиёрликдир. Бу хавфдан огоҳ бўлгин ҳамда ҳақиқий лаззат нималигини тушунгин. Кўзгудаги аёлга ўхшашга ҳаракат қил.

У кўзларини юмди. Сўзларим унинг қалбига йўл топа олаётганини билар эдим.

– Агар таваккал қилиб сабоқ беришни давом эттирмоқчи бўлсанг, шундай қил. Гарчи буни қилмаган тақдирингда ҳам бошқалардан илдамлаб кетганингни унутма!

Афинанинг танаси бўшашди. Уйқуга кетгунича уни суяб турдим. Унга яна бир нечта сўзларни шивирлаб айтишга ҳаракат қилдим. Бу ҳолатнинг қанчалар қийинлигини ўзим ҳам биламан. Бошимдан ўтказган эдим. Буни Халоскорим ҳам уқтирган. Шундай бўлса ҳам, бу қийинчиликлар маҳоратимизни кемтиклаштириб қўя олмайди.

Қанақа маҳорат? Бу ҳам инсониятнинг, ҳам илоҳиётнинг бир бўлаги бўлиш дегани. Бу безовталиқдан хотиржамликка, хотиржамликдан ҳолатни тарк этишга, транс ҳолатидан бошқа одамлар билан жиддий



алоқага ва ундан яна безовталикка ўтиш дегани. Ва яна шу тарзда давом этади. Худди ўз думини тишлаб олган илоннинг ҳолати каби.

Бу жуда ҳам қийин масала. Сабаби бу инсондан йўқотиш, рад қилиш ҳамда жабр-ситам чекишдан қўрқмайдиган шарт-шароитсиз муҳаббатни талаб этади.

Бунинг сувидан бир маротаба ҳўплаган одам ўз чанқоғини бошқа булоқдан қондира олмайди.

АНДРЕА МАККЕЙН, 32 ЁШДА, АКТРИСА

– Сен бир куни Гая ўзи яралгани ва ҳеч қандай жинсий алоқасиз ҳомиладор бўлганини айтган эдинг. Буюк Она охир-оқибат унутилиб, ўрнини эркак маъбудлар эгаллагани ҳақидаги фикрларингга қўшиламан. Аммо сен севимли маъбуданг аждоди – Герани фаромуш қилдинг. Пухта тадбирли бўлгани туфайли Геранинг аҳамияти юқорироқ. У фасллар ва денгиз бўронларини бошқарган, осмон ва Ер устидан ҳукмронлик қилган. Сен мисол келтирган юнонларнинг қўлёмаларида ёзилишича, тунда карвонларга йўл кўрсатиб, одамлар йўлини ёритган Сомон Йўли ҳам унинг кўкрагидан тирқираб оққан сутдан бунёд бўлган экан. У жуда ҳам лобар бўлган бўлиши керак. Сабаби унинг муҳаббатига эришиш учун қудратли Зевс қушдек беозор ва мулойим бўлиб қолибди.

Биз Афина билан Нитбриждаги универсал дўконда айланар эдик. Мен унга қўнғироқ қилиб, зудлик билан учрашишимиз кераклигини айтганим туфайли, у розилик билдирганди. У билан дўконнинг қишки кийимлар сотиладиган қисмида кўришадиган бўлдик. Бирор бир тинчгина ресторанда тушлик ёки чой баҳонасида гаплашганимизда бўлар эди, деб ўйладим.

– Бу оломон орасида ўғлингни йўқотиб қўйишинг мумкин.



– Ўғлим ҳақида қайғурмай қўя қол. Сени эшитаётган эдим. Давом этгин, – деди Афина.

– Гера ҳийла ишлатиб, Зевсни ўзига уйланишга мажбур қилди. Тўй барча маъбуд ва маъбудалар гувоҳлигида ўтди. Тантаналардан сўнг Олимп тоғлари ҳукмдори Зевс яна илгариги енгил-елпи ҳаётига ва дунёқарашига қайтди. У йўлида учраган аёлларни хоҳ маънан, хоҳ жисмонан масхаралашни ёқтирарди. Шунга қарамасдан, Гера бу хатти-ҳаракатлари учун эрини эмас, аёлларни айблади.

– Ҳаммамиз ҳам аслида шундай эмасми? – деди Афина.

Афина нимани назарда тутганини тушунмадим. Уни эшитмаганга олиб, давом қилдим.

– Сўнгра Гера ундан ўч олиш мақсадида бирор бир эркак ёки маъбуд билан кўнгилхушлик қилишга қарор қилади... Менга қара, бирор жойда ўтириб, чой ичишга нима дейсан?

У гапимни эшитмагандек аёллар ички кийими сотиладиган дўконга кириб кетди. Оч рангли ич кийимларни кўздан кечириб, фикрим билан қизиқди.

– Буларга нима дейсан? – сўради у.

– Жуда ҳам нафис. Кийганинг билан буларга кимнингдир қўзи тушармиди?

– Албатта! Ёки нима сен мени авлиё деб ўйлаяпсанми? Майли, Гера ҳақидаги гапларингни давом эт.

– Геранинг хулқи ўзгариб қолганлигидан Зевс ҳайратда қолади. Афина, ростдан ҳам севган йигитинг борми?

– Ҳа, бор.

– Уни ҳеч ҳам кўрмаган эканман.

У кассага пул тўлади ва олган нарсаларини сумкасига жойлаштирди.

– Виорел оч қолган бўлса керак. У юнон афсоналарига кўп ҳам қизиқмайди. Гера ҳақидаги ҳикоянгга тезроқ яқун яса.



– Бунинг ниҳояси жуда ҳам кулгули. Зевс ўз севгилисини йўқотишдан қўрқади. Герани синаш учун яна уйланаётганлиги тўғрисида гап-сўз тарқатади. Гера муносабатлари жиддий тус олганини кўради. Севишганлар бир тану бир жон эдилар. Аммо Зевс ўйлаб ҳам ўтирмасдан ажрашиш қарорини эълон қилди.

– Ундай бўлса, бунинг ҳеч қандай кулгили жойи йўқ, – деди Афина.

– Гера никоҳ маросимига бориб, Зевснинг ёнидаги аёлни тегишга қарор қилди. У қарорини амалга оширганида, сездики, Зевснинг ёнидаги аёл эмас, балки ҳайкал экан.

– Гера нима қилди?

– У бор кучи билан ўқирди ва қаҳ-қаҳ отиб кулди. Ўрталаридаги ҳайкални иккига бўлиб ташлаб, осмон маликаси эканлигини яна бир бор исботлади.

– Қойил, агар сен ҳам шу вазиятга тушсанг...

– Қанақа? – гапини бўлдим.

– Агар сен севган эркак бошқа аёл билан кетса, кулишни унутмагин.

– Мен маъбуда эмасман. Аксинча, мен қасос олмай қўймайман. Дарвоқе, нега мен йигитингни ҳеч ҳам кўрмаганман?

– Чунки унинг иши жуда ҳам кўп, – жавоб берди Афина.

– У билан қаерда топишгансизлар?

– Ўзим ишлайдиган банкда. Унинг ҳисоб рақами шу банкда. Яхши, қарши бўлмасанг, биз кетмоқчимиз. Ўғлим мени кутиб турибди. Сен тўғри айтдинг, унга кўз-қулоқ бўлмасам, бу одамлар орасида уни йўқотиб қўйишим тайин. Айтганча, кейинги ҳафта меникида учрашмоқчимиз. Таклиф қилинганлар рўйхатида сен ҳам борсан, албатта!

– Ҳа, хабарим бор. Ташкилотчиси ҳам менга аён, – дедим унга.



Афина иккала ёноғимдан енгилгина ўпиб хайрлашди.

Бир гуруҳ актёрларни «ўша аёл»никига боришга ундаётганим туфайли ўша куни тушликдан кейин директор театрда менга заҳрини сочди. Бу мендан чиққан ташаббус эмаслигини айтдим. Хэрон «киндик воқеаси» билан боғлиқ бир қанча маълумотлар тўплаганини, мендан «тўхтатилган маъруза»ни давом эттиришни хоҳлайдиганларга хабар беришимни сўраганлигини тушунтирдим. Ўз ҳамкасбларимни бундан бохабар қилишимга директордаги ҳеч бир ҳуқуқ тўсқинлик қила олмайди. Афинаникига директорнинг ёлғиз ўзи бориши кераклигини истардим.

Барча актёрлар тўпланди. Янги пьесани муҳокама қилиш ўрнига, директор бошқа таклиф билан чиқди.

– Бугун психодраммага (тинчлантирадиган терапевтик усул бўлиб, актёрларга шахсий ҳаётларидаги ташвишларни унутиб, ролга киришишларига ёрдам беради) оид бошқа бир машғулоти бажариб кўрамиз.

Бунга ҳожат йўқ. Асардаги қаҳрамонлар ўзларини қандай тутишлари кераклигини жуда яхши билар эдик.

– Мавзу таклиф қилсам майлими? – сўрадим.

Ҳамма менга юзланди. Директор ҳайратда қолди.

– Бу нима ўзи? Менга қарши исёнми? – сўради у таажжуб билан.

– Йўқ, сиз хато ўйлаяпсиз. Яхшиси, мени эпитинг. Биз шундай бир вазиятни ёки ҳолатни яратамиз: дейлик, бир одам машаққатли қийинчиликлардан сўнг бир гуруҳ кишиларни тўплаб, муҳим бир удум, мисол учун, ҳосил ва йиғим-терим байрамани нишонлайди. Шу маҳал қаердандир бир аёл пайдо бўлади. Ўзининг чиройи ва макри билан эркаклар ҳушини ўғирлайди. Ҳосил ва йиғим-терим удумини ўтказиш ўрнига, барча эркаклар ўша аёл ҳийласига эргашадилар ва қишлоқнинг қадимий бу расм-русуми унутилади.



– Лекин бунинг биз саҳналаштираётган асарга ҳеч қандай алоқаси йўқ-ку? – деди бир актриса.

Бироқ директор менинг нимага шама қилаётганимни тушунди.

– Бу жуда ҳам зўр фикр. Қани, бошладик унда.

– Андреа, – деди директор менга ўгирилиб, – сен ўша – қишлоққа келган аёл бўласан. Шунда қишлоқдаги вазиятни яхшироқ англашинг мумкин. Мен эса расм-русумларни сақлаб қолишга ҳаракат қилаётган ҳалиги эркак бўламан. Қолганлар эса черковга борадиган жуфтликлар бўлишади. Шанба кунлари жамоа ишларига ёрдам берувчилар ролини ўйнайсизлар.

Ўзимизни энгилроқ ҳис қилиб, вазиятга мослашиш учун бир оз дам олдик. Кейин жуда ҳам осон бўлган машғулотга киришдик. Бош қаҳрамон, яъни мен турли ҳаракатларни ўйлаб топаман ва бошқалар менга эргashiшади.

Ўзимни Афина деб ҳис қила бошладим. Тасаввуримда у Ерда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун Иблис каби кезиб юрибди. Аммо у ўзини ҳамма нарсани яратган Гая деб ҳис қилмоқда. Актёрлар жуфтликларга айланиб, ягона тарихга эга жамоадошлар кайфиятига киришгунларича ўн беш дақиқалар чамаси кутиб турдим. Саҳнада бу кайфиятни ҳис қилгач, саҳнанинг бир чеккасига ўтиб, муҳаббат тўғрисида гапира бошладим.

– Барчангиз шу кичкинагина қишлоқ аҳолисисиз. Назарингизда, мен бир бегона аёлман ва сиз менинг нима ҳақида гапирмоқчилигимга жуда қизиқасиз. Қишлоғингизни ўраб олган баҳайбат тоғлар ортига сафар қилмагансиз ва у томонларда нималар бўлаётганидан беҳабарсиз. Мен сизни бундан бохабар қилишим мумкин. Ер учун ибодат қилманг. Бунга ҳожат қолмади. Ер аслида одамлар билан муқаддасдир. Шундай экан, одамзод учун ибодат қилинг. Сиз замин кезиб саёҳат қилишни севишингизни айтасиз. Лекин севги



сўзидан нотўғри фойдаланасиз. Севги ва муҳаббат, аввало, одамлар ўртасидаги алоқа.

Ўзингизни ҳосил билан хотиржам ҳис қиласиз ва шу сабабли Ерни севасиз. Бу бемаънилик-ку! Севги, бу эҳтиёж ёки билим дегани эмас. Бу бир даъват. Бу кўринмас олов. Шу сабабли мени ерга бегона деб ўйласангиз хато қиласиз. Мен сизга эртақларда ёки китобларда таърифланган ёлғон севгини эмас, ҳақиқий ва чин муҳаббатни олиб келганман.

«Жуфтлик»лардан биридаги «эр» менга тикилиб кўзини узолмай қолди. «Хотин» эса бундан безовта бўла бошлади.

Директор, тўғрироғи, қишлоқ анъаналарини сақлаб қолиш тарафдори бўлган одам қишлоқ аҳолисига удумларнинг муҳимлигини, Ерга ибодат қилишнинг аҳамиятини зўр бериб тушунтира бошлади. Мен эса фақатгина муҳаббат тўғрисида гапирдим.

– Бу одам, – дедим удумларга содиқ фуқаро ролидаги директорни кўрсатиб, – расм-русумларга муҳтож, деб айтаяпти. Аммо мен агар сизда ўзаро меҳр-муҳаббат етарли бўлса, Ердан осмон қадар хирмонлар олишингизни кафолатлайман. Чунки севги барча хоҳиш-ни амалга оширади. Ўртангиздаги туйғулар ўлганига камида асрлар бўлган. Чунки сиз ўз манфаатингиз йўлида бир-бирингиздан фойдаланишнигина ўйлайсиз. Шу сабабли олаётган ҳосилингиз ўтган йилги хирмондан ошмайди. Шунинг учун ҳам ҳаётингизда бирон-бир ўзгариш йўқлигидан нолийсиз. Сиз доимо ҳамма нарсага куч ва назорат қилиш орқали эришмоқчи бўласиз.

Қишлоқлик ўша эркак фикрларимга норозилик билдирди.

– Бизнинг жамоамиз муҳаббатнинг ўзи йўлбошчилик қиладиган қонунларни ҳурмат қилиш орқали турли-туман фалокатлардан омон қолиб келишган.



Фақатгина севгини дейиш кўр-кўроналикка ва охир-оқибат ҳамма нарсадан жудо бўлишга бошлайди. Тарихимизни билмаган бир бегона оғзига келганини гапириб кетиши жуда ҳам осон иш. Биз бу ерга осонликча етиб келмаганмиз. Фарзандларимизни ўйлаб қилган фидойилигимиздан, машаққатли меҳнатимиздан у беҳабар. Меҳнат билангина биз Ернинг марҳаматига эришиб, мўл ҳосил олишимиз ва келажакдан умидвор бўлишимиз мумкин.

Биз бир соат ўз фикрларимизни ҳимоя қилиб баҳслашдик. Бутун жамоа «рақибим»нинг атрофини ўраб олгач, гапиришдан тўхтадим.

Ролга шу қадар иштиёқ билан киришиб кетган эканманки, воқеликни унутиб қўйибман. Гарчи келгинди ролидаги қаҳрамоним қишлоқдаги бирор кишини ҳам ўз гапларига ишонтира олмаган бўлса ҳам, вужудимда ўзимга номаълум ишонч ҳис қилдим.

Бундан жуда, жуда ҳам бахтиёр эдим.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

«Одамлар билганининг йигирма беш фоизини ўқитувчисидан, яна йигирма беш фоизини ўзларига қулоқ солишдан, яна шунчасини эса дўстларидан ўрганишади. Қолган йигирма беш фоиз билимни уларга вақт ўргатади». Қадрдон дўстларимдан бири доимо шундай дейди. Афинанинг уйида ўтган ўша кунги биринчи йиғилишимизда биз кимдан ёки қаердан ўрганганимизни аниқ айтишим қийин. Тўғриси, буни ўзим ҳам билмайман.

У ўзининг торгина уйида бизни ўғли билан кутиб турган экан. Уй бутунлай оққа бўялган эди. Муסיқий марказ жойлаштирилган мебелни ҳисобга олмаганда, хона бўм-бўш. Бу хона дарсдан зерикиб келадиган ўғлига мўлжалланган бўлса керак, деб ўйладим.



Афина театрда тугалланмай қолган машғулот, бирор сўзнинг ифодасини сўрашда давом этишини тахмин қилаётган эдик. Лекин унинг режаси бошқача экан. У Сибирдан келтирилган муסיқага рақсга тушмоқчилиги айтиб, биздан мусиқани тинглашимизни сўради, холос.

– Сиздан ҳеч қандай мулоҳаза талаб қилинмайди. Эътиборингизни ҳеч нимага қаратмасдан, мусиқа тингланг, – деди Афина.

Театрдаги ҳолат яна такрорлангандек туйилди. Гўёки Афина бизни қаерга бошлаётганидан ўзи ҳам беҳабар эди. Деярли барча актёрлар, жумладан, Андреа «жосус» деб атаган директор ҳам шу ерда.

Мусиқа тўхтади.

– Ҳозир мен шу мусиқа оҳангига зид мақомга рақсга тушишингизни сўрайман, – деди Афина.

У мусиқани баландлатиб қўйди ва мусиқага номувофиқ ҳаракат қила бошлади. Фақатгина бир киши – охирги пьесада маст қирол ролини ўйнаган кекса актёргина у сўраган ҳаракатни бажарди. Меҳмонлар тоқатсизлана бошлашди. Бир аёл келганига ўн дақиқа бўлмасданоқ, соатига тез-тез қарай бошлади.

Афина ҳаракатини тўхтатиб, ҳаммага бир-бир қараб чиқди.

– Нега бунақа турибсизлар? – сўради у.

– Биласизми, – деди актрисалардан бири торти-ниб, – бу бизга жуда ҳам аҳмоқона ҳаракат бўлиб кўриняпти. Биз доимо уйғунликка ўрганганмиз. Шу сабабли...

– Ҳозирча мен айтганимдек қилинглар. Сизга изоҳ керакми? Яхши. Унда тушунтиришга ҳаракат қилман. Биз ўзимиз одатланган ишларга зид ҳаракат қилибгина ҳаётимизни ўзгартиришимиз мумкин.

Сиз-чи? Сиз нега мусиқа оҳангига зид ҳаракатла-нишга кўндингиз? – сўради Афина «маст қирол»дан.



– Қизим, мен ҳеч қачон рақсга зид мақом нималигидан хабардор бўлмаганман.

Чолнинг бу гапидан кейин йиғилганлар мириқиб кулишди. Бу кулги ҳаммамизга далда бўлди.

– Яхши. Мен ўша ҳаракатни бошламоқчиман. Сиз ҳам менга қўшилиб такрорланг ёки бу ерни тарк этинг. Бу сафар машғулот қачон тугашини ўзим ҳал қиламан. Ўзи ишонган, ўйлаган одатига қарши чиқиш одамзодга хос энг тажовузкор хусусият. Биз ҳозир шу хусусиятни ўзимизда намоён қиламиз ва жуда ҳам хунук рақсга тушамиз.

Мезбоннинг кўнглини оғритмаслик мақсадида, ҳамма жуда хунук ўйнашга киришиб кетди. Ўзим билан курашишимга тўғри келди. Сабаби ноғорада чалинган бу ажойиб оҳанг билан уйғунликда рақсга тушиш ҳар кимнинг табиий хоҳиши эди. Биз эса бунга қарши боряпмиз. Назаримда, биз бу куйни яратган бастакор ва созандаларни ҳақорат қилаётган эдик. Виорел ҳам табассумини барчага ҳадя қилиб ўйнаяпти. Бир маҳал у чарчаб ўтириб олди. Мусиқа ҳам тугади.

– Бир дақиқа шошмай туринг, – деди Афина.

Ҳамма кутиб турди.

– Мен илгари қилмаган ишимни қилмоқчи бўляпман.

Афина кўзларини юмди ва иккала қўли билан бошини чангаллади.

– Олдин ҳеч қачон бунақа рақсга тушмаганман, – деди у.

Шу сабали бу машғулот унда ҳам, бизда ҳам яхши таассурот уйғотмади.

– Ўзимни ёмон ҳис қиляпман, – деди Афина.

Мен ҳам, директор ҳам бир вақтнинг ўзида ўрнимиздан турдик. Андреа менга дарғазаб нигоҳини қадади. Шундай бўлса ҳам, Афина томонга дадил юрдим. Афина биздан ўрнимизга қайтишимизни сўради.



– Кимдир бирор нима демоқчими? – Афинанинг овози синиқ, титраб чиқди. Қўллари билан ҳамон юзини тўсиб турарди.

– Ҳа, мен.

Бу Андреа эди.

– Олдин Виорелни қўлингга олиб, онаси яхши эканлигини, бир оз муддатга шу ҳолатда туришимни унга айт, – деди Афина ўзига хос бўлмаган овозда.

Виорел қўрқиб кетди.

Андреа уни тиззасига қўйиб, эркалаб юпатди.

– Нима демоқчисан? – сўради Афина.

– Ҳеч нима. Фикримни ўзгартирдим.

– Бола фикринг ўзгаришига сабаб бўлди. Лекин гапиршинг мумкин.

Афина аста-секин қўлларини туширди. Шу қисқа вақтда унинг юзи ўзгариб, бегонага ўхшаб қолган эди.

– Йўқ, мен гапирмоқчи эмасман, – деди Андреа.

– Яхши. Сен, – деди Афина кўрсаткич бармоғини кекса актёрга ўқталиб, – эртага шифокорга бор. Сен кечалари ухлай олмай, бир неча маротаба ҳожатга қатнар экансан. Бу сийдик йўли (простата) ўсимтаси туфайли.

Актёрнинг ранги оқарди.

– Сен эса, – директорга юзланди Афина, – жинсий хоҳишингни яширишни бас қил. Ҳеч ҳам қўрқмасдан сенга эркаклар ёқишини, аёллардан нафратланишингни тан олгин.

– Сиз айтмоқчисизки...

– Гапимни бўлмагин. Бу гапларни Афинани хафа қилганинг учун гапирмадим. Фақатгина сенинг жинсий хоҳишингни айтдим. Сен эркакларни яхши кўрасан ва, менимча, бунинг ҳеч қандай нотўғри жойи йўқ.

Бу гапларни директордан ўч олиш учун гапирмади. Унда гапираётган ким? Ахир, бу Афина-ку!



– Ва сен, – у кўрсаткич бармоғини менга тўғрилади,
– ёнимга келиб тиз чўк.

Андреа қандай аҳволга тушишини ўйлаб қолдим.
Қолаверса, ҳамманинг кўзи менда. Умримда ҳеч ким-
нинг қаршисида тиз чўкмаганман.

– Бошингни эгиб тур.

Орқа бўйнимда унинг бармоқларини ҳис қилдим.
Бир дақиқага яқин шу кўйи бармоқлари билан бўй-
нимни пайпаслаб, баъзи нуқталарни босиб чиқди. Сўнг
мендан жойимга бориб ўтиришимни сўради.

– Бундан бу ёғига уйқи дориси ичишингга ҳожат
йўқ. Ҳозирдан бошлаб хотиржам ороминг яна ўзингга
қайтди.

Андреага қараганимда, у бирор нима деса керак,
деб ўйладим. Бироқ у ҳам худди мендек, бўлаётган
ишлардан қайратда эди.

Бир актриса, эҳтимол, энг ёш актриса шу бўлса
керак, қўлини кўтарди.

– Менинг айтадиган гапларим бор. Фақат авва-
ло, ким билан гаплашаётганимни билишим керак,
– деди у.

– Хагия София, – жавоб берди Афина.

– Мен шуни билишни хоҳлайманки... – атрофга
аланглади, уялди. Директор ундан давом этишини
сўради.

– Онамнинг руҳи безовта эмасми?

– Қўрқма, у сен томонда. Кеча уйдан чиқиб кетаёт-
ганингда, у сумкангни уйда эсингдан чиқиб қолдири-
шингни истаган. Қайтиб борганингда, уй қулфланган
эди ва сен ичкарига кира олмадинг. Яхшигина иш
масаласида гаплашишинг керак бўлган киши билан
учрашишга бориш ўрнига, эшик қаршисида унинг очи-
лишини кутиб турдинг. Агар ўша кун тонгда ҳаммаси
мен айтгандек бўлиб, ишга жойлашганингда, олти
ой ичида автотранспорт ҳалокати қурбони бўлишинг



мумкин эди. Сумкангни уйда эсингдан чиқариб қолдирганинг яхши бўлди.

Қиз ҳўнграб йиғлаб юборди.

– Яна кимдир бирор нима сўрамоқчими?

Яна бир қўл кўтарилди. Ҳамма ўша томонга қаради.

Бу директор эди.

– Ўша эркак мени севадими? – сўради у.

Демак, унга эркаклар ёқиши рост экан-да! Қизнинг онаси тўғрисидаги ҳодисадан йиғилганлар жунбишга келган эди. Шу сабабли директорнинг саволига кўпчилик эътибор қилмади.

– Сен саволни нотўғри бердинг. У сенинг муҳаббатингга муҳтожми ёки йўқ? Сен шуни билмоқчисан. Чунки бу севгини бошқа бировга ҳам туҳфа қилиш қўлингдан келади. Сен севиб қолгач, ўзингда доим суянса бўладиган ишонч ҳис қилдинг. Бу ишончнинг танангда мавж уриб оқишига ва ўзингдаги дунёни тўлдиришига йўл бер. Ҳар бир қадамни босиш учун узоқ вақт ўйланиб туриш шарт эмас. Бир нарсани унутма: нима берсанг, шуни қайтиб оласан.

Бу гаплар менга ҳам тегишли эди. Сўнгра Афина, тўғрироғи ким бўлса ҳам, Андреага юзланди.

– Сен!

Томиримдаги қон музлагандек бўлди.

– Сен ўзинг яратган борлигини йўқотишга тайёр туришинг керак.

– «Борлигинг» деганда нимани назарда тутяпсан? – сўради Андреа.

– Ўзингни нимага эришдинг деб ўйласанг – ўшани. Сен ўз оламингни банди қилгансан. Унинг озод бўлиши кераклигини ўзинг ҳам яхши биласан. Буни эшитгинг келмаса ҳам, мени яхшигина тушуниб турганингни биламан.

– Тушундим, – деди Андреа.

– Бугунча етар, болани менга олиб келинг.



Виорелнинг у томонга боргиси келмади: у Афинадаги ўзгаришдан қўрқиб кетганди. Андреа меҳрибонлик билан унинг қўлларидан тутиб, онаси томонга бошлади. Афина ёки Хагия София, балки Ширин, умуман ким бўлишидан қатъи назар, болани ўзига тортди ва худди мени қилганидек, унинг ҳам орқа бўйнини бармоқлари билан босиб чиқди.

– Кўрганларингдан ҳеч ҳам қўрқмагин, болажоним. Уларни кетишга ундама. Сабаби улар шундоқ ҳам бу ердан кетишади. Иложи бўлганда, фаришталар билан бирга ўйнагин. Бу уйда кўп одамлар бор. Шунинг учун қўрқишга ҳожат йўқлигини ўзинг яхши биласан. Мен онангни бағримга босиб, у орқали гапиришни сўраётганимда, сен рақс тушишдан ва жилмайишдан тўхтадинг. Лекин у рухсат бермаганида, бу ишни қила олмаслигимни биласан-ку. Мен доим оловда намоёнман. Ҳозир ҳам оловман. Бугун гапиришга қарор қилдим.

Виорел уни маҳкам қучоқлади.

– Кетишингиз мумкин. Мени бола билан ёлғиз қолдиринг.

Болани онаси билан қолдириб, уйдан бирма-бир чиқиб кетдик. Уйгача такси тўхтатдик. Андреага гапиришга ҳаракат қилдим. У бўлиб ўтган воқеа доира-сидагина гапиришга хоҳиш билдирди.

Унга бошқа ҳеч нима демадим. Кўнглим ғаш эди. Андреани йўқотиш мен учун оғир. Бир томондан эса бу хотиржамлик келтирарди. Бугунги воқеа ўртамаздаги хижолатга барҳам берса ажаб эмас. Чунки мен ҳеч қачон ўзим севган аёлга яна бошқа бир аёлни севишимни айта олмас эдим. Шу сабабдан индамасликка қарор қилдим. Уйга кириб, телевизорни ёқдим. Андреа ювингани кириб кетди. Кўзимни юмдим. Кўзимни очганимда, хона ёп-ёруғ эди. Тонг отган экан. Бу дегани мен ўн соат қимир этмай ухлаганман! Андреа хат қолдириб, мени уйғотгиси келмаганини, тўғри театрга



кетганини ва мен учун қаҳва тайёрлаб қўйганини ёзибди. Хат унинг лаб изи ва юракча шакли билан жуда ҳам жозибали безалган.

Унинг «борлиғи»ни йўқотиш нияти йўқ эди. У курашмоқчи. Бу дегани менинг ҳаётим даҳшатли тушга айланади.

Кечқурун у менга қўнғироқ қилиб, кекса актёрнинг шифокорга борганини, Афинанинг гапи тўғри чиққанлигини айтди. Қон тошширгач, унинг таркибида протейннинг PSA тури даражаси юқорилаб кетганлиги аниқланибди. Тиббий текширув хулосаларига кўра, унда ўсимта касаллигига чалиниш эҳтимоли бўлган экан.

– Гарчи касаллик анча хавфли бўлса ҳам, шифокор унга бахтли инсон эканлигини айтибди, – деди Андреа. – Унинг тузалиб кетишига тўқсон тўққиз фоиз кафолат беришибди.

ДЭДРЕ ОЪНЭЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШҲУР

Хагия София! Бу унинг ўзи – Афина бўлган. У ўз қалбининг энг чуқур қатламларини забт этиб, Буюк Она билан алоқа ўрнатган.

У бошқа бир воқеликда нималар бўлаётганини кўра олган, холос. Ёш актрисанинг онаси аллақачон боқийликка рихлат қилган ва руҳ воқеалар ривожини ўзгартира олади. Биз одамзод эса фақатгина ҳозирдан бохабармиз. Иситмаси ошкор қилмасидан дарднинг олдини олиш кичкинагина иш эмас. Бор қувватни жамлаб, асаб тизимини ишга солиб, ҳар бир одамдаги воқеликни англаш жуда ҳам қалтис иш.

Бунга уринганларнинг аксарияти ҳаётини қурбон қилди. Баъзилар бунинг уддасидан чиқди. Яна кимлардир Буюк Она йўллаган нурни ўз қалбларига яши-



риб қўя қолишди. Мен ҳеч қачон Афинани бу Қудратга рўбарў қилган эмасман. Унинг ўзи бунга қарор қилган. Чунки Буюк Она унга аллақачон турли-туман ишоралар берган; Афина рақсга тушаётганда у ёруғлик бўлиб кўринган, ҳуснихатни ўрганаётганида Буюк Она ҳарф бўлиб, қоғозда гавдаланган, Афина унинг қиёфасини оловда ва кўзгуда кўрган. Фақатгина шогирдим Онани қандай қилиб ўз қалбида сақлашни, у билан ёнма-ён яшашни билмаган. Шу сабабли у билан алоқа ўрнатиш мақсадида, воқеалар занжирини ҳосил қилган турли удумларни ишга солган.

Барчани бошқача яшашга ундаётган Афинанинг ўзи ҳам бошқа тирик жонлардан фарқ қилмайди. Унинг ҳаётда амал қилувчи ўз йўналиш харитаси бор. Эҳтимол, у керагидан ортиқ миқдорда қизиқувчан бўлганлиги туфайли баъзи-баъзида ўз йўналишидан чиқиб кетар. Балки, у туйғуларига тикилган жонини асраб қолиш учун ўз одатига қарши боргандир? Албатта, шундай! Афина банкдаги ёки театрдагилар билан учрашувларда улар орқали нималарни ўрганаётганини улар билан ўртоқлашадими? Қайсидир маънода «ҳа» деб жавоб бериш мумкин. Нима бўлганида ҳам, мен уни қўллаб-қувватлашим шарт. Нима деганда, биз ёлғизликка ҳукм қилинмаганмиз. Сабаби биз ўзимизни атрофимиздагиларнинг нигоҳи билан ўрганаемиз.

Балки, ўша кун Буюк Она Афинага кўринишга қарор қилиб, унга ўрганганларига қарши боришни шивирлаб айтгандир. Доимо меъёрга амал қилиб келганини айтиб, меъёрни ўзига бўйсундиришини сўраган бўлса ажаб эмас. Шу сабаб ҳам Афина йиғилганлардан мусиқа оҳангига зид ҳаракат қилишни сўраган. Афина шундай қилса, Буюк Она билан алоқа қилишига ишонган.

Менда ҳам шунга ўхшаш ҳодиса юз берган. Афина рақс тушганида илк маротаба кўрган нурнинг мен бо-



лалигимда онам менга ўргатган тўқиш орқали гувоҳи бўлганман. Мен чок йўлларини санашни, урчуқни усталлик билан бошқаришни ҳамда уйғунлик ҳосил қилиш орқали чиройли гуллар тўқишни билар эдим. Бир куни халоскорим мендан эътиборсиз ва чала-чулпа тўқишимни сўради. Бу мен учун жуда оғир. Ахир, мен тўқишни сабр-тоқат ва садоқат билан ўргандим. У эса мендан ёмон тўқишимни талаб қилмоқда.

Буни кулгили ёки ҳақорат деб билиб, икки соатча шу ҳолатда тўқидим. Бошим оғриқдан ёрилай деб турса-да, урчуқ қўлимни эмас, қўлим урчуқни бошқаришига ҳаракат қилдим. Ишни жуда ҳам ёмон қилиб бажариш ҳамманинг қўлидан келади. Нега Халоскорим мендан буни сўраётганига ақлим етмади. Кейин билсам, у мени хаёлим туну кун шакл ва безаклар ҳамда бекаму кўст тўқиш билан бандлигини сезиб қолган ва мени бир оз чалғитишга уринган. Шу орқали Буюк Она менга ўзини намоён қилишини у билган.

Кўп ўтмай, бу рўй берди. Тўқишдан тўхтадим. Муҳаббат ва хайрихоҳликка тўла илиқ бўшлиқни ҳис этдим. Айтишга ҳеч қачон журъатим етмаган нарсаларни айтиш учун ўзимда куч топдим. Идроким ҳамон ўзимда бўлса ҳам, ичимда мени бошқараётган яна кимдир бор эди.

Афинаникида бўлмаган бўлсам ҳам, ўша куни уникида нима бўлгани менга маълум. Афинанинг руҳи мусиқани тинглаб турган бўлса-да, танаси тамоман қарама-қарши ҳаракатланади. Бир оз вақт ўтиб, унинг танаси ва руҳи ажралиб, ўртада бўшлиқ ҳосил бўлади. Буюк Она шу бўшлиққа ўрнашади.

Тўғрироғи у йўллаган нур намоён бўлади. У жуда ҳам қадимий, аммо кўриниши навқирон, жуда ҳам доно, бироқ ҳамма нарсага қодир эмас. У бутун борлиқда ўзига хос, лекин такаббур эмас.



Афинанинг идроки тезлашиб, бир-бирига ёнма-ён икки оламни ҳам кўра бошлайди. Бу вазиятда бизга нафақат кишиларнинг жисмоний ҳолати, балки туйғулари ҳам аён бўлади. Айтишларича, бу қобилият мушукларда ҳам бор экан. Моддий ва илоҳий борлиқ ўртасидаги бўшлиқ иккала оламни ранглар ва ёруғлик билан ажратиб туради. Афсоналарда бу бўшлиқ «Аура» ёки «муҳит» деб айтилган. Мана шу «муҳит» нималар рўй бераётганини бизга айтиб беради. Мабодо мен Афинага мана шу «муҳит»да йўлиқадиган бўлсам, у танамда бинафшаранг доғларни кўради. Бу менинг ердаги вазифам ҳали ниҳоясига етмаганини ва олдимда қилишим керак бўлган ишлар кўплигини билдиради.

Илоҳий борлиқдаги шарпалар моддий борлиққа қўшилиб, шаффофлик касб этади. Инсонлар буларни «арвоҳ» деб аташади. Ёш актрисанинг онасининг руҳи ҳам шу йўл билан қизини ўлимдан асраб қолди. Фақат шу йўл орқалигина одамнинг тақдирини ўзгартириш мумкин. Аминманки, ёш актриса Афина айтмасдан олдин ҳам онаси у томондалигини билган. Сумка воқеасини эшитибгина, у Афинадаги «кўра олиш» қобилиятидан ҳайратга тушган.

Мусиқага қарши рақс барчанинг юрагига ғулғула солган. Чунки биз «тарки одат – амри маҳол» тушунчасига ишонамиз. Ҳеч ким хато қадам босишга ботинолмайди. Айниқса билиб туриб. Ҳатто Афина ҳам. Ўзи севган мусиқага қарши бориш унинг учун осон иш эмас. Афина ишни уддалаганидан хурсандман. Бир киши ўсимта касаллигидан омон қолибди, яна бири жинсий хоҳишини тан олибди, бошқаси уйқу дори ичишни бас қилибди.

Мен севимли машғулотим – тўқишга бўлган садоқатимга қарши бориб, Буюк Она билан алоқа ўрнатар эдим. Шундан кейин янада тезроқ ва янада



нафисроқ тўқишни ўргандим. Одатга қарши бориш – атрофда рўй бераётган воқеликлардан бохабар бўлиш истагидир. Бир кун келиб, Афинанинг Она билан алоқа ўрнатиши учун одатига қарши боришига ҳожат қолмайди. Биз идрок эшикларини топиб, кириш ва чиқиш йўлларини аниқлаймиз. Афина ҳам ўшанда қаршисидаги тўсиқларни бузиб ташлашга журъат топади.

АНДРЕА МАККЕЙН, 32 ЁШДА, АКТРИСА

Афинаникида рўй берган воқеа бутун шаҳарга яшин тезлигида тарқалди. Келаётган душанба театрда дам олиш куни бўлгани туфайли, Афинанинг уйи одам билан лиқ тўлди. Барча актёрлар дўстларию таниш-билишларини бошлаб келишган эди. Ҳаммаси ўтган сафардагидек бошланди. У барчамизни мусиқа оҳангига қарши рақсга тушишга чорлади. Хагия София билан алоқа қилиши учун жамоа қувватига муҳтожлигини айтди. Ўғли шу ерда эди. Уни кузатиб турдим. У онасига ҳайрат тўла кўзлари билан тикилиб диванга ўтирди. Ва шу заҳоти мусиқа тўхтади. Афинада транс ҳолати бошланди. Тўпланганлар уни саволларга кўмиб ташлашди. Сезиб турган бўлсангиз керак, бошида ҳаммаси севги тўғрисидаги саволлар бўлди: У мени севадими, у мен билан қоладими ёки у мени лақиллатиб юрибдими қабалидаги саволлар. Афина ҳеч нима жавоб қайтармади. Савол берганлардан бири саволини иккинчи маротаба, баландроқ овозда такрорлади:

– Ўша одам мени ростдан ҳам лақиллатмоқдами?

– Мен – Хагия София, борлиқ донишмандиман. Мен дунёга муҳаббатга ҳамроҳ бўлиб келдим. Мен ҳар нарсанинг бошиман. Мен келгунимча бу ерда тартибсизлик ҳукмрон эди. Қайси бирингиз тартибсизлик



ва чалкашлик кучлари тарафдори бўлсангиз Хагия Софиядан ҳеч нима сўраманг. Менга қолса, муҳаббат ҳар қандай бўшлиқни тўлдиради. У мукамаллигича туғилгани боис даража ва ҳеч нимага муҳтож эмас. Унинг боши – унинг тугашидир. Унга ҳеч ким эгаллик қила олмаслиги туфайли, у хиёнатга қодир эмас. Муҳаббат, бу ўз соҳилларидан тошиб чиқувчи дарёга ўхшайди. Шу боис уни асир тутишнинг имкони йўқ. Уни зўрлик билан ушлаган одам у сув ичувчи булоқларни кесиб қўяди ва бу муҳаббат кўлмаклардаги сув каби оғуга айланади.

Хагия йиғилганлар орасидан илк маротаба келганларни кўрсатиб, уларда ниманики кўрса: касаллик, ишдаги муаммолар, ота-она ва фарзанд ўртасидаги келишмовчиликлар, жинсий хусусият, мавжуд, аммо шахсга номаълум бўлган қобилият – ҳамма-ҳаммасини айтиб берди. У ўтгиз ёшлар атрофидаги аёлга юзланиб айтган гапларини яхши эслайман.

– Отанг сенга кўп насиҳатлар қилган ва аёл киши ўзини қандай тутиши кераклигини уқтирган. Сен ўз орзуларингга қарши чиққансан. Сен доимо «мен хоҳлайман» иборасини «мен қилишим шарт», «мен шунга муҳтожман» билан алмаштириб келгансан. Ваҳоланки, сендан ажойиб қўшиқчи чиқиши мумкин. Бунинг учун бир йил шуғуллансанг кифоя.

– Лекин менинг эрим, фарзандим бор.

– Афинанинг ҳам боласи бор. Бошида эринг хафа бўлса ҳам, охир-оқибат бунга рози бўлади. Буни билиш учун Хагия София бўлишинг ҳам шарт эмас!

– Балки, лекин ёшим ўтиб қолгандек.

– Сен ўзингни тан олишни хоҳламаяпсан. Бу сенинг муаммоинг. Мен айтишим керак бўлган гапни айтдим.

Йиғилганлар толиқишди. Хонада ўтиришга жой йўқ. Қиш тугашига ҳали бор бўлса ҳам, ҳамма терлай бошлади. Баъзилар Хагия Софиянинг маслаҳатини



олишга келганидан афсусланди. Бу уларга кулгили туйилди.

Мен охирги эдим. У менга юзланди.

– Агар иккиюзламачи бўлишни хоҳламасанг, сен бир оз кутиб туришинг лозим.

Бу сафар тиззамда Виорел йўқ эди. У ҳаммасини диванда ўтириб кузатарди. Биринчи сеансдан кейин ундаги қўрқув йўқолганга ўхшайди. Мен розилик билдирдим. Олдинги сафаргидек бирма-бир чиқиб кетиш ўрнига бу галги йиғилишнинг ниҳоясида Хагия София келганларга панд-насиҳат қилди.

– Саволларингизга аниқ жавобдан умид қилманг. Менинг вазифам сизни огоҳлантириш холос. Ўтмишда барча ҳукмдорлар ўз келажаklarини билишга ҳаракат қилишган. Келажак жуда ҳам мавҳум. Сабаби у сиз ҳозир, шу ерда чиқарадиган қарорингизга боғлиқ. Велосипедни ҳайдашда давом этинг. Акс ҳолда қулашингиз тайин. Кимки Хагия Софийадан ўзи ишонган истаklarни эшитиш учунгина келган бўлса, бу ерга бошқа келмаслигини илтимос қиламан. Гарчи кўнглингиз оғриси-да, ҳақиқатни айтишга мажбурман. Бу ўткинчи дунёда тақдир ўткинчиларга шафқат қилмайди. Янги дунё Онага тегишли. У муҳаббат билан бирга келади. Ўзининг қулашига ишонганлар қулайди. Бошқача бўлишни истамаганларни ўз қонун-қоидалари ҳалок қилади. Ўзгаришларни тўхтатиб қолишга уринганлар эса тўзонга айланадилар. Рақсга тушмаган ва бошқаларнинг рақсига ҳам ҳасад қилганларга лаънат бўлсин!

Унинг кўзларидан олов чиқиб кетгандек бўлди.

– Энди кетишингиз мумкин, – деди у.

Чиқиб кетаётганларнинг аксарияти саросимага тушиб қолишганини пайқадим. Улар бу ерга таскин излаб келишган. Эшитганлари огоҳлантириш бўлди. Улар севгини назорат қилиш усулларини излаб



келишган. Аммо билишдики, ҳеч ким бунга қодир эмас. Улар қабул қилган қарорларидан хўжайинлари, турмуш ўртоқлари хурсанд бўлишини эшитиш учун келишган. Бироқ шубҳа билан қайтишмоқда.

Баъзи бировлар жилмайиб чиқишмоқда. Булар рақснинг аҳамиятини тушуниб етишди. Бугундан бошлаб кўнгилларидаги қайғуларни ҳеч иккиланмасдан рақс билан ювиб ташлашса ажаб эмас.

– Сендан қолишингни сўраган эдим, – деди Хагия София Хэрон билан чиқиб кетаётганимни кўриб.

Хэрон пальтосини олиб, бир сўз айтмай чиқиб кетди.

Хагия София менга қараб тикилиб қолди. Аста-секин у Афинага айланаётганини сездим. Бу ўзгаришни аразлаган ёш боланинг ҳолатига ўхшатиш мумкин. Араз бир зумда ғойиб бўлиб, болакай тамомила бошқа қиёфага киради.

Ва айни дамда мен ҳолдан тойган аёл қаршисидаман.

– Менга бир оз чой тайёрлаб бер.

У менга буйруқ бера бошлади! У энди борлиқ донишманди эмас, аммо менинг йигитим илакишиб қолган аёл эди. Бу алоқалари қаерда бошланиб улгурганига ҳайронман.

Аммо унга чой тайёрлаб берганим билан бирор ерим камайиб қолмайди. Ошхонага бориб, сув қайнатдим. Бир оз мойчечак баргларидан қўшиб, унинг ёнига қайтдим. Ўғли тиззасида ухлаб қолган эди.

– Мени ёқтирмаслигингни биламан, – деди Афина.

Унга жавоб қайтармадим.

– Мен ҳам сени ёқтирмайман, – давом қилди у. – Сен жуда ҳам чиройли ва дидлисан. Ажойиб актрисасан. Маданият ва таълим соҳасида дипломинг бор. Ваҳоланки, оилам хоҳлаган бўлса ҳам, мен ўқишдан воз кечдим. Бироқ сен ҳам қатъиятсиз, такаббур ва бадгумонсан. Хагия София айтганидек, сен иккитасан. Яъни иккиюзламачисан.



– Транс ҳолатингда айтган гапларингни эслай олишингни билмаган эканман. Сабаби ўша вақтда ўзинг ҳам иккита одамсан: Афина ва Хагия София.

– Иккита исмим бўлса ҳам, аслида биттаман. Ҳозир шу ҳақида гапирмоқчиман. Мен биттаман, шу билан биргаликда ҳаммаман. Транс ҳолатига тушганимда, намоён бўлувчи ёруғлик менга аниқ кўрсатмалар беради. Гўёки мен Буюк Она бағридаги гўдакка айланаман ва унга тегишли бўлган жамики олам сирлари менга аён бўлади. Ўтган ҳафта биринчи маротаба шу ҳолатга тушганимда, ғалати вазифа олдим. Унга кўра мен сенга сабоқ беришим керак экан.

Ўртага жимлик чўкди.

– Бу хабардан довдираб қолганим аниқ, – давом этди Афина. – Сабаби сен менга умуман ёқмайсан.

Бу сафар ўртадаги жимлик узоққа чўзилди.

– Бугун ҳам худди шу хабарни олдим. Шунинг учун сенга бу имкониятни бермоқчиман.

– Нега айнан Хагия София? Ким ўзи у? – сўрадим.

– Бу шунчаки менинг тасаввурим. Бу мен китобда расмини кўрган жуда ҳам гўзал масжиднинг номи. Агар малол келмаса, менга шогирд бўлишинг мумкин. Аслида сени биринчи кун бу ерга бошлаб келган мақсад ҳам шу бўлган. Ҳаммаси ўша кундан бошланган эди. ёш аёл менга театрда ишлашини, янги саҳна асарида у маъбуда родини ижро этишини, мен ҳақимда дўстидан эшитганлигини айтиб, ёрдам сўраб келганини айтган ўша кундан бошланди.

– Менга ўзинг билган ҳамма нарсани ўргатмоқчимисан?

– Йўқ, – жавоб қайтарди Афина, – мен ҳамма нарсани биладиган доно эмасман. Биринчи учрашувимизда айтганимдек, сенга ўргатиш орқали ўзим ҳам ўрганаман. Йўлларимиз бошқа-бошқалигини унутмагин фақат.



– Ўзинг ёқтирмаган одамга нимадир ўргата олишингга кўзинг етадимми?

– Ёмон кўрган одамимни ҳурмат қилиб, яхши кўриш қўлимдан келади. Транс ҳолатига тушганимда икки маротаба ҳам сенинг ички оламингни кўрдим. Бу мен кўрган қалблар орасидаги энг олижаноб ва юксак муҳитдир. Агар таклифимга кўнсанг, бу дунёда ўзгаришлар қилсанг бўлади.

– Менга одамларнинг ботиний оламини кўришни ҳам ўргатасанми?

– Ўзимда рўй бермагунича, ўзим ҳам бу қўлимдан келишини билмас эдим. Агар чин эътиқод билан ёндашсанг, жавобим «ҳа» бўлади.

Шунда ўзим ёқтирмаган кимнидир сева олишимга кўзим етди ва Афинанинг таклифини қабул қилдим.

– Унда бу розиликни бир удум билан тасдиқлашимиз лозим. Расм-русумлар бизни ўзимизга номаълум борлиққа етаклайди. Бу борлиқдаги воқеликларга гидрокимиз ожизлик қилиши ҳам мумкин. Розилик билан ҳаммаси рўёбга чиқмайди. Бу ўз ҳаётини гаровга тикиш дегани. Агар сен ўзим ўйлаган аёл бўлсанг, кўп ҳам ўйлаб ўтирмасдан...

– Мен тайёрман, – дедим Афинага. – Қани, ўша удумга ўта қолайлик. Дарвоқе, уни қаердан ўргандинг?

– Уни энди ўрганмоқчиман, – деди Афина. – Бундан бу ёғига Она билан алоқа ўрнатиш учун ўз одатимга зид ҳаракат қилишим шарт эмас. Чунки энди менга зарур бўлган нур сенинг ичингга ўрнатилади. Энди буни топиш жуда осон. Энди қайси эшиқдан кириб-чиқишим кераклигини аниқ ажрата оламан. Фақатгина менга жимлик керак.

Яна жимлик!

Бир-биримиздан нигоҳимизни узмай ўтирдик. Гўёки ҳаётимиз тикилган жангга киришга ҳозирланаётган эдик. Расм-русумлар! Афинанинг эшигидаги



қўнғироқни биринчи мартаба босишдан олдин эшик ортида ғайриоддий удумларни тасаввур қилганман.

Афина ўзи учун тайёрланган чойни ичди.

– Удум ниҳоясига етди. Сендан чой тайёрлаб беришингни сўрадим. Сен буни бажардинг. Энди сенинг галинг. Мендан ўзинг хоҳлаган нарсани сўрашинг мумкин.

Зудлик билан Хэронни ўйладим. Лекин ҳозир у қақида гапиришнинг мавриди эмас.

– Кийимларингни еч, – дедим унга.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШ, ЖУРНАЛИСТ

Муҳаррир ўринбосари қўлимга видеокассета тутқазди. Биз ундаги тасвирни кўриш учун проектор ўрнатилган хонага кирдик. Экрандаги тасвирлар 1986 йил 26 апрелда туширилган бўлиб, оддий шаҳардаги доимий ҳаёт акс этиб турибди. Одамлар шошилиб ишга кетишмоқда. Яна бир одам майдон биқинида газета ўқимоқда. Лекин тасвирнинг сифати яхши эмас. Экрандаги чизиқларни бошқарув мосламасидан бўлса керак, деб қўзғалганимда муҳаррир ўринбосари мени тўхтатди.

– Бекорга овора бўласиз, кўришда давом этинг, – деди.

Экранда шаҳарнинг оддий ҳаёти акс этарди, холос.

– Мана шу шаҳарчадаги одамлар бу ердан икки чақирим нарида фалокат юз берганини билишлари ҳам мумкин. Улар бу фалокат оқибатида ўттиз киши ҳаётдан кўз юмганини ҳам билсалар ажаб эмас. Ўттиз киши! Кичкина фалокат эмас, бироқ бу хабар шаҳардаги ҳаётни ўзгартира олмайди.

Хўжайиннинг изоҳини тушуна олмадим. Энди экранда мактаб автобуслари кўринди. Улар махсус майдончада турибди ва ҳали анча турса керак. Ётиқ чизиқлар кўпайиб, тасвир тобора сифатсизлашиб борди.



– Бу ётиқ чизиқлар бошқарув мосламасидан эмас. Бу нурланишнинг оқибати. Тасвирлар КГБ томонидан туширилган. Йигирма олтинчи апрел, тонгги 1:23 да инсоният идрокнинг меваси бўлган фожиаларнинг энг даҳшатлиси – Чернобиль, Украинада содир бўлди. Бу ерда портлаган атом реактори ўзидан Хиросимадагидан 90 маротаба кучлироқ нурланиш тарқатган. Бу ҳудуддаги аҳоли зудлик билан кўчирилиши керак эди. Лекин ҳеч ким ҳеч нима демаган. Ҳукумат эса хатосини ошқор этмаган. Бир ҳафтадан сўнг маҳаллий газетанинг ўттиз иккинчи саҳифасидаги беш қаторли мақолада фалокат оқибатида ҳалок бўлганлар номи кўрсатилган. Аммо фожеа тафсилотлари шарҳланмаган. Кўп ўтмай, бутун Иттифоқ бўйлаб «Меҳнаткашлар куни» нишонланган. Жумладан, Украина пойтахти Киевда ҳам одамлар ҳавода учиб юрган «кўринмас ажал»дан беҳабар ҳолда тантанали сайл қилишган.

Бошлиқнинг бу маълумотларини диққат билан тингладим. Аммо унинг мақсади нималигини билолмадим. У бунга ойдинлик киритди.

– Сизни Черноблга бориб, ҳозирги аҳвол билан яқиндан танишишингизни хоҳлайман. Сиз бизнинг махсус мухбиримизга айландингиз. Ойлик маошингизни ҳам йигирма фоизга оширдик. Шундай экан, босишга арзийдиган мақолалар билан бизни хурсанд қилишда давом этинг.

Бу хабарни эшитиб, ҳар бир журналист каби мен ҳам хурсандчилигимдан сакрашим керак. Аммо мен кўнглимда уйғонган хафалик туйғусини яширишга ҳаракат қилдим. Ҳаётимда икки аёл борлигини, умрим жар ёқасида турганлигини, Лондонни айни дамда тарк эта олмаслигимни айтиб, у билан тортишиш фойдасиз. Қачон кетишим зарурлигимни сўрадим.

– Қанча тез бўлса, шунча яхши, – деди у. – Сабаби шундай фожиани кўриб, билиб туриб, давлатларнинг



ядро қуроли учун ажратаётган маблағлари миқдори тобора ошиб бормоқда.

Унга мавзу билан яқиндан танишиб, долзарблилигини билишим учун бир неча кун шу ерлик мутахассислар билан суҳбатлашмоқчилигимни, ундан кейин Черноблга равона бўлишимни айтдим. У розилик берди. Қўлимни сиқиб, мени яна бир бор табриклади.

Андреа билан гаплашишга ҳам вақтим йўқ. Сабаби уйга келганимда, у ҳануз театрда бўлар, у келганида мен ухлаб қолар эдим. Тонгда эса унинг қолдирган хатини ўқийман. У одатдагидек ишга кетганлигини, ва стол устида мен учун қаҳва тайёрлаб қўйганини ёзиб қолдирган бўлар эди.

Маошимни кўтариб, менга ишонч билдирган бошлиқнинг умидини оқлаш учун ишга келибоқ, мавзу доирасидаги мутахассислар билан боғланишга ҳаракат қилдим. Тўпланган маълумотлар хулосаси шунини кўрсатмоқдаки, бу фожиа оқибатида бутун жаҳон бўйлаб тўққиз миллион киши тўғридан-тўғри заҳарланган. Шуларнинг 3 дан то 4 миллионтаси болаларни ташкил этади. Тадқиқотчи Жон Говмэннинг тасдиқлашича, фалокат вақтида ўттиз киши ҳаётдан кўз юмган бўлса-да, унинг таъсирида 475 минг киши ўлимга олиб келувчи саратон касаллигига чалинган. Бундан ташқари, ногиронликка сабаб бўлувчи саратон билан ҳам яна шунча киши хасталанган.

Жами 2000 та шаҳар ҳамда қишлоқ заҳарланиши натижасида кимсасиз ҳолатга келиб қолган ва охир-оқибат бузилиб кетган. Белорусия Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарига кўра, радиактив нурларнинг юқори даражада тарқалиши оқибатида 2005–2010 йиллар оралиғида бўйин беги ўсимтаси билан касалланганлар сони ҳаддан ташқари ўсиб кетади. Яна бир мутахассиснинг изоҳлашича, 9 миллион киши тўғридан-тўғри зарарланган бўлса, ушбу ҳудуддаги



ўсимликлар, ишлаб чиқарилувчи озиқ-овқатларни истеъмол қилиш оқибатида 65 миллион киши билвонита зарарланган.

Бу чуқур мулоҳаза ва таҳлилга муҳтож бўлган жиддий масала. Иш куни охирида муҳаррир ўринбосарига кириб, Черноблга сафаримни фожиа рўй берган кунга тўғрилашимни айтдим. Шундай қилсам, кўпроқ мутахассислар билан суҳбатлашимни, бу орада Британия ҳукуматининг бунга муносабатини билишга ҳам имкон туғилишини тушунтирдим. У рози бўлди.

Афинага қўнғироқ қилдим. Мана энди унинг Скотланд Ярддаги йигити тўғрисидаги ёлғонларини фош қилишга фурсат етди. Бугунда Совет Иттифоқи мавжуд эмас. Демак, Чернобль фожиаси ҳам «давлат сири» деган мақомини маълум маънода йўқотган. Афинага йигитидан шу маълумотларни тўплаб беришини айтиб кўрдим. Кутганимдек, у бу ишни дўндириб бажаришга ваъда беролмаслигини айтди.

У кейинги гуруҳ йиғилишгача Шотландияга кетмоқчи бўлиб турган экан.

– Яна қандай гуруҳ йиғилиши?

Демак, одамларнинг уникида жамланиши одадий учрашувга айланган, шунақами? Аммо мени қизиқтираётгани қачон у билан бафуржа суҳбатлашиб, ўртамиздаги мавҳум муносабатга ойдинлик киритиш эди.

У аллақачон гўшакни қўйган экан. Уйга бориб, телевизорда янгиликларни кўрдим. Кечлик қилиб, Андреани олиб келиш учун театрга бордим. Бахтга қарши пьеса охирлаётганида кириб бордим. Ҳайратга тушганим, саҳнадаги Андреа мен икки йилдан буён яшаб келаётган аёл эмас. Унинг тамоман ўзгарганини пайқаш қийин бўлмади. Ҳар бир ҳаракатида сеҳр бордек туйилди менга. У монолог ва диалогларни одатдагидан ҳам маҳоратлироқ ўқияпти. Мен худди



шу саҳнадаги Андреани ўзим билан бирга бўлишини истайман. Билдимки, у доимо мен томонда бўлган.

– Афина билан суҳбатларингиз қандай ўтди? – сўрадим уйга қайтаётиб.

– Ажойиб. Ўзинг ишда чарчамадингми?

У мавзуни ўзгартиришни лозим топди. Унга ишдаги ютуғим, Чернобль ҳақида гапирдим. Андреа буларга қизиқиш билдирмади. Мен муҳаббатини қозонишга ҳаракат қилаётган аёл бегоналашиб бораётгандек туйилди. Аммо уйга киришимиз билан у биргаликда душ қабул қилишни таклиф қилди. Душдан чиққач, Афинадан олган музиқанинг овозини баландлатиб қўйиб, қучоғимга кирди.

– Қўшнилардан ташвишланма, – деди қулоғимга шивирлаб. – Улар доимо осойишталик учун қайғуришса ҳам, ўзлари учун яшашни билишмайди.

Кейинги кун бир соат давомида содир бўлган воқеа тасаввуримга зид бўлган лаззатни бағишлади. Қўлларимни ўринга босиб, устимга чиққанида, Андреани кучсиз деб ўйлаб хато қилганимни тушундим. Бу лаззатга бўлган хоҳиш унда энди уйғондими ёки бу ўша аёлнинг сабоғими?

– Бугун мен сен бўламан. Сен эса мен бўласан, – деди у лаззатдан маст бўлган кўзларини сузиб.

Мен илгари киришга журъат қилмаган кўнгилхушлик сарҳадларида сармаст кезардим.

Унга буларни Афина ўргатдимикан, деган мулоҳазага бордим. Аммо бунини сўрашни лозим топмадим.

– Бугун сенга мен бўлиш ёқдими? – сўради Андреа.

– Мен жуда ҳам мазза қилдим. Ҳали ҳеч қачон...

– Буни бутун умр хоҳлаб юрганингни айт, – гапимни бўлди у.

Бу ҳақда гапириш осон эмас. Унга ҳеч нима демадим.

– Биласанми, бугун саҳнада роль ижро этаётиб, ўзимдаги ниқобли одамнинг башарасини кўрдим. Менда қандайдир ўзгариш сезилдими?



– Албатта, сендан нур таралаётган эди.

– Бу вужудда илоҳийликнинг намоён бўлиши ёки тананинг илоҳийлашувидир. Бу кучни кимгадир кўрсатишга ҳожат йўқ. Чунки ҳар бир киши, ҳатто лоқайд кимсалар ҳам буни дарҳол сезади. Ҳар бир ҳужайраамизгача покланиб, танамиздаги шахсиятимизни ўлдириб, қайта тирилсаккина бу жараён рўй беради. Кеча тунда мен ўлган эдим. Саҳнада ҳаракатланаётиб, қилаётган танловим тўғрилигига ишондим. Бугун тунда эса ўз хокимдан қайта бунёд бўлдим. Мен доимо ўзимни топишга ҳаракат қилиб, бунинг уддасидан чиқа олмаганман. Одамларни лол қолдиришни, зиёли суҳбатлар қуришни, ота-онамни хурсанд қилишни жуда-жуда истаганман. Қон, кўз ёши ва кучли хоҳиш билан эътиқодимни нотўғри йўлга бошлаётганимни тушунгач, кеча улардан воз кечдим. Сабаби орзуим мендан буни талаб қилмайди. Ўзимни унинг қўлига топширишим керак, холос. Жон оғриси ҳам, оғриқ тишни суғуриб ташлаш шарт эмас. Дард ўткинчидир.

– Нега буларни менга айтаяпсан?

– Гапимни бўлмай тур. Билдимки, мен фақатгина уқубатдан иборат бўлган сафарда аҳамиятсиз бўлган нарсаларга қарши курашган эканман. Мисол учун, севги. Инсон қалби буни ҳис қилиши ҳам, қилмаслиги ҳам мумкин. Лекин дунёда ҳеч бир куч йўқки, одамни севишга мажбур қила оладиган. Биз ўзимизни сева оладигандек кўрсата оламиз. Бир-биримиздан турли мақсадда фойдаланамиз. Бутун умр шерикчиликда дўстона яшаб, ҳар тун қовушиб, фарзандларни дунёга келтириб яшай оламиз. Бироқ ҳар сафар ортга назар ташлаганимизда кўзимиз аянчли бўшлиқни кўраётгандек туйилади. Ортда, ҳаётимизнинг муҳим палласида нимадир ўтказиб юборилгандек кўриниб, умримиз маънисиз ҳаракатга айланади. Бу севгининг ўрни бўлади. Аёл ва эркак ўртасидаги муносабатлар



ҳақида чуқур ўйлаб қарасам, бу масалада мен беҳуда курашаётган эканман.

Бу тунда мен ўзимдаги боримни, ҳам жисмоний, ҳам шаҳвоний бор имкониятимни сенга тақдим этаётиб, сен ҳам қўлингдан келган бор «санъатинг»ни охиригача намойиш қилаётганингни ҳис қилиб турдим. Энди мен учун сен бера оладиган лаззатнинг қизиғи қолмади. Бугунча ёнингда бўламан. Эртага бу ердан кетаман. Театр ҳаётимнинг мазмуни бўлади. Ниманики қўлга киритмоқчи ва ривожлантирмоқчи бўлсам, бунга театрда эриша олишим мумкин.

Андреанинг гапларини эшитаётиб, Трансильванияга бориб, ҳаётимни буза оладиган аёлни учратганимдан, ўша ресторанда уни севиб қолганимга иқрор бўлганимдан афсусландим. Шу лаҳзада Афинадан нафратланиб кетдим.

– Нимани ўйлаб қолганингни биламан, – деди Андреа. – Афина мени йўлдан урган бўлиши тайин. Аммо бундай деб ўйлашинг хато.

– Гарчи эркак бўлсам-да, бугун ушбу тўшакдаги олишувда бу мавқеимни сенга бериб турдим. Мен ўзимни одамзоднинг интиҳо топаётган нави деб биламан. Сабаби атрофимда тобора эркаклар камайиб кетмоқда. Камдан-кам кишигина мен қилган ишга таваккал қила олади.

– Бу гапларингга асло шубҳа қилмайман. Шунинг учун ҳам мени ҳайрон қолдирдинг. Аммо мендан кимлигимни, нима хоҳлашимни сўрамайсанми?

Ундан буни сўрадим.

– Бир вақтнинг ўзида ҳамма нарсани хоҳлайман. Ҳам ваҳшийлик, ҳам мулойимлик. Мен қўшниларни ранжитиб, яна хурсанд қилсам дейман. Мен тўшагимдаги шеригим аёл эмас, сен каби ҳақиқий эркак бўлишини хоҳлайман. Улар мендан шунчаки фойдаланишяптими ёки мени севишадими, бу аҳамиятсиз.



Мендаги севги булардан қудратлироқ. Мен ишқимни қафасдаги қуш эмас, эркин бўлишини истайман. Атрофимдагилар ҳам шу муҳаббатнинг лаззатини билишларини хоҳлайман.

– Афина билан яширин қувватни юзага чиқариш хусусида гаплашдик. Бу худди севгининг ўз-ўзидан намоён бўлишидек гап. Бошқа ҳеч қандай муҳим масалада гаплашмадик. Бу учрашувнинг бошқаларидан фарқи иккаламиз ҳам онадан янги туғилгандек яланғоч эдик. Энди ҳар душанбада учрашиб турамиз. Унга дўст бўлиш истагим йўқ. У ниманидир ўртоқлашишга зарурат сезса, Шотландияга боргани каби менда ҳам Афинадан сўрашим керак бўлган вазиятлар юзага келиши мумкин. Сен Шотландиядаги Эдда исмли аёлни танир экансан. Лекин у ҳақида ҳеч қачон гапирмагансан.

– Ҳатто уни қачон, қаерда учратганимни ҳам эслай олмайман.

Андреа бир оз хотиржам бўлгач, қаҳва тайёрладим. Биргалашиб ичдик. У табассумини яширишга ҳаракат қилиб, лавозимим кўтарилгани билан табриклади. Келаси душанбадаги учрашувдан ташвишланаётганини, Афинанинг кичкинагина уйига қундан-қун кўпайиб бораётган оломон оқимининг сиғмаслигини айтди. Андреага ўша оқшомдаги воқеа Афинанинг қаттиқ асабийлашуви оқибатида юзага келганини тушунтирдим.

Унинг нозик баданини оғушимга тортдим. Қучоғимга бош суқиб ухлаб қолди. Ўша тун ҳеч нима ҳақида орзу қилмадим. Эртага нима бўлишини айта оладиган туйғулар йўқ эди.

Тонгда уйғонганимда унинг кийим жавони бўм-бўшлигини кўрдим. Калитни стол устида қолдириб, хайр-ни насия қилиб кетиб қолибди.



ДЭДРЕ ОЪНЕЙЛ, ЭДАДА НОМИ БИЛАН МАШХУР

Одамлар жодугарлик, ғайритабий кучлар, шайтон васвасасига тушган болалар ҳақидаги кўплаб ҳикояларни ўқишган. Улар ўзларини лаънатланган қилич ёки ёвуз руҳлар ва бу қарғишга қарши анъаналар тўғрисидаги фильм намойишларига боришдан тўхтата олишмайди. Бу яхши, албатта! Сабаби инсон ўз тасаввур жиловига доимо эркинлик бериши, шу орқали поғонадан поғонага кўтарилиши керак. Бу поғоналардан чалғимасдан ўтган кишигина ўз-ўзидан ўша анъаналарга боғланиб қолади.

Аммо ҳар бир инсон ўз вазиятидан келиб чиқиб, ўз анъаналарини яратса ҳам бўлади. Устоз ўз шогирдига нима қилиш кераклигини айтмайди. Бунини шогирднинг ўзи ҳал қилади. Ҳақиқий анъана ана шу, назаримда. Улар шунчаки ҳамроҳлар. Ҳар иккиси ҳам идрокига зид ҳиссиётларга тўқнаш келишганида, бунини бир-бирлари билан ўртоқлашишади, холос.

Устоздан кўра шогирд журъатсизроқ бўлади. Устоз ва шогирднинг фарқи шунда. Улар юзма-юз келишганида ёки бир стол атрофида ўтирганларида, устоз «Нега мана бундай қилмайсан?» деб сўраши мумкин. Аммо, у «Мана бунақа қилишинг керак», деб таъкидламайди. Чунки ҳар бир кишининг ўзига хос эътиқоди ва шунга кўра чизилган тақдир чизиғи бор.

Ҳақиқий устоз шогирдига ўз оламининг мувозанатини қандай тутиб туриш кераклигини ўргатади. Шогирди у аллақачон тўқнаш келган синов олдида ўзини бир оз йўқотади. Кейинги муюлишда қандай хавф борлигини ўйлаб кетаётган тунги йўловчи каби.

Ўшанда ёш, одамларга ёрдам қўлини бажонидил чўзишга тайёр шифокор эдим. Британия ҳукумати томонидан молиялаштирилган алмашинув дастурига



кўра Руминияга борадиган бўлдим. Жомадоним тўла дорилар ва бошим тўла мулоҳазалар билан у ерга равона бўлдим. Инсонлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, юракдаги орзуларни ҳимоя қилиш, бахтли бўлиш учун нималар кераклиги ҳамда одам ўзини қандай тутиши лозимлигидан хабардор эдим. Бухарестга келганимда, пойтахт зулмкор диктатура қўл остида азобланаётган эди. Маҳаллий аҳолини оммавий эмлаш режасига кўра, Трансильванияга жўнаб кетдим.

Бошида «юриш»лар чигаллашиб кетган шахмат тахтасидаги бир бўлак эканлигимни фаҳхламаган эканман. Аслида кўринмас қўллар орзу-умидларимдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни назарда тутишган, мен инсонпарварлик ёрдами деб билган мақсадлар ортида бизга номаълум омиллар ётар экан. Билишимча, диктаторнинг ўғлига тегишли ҳукумат Совет Иттифоқи томонидан бошқарилган ҳарбий бозорда Британияга ҳам қурул-яроғ сотиш ҳуқуқини берган экан. Бизнинг дастуримиз ҳам шу «олди-сотди»нинг бир қисми бўлган.

Эм дори бу атрофдаги маҳаллий аҳолига етмаслигини билиб, ҳафсалам пир бўлди. Мамлакат бўйлаб тобора бошқа касалликлар ҳам тарқалмоқда эди. Қўшимча дори-дармон сўраб бир неча маротаба ёздим. Бироқ менга буюрилган ишни қилишимни тайинлашди.

Руҳим тушиб кетди. Ўзимни ожиз ҳис қилдим. Бир оз маблағ бўлганида керакли дори-дармонларни олиб, касалликларга қарши бир ўзим ҳам курашишга тайёр эдим. Аммо «тепа»дагилар учун халқ саломатлиги муҳим эмас. Бизнинг ҳукуматга матбуотда эълон қилинган бир нечта мақола керак эди, холос. Шу билан улар ўз сайловчилари ёки партиялари қаршисида гердаиб туриб, бир қанча гуруҳларни инсонпарварлик мақсадида дунёнинг турли нуқталарига юбориш-



гани ҳақида оғиз кўпиртиришади. Қурол-яроғ сотиш режасини ҳисобга олмаганда, уларнинг мақсадлари олий, албатта.

Мени чорасизлик қийнамоқда. Бу қанақа дунё, ўзи? Бир куни тунда бу қабиҳликларни бефарқ кузатиб турган Парвардигорга нола қилиб, қаҳратонда музлаб ётган ўрмон ичкарисига кириб кетдим. Халоскорим келганида мен эман дарахти остида ўй-халёлларимга фарқ бўлган эканман. У менга бу совуқда ўлиб кетишим мумкинлигини айтди. Мен эса унга шифокор эканлигимни, танамнинг имкониятларидан хабардорлигимни, совуқ бу имконият чегарасидан ўтиши биланоқ палаткага қайтишимни тушунтирдим. Ундан кимлигини, бу ерда нималар қилиб юрганини сўрадим.

– Мен эркакларнинг қулоғи оғирлашган дунёдаги мени эшита оладиган аёлга гапиряпман.

«Аёл» деганда у мени айтди, деб ўйладим. Лекин у ўрмонни назарда тутибди. Дарахтзор оралаб турли ҳаракат, имо-ишоралар қилиб юрган бу одамни кузата туриб, кўнглимга хотиржамлик кўчгандай бўлди. Билсам, дунёдаги ўз-ўзига гапиришдан тонган ягона одам эмас эканман. Шерикларимнинг олдига қайтганимдан кейин ҳам у мени кўргани яна келди.

– Кимлигингни биламан, – деди у. – Қишлоқдошларимнинг айтишича, бағоят ахлоқли аёл экансан. Ҳазил-мутойибага мойил, доимо бошқаларга ёрдам беришни хоҳлайсан. Аммо кўзларингда бошқа нарсаларни кўрмоқдаман: ғазаб ва нафрат.

У ҳукумат айғоқчиси ҳам бўлиши мумкин эди. Қамалишим тайин бўлса ҳам, унга бор ҳиссиёт ва мулоҳазаларимни айтишга қарор қилдим. Биргаликда ўзим ишлаётган шифохона майдончасига қараб юрдик. Барча ҳамкасбларим шаҳарда нишонланаётган фестивалга кетишгани боис, уни ётоқхонага таклиф



қилдим. Қайси ичимликни хуш кўришини сўрадим. У чўнтагидан ичимлик идишини чиқарди.

– Палиука, – деди у, – руминияликларнинг миллий ичимлиги. Ақл бовар қилмас даражада ўткир. Менинг ҳисобимдан.

Биргалашиб ичдик. Сармаст бўлаётганимни сезмабман ҳам. Фақатгина ҳожатга чиқаётиб, қоқилганимда аҳволимни пайқадим.

– Қимирлама! Оёғинг остига қара.

Ерда чумолиллар қарвонига кўзим тушди.

– Улар ўзларини доно деб билишади. Уларда ҳам хотира, идрок, ташкилотчилик ва фидойилик руҳияти бор. Улар ёзда қиш учун емиш тўплашади. Баҳорнинг бу музли кунларида улар яна озуқа ташвишида бесаранжом бўлишади. Агар эртага ядро қуроли дунёни вайрон қиладиган бўлса, бу қирғинда чумолилларнинг омон қолишлари аниқ.

– Буларни қаердан биласан?

– Мен аслида биологман.

– Унда нега ўз одамларингнинг турмуш тарзини юксалтириш учун ишламайсан? Ўрмонда ёлғиз сандирақлаб, дарахтларга гапиришнинг нима кераги бор?

– Биринчидан, ўрмонда ёлғиз эмас эдим. Дарахтлардан ташқари, сен ҳам мени тинглаб турган эдинг. Саволингга жавоб кутаётган бўлсанг, темирчи бўлиш учун биологликдан воз кечдим.

Тиззаларимни қучоқлаб олдим. Бошим гир айланса ҳам, бу камбағал одамнинг гапларини мушоҳада қилаётган эдим. Университетда таҳсил олганига қарамасдан, у иш топа олмаган эди. Бизнинг мамлакатда ҳам аҳвол шунақалигини таъкидладим.

– Йўқ, бунақа демоқчимасман, – гапимни бўлди у. – Мен темирчи бўлиб ишлаш учун биологиядан воз кечганман. Пўлатга ишлов бериб, атрофга учқун сачратаётган, ўзгача мусиқа оҳангини таратаётган, қизиган темирни сувга ботириб, устахонани буғга



тўлдирган темирчининг ҳаракатлари болалигимданоқ мени ўзига боғлаб қўйган. Биолог сифатида бахтсиз эдим. Сабаби, орзуим оддий темирга маъно бағишлаш бўлган. Шундай кунларнинг бирида Халоскоримни учратдим.

– Халоскор? – ажабландим.

– Шундай десак тўғрироқ бўлади. Ўз ишидан чалғимай, ҳаракатни аниқ бажараётган чумолилар изини кўриб, буни ақл бовар қилмас деб изоҳладим. Қўриқчилар ўзларини қироличага фидо қилишга табиатан тайёр туришади. Ишчилар ўз вазнларидан ўн баробар оғирроқ юкни ташийдилар. Муҳандислар тошқин ва ташқи ҳужумни менсимайдиган ер ости йўллари қуришади. Улар душманларига қарши қонли жангларга киришишади. Улар ўз жамиятлари фаровонлиги учун азоб чекишади. Бироқ ҳеч қачон ўзларига «Буни ким учун қиляпмиз?» деган саволни беришмайди. Одамлар ҳам жамият қуришда чумолиларга тақлид қилишади. Мен ҳам Халоскоримни учратганимча шундай жамиятда ўзимга тешишли ролни ўйнаётган эдим. Юзма-юз келганимда, у мендан «Ўзинг қилаётган ишдан мамнунмисан?» деб сўради.

– Албатта! – дедим унга. – Одамларга фойдам тегяпти.

– Шунинг ўзи етарлими?

– Бу етарлими-йўқми ўйлаб кўрмаган эканман.

У мени такаббур ва худбин бўлишга ундар эди. Унга буни айтдим.

– Эҳтимол, – жавоб берди. – Эркак ва аёл яралгандан буён уларнинг ягона ҳаракати ташкиллаштиришга қаратилган. Сенинг ҳам бор муваффақиятинг шуни такрорлашдан нарига ўтмайди.

– Лекин бугун дунё анча тараққий этган, – дедим.

У тарихдан хабардорлигимни сўради. Ўтмиш қизиқиш доирамдан ташқарида эмаслигини айтдим. У мени саволларга кўмиб ташлади.



– Минг йиллар олдин ҳам осмонўпар бинолар қурганмиз. Пирамидалар бунинг исботи. Ўша вақтда ҳам ибодат ва хатлар йўллашни билганмиз. Биз қулликни бекор қилиб, одамларни ҳафталик ёки жадвалли қулларга айлантиришга муваффақ бўлдик. Барча эришган қулайликларимиз замирида илм ётибди. Аммо ҳали-ҳамон бизнинг саволларимиз ва ҳайратларимиз ота-боболаримизникидан кам эмас. Қисқа қилиб айтганда, биз умуман ўзгарганимиз йўқ.

Уни тинглаб туриб, у Парвардигор томонидан жаннатдан юборилган фаришта ёки Халоскор эканлигини фаҳмладим.

– Унинг айтишича, икки хил удум мавжуд экан. Биринчиси – асрлар давомида такрорланиб, етиб келган қарашлар. Иккинчиси – бизни номаълум сарҳадларга бошловчи ҳаракатлар. Иккинчиси жуда ҳам қалтис ва хавфли. Бу удум тарафдорларининг кўпайиб кетиши чумолилар тизимидан андоза кўчираётган ва қурилиши чўзилиб кетган жамиятимизни хонавайрон қилиши тайин. Шу сабабли иккинчи анъана ер қаърида қарор топибди. Унинг асрлар давомида яшаб келишининг сабаби, тарафдорларининг «белгилар тили»дан фойдаланишидадир.

– Уни нега «Халоскор» деб биласан? – дедим увишган тиззаларимни уқалаб.

– Сабаби у мени ботинан кўра олган эди. Қилаётган ишим қониқтирмаслигини фаҳмлаб, менга йўл кўрсатди. «Қўрқув мени режамда бўлмаган қадамни ташлашдан қайтара олмайди. Чунки мен ўзимга ёқадиган иш билан машғулман. Ҳаётим қизиқарли бўлиши учун шунинг ўзи кифоя», деган эди Халоскорим. Ундан удум тўғрисида чуқурроқ сўраганимда, «Бугун кўпчилик учун нафс ороми ва уй-жой масаласи муҳимроқ. Ҳозирги давр анъанаси – шу. Тўғри анъана эса иш ва



туйғулар ўртасидаги мувозанатнинг тенглигида ва муҳаббатда намоён бўлади», деб жавоб берди.

– Агар биолог бўлганингда ким бўлган бўлардинг?
– сўради Халоскорим.

– Темирчи бўлар эдим. Гарчи уларнинг топган даромади билан кун кечириш қийин бўлса ҳам.

– Ҳаётни моддийлик билан эмас, маъно билан ўлча. Вақти келиб, ёқимли ҳислар сени чулғаб оладики, буни фақат севган касби билан шуғулланганлар билишади.

– Қандай қилиб сен айтган анъана изидан боришим мумкин? – сўрадим ундан.

– Айтганим каби, аломатлар орқали унга эргаш, – деди Халоскорим.

– Ҳар қандай ишни қилишдан олдин шуни ўзинг хоҳлаётганингга ишон. Шунда ҳамма нарса сенга ўзини фош қилади. Парвардигор ҳам она каби ўз бандалари учун қайғуради, ёмонликни раво кўрмайди. Мен шундай қилганим учун ҳам ғалаба қозондим. Бу йўлдаги баъзилар ақлдан озган, масъулиятсиз ва хурофотга берилганликда айбланди. Бурунги замонда одамлар ёрқин тасаввурларини яратишда табиатдан илҳомланишган. Ишораларнинг ўқилиши баҳайбат пирамидалар қурилишига асос бўлди.

– Бу гапларни айтиб, Халоскорим кўздан ғойиб бўлди. Уни бошқа кўрмадим. Шу суҳбатдан кейин кўп нарса ойдинлашди ва кўз олдимда ишоралар аён бўла бошлади. Қанчалик қийин бўлмасин, бир куни оила жамулжам бўлганида бахтсиз эканлигимни, мен темирчи бўлиш учун туғилганлигимни айтдим. Хотиним фикримни маъқулламади.

– Сен лўли бўлиб туғилгансан ва шу туфайли хўрликларга мубтало бўляпсан, – деди у. Ўғлим бу можарони жим тинглади. Чунки у катта шаҳардаги тажриба



лабораторияларидан нафратланар, ундан кўра қишлоқда темирчилик устахонаси очиш тарафдори эди.

Биологик тажрибалар билан бирга темирчилик сирларини ўргана бошладим. Ҳолдан тойсам-да, бахтли эдим. Ниҳоят биологияни бутунлай тарк этиб, ўзининг темирчилик устахонамни очдим. Бошланишида ҳаммаси тескарисига кетди. Аҳвол сезиларли даражада ёмонлашганида ишора намоён бўлди.

Қаршимда ишлов берилмаган пўлат турар, ундан машина ва қишлоқ хўжалик ускуналари учун қисмлар ясашим керак. Буларни яшаш жараёни қандай кечганини биласизми? Олдинига пўлатни чўғдай қизаргунича оловда тутиб турдим. Сўнг зарур шаклга киргунича оғир болға билан шафқатсизларча урдим. Уни идишдаги сувга ботирганимда, устахона буғга тўлди. Хона ҳарорати ўзгарди. Токи ясаётган шакл мукамал тусга кирмас экан, шу жараённи тўхтатмаслигим керак.

Темирчи узоқ вақт сукутга чўмди. Тамакисини тутатиб, яна давом этди.

– Баъзида пўлат ҳам бундай муносабатга бардош бера олмайди. Юқори ҳарорат, болға зарби ва совуқ сув темирни ишдан чиқаради. Бундан ҳеч қачон вал ёки керакли мослама чиқмаслигига амин бўлиб, устахонага кираверишдаги кераксиз темир бўлаклари уюмига улоқтираман.

Яна узоқ сукутдан сўнг темирчи фикрини хулосалади.

– Парвардигор мени зулим-ситам алангасида қийнамоқда. Тақдир пешонамга ёзган зарбаларга қарши ҳимояланганим йўқ. Баъзан қизиган темирни азоблаётган сув каби совуқлашиб қоламан. Дуо қилганимда, Худодан, илтимос, Яратган эгам, қўлимдаги темир парчаси керакли шаклни олишида менга ёрдамлаш. Мени кераксиз қалблар уюмига қўшиб қўйма, деб илтижо қиламан.



Темирчи билан суҳбатимиз яқунланганида тамо-ман сармаст бўлган бўлишим мумкин. Бироқ бу суҳбатдан сўнг ҳаётим ўзгарди. Биз ўрганадиган ҳамма нарсанинг ортида анъаналар ва удумлар ётишини англадим. Ўз ҳукуматим ва сиёсий найрангларни лаънатлашдан кўра, ўзим хоҳлаган иш – одамларни даволаш билан шуғулланишга қарор қилдим.

Зарур дори-дармонлар бўлмагач, маҳаллий аҳолига эргашиб, доривор гиёҳларни ўргана бошладим. Асрлар давомида авлоддан-авлодга мерос бўлиб етиб келаётган синашта даволаш усуллариинг гувоҳи бўлдим. Уларнинг ёрдами билан мен одамларга ўзим хоҳлагандан ҳам кўпроқ ёрдам беришим мумкин. Мени бу ерга бошлаб келган ички куч университет топпирифи ёки ҳукуматга қурол сотишга ёрдамлашиш мақсади эмас. Шифо топган одамларни кўриш мен учун энг олий бахт. Бу ердалигимнинг бош сабаби ҳам шу.

Мен табиатни янада яқинроқдан ўргандим. Ўсимликлар тўғрисида кўпроқ билдим. Британияга қайтгач, шифокорлардан бир саволга жавоб беришларини сўрадим: беморларга дори ёзиб беришда ички сезгига қулоқ тутасизми ёки бунинг учун билимнинг ўзи етарлими? Уларнинг деярли ҳаммаси ички сезгига суянишларини тан олишди. Тўғри, улар даволашнинг янги технологияларидан фойдаланишади. Шунга қарамаздан, улар тўғри муолажа юракнинг қоронғи бир нуқтасида бўлишига ишонишади.

Халоскорим оддий бир темирчи лўли бўлса ҳам, борлигимда мувозанат ўрнатди. Бир йилда ҳеч бўлмаганда бир маротаба унинг қишлоғига боришни одат қилдим. Биз кўпинча ҳаётдаги воқеликларни қачон ва қандай қилиб турлича кўриш мумкинлиги ҳақида гаплашар эдик. Шундай ташрифларимнинг бирида унинг бошқа шогирдларини ҳам учратдим.



Биз тўпланиб, қўрқувларимиз ва уларни енгиш ҳақида суҳбатлашдик.

– Мен ҳам саросимага тушаман, – деди Халоскорим. – Ортимда турган куч донишмандлик эканини ўйласам, олдинга қўрқмасдан қадам ташлайман.

Айни дамда Эдинбургда одамларни даволаб, етарлича маблағ топаяпман. Лондонга борадиган бўлсам, бундан ҳам мўмайроқ пул топишим тайин. Аммо мен ўзимга маъқул иш билан ўзим лозим деб топган ерда шуғулланмоқдаман. Аркан расм-русумларига хос қадимий даволаш усулларини ўрганиб, замонавий тиббиёт билан уйғунлаштираман. Худди шу мавзуда китоб ёзаяпман. Аминманки, ўзини замонавий илмга бағишлаган жамият бу ишимдан бохабар бўлгач, ўзлари журъат қилмаган ишга қўл урганимни эътироф этишади.

Онг – барча касалликларнинг бошланиш нуқтаси, деган фикрга қаршиман. Антибиотиклар инсоният учун катта юксалиш бўлган. Кўричак билан касалланган беморларимнинг онгига «сен соғсан» деган фикрни сингдирганим билан соғайиб кетмаслиги аниқ. Уни жарроҳлик йўли билан қутқариб қолиш мумкин. Ҳар бир қадамни босаётганимда қўрқув ва мардлик менга ҳамроҳ бўлади. Бор маҳорат билан бирга илҳомбахш куч ҳам муҳим. Бу гапларни беморларга айтишда жуда эҳтиёткор бўлишим шарт. Акс ҳолда, менга «жодугар табиб» тамғасини босишлари мумкин.

Ўзимга ишонмаган лаҳзада Буюк Онадан ёрдам сўрайман. У ҳали бирор маротаба ҳам ёрдамини инкор қилмаган. У доимо мени мулоҳазакор бўлишга ундайди. У Афинага ҳам шундай мадад берса ажаб эмас. Аммо Афина эндигина кириб келаётган янги дунё лаззатига батамом маҳлиё бўлиб қолган. Ҳеч кимни эшитгиси йўқ.



*Лондон рўзномаларидан бири, 1991 йил, 24 август.
«Портобелло жодугари»*

Лондон (©Жереми Луттон): «Худога ишонмаслигим бошқа масала. Аввало, художўйларнинг аҳволини кўриб қўйинг!» Ушбу ҳайқариқ Портобелло кўчасида савдогарлик билан шуғулланувчи Роберт Вилсоннинг рўй берган воқеага муносабатидир.

Портобелло кўчаси ўзининг қадимий буюмлар сотиладиган дўконлари билан бутун дунёга машҳур. Айниқса, усти очиқ, кенг майдонда жойлашган Шанба бозори доимо гавжум. Шу кўча ўтган тунда ҳақиқий жанггоҳга айланди. Бу тўполонларни бартараф этиш ва тартиб ўрнатиш учун Қиролликнинг Кенсигтон ва Челси маҳаллий бошқарувларидан эллиқдан ортиқ полиция офицери сафарбар қилинган. Олишув оқибатида беш киши жароҳатланган. Жиддий шикастланганлар қайд этилмаган. Икки соат давом этган бу тўқнашув ортида Иан Бак томонидан уюштирилган намойиш тургани аниқланди. Бак намойишни Англия марказида томир ёйиб бораётган «Иблис мазҳаби» (Бакнинг изоҳи) тарафдорларига қарши уюштирган.

Бакнинг маълумот беришича, охирги олти ой давомида шубҳали кишилар гуруҳи ҳар ҳафтанинг душанба оқшомида йиғилишиб, яқин атрофда яшайдиган аҳоли оромини бузишган. Улар иблис билан алоқа ўрнатиш учун шу кунни маъқул топишган. Маросимларни ўзини донолик маъбудаси Афина номи билан атаган, келиб чиқиши ливанлик бўлган Ширин Халил ўтказиб келган.

«East India» компаниясига тегишли омбор кираве-ришида икки юзтача одам йиғилган бўлган. Охирги ҳафталарда маросимда қатнашиш умиди билан омбор ҳовлисида кўп сонли оломон тўпланган. Бакнинг оғзаки танбеҳлари иш бермагач, маҳаллий газеталарга ёзма шикоятномалар юборади. Улардан ҳеч қандай



жавоб олмагач, Бак ўз диндор қавмдошларини бу ишга жалб қилишга қарор қилади. Улар 1900-йилларда қурилган омбор дарвозаси олдида тўпланиб, «иблис ибодатчилари»ни (Иан Бак изоҳи) ичкарига киритишмайди.

– Шикоятни олишимиз биланоқ, у ерга вазиятни ўрганиб чиқиш учун ўз вакилимизни юборганмиз. Лекин у бу ерда ҳеч қандай ноқонуний ҳаракат амалга ошганини қайд этмаган, – дейди ўз шахсини ошкор қилмасликни лозим топган расмийлардан бири. – Улар шовқин кўтариб, аҳоли ҳаловатини ҳам бузишмаган. Соат ўндан сўнг мусиқа ўчириб қўйилган. Қолаверса, Британия қонунлари ибодат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Иан Бак воқеани бир оз бошқача таърифлади:

– Гап шундаки, бу «Портобелло жодугари» – қаллобликка хуштор бўлган бу аёл ҳукуматнинг юқори доиралари билан таниш. Шу сабабли ҳам полициядагилар чора кўришдан тонишмоқда. Тўғри, биз тамоман эркин жамиятда яшаймиз. Ҳар ким хоҳлаган иши билан шуғулланиши мумкин. Бироқ бу чегарасиз эркинлик демократияни ямламай ютиб, тартибсизликларни келтириб чиқараётганини унутмаслик керак!

Ушбу художўйнинг айтишича, у бошиданоқ бу ерда тўпланувчи одамлардан шубҳаланган. Улар деворлари нураб кетган бинони ижарага олиб, кун бўйи таъмирлашган.

– Уларнинг аллақандай мазҳаб аъзолари эканлиги аниқ. Қолаверса, бу кишиларнинг онглари нотўғри фоялар билан заҳарланган. Акс ҳолда, бугунги дунёда ким кун бўйи текинга ишлаб беради? Мен қавмдошларимдан сўраганимда, улар ёлғиз Исо учунгина бу каби хайр-эҳсонни қилишлари мумкинлигини айтишди, – дейди Бак.

Ҳар душанбадаги каби, Ширин Халил ўғли ва дўстлари билан омборга келганида, Бак бошчили-



гидаги оломон уларни ичкарига киритмайди. Улар норозилик сўзлари туширилган афишаларни баланд кўтариб, овоз кучайтиргич карнайлар билан қолган аҳолини ҳам намойишга даъват қилишади. Бир муддат ўтиб, ҳаракатлар муштлашувга айланади. Иккала томонни ҳам назорат қилишнинг иложи қолмайди.

– Улар гўёки Исонинг тарафдорлари бўлиб кўришишга ҳаракат қилишмоқда. Аслида эса мақсадлари «ҳар бир одам худо» деб ифодаланган Исонинг кўрсатмаларини кишилар онгига мажбурлаб сингдиришидир, – дейди Ширин Халил ёки Афинанинг издошларидан бири, таниқли актриса Андреа Маккейн. Олишув давомида Андреа хоним чап кўзининг устки қисмидан жароҳат олади. Мухбиримиз бу мазҳаб ва актриса ўртасидаги алоқаларни чуқурроқ ўрганиш учун воқеа содир бўлган жойга етиб борганида, Андреа хоним аллақачон жўнаб кетган экан. Ширин Халил беш ёшли ўғлини тинчлантириш билан овора эди. Хонимнинг айтишича, унинг танасида Хагия София ўзини намоён қилиши учун жамоавий рақс зарур бўлар экан. Шунда одамлар ундан ўзлари хоҳлаган саволларга текинга жавоб олишга муваффақ бўлишадди. Маросим охирида ваъз ўқилади ва йиғилганлар Буюк Онага ибодат қилишади. Шикоятлар билан шуғулланган офицер ҳам буни тасдиқлади.

Аниқланишича, Ширин Халил бошчилигидаги гуруҳ муайян номга эга эмас ва хайрия жамияти сифатида ҳам рўйхатдан ўтмаган. Ҳуқуқшунос Шелдон Виялмснинг таъкидлашича, бунга ҳожат йўқ экан.

– Биз эркин мамлакатда яшаймиз. Бундай жамиятда фуқаролар тўпланиб, давлатга зарар етказмайдиган нотижорий фаолият билан шуғулланишлари мумкин. Бунда ирқчилик ёки наркотика билан боғлиқ ноқонуний хатти-ҳаракатлар қайд этилмаса бўлди, – дейди у.



Ширин хоним тартибсизликлар туфайли маросимни тўхтатиб туриш билан боғлиқ таклифларни тамоман рад қилди.

– Ижтимоий тазйиқлар якка шахсга оғирлик қилиши мумкин, – дейди Афина. – Жамоавий қувват эса муаммоларни ҳал этишда ҳар кимга далда беради. Бу ерга йиғилганлар бир-бирларини рағбатлантиришади, холос. Умид қиламанки, газетангиз бизни асрлар давомида исқанжага солиб келган диний камситишларни фош қилади. Биз қилган ҳар қандай иш доимо давлат бирлашмаси ёки давлат тан олган динга номувофиқ келган. Худди бугунги ҳодиса каби бизни йўқ қилишга уринган тажовузлар содир бўлган. Бурунги замонда бизни зиндонга солишган ёки гулханда қуйдиришган. Аммо энди биз ҳам ўз-ўзимизни ҳимоя қила оламиз. Кучга куч билан жавоб берамиз.

Ширин Халил намоийш бошида турган Бакни ўз қавмдошлари онгига таъсир ўтказганликда ва зўравонликда айбламоқда.

Жамиятшунос Артод Леноксинг фикрича, бу каби воқеалар яқин келажакда тез-тез қайд этилар экан. Янги гуруҳлар ва мавжуд динлар ўртасида қонли жанглар келиб чиқиш эҳтимоли бор. «Айни вақтда Марксизм қарашлари жамият орзу-умидларини йўналтиришга ожизлик қилмоқда. Янги дунёда янгича диний қарашлар етилиб келмоқда. Аминманки, дунё 2000 йилга эсон-омон етиб олганида жамиятдаги муносабатларда ҳаётий тажрибалар муҳим роль ўйнайди. Дин эса илгари замондагидек кўмакка муҳтож ожизлар учун паноҳга айланади».

– Биз гувоҳи бўлган бу ҳодиса диний уйғониш эмас! – дейди Ватиканнинг Бирлашган Қиролликдаги ёрдамчи епископи Дом Эваристо Пиаста. – Бу америкаликлар айтган «Янги давр»нинг бир тўлқини. Диний ақидалардан тонадиган, ҳаром ва зинога рухсат



берилган иблисона турмуш тарзидир. Ўтмишдаги ақмоқона қарашлар инсон миясига ўрнашиб, уни ақлдан оздиради. Мана бу ёш аёлга ўхшаган худбин кимсалар молу давлат тўплаш ва шахсий куч-қудратга эга бўлиш мақсадида, кишилар онгига ўзларининг сохта қарашларини жойлайдилар.

Гёте институтининг Лондондаги бўлимида фаолият юритаётган немис тарихчиси Франс Хербет воқеага бошқача муносабат билдирди.

– Мавжуд динлар аллақачон кимлигимизни ва яшашдан мақсадимизни изоҳлаб берган. Улар асосий диққат-эътиборни тамомила ўз ақидаларини ижтимоий ва сиёсий бошқарув тизими билан мувофиқлаштиришга қаратишади. Бу динга путур етказишига олиб келади. Ҳақиқий илоҳийлик истаганлар эса, маълум бир диндан топа олмаган маънавий озуқани бошқа, ўтмишда унутилган динлардан қидириб кўришади, – дейди тарихчи.

Олишув тафсилотлари қайд этилган полиция маҳкамасида сержант Вильям Мортон Ширин Халилга кейинги душанбада йиғилиш ўтказмоқчи бўлса, бугунги каби хунук воқеаларнинг олдини олиш мақсадида полициядан ҳимоя чоралари кўрилишини сўраши зарурлигини уқтирди.

Суратлар Марк Гуилхем томонидан олинган. Қўшимча маълумотлар учун таҳририятга, Андрю Фишга, мурожаат қилинг.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШ, ЖУРНАЛИСТ

Черноблдаги фалокат яна ҳам аянчлироқ бўлиши мумкин эди. Назаримда, ҳукумат бошқа энергетика захираларини тежаб туриш мақсадида, асосий диққат-эътиборини шу ерга қаратган. Украинадан турли-туман тахмин ва фикрлар билан қайтаётиб,



самолётда Портобелло кўчасида содир бўлган воқеа тафсилотлари ҳақидаги репортажни ўқидим.

Тафсилотларни ўқиб, ҳайратдан донг қотдим. Сураатларда ойна синиқлари, дарғазаб Иан Бак ва ўглини маҳкам қучоқлаб кўзида олов чақнаган муштипар она акс этган. Нима бўлганини дарров фаҳмладим. Хунук воқеа баъзи бир ижобий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Гумонларим рост бўлиб чиқишига ишониб, аэропортдан тўғри Портобелло кўчасига йўл олдим.

Ижобий томони шу бўлдики, кейинги душанба йиғилишига яна ҳам кўпроқ одам ташриф буюрди. Бу шу ҳудуд тарихида эса қоларли воқеалардан бири бўлиб муҳрланди. Оммавий ахборот воситалари бонг урган аёлни кўриш учун маҳаллий аҳолидан ташқари, бошқа жойлардан ҳам қизиқувчилар етиб келишган экан. Баъзилар диний бағрикенгликни ва фикр эркинлигини ҳимоя қилиб, ёзувлар туширилган афишалар кўтариб олган эдилар. Учрашув жойи нари борса икки юзта одамни сиғдира олади. Қолганлар эса жабрдийда руҳоний аёлнинг шарпасини кўришдан ҳам умидвор бўлиб, ташқари йўлакларда сиғиб-сиғмай ўтирдилар.

У кўринганида ҳамма уни олқишлади. Кимлардир ёзма хатчалар отди. Бошқалар муаммосини айтиб, ёрдам сўради. Оломон орасидан у томонга гуллар отилди. Ўрта ёшлардаги аёл Афинага аёллар ҳуқуқи ва Буюк Онага ибодат қилиш эркинлиги учун курашда орқага чекинмаслиги кераклигини айтиб қичқирди. Ҳафта давомидаги пўписаларга қарамасдан, маросим иштирокчиларининг сони ошиб кетганлиги аниқ эди. Маросимда давлатга қарши ҳеч қанақа қарши фикр билдирилгани йўқ. Ҳаммаси одатдагидек ўтди. Тўпланганлар рақсга тушишди. Хагия София (бу вақтга келиб у Афинанинг бошқа қиёфаси эканлигини билиб олган эдим) билан суҳбат бўлиб ўтди. Аъзолардан



бири омборхонани ижарага беришга рози бўлганди. Ваъздан олдин шукрона ўтказиш урф эди.

Ваъз давомида Афинанинг ўзини тутиши, гап-сўзлари тамоман ўзгарди. Уни бошқа киши бошқараётгандек эди.

– Барчамизга юклатилган олий вазифа, аввало, севишдир. Барчамиз у бизда ўзини намоён қилишига йўл беришимиз лозим. Қора куч яқинлашаётганда улардан қўрқмаслигимиз шарт. Бунга ҳаққимиз ҳам йўқ. Чунки, айти шу куч бизни «гуноҳ» деган лаънатга шерик қилиб, юрак измини унга топширади. Биз билган Исо Масиҳ хиёнатда айбланаётган аёлга юзланиб, «Сени бошқа эркаклар айблашмаяптими? Демак, мен ҳам сени айбламайман», деган. У Муқаддас Яқшанбада беморларни даволаган. Фоҳишаларга оёғини ювишларига рухсат берган. Ҳаттоки ўғрига ҳам жаннат лаззатларини ваъда қилган. Унинг айтишича, биз фақат бугун учун яшашимиз керак.

– Гуноҳ ўзи нима? Муҳаббатга тўсқинлик қилиш ҳам гуноҳ. Биз янги бир даврга кириб бормоқдамиз. Бу даврда биз жамият мажбурлаган эмас, ўзимиз танлаган йўлдан юришга ҳаққимиз. Керак бўлса, ўтган душанбадаги каби йўлимизни тўсмоқчи бўлганларга қарши курашамиз. Ҳеч ким бизни сукут сақлашга ёки юрагимизни тегиб туришдан тўхтатишга мажбурлай олмайди.

Ҳамманинг кўз олдидаги аёл секин-аста маъбудага айланиб бораётганига гувоҳ бўлаётган эдим. У фикрларини эътиқод билан баён қилди. У тўғри айтди: биз янги дунёга кираяпмиз. Буни кўриш учун мен ҳам яшаган бўлар эдим.

Кириб келганида қанчалик олқишлаган бўлишса, у омборхона ҳовлисида чўчиб кетаётганида ҳам қийқириқлар авжига чиқди. У оломон орасида мени кўриб,



олдига имлади. Мени соғинганлигини айтди. У бахтли кўринди. Ўзи қилаётган ишдан кўнгли тўқ эди.

Воқеалар ривожи билан боғлиқ таҳлил хулосалари хато чиқишини қанчалик хоҳламай, буларнинг ростлиги аён бўла бошлади. Матбуотда Портобелло воқеасининг салбий хусусиятлари билан боғлиқ мақолалар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек потирлаб кўпайиб кетди.

Афинанинг рақиби давлат ишониб лавозим тошпирган кишилардан. Демак, ҳукуматнинг ҳар жабҳасида унинг таниш-билишлари борлиги тайин. Туҳмат ва одамлар онгини заҳарлашда айбланаётган жаноб Бак бегуноҳлигини асослаш мақсадида матбуот конференцияси ташкил қилди.

Бир куни бош муҳаррир ўринбосари мени хонасига чақиртирди. У можаролар марказидаги бош қиёфа билан дўстона муносабатда эканлигимдан хабардор. У газета учун Афина билан махсус суҳбат уюштиришимни таклиф қилди. Ундан нафратланиб кетдим. Гўёки у дўстлигимни газетанинг обрў-эътиборига алишишни таклиф этди.

Менга бу масалани чуқурроқ изоҳлаб бергач, фикрим ўзгарди. Бу менга фавқулоддаги фикр бўлиб туйилди. Афина ўзи курашаётган нарсани газета орқали одамларга тушунтириб бериш имкониятига эга бўлиши мумкин. Муҳаррир ўринбосари билан келишиб, бир қатор мавзулардаги мақолаларни кетма-кет чоп этадиган бўлдик. Мисол учун, одамларнинг эътиқодий танловлари давомида жамиятда рўй бераётган улкан ўзгаришлар ва пайдо бўлаётган йўналишлар ўқувчилар учун қизиқ бўлиши турган гап. Бу каби мавзудаги мақолаларнинг бирортасида Афинанинг ҳам қарашларини баён қилишим мумкин.

Ўша куниёқ уникага бордим. Аммо уни топа олмадим. Қўшнилариининг айтишича, ўтган куни унга



суддан чақирув қоғози келган экан. Бироқ бу жавобсиз қолдирилган.

Бир оздан сўнг уйига яна қўнғироқ қилдим. Жавоб бўлмади. Ҳар ярим соатда тобора ташвишланиб қўнғироқ қилавердим. Хагия София мени уйқусизлик касалидан фориф қилган бўлса ҳам, хавотирланганимдан шу тунда кўзимга уйқу келмади.

Телефон рақамлар ёзилган дафтарчамдан унинг ота-онаси турадиган уйнинг телефон рақамини топдим. Лекин қўнғироқ қилган тақдиримда ҳам Афина у ерда бўлмаса, бутун оилани ташвишга қўйишим мумкинлигини ўйлаб фикримдан қайтдим. Нима қилиш керак? Бирор бир янгиликдан умид қилиб телевизорни ёқдим. Лондон ҳақли ўша-ўша: ажабтовур ва таҳликали эди.

Охирги маротаба Афинаникига қўнғироқ қилиб кўришга қарор қилдим. Узун-узун чақирув овозининг учинчисидан кейин кимдир гўшакни кўтариб жавоб берди. Андреанинг овозини шу заҳотиёқ танидим.

– Сенга нима керак? – сўради у.

– Афина мендан у билан алоқада бўлишимни сўраган. Ҳаммаси жойидами?

– Ҳаммаси жойида ва жойида эмас. Аммо, ўйлашимча, сен ёрдам бера олган бўлардинг.

– Афина қаерда?

У ҳеч нима демасдан гўшакни қўйиб қўйди.

ДЭДРЕ ОЪНЕЙЛ, ЭДДА НОМИ БИЛАН МАШҲУР

Афина уйимдан унчалик узоқ бўлмаган меҳмонхонага жойлашди. Лондонда рўй берадиган маҳаллий воқеалар, кичик келишмовчиликлар Шотландиягача етиб келмайди. Бизнинг байроғимиз, ўз футбол жа-



моамиз бор. Тез орада ўз парламентимизга ҳам эга бўламиз.

Афина дам олиши керак. Шу боис кун бўйи уни безовта қилмадим. Кейинги тунда кичкина ибодатхонага бориш ўрнига, уни Эдинбург яқинидаги тўқайзорга олиб чиқдим. Шу ерда ўғли дарахтзор оралаб чопқиллаб юрган паллада, у менга бўлган воқеани икир-чикиригача айтиб берди.

Уни диққат билан тингладим. У гапиришни тугатгач, сўз бошладим.

– Биласанми, осмонни булутлар қоплагани учун кун ҳам тунга ўхшаб қолади. Одамлар қора булутлар ортида Ернинг эгаси – Парвардигор борлигига ишонишади. У бандалари тақдирининг йўлбошчисидир. Ўғлингга назар ташла, оёғинг остига боқ, атрофдаги овозни тингла! Биз Онанинг бағридамиз. Болаларга шавқ улашаётган ҳам, танасидан бизга қувват бераётган ҳам У. Нега инсон доимо ўзидан узоқда, самода бўлган нарсаларга ишонади-ю, қаршисидаги мўъжизаларни унутиб қўяди?

– Бунга жавоб беришим мумкин, – деди Афина. – Сабаби самода донишмандлиги биз учун тилсимга айланган, булутлар ортига яширинган, буйруқлари билан бизни бошқарувчи кимдир бор. Ерда эса биз ғайритабиий воқеликлар билан бемалол жисмоний алоқа ўрната оламиз. Ўзимизни эркин ҳис қиламиз. Кейинги қадамни қаерга босишни ўзимиз ҳал қиламиз.

– Тўшпа-тўғри! – уни қувватладим. – Аммо одамлар шуни хошлашади, деб ўйлайсанми?

– Менимча, ҳа. Ҳозир турган замин мени бир қанча эътиқод билан рўбарў қилди. Трансильваниядаги қишлоқдан то Ўрта Шарқ шаҳарларигача, у ердан яна бир оролгача, бу оролдан саҳрога ва яна Трансильванияга бўлган сафарлар эътиқодим учун катта мактаб бўлди. Шаҳар банкидан то Форс кўрфазиддаги кўчмас



мулк олди-сотдисигача, жамоавий рақсдан то бадавий чолникигача ташлаган қадамларим мобайнида ҳар қачон «Йўқ» дейишим керак бўлган жойда «Ҳа»дан фойдаландим.

– Хўш, буларнинг бари сенга нима берди?

– Бугунга келиб мен инсонлар табиатини ўқий оладиган даражага кўтарилдим. Қалбимда Она билан суҳбатлаша оламан. Ўзим курашаётган мақсадимдан бохабарман. Ҳозир ҳаётимда маъно борлигини ҳис қилаяпман. Нега мендан буни сўрадинг? Сен ҳам одамларни даволаш сир-асрорларини ўзингда қайта кашф қилгансан-ку. Андреа келажакни кўра оляпти ва руҳлар билан суҳбат қурыпти. У маънан баркамолликка эришиши мобайнида устоз сифатида мен ҳам ундан кўп нарсани ўргандим.

– Яна нимага эришдинг? – сўрадим Афинадан.

– Тирикликдан завқланишни ўргандим. Шу ердалигимдан ва ҳар бир зарранинг мўъжиза эканлигидан хабар топдим.

Дарахтзор оралаб ўйнаб юрган болакай йиқилиб тушиб, тиззасини шилиб олди. Афина беихтиёр унга томон чопди ва ярасини силаб-сийпаб ўғлини тинчлантирди. Бола ҳеч нима бўлмагандек яна чопқиллаб ўйнаб кетди. Буни бир ишора деб билдим.

– Ҳозиргина ўғлингда содир бўлган ҳолат менда ҳам бўлган. Сен ҳам буни бошингдан ўтказмоқдасан, тўғрими?

– Тўғри. Лекин мен ўзимни қоқилдим ва йиқилдим, деб ўйламайман. Мен синовдан ўтмоқдаман, холос. Тез орада ташлашим керак бўлган кейинги қадамим аён бўлади.

Бундай вақтда устози ўз шогирдини фақатгина дуо қилиши керак. Устоз шогирдини жабрланишдан озод қилишга ҳаракат қилса ҳам, аслида шогирд бусиз ҳам иштиёқ билан қадам ташлайди. Тўқайга тунда ҳам



келишни таклиф қилдим. У ўғли ҳақида қайғурди. Мен бунинг йўлини топа олишимни айтдим. Ажойиб қўшним бор. Ундан ниманики илтимос қилмай, боши кўкка етади. Виорелга меҳрибончилик қилишдан у фақатгина хурсанд бўлиши мумкин.

Кеч тушиши билан тўқайга яна қайтдик. Йўл-йўлакай биз ўтказмоқчи бўлган анъананинг аҳамиятсизлиги ҳақида суҳбатлашдик. Афина мени соч тўкадиган янги мумдан фойдаланаётганимдан хабар топди. Олдингиси билан қандай фарқи борлигини билишга қизиқди. Биз олифталик, мода, кийим-кечак сотиладиган арзон жойлар, аёл хулқи, соч турмаклари хусусида суҳбатлашдик.

– Модомики, қалб кексаймас экан, булар ҳақида нега қайғуришимиз керак, ҳайронман, – деди у.

Баъзан шу каби оғзаки мавзуларда суҳбатлашиб ҳам дам олиш мумкинлигини тушуниб етди. Ташқи қиёфа аёл ҳаётидаги жиддий масала бўлиб қолмоқда. Эркаклар ҳам ушбу масалага жиддий эътибор қаратишади. Аммо буни улар биз каби дангал намойиш қилишмайди.

Ўзим танлаган ёки менга аталган жойга яқинлашгач, вужудимда Онанинг намоён бўлаётганини ҳис қилдим. Ички сирли лаззатдан завқлана бошладим. Мавзуни ўзгартириш керак.

– Гулхан учун бир оз ўтин тўпла, – дедим Афинага.

– Лекин жудаям қоронғи-қу?

– Гарчи булутлар ойни тўсиб турган бўлса-да, бу ерда етарли ёруғлик бор. Кўзларингни ишга сол. Улар сен ўйлаганингдан ҳам кўра яхшироқ кўриш учун яратилганлигига ишон.

У мен айтганимдек қила бошлади. Баъзан тиканак тирнаган қўлларини ишқалаб, пичирлаб сўкинарди. Ярим соат мобайнида гаплашмадик. Онанинг шу ердалигидан ва инсон тафаккури учун баъзан эриш



туйилган бу эътиқод қидирувида менга ишонган ва ҳамроҳ бўлган аёлнинг ёнимдалигидан ҳаяжонга тушдим.

Афина ҳали савол ва жавоблар босқичида. У тушуннишга ҳаракат қилмоқда. Худди тонгда берган жавобидек, бошқа сирлар ҳам унга аён бўлиб бораяпти. Қачонлардир бу менинг бошимдан ҳам ўтган. Синоат оламига кириб боргунимча, кўп саволлар идрокимни таажжубга солган. Мушоҳада, шукрона, ибодат ва Парвардигор тухфа этган қобилиятни тан олиш ҳар қандай жумбоқнинг асосини топиб беради.

Ўтин йиғаетган Афинада ўзимнинг ёшлигимни – яширин қудратни излаб юрган қизни кўрдим. Ҳаёт менга тамомила бошқа нарсани ўргатди: қудрат аслида яширин бўлмаган ва бунинг сири одамзодга анча илгари маълум бўлган. Етарли ўтин йиғилгач, ундан ўтиришини сўрадим.

Каттароқ ўтин бўлақларни олиб, гулханнинг тепа қисмига териб чиқдим. Ҳаётда ҳам худди шунақа. Катта ўтин бўлаги ёниши учун гулхан яхшироқ аланга олиши керак. Инсон ҳам имконияти ва камчилигини билмасдан туриб, ўз ҳаракатига эрк бера олмайди.

Аллақачон маълум бўлган қудрат ва жумбоқ сирларини тушуниш учун биз ўзимизни қўрқувдан халос қилишимиз лозим. Мулойим шамол эсиб, булутлар ортидаги ойнинг хира нури ёғилиб турган, овчининг иштиёқини қитиқлаб хониш қилаётган қушлар овози жаранг сочган, тинчлик ҳукм сурган ўрмон сарҳадларига кириб бормоқдамиз.

Оловни ёқдим.

Иккаламиз ҳам сукут сақлашни лозим топдик. Биз аланглаб рақсга тушаётган гулхандан мушоҳада қидиряпмиз. Гарчи замонавий иситиш тизимига эга бўлса-да, одамлар ўзларини гулхан атрофида йиғилиб, суҳбатлашишдан тўхтата олишмайди. Чунки



улар гулханда бирор бир белгини ўқишдан умидвор бўлишади.

– Шогирдингнинг аҳволи қанақа? – сўрадим Афинадан.

– Бирор нима дейиш қийин. Аммо унинг борлиги яхши. Акс ҳолда ўрганишим керак бўлган нарсаларни ўргана олмас эдим.

– У ўзида қандай қобилиятни кашф қилди?

– Ёнма-ён борлиқдаги мавжудотлар билан суҳбатлашашти.

– Худди сен Хагия София билан гаплашганинг каби, шунақами?

– Йўқ. Яхши биласанки, Хагия София Буюк Онанинг мендаги қиёфасидир. Андреа эса кўринмас кучлар билан гаплашади.

Буни билар эдим. Аммо ишончим комил эмас эди. Афина одатига зид равишда кўпроқ сукутга чўмди. У Андреа билан Лондонда рўй берган воқеани таҳлил қилганми, йўқми буни билмайман. Аммо бу аҳамиятсиз. Ўрнимдан туриб, ўзим билан олиб келган сумкамдан қўлда тайёрланган гиёҳларни чиқариб, оловга сочдим.

– Олов сўзга кирди! – деди Афина.

Демак, мўъжизалар унинг ҳаётининг бир қисмига айланиб бормоқда.

– У нима ҳақида гапиряпти? – сўрадим.

– Ҳозирча жуда ҳам шовқин, – жавоб берди Афина.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас у оловдан келаётган куй оҳангини эшитди.

– Бу мўъжиза-ку! – ҳайратини яширолмади Афина.

Бу аёл ёки онанинг таажжуби эмас эди. Бу дунёни энди англаб етаётган кичкина қизалоқнинг ҳайрати.

– Қандай бўлсанг, шундайлигингча қол. Ўзгаришга ҳаракат қилма. Менга эргашишга ҳаракат қилма. Дам ол ва ўзингни яхши ҳис қил. Бу барчамиз баъзан ҳаётдан умид қилишга ҳақли бўлган ҳолат.



Гулхан ёнида тиззамда чўкиб, ундан қизил чўғ олдим. Афинанинг атрофида айланиб, доира чиздим. Киришим учун озгина жойни очиқ қолдирдим. Бизни бағрига олган замин билан тиллашиш учун, борлиқни поклаётган олов билан суҳбатлашиш учун Афинанинг атрофида айланиб рақсга туша бошладим. Оловдаги оҳанг ўчгунигача рақсга тушдим.

Аланга сўнғач, кул олиб Афинанинг боши узра сочдим. Сўнгра ўзим чизган доирани оёқларим билан супуриб ташладим.

– Раҳмат, – деди у, – ўзимни севилган, ҳаммага керак ва ҳимояланган ҳис қилдим.

– Қийин дақиқаларда шу ҳиссиётни эсла.

– Энди мен эътиқодимни топганга ўхшайман. Қийин дамлар ортда қолди. Олдимдаги ягона вазифа қаноат қилишдир. Тўғрими?

– Ҳа, – дедим. – Қаноатланиш ҳаммамизнинг вазифамиз.

– Яна қандай қийин дамлар бўлиши мумкин?

Афина иккилана бошлади.

– Бу сўрашга арзимайдиган савол. Ҳозиргина айтган гапингни эсла: сен севиклисан ва ҳимоялангансан.

– Қўлимдан келганича ҳаракат қиламан.

Унинг кўзлари ёшга тўлди. Афина жавобимни тушуниб етди.

САМИРА ХАЛИЛ, УЙ БЕКАСИ

Ўзимнинг неварагинам! Ахир, ёш гўдаккинанинг нима айби бор эди? Қандай дунёда яшаймиз, ўзи?

Наҳотки ҳали-ҳануз жодугарлик борлигига ишонувчи ўрта асрларда яшаётган бўлсак?

Виорелнинг бурни қонаб, юзи қонталаш бўлиб кетибди. Жон ҳолатда у томонга чопдим. Афтидан, у



хавотир олаётганимга эътибор қилмасди. Мени итариб, ташвишланмаслигимни сўради.

– Мен ўзимни қандай ҳимоя қилиш кераклигини биламан ва буни уддаладим ҳам! – деди у.

Эҳтимол, вужудимда шаклланаётган гўдак ҳаракатларини ҳеч қачон ҳис қилмагандирман, лекин мен учун бола қалбини тушуниш қийинчилик туғдирмайди. Афинадан ҳам кўра, кўпроқ Виорелдан ташвишда эдим. Бу муштлашув у ҳаётда дуч келиши тайин бўлган курашларнинг бошланиш палласи эди. Ҳайратланарлиси – унинг нигоҳларида ғурур ва ифтихор чақнаб турибди!

– Мактабдаги тенгдошларимнинг айтишича, ойим иблисга ибодат қилар экан!

Бир оз ўтиб, Ширин етиб келди. Ўғлининг аҳволини кўриб, ҳовлиқиб қолди. У мактабга бориб, ўқитувчи билан гаплашиб кўрадиган бўлди. Уни бағримга босдим. Тўйиб-тўйиб йиғлаб, ичидаги тушкунликдан халос бўлишга йўл бердим. Бундай вазиятда энг маъқул чора сукут сақлаш ва шу жимликда оналик муҳаббатини ифода этишдир.

Ширин тинчлангач, ундан уйга келишини, биз билан бирга яшашини сўрадим. Шунда ҳаммамизга ҳам яхши бўлар эди. Отаси у ҳақидаги гап-сўзларни ўқиши биланоқ, бир қатор ҳуқуқшуносларга учраб, гаплашиб кўрди. Биз уни бу вазиятдан қутқариб қолишга қодирмиз. Ота-она меҳри қаршисида қўшниларнинг фисқу фасоди, биродарларнинг истеҳзоли қараши ва сохта мадади аҳамиятсиз бўлиб қолади.

Мен учун дунёда қизимнинг бахтидан муҳимроқ нарса йўқ. Гарчи у нега доимо машаққатли ва изтиробли эътиқод орқасидан эргашишини тушунмасам ҳам, Шириннинг бахти менинг хотиржамлигимдир. Сабаби она тушуниши шарт эмас, у севиши ва ҳимоя қилиши керак, холос. Ўрни келганда, фарзанди билан



фахрланиши керак. Бизнинг ота-оналик бурчимизни рад қилган ҳолда, ҳаётда қоқилди ҳам, йиқилди ҳам. Бироқ, умр тўфонига қарши ёлғиз курашиш фикридан қайтгани йўқ. Туққан онасини қидириб топиши, бир қанча ишларга қилган таваккали ва бошқа курашлар уни бизга яқинлаштирди. У ҳеч қачон маслаҳатимга қулоқ тутмади. Ўқишни ташлаб кетди, турмушини тикламади. Унга жамиятда ўрнатилган қонун-қоидалар чегарасидан чиқмасликни қайта-қайта таъкидлаганман. У қулоқ солмади. Оқибатини эса кўриб турибмиз.

Қизимнинг бошидан ўтказганларини кўриб, инсон сифатида анчайин улғайдим. Тўғриси, Она маъбудаси ёки қизимдаги ўзидан қониқмаслик ҳисси ҳақида ҳеч нимани тушунмайман. Чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрсам, мен ҳам у каби яшашни хоҳлар эканман. Гарчи ёшим бу мақсадимга зид келса ҳам.

Ширинга бирор нима тайёрлаб бериш ниятида кўзғалмоқчи бўлганимда, у мени тўхтатди.

– Бир оз бағрингизда тин олсам дейман. Мен муҳтож бўлган ором ҳам шу аслида. Виорел, бориб телевизор томоша қилиб тур. Бувинг билан гаплашиб олмақчиман.

Виорел онаси айтгандек қилди.

– Сизни ҳам қийнаб юбордим.

– Унчалик эмас. Аксинча, сен ва Виорел ҳаётдаги бор қувончимизнинг сабаби ва умримизнинг мазмунисизлар.

– Лекин мен...

– Қандай бўлса, шундайлигидан хурсандман. Тан оламанки, баъзида сени ёмон кўриб кетган вақтларим ҳам бўлди. Болалар уйидаги аёлнинг гапига кириб, бошқа болани танламаганлигимга пушаймон қилдим. Ўз-ўзимдан она қандай қилиб ўз қизини ёмон кўриши мумкинлигини сўрадим. Тинчлантирувчи ҳақдори



ичиб, дўстларим била бридж (тўрт кишидан иборат, икки гуруҳдан бўлиниб ўйналадиган қарта ўйини) ўйнадим. Харидга чиқиб, вақтичоғлик қилдим. Сенга бераётган меҳрим ва кўрсатаётган эътиборимга жавоб қайтмаётганлигини унутиш учун ҳам шундай қилдим.

– Бир неча ой илгари сенга ҳам давлат, ҳам нуфуз олиб келган ишингдан воз кечаётганингни эшитиб, тамоман умидсизландим. Маҳаллий черковга бориб, Яратгандан йўлингни топишингда, ҳаёт тарзингни ўзгартиришингда ёрдам беришини сўраб ёлвордим. Бунинг учун бор-будимни алишишга тайёр эдим.

Муқаддас Марям ва унинг бағридаги Фарзанддан кўз узмадим. «Сен ҳам онасан, – дедим унга, – ва аҳволимни ҳаммадан ҳам кўра яхшироқ тушунсанг керак. Ниманики сўрасанг, беришга тайёрман. Фақатгина боламни асраб қол. У ўз ҳаётини вайрон қиляпти!»

Ширин мени яна ҳам қаттиқроқ қучоқлаганини сездим. У йиғлаётган эди. Аммо бу кўз ёши бошқаларига умуман ўхшамайди. Бу кўз ёш отилиб чиқаётган қалбнинг эгаси мени англаб етган эди. Иложи борича ҳиссиётларим устидан назоратни ушлаб туришга тиришдим.

– Ўша лаҳзада нимани ҳис қилганимни биласанми, қизим? Муқаддас Марям менга гапирди. «Мени эшит, Самира, – деди у. – Мен ҳам сенинг аҳволингга тушганман. Менинг ўғлим ҳам менинг айтганларимга қулоқ тутмагани учун йиллаб азобланган. Унинг хавфсизлигидан ташвишландим. Атрофдаги дўстларидан кўнглим тўлмади. У қонунларни, анъаналарни ва динни рад қилди». Мени тушуняпсанми, Ширин?

– Ҳа, охиригача эшитишни истайман.

– «Ўғлим мени тингламади. Айни пайтда у менга қулоқ тутмаганлигидан хурсандман», деб гапларига хулоса ясади Бокира Марям.



Уни мулойимлик билан қучоғимдан бўшатиб, ўрнимдан турдим.

– Сизлар бирор нима тамадди қилишингиз керак.

Ошхонага кириб, пиёзли шўрва тайёрладим. Нонни бир оз иситиб, дастурхон ёздим. Биргалашиб тушлик қилдик. Биз аҳамиятсиз, лекин бизни бир суҳбат атрофида жипслаштирадиган мавзулардан гаплашдик. Бундай дақиқаларда гарчи ташқарида бўрон дарахтларни илдизидан суғуриб, кўчаларни тўзғитаётган бўлса ҳам, биз бирга эканлигимиздан, шодлигимизни бир-биримиз билан баҳам кўраётганлигимиздан лаззатланамиз.

– Сиз ҳам мен учун ҳар нарсага тайёрсиз, шунақами, ойижон? – сўради Ширин.

Бу айни ҳақиқат. Керак бўлса, ҳаётим ҳам унинг бахтли бўлиши учун арзимас қурбонликка айланади.

– Нафақат сенга, балки Виорел учун. Ёки бунга ҳақли эмасманми?

– Менимча, бу оналик туйғуси. Лекин оналик ўз йўлига. Бу фидойилик муҳаббат борлигининг рад этиб бўлмас исботидир.

Она сифатида, унинг иштаҳа билан овқатланишидан ҳам ўзимда мамнунлик ҳис қилдим.

– Сен ҳақингда тарқалган ёлғон-яшиқларга қарши отанг ҳам ёнингда туриб, курашишдан бахтиёр бўлишини билсанг керак?

– Албатта! Ахир, биз ягона оиламиз.

Қанча уринмай, аммо ичимдагиларни унга айтишдан ўзимни тия олмадим.

– Биласанми, жон қизим, сенга айтмоқчи бўлагн гапларим бор. Нуфузли дўстларинг борлигини яхши биламан. Мисол учун, ҳалиги журналист. Нега ундан ўзинг ҳақингда ёзишини сўрамайсан? Ҳақлигингни фақат ўзинггина исботлай оласан. Ҳамонки матбуот тинмай анави художўй ҳақида ёзаётган экан, одам-



лар ҳам охир-оқибат унинг ҳаракатлари тўғрилигига ишониб қолишади.

– Сиз ҳам мен учун қайғуряпсиз. Демак, сиз мени тўғри иш қилаётганимга ишонасиз.

– Ҳа, Ширин. Гарчи сени тушунмасам ҳам. Биби Мария каби азоблансам ҳам, гарчи сен дунёга муҳим хабар олиб келган Исо Масиҳ бўлмасанг ҳам, барибир, мен сен томондаман. Сенинг галабангни кўришни хоҳлайман.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШДА, ЖУРНАЛИСТ

Портобеллодаги тартибсизликлар ҳамда «Маъбуданинг туғилиши» сифатида эътироф этилаётган шов-шувларни қандай қилиб матбуотнинг муваффақиятли мақолаларига айлантириш хусусида бош қотираётганимда, Афинанинг ўзи мени қидириб топди. Бу фавқулоддаги воқеа эди.

«Бу сизнинг қўлингиздан келади. Буюк Она сизга йўл бошлашига имкон беринг. Муҳаббатнинг борлигига ишонинг, шунда мўъжизалар рўй беради!» Омборхонада йиғилганлар Афинанинг бу фикрларига олқишлар билан жавоб қайтаришди. Аммо ҳисобли вақтларининг занжирбандига айланган бу одамлар олқишининг ҳаёти жуда ҳам қисқа. Хоҳишни эркин қўйиш кишидан улкан жасорат талаб қилади. Бу охир-оқибат зулм ва жафо келтиради.

– Мен ҳақимда ёзишингни истаيمان, – деди қаршимдаги аёл, худди истагимни сезгандек.

Мақсадим билан уни таништирдим. Бу каби воқеалар ҳафта ўтмасданоқ одамлар хотирасидан фаромуш бўлишини, келаси ҳафтадан биз матбуотда унинг қарашларини чиқара бошлашимизни тушунтирдим. Шунга қарамасдан, бугунданоқ ҳодисанинг баъзи бир жиҳатларига ойдинлик киритишни бошлаш лозим.



– Айни дамда бу гап-сўзлар ва фисқу фасод шу атрофдаги одамлар ҳамда олди-қочди рўзномалар учун қизиқ. Кўзга кўринган бирор бир газета бу воқеа ҳақида ҳали лом-мим демади. Лондонда бу каби янгиликлар анқонинг уруғи эмас. Гуруҳ уч ёки икки ҳафта йиғилмаса яхши бўлар эди. Аммо айтишим мумкинки, агар биз маъбуда масаласига жиддийроқ муносабатда бўлсак, кўпчиликда ўз-ўзидан сўраши керак бўлган саволлар туғила бошлайди.

– Бир куни сен менга кечки овқат маҳали севишингни айтган эдинг. Энди эса сен нафақат мендан ёрдамингни қизғоняпсан, балки мендан ўзим севган ишдан воз кечишимни сўрамоқдасан.

Афинанинг бу сўзларини нима деб тушуниш мумкин? Ҳаётимнинг ҳар лаҳзасида ҳамроҳлик қилган, мен ўша кун тунда изҳор қилган севгимни ниҳоят қабул қилганлигига шама қиляптимики? Ливанлик шоир Халил Гиброннинг айтишича, бу каби муносабатларда олишдан кўра, бериш кўпроқ аҳамиятли экан. Лекин бу сўзлар ҳикматдир. Мен эса ожизлигим, беқарорлигим, беташвиш яшаш илинжим, туйғуларимга қуллигим, севгим хайрихоҳлиги билан ҳисоблашмай туриб «инсонийлик» деб аталган оламнинг бир бўлагиман. Афина менга уни севишимга рухсат берса кифоя. Хагия София мен томонда бўлган бўлар эди. Афинанинг ҳаётимга кириб келганига икки йил бўлди. У ўз қарорини ўзгартирмай, менга бўлган эътиборсизлигини давом эттириши ва шу тахлит ғойиб бўлишидан қўрқар эдим.

– Муҳаббат ҳақида гапиряпсанми?

– Сендан ёрдам сўраяпман, – деди у кўзларимга тикилиб.

Бундай вазиятда нима қилишим керак? Мулоҳазалардан адашмаслик учун диққатни бўлмаслигим муҳимми ёки уни бағримга босиб, барча хавфлардан ҳимоя қилишим керакми?



Бошимда «Сени севишимдан ташвишланмайсанми?» деб сўраш фикри туғилди. Бироқ мен бу фикримдан воз кечдим.

– Сенга ёрдам беришни хоҳлайман. Менга ишон. Дунёда қандайки, илож бўлса, уни топишга тайёрман.

Бош муҳаррир ўринбосари мендан шов-шувларга сабаб бўлаётган янги маъбуда тўғрисидаги гап-сўзларга ойдинлик киритиш мақсадида, мақолалар эълон қилишимни сўраётганини айтдим. Буларни ҳеч ким Афиначалик аниқ ва тўғри изоҳлай олмаслигига урғу бердим. Бошида бу каби мақолаларни чоп этишга шошган бўлсам-да, энди бир оз кутиш керак, деган тўхтамга келдим.

– Сен ёки ўзингни ҳимоя қилишинг ёки вазифангни давом эттиришинг лозим. Ўзинг биласан, мен ҳам, одамлар олдида тез-тез чиқишлар қилишинг эмас, балки сен қилаётган ишнинг моҳияти аҳамиятлироқ. Тўғрими?

– Ҳозир мени кўпроқ ўғлимнинг аҳволи ташвишга соляпти. У мен туфайли деярли ҳар куни мактабида муштлашяпти.

– Бу ўтиб кетади. Ҳафта ўтмасданоқ унутилади. Ундан кейин ҳаракатни бошласак бўлади. Бунда сени ҳимоя қилиш ҳам шарт эмас. Сен бошлаган ишни оммавий равишда ишонч ҳамда донолик билан одамлар онгига етказамиз.

У индамай мени тинглади.

* * *

Келаётган душанбада у билан биргаликда гуруҳ йиғилишига бордим. Мен энди оломон орасидаги оддий томошабин эмасман. Афина каби мен ҳам одамларни юқорироқдан кузатиб турибман.

Омборхона йиғилганлар билан лиқ тўла. Саҳна гулларга тўлди. Олқишлар садоси қадимий иншоотни



зириллатиб юборди. Ёш бир аёл Афинани «роҳиба» деб атади. Дид билан кийинган 3-4 аёл одамлар ора-лаб, ўзларига йўл очиб Афина томонга шошардилар. Афтидан, оиладаги кимдир касалликка чалинган кўринади. Оломон тобора биз томонга сурилар, кириш эшиги одам билан ёпилиб қолди. Биз хавф-сизлик ходимларига муҳтож бўламиз, деб ҳеч қачон ўйламаганмиз. Бу ҳолдан хавотирга туша бошладим. Афинанинг қўлидан тутиб, Виорелни кўтариб олдим. Ичкарига кирдик.

Ичкариги хонада асабийлашган Андреа бизни ку-таётган экан.

– Менимча, сен бугун уларга ҳеч қандай мўъжиза кўрсатиш ниятинг йўқлигини айтишинг керак! – Афинага ўшқирди у. – Сен уларнинг олқишларига учиб, кеккайиб, ақлдан озяпсан. Нега Хагия София уларга бу ердан кетишлари кераклигини айтмаяпти?

– Сабаби шуки, у бу хаста одамларнинг дардига ташхис қўя олади! – жавоб қилди Афина. – Бундан қанча кўп одам шифо топса, шунча яхши.

У яна бир нима демоқчи бўлди-ю, аммо тўпланган-ларнинг ҳайқириғи уни ташқарига судраб чиқди. У ўзи билан олиб келган магнитофонини ёқди. Одамларга мусиқа оҳангига номувофиқ ҳаракат қилишлари ке-раклигини тушунтирди. Шу тахлит маросим бошланди. Бир оз ўтиб, Виорел бурчакдаги ўринга бориб ўтирди. Бу Афинанинг танасида Хагия Софиянинг намоён бўлганидан далолатдир. Афина доимгидек мусиқани ўчирди, бошини чангаллаб йиғилганларни кўздан кечирди. Тўпланганлар ўзларини кўринмас куч бошқараётган бу тананинг буйруғига бўйсунишга тайёр деб ҳис қила бошлашди.

Маросим одатдаги кетма-кетликда давом қилди. Севги ҳақидаги саволларни ҳисобга олмаганда, Афина



одамларни қийнаётган хавотирлар, касалликлар ва бошқа бир қатор шахсий муаммолар хусусидаги барча саволларга жавоб берди. Шу маҳали мен кўпчиликнинг кўзида милтилаган ёшни кўрдим. Бошқалар ўзларини авлиё қаршисида тургандек ҳис қилишди. Ундан кейин Хагия София ваъз қилди. Маросим Онага шукроналик билан якунланди.

Биз иложи борича одамлар орасида тарқаб кетаётган ғийбат ва ёлғон-яшиқларнинг олдини олишимиз кераклиги ҳақида ўйлай бошладим. Назаримда, у Андреанинг маслаҳатига қулоқ тутиб, одамларга ундан мўъжиза кутмасликларини уқтириши лозим.

– Бугунги маросимни ёпиқ деб эълон қилишдан олдин мен парҳез масаласига тўхталмоқчиман.

Бу Хагия Софиянинг сўзлари эди. Унинг гаплари диққатимни тортди.

– Ихчам ва хушсурат бўлишнинг турли-туман усуллари унутинг!

Парҳез? Усулларни унутиш?

– Бизни минг йиллардан буён омон сақлаб келаётган омил, бу озуқа топиш ва овқатланишдир. Энди эса овқат ейиш биз учун тавқи лаънат бўлиб туйилмоқда. Нега? Қирқ ёшда ҳам йигирма ёшлигимиздаги қоматни хоҳлашимизга бизни нима мажбурламоқда? Вақтни тўхтатиб қўйиш қўлимиздан келадими? Албатта, йўқ! Нега озғин бўлишимиз керак?

Мен оломон орасида ўзаро шивирлашни эшитдим. Уларга кўпроқ илоҳий огоҳлантиришлар керак эди, чамамда.

– Озишга асло ҳожат йўқ. Турли-туман йўриқнома-лар ёзилган китоблар сотиб оламиз, спорт залларига қатнаймиз, диққат-эътиборимизни вақтни орқага қайтаришга қаратамиз. Ваҳоланки, биз бу вақтни бу дунёда эканлигимиз учун шукрона қилишга сарфла-



шимиз лозим. Яхши яшаш тўғрисида ўйлаш ўрнига вазнимиз ҳақида қайғурамыз.

Бу тўғрида унутинг. Хоҳлаган китобни ўқинг, хоҳлаган машқларни қилинг, қанча истасангиз, шунча ўзингизни қийнанг, бироқ олдингиздаги икки йўлдан бирини танлашдан бошқа чорангиз йўқ: ё яшашни бас қилиш, ёки семириш.

– Меъёрида ва роҳатланиб, лаззатланиб энг. Одамнинг оғзидан кирадиган эмас, ошқозонда ортиб, безовта қиладигани иблисдир. Минг йиллар давомида очликка қарши курашганимизни унутманг. Умр бўйи нозик қоматда яшаш фикри кимдан чиққан? Айтишим мумкин, бу ўз келажагидан даҳшатга тушаётган, кўнглида имон эмас, нафс ин қурганлардан чиққан. Улар ўзларини фалак гардишини тўхтатиб қўйишга қодир деб биладилар. Хагия София юз фоиз кафолат берадики, бу тамомила хато. Қувват ва парҳезга сарфлаётган куч орқали маънавий озуқланишга интилинг. Билингки, Буюк Она сизга саховат қилади ва донолик билан сийлайди. Шунини ёдда тутиб, ҳурмат қилсангиз, танангиз ўз меъёридан ошиқча семирмайди. Парҳез ҳар доим келишган бўлиб юришингизни кафолатламайди. Қувватингизни орзуларингиз учун курашишга сарфланг.

Бир оздан сўнг йиғилиш ниҳоясига етди. Оломон бизни яна ўша олқишлар билан кузатди. Кейинги сафар тўрт-бешта танишларимни чақириб, ҳимоя тизимини ташкил этишни мақсад қилдим. Виорелни кўтариб олдим.

Бир дўкондор энгимдан тортди.

– Бу аҳмоқона йиғилиш! Агар дўконимдаги деразага зарра шикаст етадиган бўлса, сизни судга бераман!

Афина оломон ўртасида эди. Кулар ва дастхат ёзиб берар эди. Виорел ҳам бахтли кўринди. Бу ерда бирор-



та ҳам журналист йўқлигидан умид қилдим. Оломонни ёриб, йўлга чиқишимиз билан такси тўхтатдим.

Уларга бирор ерга бориб, у-бу нарса ейишни маслаҳат бердим.

– Албатта, – деди Афина, – бу айна мен айтмоқчи бўлган таклиф.

АНТОНЕ ЛОКАДУР, ТАРИХЧИ

«Портобелло жодугари ҳодисаси» дея нотўғри талқин қилинган воқеалар ривожиди мени ҳаммасидан ҳам кўра қойил қолдиргани кўп йиллик тажрибага эга халқаро журналист Хэрон Ряннинг зукколиги бўлди. Суҳбатлашганимизда, у менга «сариқ матбуот» нашрларидан бирида эълон қилинган мақоланинг кириш қисмидан ҳайратда қолганини айтди.

Ўша нашрда Афинанинг фикрлари «Маъбуда парҳези» дея эътироф этилган. Яна бир рўзнома «Портобелло жодугари еб туриб, хушсурат бўлишни таклиф қилади» деган кириш сўзи билан бошланган мақолани олдинги саҳифада эълон қилибди.

Диннинг энг нозик нуқтасидан ташқари, Афина бошқа бир қатор мавзуларга, жумладан, парҳез, урушдан ҳам муҳимроқ бўлган миллий қизиқиш ва табиий ҳалокатларга чуқурроқ ёндашади. Балки, Худоба ишонмасмиз, аммо келишган қоматли бўлишни барчамиз хоҳлаймиз, албатта!

Мухбирлар ҳодисани кўр-кўрона талқин қилган дўкандордан интервью олишган. Улар эса маросим давомида саноқли одамларгина қўлларида қизил ва қора шамдонлар кўтариб туришганини айтишган. Бу дув-дув бўладиган сариқ чақалик шов-шувдан бўлак нарса эмас. Суд жараёнлари давом этаётган бир вақтда, Рян ҳар бир қадамни ўлчаб босаётган бўлиши керак. Сабаби рақиб Афинани жамиятни



юксалтираётган қадриятларни емиришда ҳам айблаши мумкин.

Ўша ҳафта Британиядаги нуфузли рўзномалардан бирининг саҳифасида Иан Бак – Кенсигтондаги католик черкови вазирининг мақоласи эълон қилинди. Унда қуйидаги фикрларни ҳам ўқиш мумкин:

«Обрў-эътиборимга путур етган ва кимгадир ноўрин озор етказганим туфайли, рисоладаги насроний сифатида танганинг иккинчи томонини ҳам инобатга олган бўлсам-да, Парвардигор уйини қаллоблардан тозалаш мақсадида, қўлимдаги қамчидан воз кечмаганман. Айни вақтда Портобеллода гувоҳи бўлаётганимиз ҳам шундай воқеадир. Бир гуруҳ худбин кишилар одамларга ёлғон-яшиқ ваъдалар бериб, ўзларига эргашишга даъват қилишмоқда. Ўзларини қалб халоскорлари ҳисоблаб, кишиларни сохта ваъдалар билан лақиллатишмоқда. Эмишки, улар барча дардга даво топишган. Одамларга уларни хушсурат ва доно бўлишларига кафолат беришаётганмиш.

Шу сабабли ҳам уларни судга бериб, бу ҳолатни бар тараф этишдан бошқа чорам қолмади. Ҳаракат тарафдорлари одамда ноёб қобилиятларни шакллантириш мумкинлигига ишонишади. Қудратли ва ғимматининг чеки йўқ Парвардигоримнинг борлигини инкор қилиб, уни Венус, Афродита каби маъжусий санамларга тенглаштиришади. Неки муҳаббатга дахлдор бўлса, ҳар нарсага рухсат беришади. Лекин муҳаббатнинг ўзи нима? Ахлоқ қоидаларига зид бўлган охири йўқ кучми? Ёки оила ва ижтимоий муносабатлар каби жамиятнинг аҳамиятли қадриятларига нисбатан ишончми?»

* * *

Кейинги учрашувнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, полиция томонидан махсус гуруҳ бириктирилди. Афина Рян томонидан тайинланган қўриқ-



чилар ҳамроҳлигида келди. Тўпланганлар орасидан нафақат олқиш, балки норози товуш ва қарғишларни ҳам эшитиш мумкин. Икки кун ўтиб, ёш ўғлини ўзи билан изма-из эргаштириб юрган Афинага қарши тергов жараёни бошланди. 1989 йилги Болалар Конвенциясига кўра, она ўз фарзанди саломатлигига салбий таъсир ўтказаетган эди. Шу сабабли ваъсийлик ҳуқуқи отага берилиши керак эди.

Рўзномалардан бири Жессен Петерсонни қидириб топибди. Бироқ жаноб Петерсон интервью беришдан бош тортади. У журналистга мақоласида Виорел ҳақида бирор нима ёзадиган бўлса, ўз ҳаракатларига жавоб бера олмаслигини айтиб пўписа қилади.

Кейинги куни ўша рўзномада «Портобелло жодугарининг эри ўғли учун қотилликка ҳам тайёр» гапи билан бошланувчи мақола эълон қилинди.

Ўша куни тушликда 1989 йилги Болалар Конвенциясига асосланиб, суд Афинага қарши яна икки айблов қўйди. Болани ҳимояга олиш хусусида жар солинди.

Шундан кейин гуруҳ йиғилишлари бўлмади. Тинчлик ўрнатиш мақсадида келган полиция офицерлари тўпланган тарафдорларни ва норозиларни тарқатиб юборишди. Кейинги ҳафтада ҳам шундай бўлди. Афинадан дарак бўлмади. Бу сафар омборхонага йиғилганлар у қадар кўп эмас эди.

Учинчи ҳафтада омборхонага гул кўтариб келган саноқли одамларни учратиш мумкин. Кимдир ўтган-кетганларга Афинанинг суратини тутқазарди.

Бу мавзу Лондон кундалик рўзномаларининг бош саҳифаларидан тушди. Ҳаттоки Иан Бакнинг Афинага нисбатан қораловларини бекор қилинганида ҳам бирор бир нуфузли нашр унинг хулосаларига қизиқиш билдирмади. Баъзи бир олди-қочди рўзномаларда унинг «Рисоладаги насроний сифатида биз пушаймон қилганларга бағри кенглигимизни



намойиш қилишимиз лозим» қабилидаги фикрлари босилди.

Билишимча, бу воқеа умуммиллий янгилик бўлмаган. Лондон нашрларигина буни эълон қилиб борган. Гуруҳ йиғилишлари тўхтаб қолгач, бир ойдан сўнг Бригтонга ташриф буюрдим. Дўстларим даврасида бу мавзунини кўтаришга ҳаракат қилганимда, улардан бирортаси ҳам Портобеллодаги янгилик хусусида аниқ бир тасаввурга эга эмаслиги маълум бўлди.

Ҳаммасидан ҳам мени ҳайратга солгани Хэрон Рян – тажрибали журналист ўз дўсти Ширин Халил тўғрисида матбуотда бирорта ҳам фикр билан чиқиш қилмагани бўлди.

Назаримда, Портобеллодаги воқеани, Афганистон ҳаракатларини жиноят дейиш нотўғри. Бунга жиноят тусини бериш жамиятнинг мудҳиш бир хатоси бўлди.

ХЭРОН РЯН, 44 ЁШ, ЖУРНАЛИСТ

Афина диктофонни ёқишимни сўради. У ўзи билан мен илгари кўрмаган, ихчам диктофон олиб келибди. Овозини ёзиб олишим зарурлигини айтди.

– Биринчидан, – деди у, – шуни айтмоқчиманки, сўнгги вақтларда кўплаб дўқ-пўписаларга дуч келяман. Менга таҳдид қилишмоқда. Иккинчидан, бу гапларни ўлган тақдиримда ҳам, энг камида беш йилдан кейин эшиттиришга ваъда бер. Ким ҳақ ва ким ноҳақ бўлганини келажакда одамларнинг ўзлари айтишади. Розилигингни айт. Шу орқали расмий шартномага қўшилган бўласан.

– Розиман. Аммо ўйлашимча...

– Ҳеч нарсани ўйлама. Мурдам топилган тақдирда бу ёзувлар далил бўлади. Ҳозирги вазиятда бу гапларни матбуотда эълон қилишнинг иложи йўқ.

Диктофонни ўчириб қўйдим.



– Қўрқишинг ноўрин. Ҳукуматда дўстларим бор. Улар бизга ёрдам беришади. Биз...

– Сенга севган йигитим «Скотланд Ярл»да ишлашни айтганмидим?

Фақатгина шу мавзу керак эмас! Агар у ростдан ҳам бўлса, нега шу пайт – Афина ва Виорел унга муҳтож бўлишганида дараги йўқ.

Саволлардан бошим оғриб қолди. Бу аёлнинг хаёлидан нималар ўтмоқда экан. Ёки у мени синаяптими?

– Диктофонни ёқ, – деди у.

Юрагимга ғулғула тушди. «У мендан фойдаланяпти», деган ўй миямга жойлашиб олди. Эҳтимол, у туйғуларимни жиддий қабул қила олмаётгандир. Уни кўриш учун ҳар нарсадан воз кечишга тайёр бўлган пайтим ҳам бўлган. У менга муҳтож бўлганида, доимо ёнида ҳозир у нозир бўлганман. Бир куни келиб мени «дада» дейишига умид боғлаб, ўғли билан яхши муносабатда бўлдим. Афинани қилаётган ишидан тўхтатишга уриниб, унга қарши чиқмадим. Унинг турмуш тарзини, қарорларини сўзсиз қабул қилдим. У сукут сақлаб азобланганида, буни ўзимда ҳам ҳис қилдим. Афина зафар қозонганида, мен ҳам суюндим. У билан фахрландим.

– Диктофонни нега ўчириб қўйдинг, ўзи? – сўради у.

Мен дўзах ва жаннат, қўзғолон ва осудалик, совуққонлик ва исёнкор туйғулар оралиғида аросатда қолдим. Бор кучимни тўплаб, ўзимни қўлга олишга уриндим. Диктофон тугмачасини босдим.

– Давом этишинг мумкин, – дедим Афинага.

– Айтганимдек, ўлдирмоқчиликларини айтиб, менга пўписа қилишяпти. Уларнинг айтишича, мен аллақандай иблис салтанатини қураётган эканман. Улар эса бу ҳаракатларимни қўл қовуштириб кузатиб туриша олишмасмиш.

– Полицияга хабар бердингми?



Севган йигити тўғрисидаги ҳар қандай ишорани ўтказиб юборишга уриндим. Шу орқали унинг бу чўп-чагига ҳеч қачон ишонмаслигимни билдирдим.

– Ҳа. Айтиб кўрдим. Улар қўнғироқларни ёзиб ҳам олишди. Қўнғироқлар жамоат телефон бўлимларидан бўлган экан. Полициядагилар уйимни қўриқлашаётганини айтиб, хавотирга тушмаслигимни сўрашди. Бир одамни ҳам қўлга олишибди. Руҳий касал экан. У ўзини қайта туғилган хаворийлардан (*Исо Масиҳнинг издошлари – таржимон изоҳи*) бири эканлигини, Исо учун курашаётганлигини айтибди. Аини вақтда у руҳий касалхонада экан. Полициянинг айтишича, у илгари ҳам одамларга шу каби тазйиқлар ўтказгани учун руҳий шифохонада ётиб чиққан экан.

– Ҳамонки полиция кўз-қулоқ экан, қўрқишга асло ҳожат йўқ. Бизнинг полиция дунёдаги энг ҳушёрдир.

– Мен ўлиб кетишимдан қўрқаётганим йўқ. Агар бугун ажалим етган бўлса, менинг ёшимдаги камдан-кам одам мен эришган мавқега етганини ўйлаб, хотиржам ўлишим мумкин. Ташвишланаётганим ва буни сендан ёзиб олишимни сўраганимнинг боиси, мен ўзим кимнидир ўлдириб қўйишим мумкин.

– Кимнидир ўлдиришинг мумкин? – таажжубланиб тикилдим унга.

– Ўзинг кўриб турибсан, Виорелни мендан қонуний йўл билан тортиб олишмоқчи. Дўстларимдан ёрдам сўрадим. Ҳеч ким ёрдам бера олмайди. Ажрим қарорига шай туришдан бошқа иложим йўқ. Суднинг айтишича, одам туйғуларини ўйинчоқ қилиб ўйнайдиган ўша асаб ишқибозлари ўз мақсадларига ҳар қандай йўл билан ҳам етишга тайёр. Шу сабабдан ҳам қурол сотиб олдим. Бола учун ўз онасидан айрилиш қанчалик оғир мусибат эканлигини яхши биласан. Чунки буни ўз бошимдан ўтказганман. Суд ижрочиси келиши биланоқ, уни отиб ташлайман ва улар мени



отишмас экан, охирги ўқ қолгунича ҳаммасини қириб ташлайман. Шунда ҳам ошхонадаги пичоқларни ишга соламан. Агар улар пичоқларни тортиб олишса, тиш ва тирноқларим билан уларни бурдалайман. Тирик эканман, ҳеч ким мендан Виорелни тортиб ололмайдди. Буларни ёзиб оляпсанми?

– Ҳа, аммо бошқа йўллари ҳам бор.

– Бошқа йўли йўқ. Шахсан отам бу иш билан шуғулланыпти. Унинг гап-сўзларига қараганда, оила қонунига мувофиқ, бизда озгина имконият бор экан, холос. Энди буни ўчириб тур, – диктофонга ишора қилди.

– Бу гаплар ростдан ҳам сен учун далил бўла оладими?

У жавоб бермади. Узоқ жимликдан сўнг у магнитофонни улаб, менга ёд бўлиб кетган мусиқа оҳангига зид ҳаракатда рақсга туша бошлади. Унинг мақсади менга аён. Деразадан тушаётган қуёш нури хонани ёритиб турар, Афина эса бошқа бир нурни қидирмоқда эди.

У шу нурни топгач, рақсга тушишдан тўхтаб, мусиқани ўчириб қўйди. Бошини чангаллаб, бир муддат қимирламай турди. Сўнг бошини кўтариб, менга юзланди.

– Менинг кимлигимдан бохабарсан, шундайми?

– Ҳа. Афина ва унинг илоҳий қиёфаси Хагия София. Инсон турли йўллар орқали ўзининг ботиний қиёфаси билан алоқага кириша олишини тушуниб етдим. Сеникида иккинчи маротаба рақсга тушганимда, ўзимдаги руҳий йўлбошчим – Филемондан илк маротаба хабар топдим. Лекин мен у билан гаплашмайман, унга қулоқ ҳам солмайман. У ўзини намоён қилгандагина, борлигини ҳис қиламан. Ниҳоят, иккаламизнинг ҳам қалбларимиз учрашишди.

– Тўғри айтдинг, – деди Афина, – бугун Филемон ва Хагия София севги ҳақида гаплашишмоқчи.



– Мен ҳам рақсга тушишим керакми?

– Шарт эмас. Филемон мени бусиз ҳам тушунади. Сабаби – менинг рақсимдан таъсирлангани сезилиб турибди. Қаршимдаги эркак ўзи ҳеч қачон эриша олмайдиган нарсадан жабр чекмоқда. Бу менинг муҳаббатим. Аммо ботинингда жойлашган эркак ҳижрон ва айрилиқдан эзилиб яшаш қулгили ва бачканалигини яхши англайди. Мен сени севаман. Бу одамлар орасидаги мажозий муҳаббат эмас. Бу илоҳий ишқ. Биз унга тегишли бўлган ягона эътиқод чодири остида яшаймиз. Бу ерда биз ўз ҳиссиётларимизнинг қули эмас, уларнинг хўжайини эканлигимизни англаб етганмиз. Туйғуларни калака қилаётганим йўқ.

– Унда, севги нима дегани?

– Қалб, қон ва Буюк Онанинг жисми. Борлиқдаги қалблар бир-бирларини қанчалик севишса, сенга нисбатан менинг ҳам туйғуларим бундан кам эмас. Жисмоний «олди-берди»нинг йўқлиги севги заволи топиши дегани эмас. Зеро, ишқ дунёдаги энг қудратли қувватдир. У ўзини турли йўллар орқали намоён қилади.

– Мен ўзимни етарлича кучли деб ҳисоблайман. Эътиборсиз қолаётган туйғуларим мени фақатгина азоблаши ва ёлғизликка гирифтор қилиши тайин.

– Ҳатто мен ҳам иродасизлигимни тан оламан. Айни дамда кимгадир муҳтожман. Аммо кун келиб, буни тушуниб етамиз. Севгининг турли қиёфаларини кўра бошлаганимизда, азоблар барҳам топади. Ўйлашимча, бунга оз қолди. Кўпчилигимиз бизга қизиқ бўлмаган сафарга мажбуран чиққанмиз. Энди эса унинг беҳайрлигини билиб, ортга қайтышмиз. Лекин бу қайтиш изтиробсиз бўлмайди. Сабаби биз узоқ вақт ўзлигимизга бегона нигоҳ билан қарадик ва ундан воз кечдик. Илдизларимиз ва қадриятларимизни қайта топиш биздан вақтни талаб қилади.



Афинанинг гапларидан жуда таъсирландим. Ич-ичимда тошиб бораётган тўлқин мени олға бошлади.

– Севги тўғрисидаги суҳбатни давом эттирсак, дейман.

– Айни шу ҳақида гаплашяпмиз. Ҳеч қандай тўсиқларсиз қалбимда севгининг ўрнашуви мен ҳаётимда қидирган энг олий мақсаддир. Чунки айнан севги умримдаги бўшлиқларга маъно бағишлайди, рақсга чорлаб, лабларимга табассум ҳадя қилади. Ўғлимни ҳимоялашимнинг, жаннат ва яқин одамларим билан алоқа қилишимнинг ўзаги ҳам муҳаббатдир. Ҳиссиётларга қул бўлиш бизни кўп нарсалардан айрилишимизга олиб келади.

– Мисол учун, ўғлингдан.

– Тўппа-тўғри, – жавоб қайтарди Афина. – Ҳаётда мен учун Виорелдан қадрлироқ мазмун йўқ. У муҳаббатимнинг ёрқин исботи. Уни мендан тортиб олишлари мумкинлигини ўйлаб, бор-будимдан ажралаётганимни ҳис қилдим. Кўзимдаги ёш соатлаб тинмади. Ич-ичимдан «Қандайин бемаънилик!» деган овоз келди. Бу Хагия София эди. «Гарчи эртами-кечми ўғлинг сени ташлаб кетган тақдирда ҳам, у сендаги муҳаббатни ўзи билан олиб кетмайди» – таскин берди ўша овоз.

Афинани тушуна бошладим.

– Севги нуқсон ёки қарз дегани эмас. Бу романтик қўшиқларда куйланганидек оддий ҳам эмас. Севги, бу Афина, Ширин ёки Хагия Софиянинг тақдирига айланган ҳаракат. У бошқа изоҳга муҳтож эмас. Фақатгина севиш керак, холос.

– Бу қийин масала.

– Ёзиб олаяпсанми?

– Диктофонни ўчиришимни сўраган эдинг.

– Энди ёқиб қўй.

Афина фикрларини давом эттирди.

– Бу менга ҳам осон эмас. Уйга қайтмаслигимнинг ҳам сабаби – шу. Яшириниб юрмоқчиман. Полиция



мени руҳий касал бўлган жиннидан ҳимоя қила олади. Аммо мени адолатдан ҳимоя қилишга қодир ҳеч кимса йўқ. Инсоният адолати олдида ҳамма нарса баробар. Ҳатто менга юклатилган вазифани уддалашим учун оналик муҳаббатимни ҳам ўртага қўйиб, ўғлимга бўлган васийлик ҳуқуқимдан маҳрум бўлмоқдаман. Афсусланмайман. Бу тақдиримнинг ҳукмидир.

– Уддалашинг муҳим бўлган вазифа нима, ўзи?

– Бунга ўзинг ҳам яхши биласан. Бошланишиданоқ бунга гувоҳ бўлгансан. Бу – Буюк Онага йўл бошлаш, асрлар давомида куч билан бостирилган, аммо ҳозирда қайта тикланаётган қадриятларни давом эттиришдир.

– Балки...

Айтмоқчи бўлган фикримни мушоҳада қилиб кўрдим. Мен гапирмагунимча у ҳам индамади.

– Балки, жуда эрта келгандирсан. Эҳтимол, одамлар ҳали сени тинглашга тайёр эмасдир?

Афина кулиб юборди.

– Албатта, улар ҳали тайёр эмас. Барча тортишув ва жаҳолатпарастликнинг сабаби ҳам шу. Зулмат кучлари қирилиб битмоқда. Улар охириги ҳамла учун куч тўплашмоқда. Кучли кўринишса-да, жон беришдан олдин силтанган ҳайвондек, қайтиб оёққа туришга ҳоллари йўқ. Кўплаб қалбларга уруғ экдим. Уларнинг ҳар бири «Янги даврни» ўзларича кашф қилишади. Ёлғиз Андреа «Қадрият»га тўлалигича эргашади.

Андреа.

Афинадан нафратланган, уни муносабатларимизни бузганликда айблаган. Афинани барчага манман ва худбин дея таъриф қилган Андреа.

Афина ўрнидан қўзғалди. Сумкасини қўлига олди. Хагия София уни тарк этмаган эди.

– Ботининг менга маълум. Фойдасиз азият уни даволаяшти, – деди у.



– Андреа сени кўрарга кўзи йўқлигини билсанг керак?

– Бу табиий. Биз севги ҳақида ярим соатча суҳбатлашдик. Бунда яхши кўриш ёки кўрмаслик аҳамиятсиз. Андреа ўз бурчини адо этишига ишонаман. Менга нисбатан унда кўпроқ тажриба ва дилраболик бор. У менинг хатоларимдан хулоса чиқаради. Қора кучлар таслим бўлаётган бир пайтда мулоҳазакор бўлиш лозим. Инсон сифатида Андреа мендан нафратланиши мумкин. Шу сабабли ҳам у ўзининг зўрлигини исботлаш мақсадида ўзидаги туғма қобилиятни жадалроқ ривожлантиришга ҳаракат қилган бўлса ажаб эмас. Инсонни юксалтиришга мажбур қилган нафрат ҳам аслида севгининг бир қиёфасидир.

У диктофонни олиб, сумкасига солди ва мен билан хайрлашди.

Ўша ҳафтанинг охирида суд ҳукми эълон қилинди. Кўпчиликнинг гувоҳлигида Афина номи билан машҳур Ширин Халилнинг фарзандига нисбатан васийлик ҳуқуқи унинг ўзида қолдирилди.

Қолаверса, Виорел ўқийдиган ўғил болалар мактаби раҳбариятига расмий огоҳлантириш хати жўнатилди. Унга кўра, Виорелга нисбатан бирор бир айирмачилик кузатиладиган бўлса, раҳбарият қонун олдида жавобгарликка тортилади.

У яшайдиган уйнинг чақирув тугмачасини босиш фойдасизлигини биламан. У ўзига керакли буюм, кийим-кечакларни олиб, калитни Андреага ташлаб кетган.

Бу ғалабани нишонлаш таклифини кутиб, унинг телефон қўнғироғини кута бошладим. Кунлар ўтган сайин Афинага нисбатан севгим жабр-ситам ботқоғидан бахтиёрлик ва хотиржамлик йўлига айланди. Ёлғизлик домидан озодликка чиққан эдим. Фазонинг қайсидир қатламларида Афина ва менинг қалбим



бирга эканликларидан маст бўлиб юришаётганига мен ҳам ишонаман.

Бир ҳафта ўтди. Уни ҳали ҳам руҳий тушқунликдан чиқишга ҳаракат қилаётган бўлса керак, деб тахмин қилдим. Бир ой ўтди. Афина Дубайга қайтиб, олдинги иши билан шуғулланаётганига ишона бошладим. У ерга телефон қилдим. Аммо дарагини топмадим. Манзилини билганимда, унинг учун эшигим доимо очиқлигини ва қаттиқ соғинганимни унга етказмоқчи эдим.

Буюк Она тўғрисидаги кетма-кет мақолаларим қайта-қайта танқидга учради. Мени маъжусийлик динини тарғиб қилишда айблашди. Аммо ўқувчилар орасида кизиқиш ва фикрлар кўзга ташлана бошланди.

Икки ой ўтиб, эндигина тушликка чиққан маҳалим ҳамкасбларимдан бири менга қўнғироқ қилиб, унинг топилганини айтди. Хампстиддан Ширин Халил – «Портобелло жодугари»нинг жасади топилибди. Уни ваҳшийларча ўлдириб кетишибди.

* * *

Ниҳоят, кассетага ёзиб олинган суҳбатларни қоғозга тушириб бўлдим. Қўлёмани унинг ўзига бермоқчиман. Эҳтимол, ўз одатига кўра, у ҳар кун чошгоҳ маҳали Снавдония миллий боғида сайр қилар. Бугун унинг туфилган куни. Тўғрироғи, ота-онаси уни асраб олишган кун. Бу қўлёмма унга менинг совғам бўлади.

Туфилган кунга бобо-бувиси ҳамроҳлигида келаётган Виорел ҳам унга кутилмаган совға тайёрлаб қўйган. Ўртоғига қарашли студияда ўзининг илк мусиқа асарини ёзибди. Тушлик маҳали йиғилганларга уни ижро этиб бермоқчи.

Қўлёммага кўз югуртиргач, Афина мендан нима сабабдан бу ишга қўл урганимни сўраса ажаб эмас.



«Сени тушунишга муҳтож эдим», дейман унга. Афина билан бирга бўлган йиллар мобайнида у тўғрисида эшитганларим менга афсонадек бўлиб туйилди. Энди билсам, аслида афсоналар ҳақиқат экан.

Унга Руминия сафарига ҳамроҳлик қилишни, уйда бўлган душанба йиғилишларига қатнашишни ёки дўстларимизникига бирга боришни таклиф қилсам, у рад этарди. У бутун умр эркин бўлишни истади. Айтишича, одамлар полициячилардан узоқроқ бўлишга ҳаракат қилар эканлар. Мендек одам билан учрашганда, ҳатто бегуноҳ киши ҳам ўзини айбдор ҳис қилиши турган гап.

Унга билдирмасдан икки мартаба Портобелло омборига бордим. Ҳамкасбларимдан Афинанинг атрофида бўлиб, уни ҳимоя қилишларини сўраб, бир нечасини унга бириктирдим. Ниҳоят, пичоқ кўтариб юрган бир кимса қўлга олинбди. У кичик бир мазҳаб фаолларидан эканлиги маълум бўлди.

– Руҳлар менга «Портобелло жодугари»нинг қонидан олиб келишни тайинлашган. Бу қон баъзи бир диний удумлар учун керак. Уни ўлдириш хаёлимга ҳам келмаган. Мана шу рўмолчага томган бир-икки томчи қон кифоя, – зўр бериб изоҳлади қўлга олинган гумондор.

Текширувлар натижасида у Афинани ўлдириш ниятида бўлмаганлиги тасдиқланди. Шундай бўлса ҳам, у айбдор деб топилиб, олти ойга қамалди.

Афина қотилликнинг қурбони бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикр хаёлимга ҳам келмаган. У менга кўздан ғойиб бўлиши кераклигини айтиб, маслаҳат солди. Унга мабодо Давлат Суди Афинадан ўғлининг васийлик ҳуқуқини олиб қўйиш керак деган қарор чиқарса, қонунга қарши бора олмаслигимни айтдим. Суд васийлик ҳуқуқини Афинада қолдиргач, уни қотиллардан яширишнинг имкони туғилди.



Омборхонадаги йиғилишлар кун келиб маҳаллий гийбатчиларнинг мавзусига айланишини, адо этмоқчи бўлган бурчи вайрон бўлишини Афина сезган. Оломон қаршисида туриб, маликалик, жодугарлик ёки илоҳийликка даъво қилмасдан ҳам бунга эришиши мумкин эди. Ваҳоланки, халқ ўзи истаган одамига қудрат бериб, унинг ортидан эргашадиган кучдир.

Афина вақтинчалик кўздан ғойиб бўлиш фикридан қайтди. Агар шундай бўлганида, одамлар бунда ҳам бир аломат бор деб ўйлашарди. Улар Афинани тарки дунё қилиб, жаннатга кўтарилганига ишонишар ва унинг қайтишини сабрсизлик билан кутар эдилар. Кимлардир уни самоларга туташ Ҳимолай тоғларидаги сирли зиёратини ҳам башорат қилган бўлишар эди. У ҳақидаги сирли афсоналар унинг атрофидаги тарафдорлари сонини ошириши тайин. У Портобеллога боришни тўхтатгач, биз бунинг ҳам гувоҳи бўлдик. Хабарчиларимнинг маълумот беришича, қутилганига зид равишда, Афинанинг тарафдорлари кун сайин жуда катта тезликда кўпайиб бораётган эди. Янги гуруҳлар тузилиб, улар ўзларини Хагия Софиянинг издоши эканликларини даъво қилишарди. Қора бозорда сотилган газеталарнинг бирида ўғлини кўтариб турган Афина «жамиятдаги мутаассибликнинг жафокаши» деб ифодаланган эди. Ирим-сиримга берилган азайимхонлар эса ҳар бир инсон Парвардигор билан алоқага кириша олиш фикрини илгари сурган «Афинанинг амри» тўғрисида гапира бошлашди.

Буларнинг бари ўлим билан якун топди. Бу жиноятнинг катта бир шаҳардаги бошқа қотилликлардан фарқи йўқ. Биз зудлик билан баъзи бир эҳтиёт чораларини кўришимиз талаб қилинади.

Жиноятнинг диний гуруҳлар ёки норозиликлар билан алоқаси йўқ. Агар шундай бўлганида, биз аниқланган жиноий занжир кетма-кетлигини адаштириб



қўйишимиз тайин эди. Қурбон таниб бўлмас даражада чавақланмаган бўлар эди. Бу эса қотил топилмаслиги эҳтимоллигини оширарди. Бундай вазиятда жиноятга ойдинлик киритадиган ягона далил, бу – жасад.

Лондондек катта шаҳарларда қотиллик, йўқолиш ва қуйдирилган таналарнинг топилиши одатий ҳол. Хампстид қотиллигига ойдинлик киритишга икки ой вақт кетди. Қотилнинг кимлиги ҳам аниқланди. У ўз-ўзига одил ҳукм ўқиган экан. Жиноятдан сўнг Португалияга жўнаб кетган ва ўзининг бош суягини мажақлаб ташлаган.

Жиноят қидирув жараёнида ҳамкасбларимнинг ёрдамига муҳтож эдим. Бир қўлни иккинчиси ювади. Баъзи бир мулоҳазаларга ойдинлик киритиш лозим бўлди.

Жасад топилиши биланоқ, бу иш бизга юклатилди. Бир оз вақт ўтиб, Португалия полицияси Гвамарисда ўз жонига қасд қилган Британия фуқаросининг жасадини аниқлаганидан хабар топдик. Қасд қилиш тафсилотлари ва далиллари биз тафтиш қилаётган жиноятга мувофиқ келди. Марҳумнинг чўнтагидан топилган хатда у бор мол-мулкани хайрия ташкилотларига мерос қилиб ўтказишини ёзиб қолдирган. Бу эҳтирос туфайли қилинган жиноят. Афсуски, бу севгининг тез-тез учраб турадиган мудҳиш ниҳояси.

Қотил ўзидан қолдирган хатда Афинани Собиқ Иттифоқ республикаларининг биридан олиб келганини, қўлидан келган барча ёрдамани ундан аямаганини, Афинани ўзи учун хотинликка тайёрлаб келганини, бошқа барча Британия фуқаролари каби у ҳам бунга ҳақли эканини таъкидлаган. Шунингдек, у Афина Германиядаги дўстига йўлламоқчи бўлган хатни топиб олганини айтади. Хатда Афина ортиқ кутиб тура олмаслигини, унга зудлик билан самолётга чипта юбориши лозимлигини ёзганмиш. Афина ўша герма-



ниялик ишчи билан Лондон қаҳвахонасида учрашгани ҳам ёзилган.

Бу жуда ҳам чалкаш жиноий жараён.

Дўстларим бу иш билан шуғулланишга иккиланиб қолишди. Ҳеч қайси детектив иш жилдида очилмай қолган жиноят кўрсатилишини истамайди. Жавобгарликни бўйнимга олганимдан кейин, улар рози бўлишди.

Оксфорддаги Афина бир муддат яширинган муҳташам уйга бордим. Танасидан шприцга бир оз қон олдим. Сочидан бир тола олиб, озгинасини куйдириб кўрдим.

Жиноят аниқланганида уни маълум қилдик. Унинг ҳақиқий ота-онаси аниқланмас экан, ДНК текширувларидан наф йўқлигини билар эдим. Қўлимдан келган иш Парвардигордан қотиллик матбуотда «болалаб» кетмаслигини сўраш бўлди. Бир нечта журналистлар бунга қизиқиш билдиришди. Уларга Португалияда жонига қасд қилган қотилнинг хатидаги тафсилотни гапириб бердим. Унинг айнан қайси шаҳардалигини эълон қилмадим. Афинанинг ўлдирилиши билан боғлиқ бирор сабаб топилмаганини айтдим. У диний мутаассибликнинг қурбони бўлган қабилидаги фикрларни қатъиян рад қилдим. Хулосалар шуни кўрсатдики («Полиция ҳам адашади» қабилидаги гап-сўзлардан кейин), марҳума зўрланган экан. Афтидан у қотилни таниган. Шу сабабли ҳам қотил уни ўлдиради ва таниб бўлмас даражада чавақлайди.

Агар Афинанинг ўша германиялик дўсти жавоб хати ёзганида, бу хат «жўнатувчига қайтарилмасин» имзоси остида келиши керак эди.

Мендан ташқари, яна уч киши – ота-онаси ва ўғли Афинанинг ўлими билан боғлиқ тафсилотлардан тўла хабардор. Улар билан бирга мен ҳам дафн маросимида иштирок этдим. Кўп ўтмай қабр тошида унинг исми пайдо бўлди.



Ўгли ҳар дам олиш куни Афинани кўргани боради. Виорел мактабда юқори натижалар кўрсатаётган экан.

Афина ўлимидан олдин қаергадир қочиб кетган тақдирда ҳам, кун келиб ўзининг қочқин ҳаётидан безар ва Лондонга қайтган бўлар эди. Ўшанда яқин дўстларидан ташқари ҳеч ким уни эслай олмасди, эҳтимол. Унгача Андреа муваффақиятга эришган бўларди. У Афинага қараганда анчайин пухта. Жамият билан ишлашни Афинадан кўра яхшироқ билади.

Билишимча, Андреанинг ҳам бурчи Буюк Она эътиқодини ёйиш. Аммо ортиқча эътиборни жалб қилмаган ҳолда. У билан алоқада бўлган, жамиятда ўз ўрнига эга танишларимнинг айтишича, энг холис танқидчилар оммаси тез орада Иан Бакнинг иккиюзламачилигини фош қилади ва бунга нуқта қўяди.

Афинанинг орзуси Вазифани ниҳоясига етказиш эди. Кўпчилик, жумладан, Андреа ўйлаганидек, машҳурликка эришиш эмас.

Ушбу қўлзмага асос бўлган тадқиқотларимнинг бошидаёқ Афинанинг ҳаётини қайтадан тузаётганимга амин эдим. Ниятим – унинг ўзига қанчалар довюрак бўлганлигини кўрсатиш. Унинг яқинлари, дўстлари билан ўтган суҳбатлар давомида ўзимдаги яширин хислатларни кашф қила бошладим. Бу нарсаларга умуман ишонмасам ҳам.

Биз бир-биримиздан тамомила фарқ қиламиз. Бир дунёда яшасак ҳам, қарашларимиз турлича. Мени у ҳақида ёзишга мажбур қилган сабаб – «Афина нега мени севди?» деган саволга жавоб топиш, деган хулосага келдим.

Виктория бекати яқинидаги қаҳвахонада ундан илк маротаба бўса олганимни ҳеч қачон унута олмайман. У ўшанда банкда ишларди. Мен Скотланд Ярдда детектив эдим. Бир неча маротаба учрашдик. Сўнгра у мени рақсга тушиш учун ижарага турган уйининг



эгасиникига таклиф қилди. Бу менинг ҳаётий қоидаларимга зид бўлгани туфайли рад қилдим. У мендан хафа бўлиш ўрнига, қароримни ҳурмат қилишини айтди. Дўстлари томонидан ёзилган баёнларни қайта ўқиётиб, ўз-ўзимдан фахрландим. Сабаби Афина бошқа ҳеч кимнинг қарорини ҳурмат қилмагандек туйилди менга. Бир ой ўтиб, унга севги изҳор қилдим. У ҳам бунга иқрор бўлди. Биз бир оз муддатга айрилишимиз лозимлигини айтди. Бошқа-бошқа мамлакатда ишласак-да, чин севги бунга бардош бера олишини таъкидлаб, Дубайга равона бўлди.

Фақат ўша лаҳзалардагина ундан мени нега севишини сўрашга журъатим етди. «Билмайман ва бундан ташвиш ҳам тортмайман», деди у. Бу ишларни яқунлаш арафасида қоғозга охирги гапларни ёзаётиб билдимки, бу саволнинг жавобини унинг журналист дўсти билан ўтган сўнги суҳбатидан топаман.

«Севги оддийдир».

27 февраль, 2006 йил

МУНДАРИЖА

Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	3
Андреа Маккейн, 32 ёшда, актриса	9
Дэдре Оънейл, 37 ёшда, шифокор, Эдда номи билан	12
машҳур.....	12
Лейла Зайнаб, 64 ёшда, рақамшунос	15
Самира Р. Халил, 57 ёшда, уй бекаси, Афинанинг онаси.....	17
Лукас Жессен Петерсон, 32 ёшда, инженер, собиқ эри....	25
Гианкарло Фонтана ота, 72 ёшда, руҳоний	30
Лукас Жессен Петерсон, Афинанинг собиқ эри.....	34
Гианкарло Фонтана ота, руҳоний	41
Павел Подбиелский, 57 ёшда, ижара уйнинг эгаси.....	46
Питер Шернег, 47 ёшда, ҳолланд парк, лондондаги банк (номи сир тугилади) иш бошқарувчиси	56
Набил Аллаҳи, ёши маълум эмас, бадавий	70
Самира Халил, Афинанинг онаси.....	81
Хэрон Рян, 44 ёшда журналист.....	85
Дэдре Оънэйл, эдда номи билан машҳур	89
Вошо «Бушало», 65 ёшда, ресторан хўжайини	97
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	102
Лилиана, тикувчи, ёши ва фамилияси маълум эмас	105
Самира Халил, уй бекаси	118
Дэдре Оънейл, Эдда номи билан машҳур	122
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	128
Антоне Локадур, тарихчи, франция (isp)	132
Андреа Маккейн, 32 ёшда, актриса	134
Дэдре Оънэйл, Эдда номи билан машҳур	142
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	146
Андреа Маккейн, 32 ёшда, актриса	152
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	157
Антонэ Локадур, тарихчи	160
Дэдре Оънэйл, Эдда номи билан машҳур	165
Андреа Маккейн, 32 ёшда, актриса	170
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	176
Дэдре Оънэйл, Эдда номи билан машҳур	183

Андреа Маккейн, 32 ёшда, актриса	187
Хэрон Рян, 44 ёш, журналист.....	193
Дэдре Оънейл, Эдда номи билан машҳур	201
Хэрон Рян, 44 ёш, журналист.....	215
Дэдре Оънейл, Эдда номи билан машҳур	219
Самира Халил, уй бекаси	225
Хэрон Рян, 44 ёшда, журналист.....	230
Антоне Локадур, тарихчи	236
Хэрон Рян, 44 ёш, журналист.....	239

Адабий-бадий нашр

ПАУЛО КОЭЛЬО

ПОРТОБЕЛЛО ЖОДУГАРИ

Роман

Муҳаррир
Феруза ҚУВОНОВА

Мусаҳҳиҳ
Садоқат ҚАРШИБОВЕВА

Бадий муҳаррир
Суннат МУСАМЕДОВ

Саҳифаловчи
Дилдора ЖҶРАБЕКОВА

Техник муҳаррир
Умидбек ЯХШИМОВ

Лицензия рақами: АИ № 252. 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 18.07.2017 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 8,0. Шартли босма табағи 13,44
Гарнитура «Century Schoolbook». Офсет қоғози.

Адади 10000 нусха. Буюртма № 184.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

нашр бўлими – 147-00-14; 129-09-71;

маркетинг бўлими – 128-78-43; 397-10-87;

факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru